

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ  
ХОКИМЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ**  
**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ**  
**ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**  
**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**  
**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МУҲАММАД РИЗО ЭРНИЁЗБЕК ЎГЛИ  
ОГАҲИЙ**

## **АСАРЛАР**

**3-ЖИЛД**

## **ЗУБДАТУ-Т-ТАВОРИХ** (Тарихлар сараси)

**Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар  
муаллифи:**

**Нурбой ЖАББОРОВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

**Тошкент – 2019**

**Атоқли ўзбек адиби шоир, таржимон ва муаррих Мұҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигига бағишиланади.**

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартағи “Мұҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори З-бандига мувофиқ амалга оширилмоқда.

**Атоқли ўзбек адиби шоир, таржимон ва муаррих Мұҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигига бағишиланади.**

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартағи “Мұҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори З-бандига мувофиқ амалга оширилмоқда.

#### **Тахрир ҳайъати:**

**Ф.Ў.Эрманов** (такрир ҳайъати раиси), С.К.Салаев, Б.А.Абдухалимов, Б.И.Абдуллаев, С.Сайид, И.И.Абдуллаев, Н.М.Маҳмудов, Ш.С.Сирожиддинов, А.А.Аҳмедов (нашиёт бош мұхаррири), Ҳ.Ж.Абдуллаев, С.Рўзимбоев, З.Дўсимов, Н.А.Жабборов, Г.Халлиева, Н.Т.Полвонов, М.С.Абдуллаев, Д.Қ.Ғойипов, Р.Ҳасанов, А.Д.Ўрозбоев (loyixa мувофиқлаштирувчи ижочиси)

“Зубдату-т-таворих” – Мұҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий бадиий-тарихий насрининг “Фирдавсу-л-иқбол” ва “Риёзу-д-давла”дан кейинги учинчи китоби. Асарда Хива хонларидан бўлган Раҳимқулихон даври (1843 – 1846) воқеъалари бетакрор бадиий шаклда тасвиранган. Огаҳийнинг ушбу мемуар-қиссаси асосан сажъли насрда битилган бўлса ҳам, унда қасида, маснавий, ғазал, рубоий, қитъа, таърих ва фард сингари мумтоз шеърий жанрлар намуналари ҳам кўплаб учрайди. Бу жанрлар асар тилининг бадиияти ва тасвирининг жозибадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Масъул мухаррир:**

**Абдулла Ўрозбоев,  
филология фанлари доктори**

**Тақризчилар:  
Рашид Зоҳид,  
филология фанлари доктори**

**Ҳилола Назирова,  
катта илмий ходим**

## ЎЗБЕК БАДИЙ-ТАРИХИЙ НАСРИНИНГ САРА НАМУНАСИ

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий “Таъвизу-л-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) назмий девони билан мумтоз шеъриятда ҳазрат Навоийнинг муносиб издоши эканини, ўз таъбири билан айтганда, “фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир” эканини исботлади. Унсурулмаъолий Кайковус, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Низомий Ганжавий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Зайниддин Восифий сингари буюк мутафаккирларнинг форс-тожик тилида ижод этилган йигирмадан ортиқ нодир асарлари таржимаси орқали она тилимизнинг ифода имконияти нечоғлик бой эканини амалда намоён этди. Бу улуғ мутафаккир номи наинки мумтоз шоир ва маҳоратли мутаржим, шунинг баробарида, XIX аср Хоразм кечмишига доир нодир манбалар ҳисобланмиш мемуар-қиссалар – бадиий-тарихий асарлар муаллифи сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Огаҳий XIX асрда хукмфармолик қилган хоразмшоҳлар салтанати даври воқеаларига бағишлиланган беш мемуар қисса ёзди. Оллоҳқулихон ҳукмфармолиги даври (1825 – 1843) тўғрисидаги “Риёзу-д-давла”, Раҳимкулихон салтанати воқъалари (1843 – 1846) тасвиrlанган “Зубдату-т-таворих”, Муҳаммад Аминхон (1846 – 1854), Сайид Абдуллоҳон (1854) ва Кутлуғмуродхон (1855) хукмронлик йилларидаги мураккаб ва зиддиятли ҳодисалар ҳақидаги “Жомеъу-л-воқеоти сultonий”, Сайид Муҳаммадхон замонига (1856 – 1865) доир “Гулшани давлат” ҳамда Муҳаммад Раҳимхони соний – Феруз даври (1865 – 1910) васф этилган “Шоҳиду-л-иқбол” каби асарлар шулар жумласидандир. Булар қаторига Шермуҳаммад Мунис ёза бошлаган “Фирдавсу-л-иқбол”ни давом эттириб, бадиий-тарихий насрнинг мукаммал намунаси сифатида якунлаганини ҳам қўшсак, Огаҳийнинг миллий шеъриятимиз ва таржима санъати билан бир қаторда ўзбек мемуар-қиссачилиги ривожига қўшган ҳиссаси ҳам нечоғлик улкан экани аён бўлади.

Улуғ мутафаккирнинг адабий-тарихий асарларини тарихий манба сифатида тадқиқ этган рус олими академик В.В.Бартольд бундай ёзган эди: “Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий-тарихий асарлар (тъкид бизники – Н.Ж.) қанчалик камчиликка эга

бўлмасинлар, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Кўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради”<sup>1</sup>.

Олимнинг айrim фикрларига алоҳида эътибор қаратиш зуурати сезилади. Биринчидан, у Огаҳийнинг тарихий мавзудаги асарларини соғ тарихий асар сифатида талқин этишдан сакланган, уларнинг адабиётга дахлдорлигини эътироф этган. Олимнинг уларни адабий-тарихий асарлар дейиши бунинг тасдиғидир. Иккинчидан, бу турдаги асарларда “тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги” масаласига алоҳида урғу берилган. Бинобарин, бу асарларда тарихий воқеалар тасвирланганини ҳамда фактик материаллар кўп бўлса ҳам, уларни баён этиши усули адабий эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбек ва умуман шарқ бадиий-тарихий насли Огаҳийгача ҳам кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтгани аён. Носириддин Рабғузий, Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Шермуҳаммад Мунис каби буюк адиблар насли мероси бунинг далилидир. Бу улуғ ижодкорлар қаламига мансуб “Қисаси Рабғузий”, “Равзату-с-сафо”, “Макорим-у-л-ахлок”, “Ҳабибу-с-сияр”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Бобурнома”, “Фирдавсу-л-иқбол” сингари асарлар Огаҳийнинг бадиий-тарихий насли учун ўзига хос тажриба мактаби бўлганини таъкидлаш керак.

Ўзбек бадиий-тарихий насли тараққиёт босқичларини Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-иқбол” асли мисолида ўрганган манбашунос Нафас Шодмонов жаҳон адабиётида тарихий насл муаллифлари бадиий адабиёт ривожида сезиларли ижобий рол ўйнагани, Европа адабиётшунослигида антик тарихнавислик замонавий насл учун катта салмоққа эга сюжетлар, бадиий ишланган образлар тақдим этиш билан бирга услубий мактаб ролини ўтагани ҳақида ёзиб, грек тарихнависи Плутарх, инглиз хронистлари Р.Холиншед, Г.Холл кабиларнинг мероси Шекспир, Руссо ва бошқа кўплаб адиблар ижодига катта таъсир ўтказганини бунга мисол тариқасида келтиради. Хитой адиби Сим Цяннинг “Тарихий битиклар”и (“Ши цзи”), “Умр дафтари” (“Лечжуань”) каби асарлар тарихнависликнинггина эмас, балки келажак адабий

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927, стр. 113.

насрнинг таракқиёти тамойилларини белгилашга ҳам хизмат қилганини, Ат-Табарий ва ибн Халдун мероси араб ва ажам тарихнавислари учун намуна бўлганини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шу пайтга қадар асосан тарихий асарлар сифатида баҳоланиб келган Огаҳий бадиий-тарихий насрини маҳсус ўрганган академик Воҳид Абдуллаев бу асарларни “тарихий-бадиий проза”<sup>3</sup> намуналари деб атаса, устоз манбашунослар – Ғулом Каримов ва Субутой Долимов уларнинг “бадиий-тарихий асар тарзида қимматли”<sup>4</sup> эканига урғу берадилар. Профессор Нажмиддин Комилов эса Огаҳийнинг таржима асарлари таҳлили мисолида миллий адабиётимиз тарихида яратилган “қисса ҳикоялар (повест)”<sup>5</sup>ларга эътибор қаратади. Бинобарин, Огаҳийнинг тарихий мавзудаги барча насрый асарлари, жумладан, тадқиқотимиз манбаи бўлган “Зубдату-т-таворих” (“Тарихлар сараси”) ҳам биринчи навбатда бадиий, ундан кейингина тарихий асар ҳисобланади.

Мухим тарихий маълумотлар берилган бўлишига қарамай, услуги, жанр хусусиятлари, ифода тарзи ва бошқа белгиларига кўра “Зубдату-т-таворих”ни ҳам, Огаҳий бадиий-тарихий насрининг бошқа намуналарини ҳам тарихий илмий асарлар сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу асарларни адабий манба сифатида ўрганиш эса адабиётшунослик ҳамда унинг ажралмас таркибий қисми бўлган манбашунослик ва матншунослик учун мухим илмий-назарий хуносалар бериши аниқ.

Асарнинг ўрганилиш тарихидан. Маълумки, Огаҳий бадиий-тарихий асарлари ҳақида америкалик олим Э.Оллворснинг “Ўзбек адабий сиёсати”<sup>6</sup> китобида таҳлилий фикрлар учрайди. Э.Оллворс тадқиқотидан кейин орадан кўп йиллар ўтиб, яна бир америкалик олим Юрий Брегель мумтоз шоир ва муаррих Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавсу-л-

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадиий-тарихий насрини таракқиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2009, 39–40-бетлар.

<sup>3</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1967, 380-бет.

<sup>4</sup> Каримов F., Долимов С. Огаҳий – тарихчи / Огаҳий. Асарлар, VI жилдлик, V ж. – Т.: 1978, 16-бет.

<sup>5</sup> Комилов Н. Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати // Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Огаҳий ҳақида мақолалар). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 80-бет.

<sup>6</sup> Edward Allworth. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964.

икбол”нинг дастлаб илмий-танқидий матнини<sup>7</sup>, кейин эса асарни инглиз тилига таржима қилиб, икки жилд ҳолида нашр эттириди.

Бундан ташқари, Огаҳий бадиий-тариҳий насрини юзасидан россиялик<sup>8</sup> мутахассислар, шунингдек, ўзбек олимларининг<sup>9</sup> тадқиқотлари эълон қилинган. Шу жумладан, 1997 – 2002 йиллар давомида ушбу сатрлар муаллифининг асар ҳақидаги кузатишлари мақолалар тарзида чоп этилган. Бироқ асар юзасидан маҳсус илмий тадқиқотлар яратиш – келажакнинг иши.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида устоз олимлар Фулом Каримов ва Субутой Долимов саъй-ҳаракатлари билан Огаҳий асарларининг олти жилдлиги нашр этилди. Бадиий-тариҳий асарлари жамланган бешинчи жилдда “Зубдату-т-таворих”дан” сарлавҳаси остида асардан кичик бир парча эълон қилинди<sup>10</sup>. Бироқ Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон салтанати даврига бағишлиланган бу мемуар-қиссанинг илмий изоҳлар билан таъминланган тўлиқ матнини чоп этиш имкони бўлган эмас. Табиийки, ўша кезлари асарнинг мукаммал нашрини амалга ошириш тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Чунки, бадиий-тариҳий насрнинг бу юксак намунаси моҳиятнан ўша даврдаги хукмрон мафкура сиёсатига, унинг тутумига тамомила зид эди. Унда тариҳий воқелик бетакрор бадиият билан тасвирланган, хукмдор аждодларимизнинг жоҳиллиги эмас, фазилатлари хусусида баҳс юритилган эди.

Таъкидлаш жоизки, узок муддат давомида «Зубдату-т-таворих» тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди. Ўтмиш

<sup>7</sup> Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm. Ed. by Yu. Bregel. Leiden: Brill, 1988; Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm. Transil. from Chaghatai ahd annotated by Yu. Bregel. Leiden, Koeln: Brill, 1999.

<sup>8</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927; Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1948; По следам древнехорезмской цивилизации. М.-Л., 1948; Под ред А.К. Боровкова. Очерки по истории Средней Азии. М., 1951.

<sup>9</sup> Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргacha). Т., 1959; Йўлдошев М.Й. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959; Муниров Қ. Огаҳий. Илмий ва адабий фаолияти. – Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1959; Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тариҳий асарлари. – Тошкент, “Фан” нашриёти, 1960; Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002; Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1995; Султонова Қ. Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асари адабий манба сифатида. Филология фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2000.

<sup>10</sup> Қаранг: Муҳаммад Ризо мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. V жилд. Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 173–201-бетлар.

адабий-тарихий меросни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бугунги кунда, замондошларимизни, айниқса, ёш авлодни мазкур асарнинг асл моҳиятидан хабардор қилиш, бунинг учун эса асарнинг илмий изоҳлар билан таъминланган мукаммал нашрини амалга ошириш ҳаётий заруратдир. Бинобарин, асадан эълон қилинган парча, таъкидланганидек, ўкувчига унинг мазмун-моҳияти ҳақида тўлақонли тасаввур бера олмайди. «Зубдату-т-таворих»нинг илмий изоҳлар, луғат ва кўрсаткичлар билан таъминланган асл кўлёзма манба асосидаги тўлиқ табдили эҳтиёж самараси эканини таъкидлаш керак.

Бизгача “Зубдату-т-таворих”нинг беш кўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, улардан бири Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург Шарқ кўлёзмалари институтида (собиқ Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимидаги) Е 6 – V (590 об) ашё рақами остида, яна бири Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида (собиқ С. Щедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида) Т.н.с. – 22 ашё рақами билан, учтаси Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (821/III, 5364/III, Ҳамид Сулаймонов фонди, 275/II) сақланади.

Мазкур кўлёзмалар билан шуғулланган матншунос Фатхулла Фанихўжаев маълумотларига кўра, улардан Оғаҳий ҳаёт пайтида кўчирилгани Санкт-Петербург Шарқ кўлёзмалари институтида Е 6 – V (590 об) рақами билан сақланаётган қўлёзмадир<sup>11</sup>. Дарҳақиқат, қўлёзма қора (сарлавҳалари қизил) сиёҳда настаълик хати билан Ўрта Осиё қоғозига кўчирилган, матн жадвал ичига олинган. 52 варақ (387<sup>б</sup>- 439<sup>а</sup>), ўлчами: 49 x28,5; 35,5x17,5; 25<sup>12</sup>.

Л.В.Дмитриева, А.М.Мугинов, С.Н.Муратовлар тузган “Описание тюркских рукописей Института народов Азии” каталогида “Зубдату-т-таворих”нинг Санкт-Петербург нусхаси ҳақида анча муфассал маълумот берилган. Жумладан, “Зубдату-т-таворих”нинг икки қисм (мақола)дан таркиб топгани, биринчи бўлимда Раҳимқулихоннинг таваллудидан тахтга чиққунга қадар содир бўлган ҳодисалар, иккинчи бўлимда эса унинг ҳукмронлик даври воқеалари қаламга олингани қайд этилган. Матншунос

<sup>11</sup> Оғаҳий асарлари тавсифи (каталог). Тузувчи: Ф.Фанихўжаев. Т., 1986, 26–27-бетлар.

<sup>12</sup> Бу ҳақда қаранг: Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. Том I. Изд-во “Наука” Главная редакция восточной литературы, Москва, 1965, стр. 111, оп. 102.

Ф.Ғанихўжаев тузган “Оғаҳий асарлари тавсифи” каталогида мазкур қўлёзма тавсифида шу манбага таянилган бўлса-да, бу нусха кўчирилган сана 1273/1856 йил, деб кўрсатилган. Аслида эса асар 1274/1857-58 санада Хивада китобат қилинган. “Зубдату-т-таворих”нинг бошланиши ҳақидаги маълумот ҳар иккала тавсифда бир хил келтирилган, бироқ охири “Описание тюркских рукописей...”да

### قىلغاي شاداب وصولى دين مرادات و كامىاب حصولى دين مقاصد ھەمە

тарзида берилган бўлса, Ф.Ғанихўжаев каталогида

ایت سرفراز تاجىدىن كرمىنڭ

ایت ممتاز اىچىدا اھلى روضە

байти асарнинг охири сифатида зикр этилади ҳамда “Асарнинг кейинги нусхаларида ҳам бошланиши ва охири бир хил”, дея таъкидланадики, бу илмий ҳақиқатга мувофиқ келмайди.

Бинобарин “Зубдату-т-таворих”нинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сакланаётган ва биз ушбу нашр учун асос манба этиб танлаган нусхасининг охири ҳам “Описание тюркских рукописей...”да тавсифланган қўлёзма билан айнан бир хилдир.

Асарнинг Тошкентдаги нусхалари қисқача тавсифи кўйидагича: 821-рақамли қўлёзма. “Зубдату-т-таворих”нинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сакланаётган бу нусхаси юпқа новвотранг шилдироқ Кўқон қофозига қора (сарлавҳалари қизил) сиёҳда настаълик хатида кўчирилган. Китобат санаси – 1298/1881 (нима учундир Ф.Ғанихўжаев тузган каталогда бу нусха кўчирилган сана 1289/1880 тарзида номувофиқ келтирилган). Котиб – Мулло Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Карим девон. Матн тўлиқ. Қалин картон устидан нақшинкор қора чарм билан муқоваланган. 50 варақ ( $386^b - 435^a$ ), ўлчами:  $27 \times 44^{13}$ .

5364-ашё рақамли қўлёзма. Асарнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сакланаётган бу нусхаси 1322/1904

<sup>13</sup> Д.Ю.Юсупова ва Р.П.Жалилова тузган “Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История” (Ташкент, Изд-во “ФАН” Академии наук Республики Узбекистан, 1998, стр.199) каталогида қайд этилганидек, “Зубдату-т-таворих” ҳақида дастлаб Миён Бузрук Солиховнинг “Ўзбек тарихига оид тўрт мухим китоб” (“Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1927 йил 9 – 10-сонлар) мақоласида маълумот берилган. Шунингдек, асар қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ томонидан нашр этилган “Собрание восточных рукописей” каталогида (VII, 35. №5023) тавсифланган. Бундан ташқари, З.Аксакованинг “Материалы по истории туркмен и Туркмении” (т.II, с.477-499) тадқиқотида ҳам асардаги маълумотлардан истифода этилган. Биз ҳам қўлёзмалар тавсифида ушбу асар манбалари устида ўзимиздан аввал тадқиқот олиб борган мутахассислар ишларидан фойдаландик.

йили мазкур котиб – Мулло Мұхаммад Ризо ибн Мұхаммад Карим девон томонидан китобат қилингандык<sup>14</sup>. Бу қүләзма ҳам Қўқон қоғозига қора (сарлавҳалари қизил) сиёҳда чиройли настаълик хатида кўчирилган бўлиб, матн тўлиқ. Ўймакор нақшли картон билан муқоваланган. 55 варак. (367<sup>б</sup> – 421<sup>а</sup>). Ўлчами: 29x43.

275-рақамли қўләзма. “Зубдату-т-таворих”нинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти Ҳ.Сулаймонов фондида сақланаётган бу нусхаси 1328/1910 йили кўчирилган. Котиб – Мулла Худойберган Хивакий ибн Мұхаммад Назар ҳожи. Матн қора сиёҳ билан настаълик хатида кўчирилган. 38 варак (300<sup>а</sup>-337<sup>б</sup>). Ўлчами 27,5x48.

Асарнинг ушбу нашри учун Санкт-Петербургда сақланаётган муаллиф ҳаётлигига кўчирилган қўләзмадан фойдаланиш имкони бўлмагани сабабли, Тошкентдаги нусхаларнинг нисбатан мукаммали – Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида 821-ашё рақами остида сақланаётган манба асос қилиб олинди. Қўләзма куйидаги насрий хотима билан ниҳояланган: “Дониш аҳлиниң хотири хатирлариға маълум бўлсунким, бу нусхаи муҳтасар таълифи ҳазрат зиллуллоҳий ғуфропаноҳийнинг вафоти маломатсамотидин ўттуз беш кун сўнг, санаи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккида йилон йили рабеъу-л-аввал ойининг тўртида, душанба куни ихтитом топди. Саҳву хато ва нуқсонин айб қилмай, маъзур тутсунлар. Балки лутфу карам кўргузуб, ислоҳ берсунлар. Илоҳо, Тангри таоло ҳаммани мақосид ҳусулидин комёб қилғой. Омин. Таммату-л-китоб биъавни-л-малики-л-ваҳҳоб” (435<sup>а</sup>)<sup>15</sup>. “Зубдату-т-таворих”нинг Раҳимқулихон вафотидан 35 кун ўтгач ёзиб тугаллангани ҳақидаги муаллиф қайди (“Саҳву хато ва нуқсонин айб қилмай, маъзур тутсунлар. Балки лутфу карам кўргузуб, ислоҳ берсунлар” сўзлари шундай холоса қилишга асос беради) қимматли маълумот эканини таъкидлаш керак.

Асар муқаддимасида таъкидланишича, “Зубдату-т-таворих”-нинг яратилиш тарихи куйидагича бўлган: Мұхаммад Ризо Оғаҳий Оллоҳқулихон ҳукмфармолиги даврига бағишиланган “Риёзу-д-давла” мемуар-қиссасини якунлагач, бу пайтда Хоразм ҳукмдори

<sup>14</sup> Шарқшунос Қ.Мунировнинг ёзишича, 5364-рақамли қўләzmани кўчириш ишида бошка бир котибнинг ҳам ёрдам қилғанлиги кўзга ташланади. Чунки 391<sup>а</sup> - варакдан 398<sup>б</sup>-варакқача бошқачароқ хат билан ёзилган.

<sup>15</sup> “Зубдату-т-таворих”дан олинган иқтибослар ЎзР ФА ШИдаги мазкур 821-рақамли қўләзма асосида келтирилмоқда. Бундан кейин иқтибосларда қавс ичида факат қўләзма варакларининг рақами келтирилади.

бўлган Раҳимқулихоннинг “мажлиси ишратпарвар ва сухбати кимёасарига элтиб, тухфа чекади”. Муаррих кейинги воқеалар тўғрисида бундай ёзади: “...ул ҳазрат (Раҳимқулихон – Н.Ж.) ҳаддин афзун истехсон кўргузуб, анвоъи лутфу эҳсон била ашбоҳ ва ажносим аросида қуёш янглиғ сарафroz ва мумтозлиғ еткурди. Ва яна ҳаддан афзун илтифот кўргузуб, гуҳарбор тилин мундок жавҳарфишонликга эвурдиким, жаҳони бебунёднинг айвони харобободида иқомат маснадин солмоқ, хусусан, салтанат амири хатирин зиммаи ҳимматга олмоқдин ғараз улдурким, кишидин зикри жамил ёдгор қолса. Бу муддао иморат ва бақеъот бино қилмоқ била даст бермас ва авлод таносули ва таволудига ҳам шомил эрмас. Магар сўз авроқида боқий қолгайким, анга ҳодисоти жаҳон тўфонхезлиги ва тасрифоти замон фитнаангезлигидин осибе ва тафриқа етушмас.

Назм:

*Киши неча иморат қилса бунёд  
Ва ёки ҳаддин афзун қўйса авлод,  
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,  
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.*

Бас, эмди санга лозим ва таҳаттумдурким, бизнинг исми ҳумоюн ва алқоби маймун ва вақоеъи касиру-л-бадоъимизга муштамил бир китоби балоғатинтисоб мураттаб қилайик. Токим, зикри жамил ва васфи жалилимиз замон авроқида боқий қолгай ва жаҳон аҳлин ҳайрат баҳриға солғай. Чун бу илтифоти касиру-л-баракот қуёши аҳволи саодатмаолимға партавафкан бўлди. Кўнглумга ўзга янглиғ қувват ва табъимга ҳаддин афзун сафват ҳосил бўлуб, “Ал-маъмуру маъзур” фатвоси била мундок амири азимдин ибо ва имтиноъ кўргуза олмадим. Ложарам, фармони лозиму-л-имтисол ижросиға далир иштиғол кўргуздим”.

Шарқда, жумладан, Туронзаминда ҳукмдорларнинг сўзга илоҳий неъмат деб қарашлари одатий ҳол. Яхши ном қолдириш – улар ҳаётининг асосий дастури ҳисобланган. Хоразм хони Раҳимқулихоннинг “зикри жамил” ва “vasfi жалил”ини “замон авроқида боқий қолдириш” ва “жаҳон аҳлин ҳайрат баҳриға солиш”дек ҳайрли нияти “Зубдату-т-таворих” асари яратилишининг асосий сабабидир. Маълум бўладики, Огаҳий бу мемуар-қиссани – “китоби балоғатинтисоб”ни Раҳимқулихон фармонига биноан ёзишга киришган.

“Зубдату-т-таворих” икки қисмдан иборат. Муаррих қайд этганидек, асарнинг биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилиши, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳорат эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти сажъли насрда (насри мусажжаъда) гўзал бадиий шаклда муфассал баён қилинади. Асарнинг иккинчи қисми Раҳимқулихоннинг салтанат тахтига ўтирган кунидан то вафотига қадар содир бўлган воқеалар тасвирига бағишлиланган.

Муаллиф Раҳимқулихоннинг таваллуд санаси тўғрисида қуйидагича маълумот беради: “...ул ҳазратнинг валодати лозиму-ш-шарофати жадди бузургвори сultonи фирдавсмакон Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг айёми хўжастафаржомида санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўқкузда, мувофиқи ит йили (милодий 1814 – Н.Ж.), афзали авқотда, камоли соатда вукуъ топиб, инояти субҳоний раҳбарлиги била адам масканидин вужуд гулшанига қадамовар бўлди ва қадами юмнидин жаҳон мамолики анвори саодатда навоъи масаррат била тўлди”.

Асар, таъкидланганидек, сажъли насрда ижод этилган. Унда Хива ҳукмдори Раҳимқулихон эзгу фазилатлар соҳиби сифатида улуғланади, унинг кўплаб илмларни эгаллагани, фуқаро ва раоёга шафқат ва марҳамат, карам ва саховат кўрсатишда тенгсиз экани васф этилади. Хива хонларининг маърифатли бўлганини, адабиёт ва санъат, илму ҳунар ривожига алоҳида эътибор берганини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бу сингари тавсифлар тарихий ҳақиқатга тўлиқ мутаносиб бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ бир нарса аниқки, бу тавсифлар замирида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг одил шоҳ ҳақидаги орзу-идеаллари охорли поэтик ташbihлар билан ифодаланган.

Асар муаллифининг фикрича, ҳукмдор уч фазилат эгаси бўлиши шарт: олий нараб, илму маърифат ва ҳарбий маҳорат. Муаррих хоннинг насиби ҳақида бундай ёзади:

*Келиб зоти сарироройи ижсол,  
Шараф топиб бошидин тожи иқбол.  
Мусалламдур анга мулки маоний,  
Бўлуб давлат эшиги посбони...  
Насабда уйла олийдур анга зот –  
Ки, айлаб фахр андин оли қўнгрот.  
Анга чун умбой халқи топди нисбат,  
Топиб анвоъи қўнгрот ичра рифъат.*

Илму маърифатда камол касб этиш – ҳукмдор учун шарт ва зарур бўлган амаллардан. Муаррихнинг қуйидаги сўзларида шунга ишора қилинган: “Чун ул ҳазрат туфулият айёми шабистонидин хуруж қилиб, шабоб ҳангоми гулистонига уруж этди, илму камол иртикоби ва фазлу афзол иктисобиға саъи тамом била иштиғол кўргузуб, оз муддатда улуми шаръия вактида мушорун алайҳ ва масоили диния муҳофазатида мұтамадун алайҳ бўлди... Хусусан, таворих ва қасоид ва маснавийот ва ғазалийот ва жамеъ шеър улумининг қавоидига маҳорати тамом ҳосил қилиб, дақиқфаҳмлик ва назокатшунослиғ ва латифагўйлик фунунида ул миқдор авжи эътиборға чиктиким, жаҳон фозиллари ва замон комиллари ўз ажзиға қойил бўлуб, ул ҳазрат сұхбатида гўёлиғ тилин хомушлиғ тамоқиға тикдилар”.

Ҳукмдорнинг ҳарбий маҳоратни эгаллаши ҳаётий зарурат экани асарда шоирона фасоҳат билан баён этилади. Жумладан, шоир бу борадаги орзусини Рустами достон, шоҳ Бахром сингари адабий образлар воситасида қуйидагича ифодалайди:

*Кўргузса масоф аро шижсоат,  
Рустамни сув этгуси хижсолат.  
Гар олса қилич, бўлуб газабнок –  
Баҳромга зуҳра бўлгуси чок.*

Огаҳий Хива хони Раҳимқулихонни “шаҳаншоҳи фархундахислат, ҳумоюн эътиқоду пок ният” ҳукмдор сифатида мадҳ этади. Буни “Ҳамиша коми – мулк обод қилмак,adolatdin улусни шод қилмак” – хоннинг ҳаётий аъмоли экани билан изоҳлайди. Бунда ҳам Огаҳийнинг одил ҳукмдор ҳақидаги орзу-умидлари ифодаланган.

Асарда Раҳимқулихоннинг мазлумларга ёрдам кўрсатгани ҳақида бир қанча тарихий фактлар келтирилган. Бу фактлар ҳам шунчаки қайд қилинган эмас, юксак фасоҳат билан тасвиранган. Биргина мисол: ҳижрий 1257 (милодий 1843) йилда Раҳимқулихон отаси Оллоҳқулихоннинг фармойиши билан Эрон юришига отланади. Ушбу сафар асносида Хурсоннинг Бодғис музофотига қарашли Кўшк ва Қоратепа мавзеларида яшовчи жамшидия деган тоифа аҳолиси Раҳимқулихонга Ҳирот ҳокими Шоҳ Комрондан шикоят қиладилар. Улар шоҳнинг зулми ҳаддан ошгани, жамшидия тоифасининг молларини талон-торож этиб, аёллари ва болаларини қул қилиб сотаётганини билдириб, хондан мадад тилайдилар. Раҳимқулихон Эрон сафарини қолдириб, жамшидия тоифасига

мадад беришга қарор қиласи ҳамда ўн беш минг уйлиқдан зиёдароқ элатни Хурасондан Хоразм диёрига кўчириб келади. Оғаҳийнинг гувоҳлик беришича, жамшидия тоифаси “келтурулғондин сўнг Қилич Ниёзбой нахрининг бир шўъбаси канорида Куба тоғининг жануби остида ул тавойифға маскан ва мазореъ таъйин қилинди. Холо, улут әл ва ободон юрт бўлуб ўлтурубдурлар”.

Сир эмас, турли тарихий асарларда бир-бирига зид факт ва маълумотлар, ҳар хил ихтилофли фикрлар учрайди. Бинобарин, улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: “Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукаммал бир асар вужудға келган йўқ”<sup>16</sup>, – деган фикри бугунги кунда ҳам, заррача бўлсин, аҳамиятини йўқотган эмас. Биргина мисол. “Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида Раҳимқулихон ҳақида “... уч йил хукмронлик қилиб, 1261 санаи ҳижрий (милодий 1845)да вафот қилди. Отасининг асарида Бобожон тўра демак ила номзад бўлуб, халқ орасида жавру зулм қилмак ила машҳур эди” деб маълумот берилади<sup>17</sup>.

Таъкидлаш жоизки, “Тарихи Туркистон” муаллифи томонидан Раҳимқулихон ҳақида келтирилган факт ва далилларнинг деярли барчаси тарихий ҳақиқатга зид. Ваҳоланки, Оғаҳий Раҳимқулихоннинг вафот йилини “тарихи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккода, йилон йили, мухарраму-л-ҳаром ойининг ўн бирида, жума куни” деб аниқ кўрсатади. Зоро, у ушбу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган. Шунинг учун Оғаҳий келтирган факт бу борадаги ҳар қандай бошқа мулоҳазани рад этишга асос бўла олади. Бундан ташқари, “Зубдату-т-таворих”да баён қилинишича, Раҳимқулихон эмас, балки унинг укаси Муҳаммад Аминхон Бобожон тўра номи билан машҳур бўлган.

Тарихга ибрат ва тафаккур назари билан қаралса, тож-тахт учун курашлар натижасида неча-неча обод манзилларнинг хароб бўлганию эл-улус аҳволи оғирлашганини, тараққиёт ўз ўрнини таназзулга бўшатиб берганини кузатиш мумкин. Лекин мўътабар манбаларда зикр этилишича, Туркистон тарихида ҳиммати шоҳликдан-да баланд ҳукмдорлар кўп бўлган. “Зубдату-т-

<sup>16</sup> Бехбудий Маҳмудхўжа. Таиланган асарлар. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 1999, 178-бет.

<sup>17</sup> Қаранг: Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, “Насаф” нашриёти, 1992, 128-бет.

таворих”даги факт ва далиллар Раҳимқулихоннинг ҳам худди шундай ҳукмдорлар сирасига киришидан далолат беради.

Асар муаллифининг қайд этишича, Оллоҳқулихон вафот этганида унинг кичик ўғли Муҳаммад Аминхон Хивада бўлган. Отаси вафот этгач, Муҳаммад Аминхон ўша пайтда Ҳазорасп ҳокими бўлган акаси Раҳимқулихонга “отаси вафотининг ахбори ва тез келмагининг асрори учун қосиди сарсармисол” (шамолдай тезкор чопар)ни жўнатади. Раҳимқулихон ўша куниёқ тезлик билан Хивага етиб келади. Таъзия маросими адо этилгач, барча амирлар, уламолар, шариат пешволари “ҳазрат зиллуллоҳий” – Раҳимқулихон ҳузурига йиғиладилар. Ундан хоразмшоҳлик тахтини қабул этишини сўрайдилар. Шунда Раҳимқулихон шоҳликка рағбати йўқлиги, бу дунёning ўзи бевафо экани, шоҳликнинг “нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг” экани тўғрисида сўзлайди. Огаҳий буни маснавийда қўйидагича таъсирчан ифодалаган:

*Неча иши ҳаку неча ноҳақ бўлур,  
Бари ҳазрати Ҳақга мулҳақ бўлур.  
Барисини шаҳдин қилилгай савол,  
Ҳамулдан не бўлгай экан, шаҳга ҳол.  
Агар подшоҳга будур можаро –  
Гадо подшоҳдурки, оти гадо.  
Мунингдек ул навъ ишини аҳли уқул  
Не янглиг малул ўлмай этгай қабул.*

Раҳимқулихондан бу сўзни эшитган мажлис аҳли “Эй малойиксифат подшоҳ, сенинг шоҳликка рағбатинг йўқлигини биламиз. Сенинг ҳимматинг шоҳликдан ҳам олий экани бизга маълум”, деяadolat билан ҳукм юритган салтанат соҳибини Оллоҳ таоло ўз лутфи билан икки оламда шоҳ қилиши, “зухд аҳли тоат билан рутба топса, шоҳadolat воситасида ундан ҳам ўтиши” ҳақида сўзлайдилар. Улар ўз фикрларига бир соатликadolat бир умрлик нафл ибодатдан афзал экани тўғрисидаги ҳадиси шарифни далил сифатида келтириб, Раҳимқулихонни шоҳлик тахтини қабул қилишга ваadolatли сиёsat юритиб, Тангри таолонинг розилигини топишга даъват этадилар.

Огаҳийнинг қайд қилишича, “Чун аркони давлат ва умарои зийшавкатнинг илҳоҳ ва муболағаси ҳадду ғоятдин ўтди, ложарам, ҳазрат зиллуллоҳий камоли карамдин ул жамоанинг ройин синдурмай ва сийнаи илтимослариға дasti рад урмай, салтанат

амри хатирин қабул этиб, ҳамул кечаким, чаҳоршанба куни эрди, намози шом ҳангоми инқизо топғандин сўнгким, асьади соат ва ашрафи авқот эрди, салтанат аврангига қадами муборакин еткуруб, хилофат тожин гўши кулоҳига урди ва хоразмшоҳлик нигинин ангушти иқтидориға солиб, жаҳонбонлиғ зимомин қабзай ихтиёриға олди”.

Раҳимқулихон тўғрисидаги бу таърифу тавсифлар бугунги китобхонга муболағали туюлиши табиий. Лекин, Оғаҳий таърифича, “табъиға борча биликни кашф қилган, кўнглида Ҳақ таоло ишқи жўш урган”, бу дунёning фонийлигини, имтиҳон дунёси эканини юракдан ҳис этган маърифатли ҳукмдорнинг худди шундай йўл тутиши минбаъд таажжубланарли эмас. Зеро, Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асаридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам буни қувватлайди: “Чун Оллоҳқулихон равоҳу-лолами бақо бўлдилар, ул ҳазрат (Раҳимқулихон – Н.Ж.) Ҳазораспда эрдилар. Муҳаммадамин инок камоли мардоналиқдин оқосиға нома бирла хабар йибордиларким, тез келсунлар, отамиз вафот топдилар. Ўзи таъзия умурининг тажхиз ва саранжомиға иштиғол кўргузди. Раҳимқули тўра бу хабарни эшитиб, дарҳол отланиб, йўлға кириб, сесанба куни пешин вақтида Хивақға келдилар. Муҳаммадамин инок тўра тамоми шаҳзода ва бекзодалар ва аркони давлатлар ва тамоми уламоларнинг ижтимоъи ва иттифоқлари била Раҳимқули тўрани ул мажлисга чақириб, хонлик тахтига миндурдилар. Ҳамма муборакбодлик алолосин фалак авжиға еткурдилар”<sup>18</sup>.

Тарихни ўрганмокдан мурод – сабоқ. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “Не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган”ини тафаккур кўзгусида кўриб, ибрат олингандагина бу мурод ҳосил бўлади. Бадиий-тарихий асар сифатида “Зубдату-таворих”нинг аҳамияти бу жиҳатдан ҳам катта. Асарда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро низолар, қонли урушлар, уларнинг оқибатлари ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар таъсирчан ифодаланган. Аксар фикрлар Қуръони карим оятлари ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари билан далилланган. Иймонсизлик, фосиқлик, эътиқодсизликнинг оқибати хорлик экани тарихий воқеликнинг бадиий талқини орқали акс эттирилган.

Асарда кўплаб назм намуналари ҳам келтирилган. “Зубдату-таворих” даги шеърий жанрларни қуйидагича тасниф этиш

<sup>18</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Кўлёзма № 9596, 312<sup>а</sup>-саҳифа.

мумкин: қасидалар (6 та), маснавийлар (70 та), ғазаллар (4 та), рубоийлар (7 та), қитъалар (10 та), таърихлар (4 та), фардлар (6 та). Бундан ташқари, “назм” сарлавҳасида 16 та шеър берилган. Фардлар эса “Байт” сарлавҳаси билан китобат этилган. “Зубдату-т-таворих”даги шеърлар жами 1176 байт (2352 мисра)ни ташкил этади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “Фунуну-л-балоға” асарида ёзишича, шеър ўн қисмга бўлинади. “Билгилким, — деб ёзди олим,—мажмуи шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми, улким мўътабардур, ўн навъ келибтур: қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржиъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард”<sup>19</sup>. Олим таъкидлаган шеър ақсомининг ўнтасидан олтиласи мавжудлигининг ўзиёқ “Зубдату-т-таворих”нинг адабий манба сифатидаги аҳамияти нечоғлик катта эканини, филологик тадқиқотлар учун бой материал беришини тасдиқлайди.

Огаҳийнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганиш унинг шеъриятга ўзига хос талаблар билан ёндашганини кўрсатади. Бу талаблар “Зубдату-т-таворих”га кирган назм намуналарига ҳам тўлиқ тааллуклидир. Жумладан, ижодкор “Таъвизу-л-ошиқин” дебочасида шеърнинг неъмати узамо эканини, Тангри таоло уни ҳар кимга ҳам ато қилмаганини, уни айтмоқ ҳунари ҳар кимнинг ҳам кўлидин келмаслигини таъкидлаб, “шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматин ҳосил қилмоғига сабаб, балки, икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмоғига боис” эканига урғу беради. Улуғ мутафаккир фикрича, Одам фарзандлариға ато этилган неъматлар икки турли: биринчиси – ақлу фаросат, нутқ ва таълимтарбия бўлиб, оммага берилган, иккинчиси эса хос неъмат бўлиб, “алар орасида баъзилариға”гина насиб қилган. “Тиллари фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасиға маоний жавоҳирин назм этарга қодир” шоирлар бу улуғ неъмат шукронасини адо этмоқлари учун “ҳумоюн табълари махзанидин гуногун мазмунлар жавоҳирин назм риштасига термоқлари ва фазлу фатонат чорсуси дўконларини беза”моқлари лозим. Бу сўзлари орқали ҳазрат Огаҳий шоирнинг вазифаси, ижодкор масъулияти нималардан иборат эканини таъкидлайди<sup>20</sup>. “Зубдату-т-таворих”даги шеърлар, қайси жанрда

<sup>19</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Хазина” нашриёти, 1996, 32-бет.

<sup>20</sup> Қаранг: Муҳаммад Ризо Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960, 28-бет.

ижод этилган бўлмасин, ана шу адабий-эстетик талабларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади.

Асарда қасида жанрига оид б та шеър берилган бўлиб, уларнинг ҳажми 227 байт (454 мисра)ни ташкил этади. “Қасиданинг ақалли йигирма етти бўлур ё андин ўксукрак ва аксари муайян эрмас, – деб ёзади Шайх Аҳмад Тарозий. – Ҳар неча қофия даст берса айтурлар ва ҳар не мақсад бўлса баёнға келтуурлар”<sup>21</sup>.

Шайх Тарозий қасида жанрига хос тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Биринчиси – хусни матлаъ, яъни қасиданинг бошланиши маъно жиҳатидан мутлақо қусурсиз латиф сўзлардан ташкил топган бўлиши керак. Иккинчиси – мамдуҳ (мақталгувчи)-нинг адлу инсофи таърифланиши зарур. Учинчи – мамдуҳнинг шиҷоати, тўртинчи – саховати мақталиши лозим. “Ва бу тўрт хислатдин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоирғадур”<sup>22</sup>.

“Зубдату-т-таворих”даги барча қасидалар ушбу жанрнинг туркий шеърият назариётчиси зикр этган талабларига тўлиқ жавоб беради. Масалан, асардаги биринчи қасиданинг ибтидоси “Фунунул-балоға”да айтилганидек, хусни матлаъ санъатининг бетакрор намунаси саналади:

*Шаҳеким, осто ниша топмиши авжси истеъло –  
Ки, гардун ястониб туфроқига бир ҳовуши адно. (387<sup>a</sup>)*

“Хусни матлаъ”ни “хусни ибтидо” деб атаган Атоуллоҳ Ҳусайнининг ёзишича: “Ул андоғдурким, қалом бошинда нозиклигу равонликта ва аларнинг зидди бўлмиши қаттиқлигу матонатта бир-бирига яқин бўлган хушу латиф лафзлардин покиза, ёқимлиғ, мустаҳкам ибора тузарларким, маъно адосинда мутлақан қусур бўлмагай ва тузук зеҳн андин мақсадуга бот ўта олгай, лафзу маъно орасинда муносабат риоя қилгайлар, яхии маънони енгил алфоз била ё аксинча адo қилмагайлар, даги байтнинг икки мисраи ё насрнинг икки бўлаги орасинда муносабат риоя қилгайларким, латофату балогатта бир-бирига яқин бўлгай, бири аълою иккинчиси адно бўлмагай, маънонинг соглом бўлмагига саъй қилгайларким, келишимаган, қарама-қарши, ярамас, урфқа хилоф ва ҳоказо нималардин согlam бўлгай... ”<sup>23</sup>.

Мазкур қасида матлаъи ушбу назарий қоидаларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади.

<sup>21</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Ўша асар, 32-бет.

<sup>22</sup> Ўша манба, 33-бет.

<sup>23</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. (Таржимон: Алибек Рустамов). – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 250–251-бетлар.

Шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаган иккинчи хусусият – мамдуҳнинг адлу инсофи васф этилган мисралар ҳам Огаҳий қасидасида мавжуд. Жумладан, шоир бундай ёзади:

*Инод аҳлига қаҳр, афтоладарга лутф кўргузса,  
Фалак бўлгай замингири замин бўлгай фалакфарсо.*

*Баҳори адли андоқ файз еткурди жаҳон ичра –  
Ки, бўлди арсаи олам улусга жаннату-л-маъво.*

*Тутуб овозаи адлики етти афлок айвонин,  
Малак таслимгўю ҳам дуогўйдур ҳазрати Исо. (387<sup>аб</sup>)*

Учинчиси – мазкур қасидада мамдуҳнинг шиҷоати ҳам теран маъно ва бетакрор бадиият билан таърифланган:

*Анинг зоти ҳумоюнини килки котиби қудрат  
Ёзиб соҳибқиронлиг дафтари унвонида тугро.  
Зиҳи соҳибқиронеким, қирон хасм аҳлига солиб,  
Сипоҳи қаҳри еткурди залолат мулкига яғмо. (387<sup>б</sup>)*

Тўртинчи – қасидада хоннинг саховати ҳам фасоҳат ва балоғат билан васф этилади. Қасиданинг қуйидаги мисралари ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

*Халойиқ нақди эҳсонидин олди комин андоқким  
Гадои бенаво аҳли ганога қилди истигно.  
Атово бахшишининг хонидин маҳзуз ўлуб доим,  
Дуои давлатига очди тил ҳам пиру ҳам барно 387<sup>б</sup>).*

Хоннинг мазкур тўрт фазилатини тавсифлаш баробарида, Огаҳий мамдуҳнинг илму фазилат бобида камолга эришганини, “ҳар фан ичра даврон аро мумтозу мустасно” даражасига эришганини қуйидагича таърифлайди:

*Камоли борча илму фазл аро ул ерга етмишдур –  
Ки, ҳар фан ичрадур даврон аро мумтозу мустасно (387<sup>б</sup>).*

Раҳимқулихоннинг Хива таҳтига келиши тасодифий эмаслиги, унинг аждодлари “хоразмшоҳлик нигинин ангушти иқтидорларида тутуб келган”и ҳам қасидада алоҳида зикр этилган: “На танҳо даҳр фавқида ҳасаб бирла насадба ҳам, Саросар хону хокондур анга аждод ила обо” (387<sup>б</sup>).

Қасида арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, рукнлари қуйидагича:

*Жаноби туф/роқига қўй/ди бошин, бу/шарафдиндур,  
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун  
V – – – V – – – V – – – V – – –  
Буким анжум /шаҳи чарх уз/ра топмии по/яи аъло*

*мафоийлун*    *мафоийлун*    *мафоийлун*    *мафоийлун*  
*V - - -*    *V - - -*    *V - - -*    *V - - -*

“Зубдату-т-таворих”да таърих жанрига оид тўртта шеър берилган бўлиб, анъанага кўра барчаси форс-тожик тилида. Таърихга доир назарий адабиётларда таъкидланганидек, бу жанр намуналари икки усулда ёзилади: сарих ва таъмия. “Сарих” – очик, равшан мазмунини билдириб, бу усулда битилган таърихларда кўзда тутилган сана очик ифода қилинади. “Таъмия” истилоҳи эса арабча “аъмо” сўзидан олинган бўлиб, “беркитилган, яширилган” демакдир. Асада турли муносабат билан келтирилган ҳар тўртала таърих таъмия усулида ижод этилган.

Таърихлардан дастлабкиси Хива хукмдори Оллоҳқулихон фармонига кўра шаҳзода Раҳимқулихоннинг ҳарбий юришга отланиши муносабати билан ёзилган. Ушбу жанрнинг бетакрор намунаси бўлган бу таърих Огаҳийнинг шеъриятдаги мартабаси нечоғлик баланд бўлганига яна бир далилдир. Таърихнинг кўзда тутилган сана беркитилган сўнгти мисралари қуидагича:

*Соли таърихи ин азиматро,*  
*З - Огаҳий жуст он хўжасташиям.*  
*Вей чу бигзаита аз сари ихмол,*  
*“Азми нусратнишон” намуд рақам. (394<sup>a</sup>)*

Муаллиф сўзлар замирига яширган санани аниқлаш учун таърих моддасини топиш талаб этилади. Таърих моддаси **نَشَانُ نَصْرٍ عَزْمٍ** (“Азми нусратнишон”) жумласига беркитилган. Абжад ҳисобига кўра **نَشَانُ نَصْرٍ عَزْمٍ** жумласидаги ع “айн” – 70, ز “зе” – 7, م “мим” – 40, ن “нун” – 50, ص “сад” – 90, ر “ро” – 200, ت “те” – 400, ن “нун” – 50, ش “шин” – 300, ل “алиф” – 1, ن “нун” – 50 га teng. Маълум бўладики, **نَشَانُ نَصْرٍ عَزْمٍ** жумласидаги ҳарфларнинг абжад ҳисобидаги йиғиндиси – 1258. Таърих ниҳоясидаги “Чун бу таърих ададда бир зиёда эрди. Таъмия илми билан исқот қилилди” сўзлари асосида ва “ихмол”нинг “сари”, яъни бошланиши “алиф” абжад ҳисоби бўйича “1”га teng экани ҳисобга олинса, 1258 дан 1 ни айирамиз, ҳосил бўлган 1257 ҳижрий йил ҳисоби бўйича ушбу таърихда кўзда тутилган санани англатади. Синхрон жадвалга кўра, ҳижрий 1257 сана милодий 1841 йилга тўғри келади.

“Зубдату-т-таворих”да келтирилган иккинчи таърих Хива хони Оллоҳқулихоннинг вафоти ҳамда унинг ўрнига шаҳзода Раҳимқулихоннинг хон кўтарилиши воқеъасига бағишлиланган.

Ушбу таърихда муаллиф сўзлар замирига беркитган сана – таърих моддаси шеърнинг мақтаъида ифодаланган:

*Гуфтам зи сари адаб гузашта,  
Маҳ рафтау, офтоб омад. (400<sup>a</sup>)*

Таърих моддаси **مَهْ وَأَفْتَابْ رَفْتَهْ مَهْ** (“Маҳ рафтау, офтоб омад”) сўзлари замирига яширинган. Энди бу ҳарфларнинг абжад ҳисобига кўра қайси рақамларга тўғри келишини аниқлаймиз: **م** “мим” – 40, **ه** “ҳо” – 5, **ر** “ро” – 200, **ف** “фа” – 80, **ئ** “те” – 400, **خ** “ҳо” – 5, **ڭ** “алиф” – 1, **ڭ** “фа” – 80, **ئ** “те” – 400, **ڭ** “алиф” – 1, **ب** “бе” – 2, **ڭ** “алиф” – 1, **م** “мим” – 40, **د** “дол” – 4. Маълум бўладики, бу жумладаги ҳарфларнинг абжад ҳисобига кўра йиғиндиси – 1259. Асарда муаллиф таърих матнидан сўнг келтирган “Чун бу таърих адади бир зиёда эрди, таъмия илми билан исқот қилилди, андоқким, “Зи сари адаб гузашта” иборатидин маълум бўлур” изоҳига кўра, ҳамда “адаб”нинг “сари” – бош ҳарфи “алиф” 1 га teng экани ҳисобга олинса, ишорага биноан 1259 дан 1 ни айириш керак бўлади. Натижада Оллоҳқулихоннинг вафоти ва Раҳимқулихон хоразмшоҳлик тахтига ўтирган сана келиб чиқади. Бу ҳижрий 1258, милодий 1842/1843 йиллардир. Илми бадеъ устози Атоуллоҳ Хусайнин “Таърихнинг ҳусни лафзнинг мувофиқлиги била бўлур”, дегани эътиборга олинса, айнан дунёдан кетиш маъносидаги “рафта” сўзининг қўлланиши Огаҳий таърихининг жанр талабига ҳар жиҳатдан мувофиқ эканини кўрсатади.

“Зубдату-т-таворих”, таъкидланганидек, юксак бадиий маҳорат билан ёзилган. Асардаги воқеа-ходисалар тасвири хоҳ насрда, хоҳ назмда бўлсин, муаллифнинг нуктадонлиги, юксак фасоҳат соҳиби экани яққол сезилади. Асарда сифатлаш, истиора, ташбих, муболага, перифраза, такрор сингари бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланилгани, сажънинг деярли барча машҳур турларидан (сажъи мутарраф, сажъи мутавозин, сажъи мутавозий) истифода этилгани ҳам бунинг исботидир.

Огаҳийнинг насрда сажъ қўллаш маҳорати қуйидаги биргина мисол таҳлилида ҳам яққол кўринади: “*Зиёфат лавозимининг интиҳоси ва аклу шурб маросимиининг инқизосидин сўнг ҳазрати хони магфур ва ҳазрати зиллulloҳий савлати тамом ва умаройи соҳибээҳтиром била отланиб, отчопар тамошосига чиқдилар ва қир устидиа девнаҗод ва сарсарниҳод отларни ёриштуруб, рустамқувват ва филҳайбат паҳлавонларни кураш тутдурууб, оти утган сайисларни ва ҳарифин йиқитғон паҳлавонларни байроқ ва*

*жалду учун хазинаи эҳсондин нуқуди фаровон инъом қилиб, дунёдин мустағний этдилар*”. Ушбу иқтибосда етти сажъланувчи қисм мажуд: лавозим – маросим, интиҳо – инқизо, тамом – соҳибэҳтиром, девнажод – сарсарниҳод, рустамқувват – филҳайбат, эҳсон – фаровон, чиқдилар – этдилар. Уларнинг биринчи ва иккинчи сажъланувчилари мутавозий (ҳам вазн, ҳам қофияда мослашувчи); учинчи, тўртинчи бешинчи ва олтинчиси мутарраф (вазнда мослашмаган), еттинчиси эса мутавозиндир (вазнда мос, қофияда мослашмаган).

Маълумки, сажъ ҳосил қилувчи сўзлар “фосила” деб аталади. Ҳар бир фосила ўзидан олдинги сўзлар бирикмаси билан сажънинг бир бўлагини ташкил қиласи ва “қарина” деб юритилади» (шеъриятдаги, аруздаги *фосиланинг* бунга алоқаси йўқ). Огаҳий насрода сажънинг юқорида баён этилган барча шаклий сифатларини кўриш билан бирга, сажъланувчиларнинг ўзига хос жойлашув ўрнини ҳам кузатиш мумкин. Юқоридаги жумлада *лавозими* фосиласидан олдинги қарина бир сўздан иборат бўлса, унга сажъланувчи *маросими* фосиласидан олдин тўрт сўз қўлланган. Баъзи сажъдошлар орасида эса қарина мажуд эмас.

Умуман, Огаҳий насрода қўлланган сажъ кўп жихати билан мумтоз шеъриятга хос тарсеъ санъатини эслатади.

“Зубдату-т-таворих”да табиат тасвири билан жамиятдаги воқелик ўзаро уйғун ва мутаносиб тасвиранади. Жумладан, Огаҳий биргина қуёш чиқиш ҳолатини асарнинг турли ўринларида турлича, бир-биридан фарқли, ҳар бир қўллаганда баён этилаётган ҳодисага мувофиқ тарзда ифода этади. Масалан, бир жойда қуёш чиқиш ҳолатини “...офтоби жаҳонтобнинг шаҳсувори тезрафтори машриқ марҳаласидан чиқиб, фалак майдонининг қатъига жавлон кўргузди” тарзида тасвиrlаса, бошқа бир ўринда “қуёш ҳоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдонига нур якронин сурди” шаклида, яна бир ҳолатда эса, “хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сори равона бўлди” дея, ҳар бир ўринда “қуёш” сўзига ҳикоя қилинмоқчи бўлган воқеага мос, тамоман янгича, оҳорли маъно юклайди. Бинобарин, биринчи тасвирда Раҳимқулихоннинг ҳарбий юришга отлангани тўғрисида сўzlаниб, қуёшнинг чиқиш ҳолати ҳам “*фалак майдонининг қатъига жавлон кўргузди*” тарзида шунга уйғунлик касб этади. Иккинчи тасвир “*қуёш ҳоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдонига нур якронин сурди*”

шаклида хон лашкарининг фасод аҳли устига юриш қилиши ҳолатига мутаносиб бўлса, учинчи тасвир хоннинг ўз аъёнлари билан овга жўнаётган ҳолатига мос (“хуршиди жаҳонтоб жамишиди машириқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сори равона бўлди”).

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, асарда табиат тасвири билан воқеалар моҳияти ажиб бир уйғунлик касб этган ва бу мутаносиблик ифоданинг жозибадорлигини, таъсирчанлигини оширган.

Асарнинг яна муҳим бир жиҳати шундаки, ундан Огаҳийнинг айrim шеърлари ёзилиши тарихи ҳам баён этилган. Жумладан,

*Илоҳо, то жаҳону анда то аҳли жаҳон ўлгай,*

*Жаҳон фармондехи шаҳзодаи олиймакон ўлгай.* (394<sup>6</sup>)

матлаъли ғазалнинг ёзилиш тарихи шаҳзода Раҳимқулихоннинг ҳарбий юриши билан боғлиқ. Бу ҳақда муаллиф бундай ёзади: «*Ва ҳамул кун фақир дуо тариқаси била бир газал ва ҳамул сафар учун бир таърих назм силкига чекиб, ҳазрати зиллulloҳийнинг сұхбати кимёхосиятига дахил бўлуб, арзга еткурдим ва иноёти подиоҳонага маҳсус ва инъомоти бекаронадин маҳзуз бўлдум. Ва ул газал будурким, мастур бўлур*» (394<sup>6</sup>).

“Зубдату-т-таворих” Хива хонларининг илм-маърифат аҳлига бўлган муносабатларини ўрганиш юзасидан ҳам қимматли манба. Масалан, асарда яна бошқа бир ғазалнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ эътиборга молик мулоҳазалар баён этилган. Огаҳийнинг ёзишича, Раҳимқулихон “...аксар авқот уламо ва фузало ва шуаро ва зурафо била ҳамсұхбат бўлуб, ул жамоани багоят азиз ва аржуманд тутар эрди ва хони эҳсонидин маҳзуз ва баҳраманд этар эрди. Ва агар шуарои замондин ҳар ким бир қасида ва ё бир газал ва ё бир рубоий ўз қудратига лойиқ назм силкига чекиб, аниң назари анвори пешгоҳига еткурса эрди, илтифот юзидин таҳсин ва оғарин била башошати тамом ва масаррати молокалом маросимин зуҳурга еткуурур эрди. Ва аниң силасига хазонаи эҳсонидин нуқуди фаровон инъом қилиб, ҳар неким коми эрса, берур эрди” (389<sup>6</sup>).

Табиийки, сўз аҳлига бўлган бундай эҳтиром XIX аср Хоразм адабий муҳитининг юксалишида алоҳида ўрин тутди. Қолаверса, Огаҳий асарлари ёзилишида ҳам ушбу муҳитнинг ўзига хос таъсири бор. Бу ҳақда “Зубдату-т-таворих”да яна қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Ул жамоадин фақирким, аксар авқот ул ҳазратнинг

*мажлиси шарифи мулозаматига етиб, табъим натойи жидин ҳар турлук қасида ва газал ва рубоий... жилвагар бўлса эрди, рақам зевари била ораста қилиб, назари саодатасар мутолаасига еткуур эрдимким, ўзгалардин ортуқроқ илтифот ва инъомот била сарафroz бўлуб, фузало ва шуаро орасида мумтозлиг топар эрдим. Хусусан, ул авони саодатнишонда ул ҳазрат мидҳатида бир газал ва бир рубоийнинг ранго-ранг гулларин хаёл сарпанжаси била маоний гулшанидин териб, мажлиси ҳумоюни беҳиштнамунига тухфа чекиб, авотифи маҳсусадин баҳраманд бўлуб, тахта-такта чой, шабра-шабра қандолат инъоми била шириккомлиг топар эрдим. Ул газал будурким, бу мавридда таҳрир топар”* (390<sup>a</sup>).

### Шу тариқа

*Ул сарвари замонки, буюкдур мақом анга,  
Гардун қади хам ўлди қилиб эҳтиром анга.—*

матлаъли ғазалнинг яратилиш тарихи ҳақида муфассал маълумот берилган.

“Зубдату-т-таворих” наинки адабий манба, асардан география, топонимия ҳақида ҳам қимматли маълумотларни олиш мумкин. Масалан, Кесик деб номланган жой ҳақида муаррих бундай ёзади: “Кесик бир шўъбаедур, дарёи Жайҳун шўъботидинким, Кўҳна Катнинг шарқий жонибидан дарёдин айрилиб, гарбига ўтгандин сўнг яна дарёга қуяр ва андин кўб мазраъалар сув ичадур” (407<sup>b</sup>).

Ҳазрат Вайс ал-Қараний ва Шайх Жалил ота каби авлиёуллоҳларнинг қадамгоҳлари бўлган Бодой бешаси ҳақида Огаҳий куйидаги маълумотларни беради: “Бодой бир бешаедурки, багоят қалин ва зиёда васеъдур. Ҳазрати қутбу-л-ақтоб, афзалу-л-асҳоб, зубдату-л-комилин, умдату-л-восилин Вайс ал-Қараний розийаллоҳу анҳу ва ҳазрати ҳақиқатпеноҳ, ҳидоятдастгоҳ Шайх Жалил ота қаддаса сирраҳунинг қадамгоҳлари даги тоз била дарё ўртасида воқеъдур ва кун чиқари Уйгур ери ва Андарой Чўнкўлига ёвуқдур ва кун ботари ҳадди Қисноқдур” (408<sup>a</sup>).

Адибнинг сўзларидан маълум бўладики, асарда энди бошқа бир манзил – Қисноқ ҳақида сўз юритилади. “Қисноқ андоқ ердурким, ҳазрат Шайх Жалил този била дарё ёндашиб, оралигида бир тор сўқмоқ қолибдур ва сув тугён қилгон вақтларда андин машаққати тамом ва суъубати молокалом била муур қилурлар. Бу жиҳатдин ул мавзени Қисноқ дерлар... Анда шикори анвоъий ва сибоъи аснофий кўб бўлур” (408<sup>a</sup>).

Маълум бўляптики, Огаҳий бу жойнинг топонимияси – нима учун Қисноқ деб аталиши ҳақида ҳам ўз тушунчасини келтирган. Ов учун жуда қулай бўлган, гўзал табиатли бу манзил муаррих-шоир руҳиятига кучли таъсир қиласи. Қуйидаги маснавийнинг ижод этилиши ана шу таъсирланиш самараси, дейиш мумкин:

*Ажаб бешаки, йўқ ҳадду канори,  
Сибоъу жонворларнинг макони.  
Шажарлар анда бош чекмиши самога,  
Бориб ҳам решаси таҳта-с-сарога.  
Қолинлигдин бўлуб бир-бирга маҳкам,  
Аросидин ўта олмас сабо ҳам...  
Муайян баъзи ерда марғори,  
Кўнгулларда ҳавоси хор-хори.  
Шикор аснофи анда бешумора,  
Қолур ҳайрон киши қилгоч назора (408<sup>a</sup>).*

Умуман, “Зубдату-т-таворих” – бетакрор бадиияти, қасида, маснавий, ғазал, рубоий, қитъа, таърих, фард сингари мумтоз шеърий жанрларга оид қариб 1200 байт назмий меросни жамлагани, сажъли насрнинг мукаммал намунаси экани, мемуар-қисса жанри талабларига тўлиқ жавоб бериши, Марказий Осиё тарихи, географияси, этнографияси ва топонимиясига доир муҳим факт ва далилларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турувчи манба. Уни наинки, адабиётшунослик ёхуд адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида, тарихшунослик, сиёsatшунослик йўналишларида ҳам ўрганиш муҳим илмий хуносаларга олиб келиши аниқ. Бинобарин, “Зубдату-т-таворих” бу соҳаларга оид тадқиқотлар учун бой материал беради. Энг муҳими эса, бу мўътабар манбанинг илмий истифодага олиб кирилиши, турли фанлар кесимида тадқиқ қилиниши огаҳийшунослик ютугини таъминлашга хизмат қиласи.

\* \* \*

Ҳеч бир иш ҳикматдан холи эмас. “Зубдату-т-таворих”га оид изланишларимиз натижасида, асар матнининг табдили аслият билан қайта-қайта муқояса этилди, айниқса, изоҳ ва кўрсаткичлар бир қадар мукаммаллаштирилди. Асарни нашрга тайёрлашда матннинг аслиятга ҳар жиҳатдан мувофиқ бўлиши масаласига алоҳида дикқат қилинди. Фақат ҳаддан зиёд кўп ишлатилган баъзи қўшимчаларни (масалан, “ва” қўшимчасини) мазмунга нуқсон етказмайдиган ҳоллардагина қисқартиришга, “онга”, “онда”, “онинг”, “они” сингари сўзларни “анга”, “андা”, “анинг”, “ани”

тарзида беришга журъат этилди. Матнда келтирилган Куръони карим оятлари, ҳадислар, арабча жумлалар ҳамда форсий шеърлар таржима қилинди ва зарур ўринларда изоҳ билан таъминланди. Куръони карим оятларини изоҳлашда Шайх Алоуддин Мансур амалга оширган ўзбекча изоҳли таржиманинг 2004 йилги нашрига асосланилди.

Муҳаммад Ризо Огаҳий “Зубдату-т-таворих”да араб ва форс тиллари имкониятидан бениҳоя самарали фойдаланган. Ҳатто араб ва форс луғатларида “редко” (“ноёб”) дея изоҳ берилган сўзлардан ҳам муаллиф самарали фойдаланган. Табиийки, ўша давр ўқувчisi учун буни тушуниш қийин бўлмаган. Бироқ бугунги китобхоннинг уларни англаши осон эмас. Шунга кўра, олти юзга яқин сўзликни ўз ичига олган луғат тузилиб, асар матнiga илова қилинди. Луғатни тузишда Х.К.Барановнинг “Арабско-русский словарь”, Ю.А.Рубинчик таҳрири остида чоп этилган икки жилдлик “Персидско-русский словарь”, Муҳаммад Фиёсүддиннинг “Фиёс ул-луғот”, П.Шамсиев ва С.Иброҳимов тузган “Навоий асарлари луғати”, икки жилдлик “Фарҳанги забони тоҷики” сингари манбалардан фойдаланилди.

Асадаги айрим туркий сўзлар изоҳини мазкур манбалардан ҳам топиш имкони бўлмади. Масалан, қадимги туркий тилга мансуб “қорғу” сўзи шулар жумласидандир. Бу сўз изоҳи Л.З.Будаговнинг устоз Насимхон Раҳмонов шахсий кутубхонасида сакланаётган “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий” (Санкт-Петербург, 1871) луғати иккинчи жилди 11-саҳифасидан аниқланди.

Илмий нашр талабига кўра, “Зубдату-т-таворих” учун географик номлар, шахс исмлари ва этник атамалар кўрсаткичлари тузилди. Географик номлар кўрсаткичи изоҳлар билан таъминланди. Барча кўрсаткичларда ушбу матн учун асос қилиб олинган 821-ракамили қўлёзма вараклари рақами эътиборга олинди.

Асарнинг 2016 йилда Ҳилола Назирова томонидан илмий-танқидий матни тайёрланиб, нашр қилинишини маданий-маърифий ҳаётимизда муҳим воқеалардан бири дейишга ҳақлимиз<sup>24</sup>.

<sup>24</sup> Muhammad Riza mirab Agahi. Zubdat al-tavarikh. International institute for Central Asian Studies, Al-Beruni Center for Oriental Manuscripts Tashkent State Institute of Oriental studies. Edited in the original Central Asian Türkī with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. International Institute for Central Asian Studies (IICAS) by the UNESCO Silk Road Programme. – Tashkent–Samarkand, 2016.

Асарнинг ушбу илмий изоҳли илк нашрини тайёрлаш давомида холис ёрдамлари ва маслаҳатларини аямаган устоз олимлар академик Азизхон Қаюмов, профессор Шариф Юсупов ва шарқшунос Қувомиддин Мунировга, манбашунос олимлар Рашид Зоҳид, Ғулом Карим ҳамда Нафас Шодмоновларга ҳамда ушбу ишни мукаммаллаштириш билан боғлиқ барча таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлаб, таҳрир ишига жиҳдий эътибор қаратган Хоразм Маъмун академияси “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳаси грант раҳбари А.Ўрзбоевга ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими Ҳилола Назироваларга алоҳида чукур миннатдорчилик билдираман.

“Зубдату-т-таворих”нинг ушбу қайта нашри улуғ мутафаккир бобокалонимиз Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий таваллудининг 210 йиллигига камтарин тўёна бўлади, деган умиддамиз.

**Нурбой ЖАББОРОВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

## **МУҚАДДИМА**

### **БИСМИЛЛАҲИ-Р-РАҲМОНИ-Р-РАҲИЙМ**

(386<sup>6</sup>) Сипоси вофир тухфаси ул султони азаматнишон осто尼ға нисордурким, маъмураи кавну макон анинг хиттаи мамлакатиға дохил ва ситойиши мутакосир ҳадяси ул подшоҳи вахдатдастгоҳ даргоҳиға ийсордурким, аснофи инсу жон анинг доираи убудийтиға восил, салотини соҳибиқтидор анинг кўчаи карамининг гадойи хоксори ва хавоқини карамшиор анинг моидаи ниъамининг сойили луқмахўри, сипехри ахзар бир хаймайи ҳазродур майдони қудратида ва хуршиди анвар бир шамсаи аднодур айвони ҳикматида.

#### **Назм:**

Подшоҳеким, топа олмас азал бирла абад,  
Юз уруб ҳар бири бир сори анинг мулкида ҳад.  
Гар гадо ҳам эрса олам ичра султонлик топар,  
Ҳар кишигаким анинг алтофидин етса мадад.  
Вар малак эрса ҳамул мальуни жовид ўлғуси,  
Кимсаниким, қаҳр айлаб даргаҳидин қилса рад.

Соҳибэҳтишом султонларнинг фарқи давлати анинг қуллуғи афсаридин шаън ва гардунмақом хоқонларнинг ангушти шавкати анинг буйруғи ангуштаридин музайян, аъломи дини қавим анинг неруи ҳимоятидин нусратасар ва самсоми шариати мустақим анинг бозуи иноятидин зафаржавҳар.

#### **Маснавий:**

Худойики, изҳор этиб лутфу жуд,  
Бари оғаринишға берди вужуд.  
Қилиб подшоҳларни фирұзбаҳт,  
Карамдин ато айлади тожу тахт.  
Бари қадрин айлаб баланду рафеъ,  
Халойиқни қилди оларға мутеъ.  
Бу тадбир ила кўргузуб эҳтимом,  
Жаҳон мулкига берди расми низом.  
Илоҳо, қилиб лутфунгга илтижо,  
Бу нусхаки қилғумдур ибтидо.  
Мажолис аро айла қадрин баланд,  
Оёқ остида қилма хору нажанд.  
Муборак қилиб шоҳи оламға ҳам,

Азиз айлагил хайли одамға ҳам.  
Бу мақсад ҳусулиға қилғил қарин,  
Мани ҳам ҳақки саййиду-л-мурсалин.

**Нაът.** Таҳийёт, закийёт зевари ул шаҳаншоҳи малоикси поҳнинг зоти хўжастасифотиға лойик ва сазовордурким, қомати пурсаодати “лав лака лама ҳалақту-л-афлок”<sup>1</sup> хилқати била музайяндур. Вассолату тойибот гавҳари (387<sup>a</sup>) ул подшоҳи рисолатдастгоҳнинг равзаи шарофатсамотиға сочиқ ва нисордурким, улув манзилати “факонат қоба қавсайни ав адно”<sup>2</sup> оядидин мубарҳан.

#### Маснавий:

Қудумидин мафохир тўққуз афлок,  
Вужудидин мунаvvар арсаи хок.  
Уружи бирла топиб чарх болиш,  
Нузулидин ер айлаб кўкка нозиш.

Синони маҳобатидин хусуматпайваст мушрикларнинг шиҷоатпарвар кўнгуллари ғамгин ва захмнок ва шамшири сиёсатидин залолатпараст кофирларнинг кудуратасар сийналари мажруҳ ва чок-чок, асароти ғайратидин аладдавом дини мубин ливоси баланд ва таъйидоти шиҷоатидин ҳамиша зумраи ислом муборизлари нусратпайванд.

#### Маснавий:

Зихи подшоҳи нубувватпаноҳ,  
Фалакжойгоҳу малоик сипоҳ.  
Топиб лутфидин мулки дин интизом,  
Вале қаҳридин куфр уйи инҳидом.  
Салотини олам икки даҳр аро,  
Ҳама хон лутфигадурлар гадо.  
Рикоби шараф меҳрининг матлаъи,  
Жаноби маосий эли маржаъи.  
Анга беҳад асҳоби зу-л-эҳтиром.  
Садоқат аро кўргузуб эҳтимом.  
Хусусан, ҳамул хайл аро тўрт ёр,  
Эдилар анинг олида жонсипор.  
Бириси Абу Бакр Сиддиқ эди –  
Ки, зоти дурри баҳри таҳқиқ эди.  
Бири шоҳи мулки хилофат Умар,  
Анга эрди тахтиadolat мақар.  
Бири соҳиби ҳилм Усмон эди,

Шараф авжида меҳри раҳшон эди.  
Бири шоҳи соҳибшижоат Али –  
Ки, мулки валоятға эрди вали.  
Барига Худо лутфи бўлсун қарин,  
Яна ўзга асҳобға ажмаъин.

Аммо баъд, соҳибфатонат хушмандларнинг замари мунири мишкотиға возих ва комил, дироят хирадпайвандларнинг хотири хатири миръотиға лойих бўлсунким, чун олийҳазрат, фалакрифъат, сурайё мартабат, хуршид манзалат, азамат кулоҳ, макраматдастгоҳ, сultonи муazzам, хоқони мukаррам, хидеви анжумҳашам, хусрави байзоалам, холосаи салотини олам, нақоваи дудмони Одам, Дорои Искандарнишон, Искандари Сулаймонмакон, ахтари осмониadolat, гавҳари уммони жалолат.

#### **Маснавий:**

Келиб зоти сариророй ижлол,  
Шараф топиб бошидин тожи иқбол.  
Мусалламдур анга мулки маъоний,  
Бўлуб давлат эшиги посбони.  
Салотин илтифотидин баруманд,  
Хавоқин лутфи бирла коми пайванд.  
Насабда уйла олийдур анга зот –  
Ки, айлаб фахр андин оли қўнгрот.  
Анга чун топди Ўмбой халқи нисбат,  
Топиб анвоъи қўнгрот ичра рифъат.  
Жанобидур салотин бўсагоҳи,  
Фалак кўзиға сурма хоки роҳи.

Подшоҳеким, исми ҳумоюни била “инний жоилун фи-л-арзи халифа”<sup>3</sup> хутбаси зийнатпарвар ва жаҳонпаноҳиким, алқоби маймуни била “инналлоҳа йаъмуру би-л-адли ва-л-иҳсан”<sup>4</sup> секкаси музайян ва мўътабар, аъломи шавкати “инно фатаҳно лака фатҳан мубинан”<sup>5</sup> имдоди била баланд ва хусоми давлати “насрун миналлоҳи ва фатҳун қарийб”<sup>6</sup> сайқали била ҳиддатманд, тифи сиёсати хунрезлигининг бийми била сурат ҳаюлодин мунфасил ва шамшири қаҳри тезлиги хавфидин жон жисм била муттасил, атрофи жаҳонда ҳукми ёрлиғи жорий ва салотини оламнинг мужиби иззат- ифтихори.

#### **Қасида:**

Шаҳеким, оstonи уйла топмиш авжи истеъло –  
Ки, гардун ястониб туфроқига бир човуши адно.

Анинг зоти хумоюнини килки котиби қудрат  
Ёзиб соҳибқиронлик дафтари унвонида туғро.  
Зихи соҳибқиронеким, қирон хасм аҳлиға солиб,  
Сипоҳи қаҳри еткурди залолат мулкига яғмо.  
Шариат авжиға ахтар, адолат дуржиға гавҳар,  
Муъиззу-д-дини ва-л-милла, низому-л-мулки ва-д-  
дунё.

Инод аҳлиға қаҳр, афтодаларға лутф кўргузса,  
Фалак бўлғай замингиру замин бўлғай фалакфарсо.

(387<sup>6</sup>)

Сочар илки лаъолий дўстларға абри найсондек,  
Адув қони била тифи очар гуллар баҳоросо.  
Муалло даргаҳиға гар жабин солик қила олса,  
Етургайлар Сурайёға бошин Искандару Доро.  
Жаноби туфроқиға қўйди бошин, бу – шарафдиндур,  
Буким анжум шаҳи чарх узра топмиш пояи аъло.  
Таманно айласа андиша гар бўси рикобини,  
Топар комини гар еткурса гардун авж узра по  
Камоли рифъатин кўргилки ўрдуси фазосида,  
Камин бир хаймайи адно анга бу гунбази воло.  
Эрур тожиға лойиқ бўлмайин қолғон камин гуҳар  
Ки чарх илкига олмишдур эмас меҳри жаҳоноро.  
Бўлуб маъмур амри банда янглиғ шоҳлар борча,  
Саросар қоф то қоф жаҳон ҳукми эрур мажро.  
Тавофи Каъбаға қилғой хужум ул навъиким Ҳажжож,  
Салотин даргаҳининг қуллуқиға айламиш ғавғо.  
Дили пуржуш анга мамлудур анвоъи маонидин,  
Анингдекким, луолидур аснофидин дарё.  
Камоли борча илму фазл аро ул ерга етмишдур,  
Ки ҳар фан ичрадур даврон аро мумтозу мустасно.  
На танҳо даҳр ғавқидин ҳасаб бирла наслабда ҳам  
Саросар хону хоқондур анга аждод ила обо.  
Баҳор адли ондок файз еткурди жаҳон ичра –  
Ки, бўлди арсаи олам улусға жаннату-л-маъво.  
Тутуб овозаи адли етти афлок айвонин  
Малак таслимгўю ҳам дуогўй ҳазрати Исо.  
Халос ўлмас каманди қаҳридин ҳаргиз инод аҳли,  
Магарким узр доманиға урса дасти истиғно.  
Халойиқ нақди эҳсонидин олди комин андоқким,

Гадои бенаво аҳли ғиноға қилди истиғно.

Атому бахшишининг хонидин маҳзуз ўлуб доим,

Дуои давлатиға очди тил ҳам пиру ҳам барно.

Аъни султони олиймакон, фармонфармойи жаҳон, маркази доираи ижлол, қутби фалакиқбол, умдату-л-аъзам, қудвату-л-акорим, носиби ливои-л-лутф ва-л-карам, ҳодими бинои-л-фисқ ва-з-зулм, босити бисоту-л-адолат ва-л-эҳсон, росими русуми-л-амни ва-л-амон, ворису-л-мулки ва-д-давлати би-л-истихқоқ, сохибу-л-фатҳи ва-н-нусрати фи-л-офоқ, рофеъу аъломи-с-саҳовати ва-л-атойо ало руъусу-р-раъийя ва-л-бароё, ал-муаййид битаъиди иззи ва маннан, ал-мустваъину би-л-истиъонати-л-малики-л-мустваъон, халифату-р-раҳмон, зиллу-с-субҳон, султон ибну-с-султон, абулмузаффар ва-л-мансур абулғозий Раҳимқули Мухаммад Баҳодирхон маддаоллоҳу таоло зилола давлатаҳу ва рофат ала мафориқи-л-фуқаро ва-л-аном ило қиёми-с-соат ва соату-л-қиёмким, таъиидоти Яздоний ва инояти субҳоний била салтанат таҳтиға қадами маймуни вусулидин сарбаландлиғ ва ҳукumat тоҷиға гуҳари вужудидин аржумандлиғ еткуруб, адлу сиёsat маросими била жаҳон мамоликига интизом бериб, лутфу иноят қавоиди била аъолий ва асофилни комёб ва шодком қилди. Ул авони саодатнишонда бу бандай бебизоат ва қалилу-л-иститоат, соғаркаши ҳамхонаи малолат, гӯшанишини вайронай мазаллат, аъни фақири касиру-т-тақсир, фазилатинтисоб Мухаммад Ризо Мироб ал-мулаққаби би-л-Огаҳий ибн Эрниёзбек ғафароллоҳу зунубаҳумо ва сатара уйубаҳумоким, ул ҳазратнинг волиди бузургвори, ҳазрати соҳибқирони мағфур ва шаҳаншоҳи мабур, султони фирдавсмакон Оллоҳқули Мухаммад Баҳодирхон сақаоллоҳу сирраҳунинг воқеоти майманатоётиға таркиб бериб, таҳrir қилур эрдим. Ул ҳазрати зиллуллоҳийнинг эҳсони бекарони ва фармони вожибу-л-изъони мужиби била яна бир неча муддат саъиу кӯшиш авроқиға истеъжол ва ижтиҳод қаламин суруб, ул нусҳаи саодатлузумким, “Риёзу-д-давла”ға мавсум эрди, итмомға еткуруб, хуршиди дураҳшон сұхбатиға зарраи бемиқдор матоъ иштиёқин ҳадя айлагандек ва ё Сулаймон ҳазратиға мўрчай низор малаҳ оёқин тухфа чеккандек, юз навъ изтиор ва минг турлук умидворлиғлар била ул ҳазратнинг (388<sup>a</sup>) мажлиси ишратпарвар ва сұхбати кимёасариғаким, давлат қуёшининг матлаъи ва фазилат аҳлининг маржаъидур, элтиб тухфа чекдим ва адаб кўзин ерга тикдим. Ва ул ҳазрат ҳаддин афзун истехсон кўргузуб, анвоъи

лутфу эхсон била ашбоҳ ва ажносим аросида қүёш янглиғ сарафroz ва мумтозлиғ еткурди. Ва яна ҳаддин афзун илтифот кўргузуб, гуҳарбор тилин мундок жавҳарфишонликға эвурдиким, жаҳони бебунёднинг айвони харобободида иқомат маснадин солмоқ, хусусан, салтанат амри хатирин зиммаи ҳимматға олмоқдин ғараз улдурким, кишидин зикри жамил ёдгор қолса. Бу муддао иморат ва бақеъот бино қилмоқ била даст бермас ва авлод таносули ва таволудига ҳам шомил эрмас, магар сўз авроқида боқий қолғайким, анга ҳодисоти жаҳон тўфонхезлиги ва тасрифоти замон фитнаангезлигидин осибе ва тафриқа етушмас.

### **Назм:**

Киши неча иморат қилса бунёд,  
Ва ёхуд ҳаддин афзун қўйса авлод.  
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,  
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.

Бас, эмди санга лозим ва муттаҳимдурким, бизнинг исми ҳумоюн ва алқоби маймун ва вақойеъи касиру-л-бадоъимизга муштамил бир китоби балоғатинтисоб мураттаб қилилур, токим, зикри жамил ва васфи жалилими замон авроқида боқий қолғай ва жаҳон аҳлин ҳайрат баҳрига солғай, чун бу илтифоти касиру-л-баракот қўёши аҳволи саодатмаолимға партавафкан бўлди. Кўнглумга ўзга янглиғ қувват ва табъимға ҳаддин афзун савфат ҳосил бўлуб, “*Ал-маъмуру маъзур*”<sup>7</sup> фаҳвоси била мундок амри азимдин ибо ва имтиноъ кўргуза олмадим. Ложарам, фармони лозиму-л-имтисол ижросиға далир иштиғол кўргуздим. Оре, салотин илтифотининг сахбоси ул миқдор баланднашъадурким, агар андин бир қатра етушса, саввани шоҳбози баландпарвоз ва гунги модарзодни масихоэъжоз қилди.

### **Қитъа:**

Подшоҳлар илтифоти уйла олий нашъадур –  
Ким, етар ҳар кимсага, булбул киби гўё бўлур.  
Ҳар не сўзким деса, гавҳардек топиб иззу шараф,  
Қадр бозорида доим рутбаси воло бўлур.  
Ҳар кишиким, топмаса ул нашъадин табъи жило,  
Гар қуёш эрса юзи анинг, заминфарсо бўлур.  
Сўз била ҳар нечаким олам аро гавҳар сочар,  
Хорлиғ даштида бекиймат хазафосо бўлур.  
Шукрким, ул нашъай саршордин комин олиб,  
Огаҳий мастона даҳр ичра суханоро бўлур.

Ҳар қаломиким сурар, топиб гүҳардек эътибор,  
Жумлаи оламға мақбули фараҳафзо бўлур.

Чун бу рисолаи фархундамақоланинг авроқи ибтидосига қалами мушкинрақам сурулди, “Зубдату-т-таворих”ға мавсум бўлди ва икки мақолаға иштимол топди.

Аввалғи мақола – ҳазрати зиллуллоҳийнинг валодати шарофатпарваридин салтанати саодатасариғача баъзи воқеот ва ҳодисотким, зухурға етмиш, ижмолан рақам силкин чекилур. Ва иккилончи мақола ул ҳазрат ибтидои салтанатидин бу нусхаи майманатанжом итмомиғача ҳар на воқеот ва ҳодисот ва футухотким воқеъ бўлубдур ва воқеъ бўлғусидур, тафсилан шарҳ қилинур, иншаоллоҳу таоло.

### Назм:

Бу нусхаға чун қалам сурубман,  
Ё раб, карамингға юз урубман.  
Таҳририда бер қўлумға қувват,  
Такририда бер тилимга журъат.  
Хомам учин айлагил гүҳаррез,  
Ҳар сўз десам, эт фасоҳатангез.  
Вақтимни мукаддар этма, ё раб,  
Фикримни муқассар этма, ё раб.  
Даврон ғамидин мани фароғ эт,  
Ташвиши замонадин фироғ эт.  
Тўлдур майи файз бирла жомим,  
Қил элга фаррухфаро каломим.  
Сўзумга улусни роғиб айла,  
Шаҳ қўнглини балки толиб айла,  
Фаҳми била элни шодком эт,  
Мақбули хавос ила авом эт.

## (388<sup>б</sup>) АВВАЛГИ МАҚОЛА.

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг валодати шарофатпарваридин салтанати саодатасариғача баъзи воқеот ва ҳодисотким, зухурға етмиш, ижмолан рақам силкин чекилур**

### **Маснавий:**

Эй чарх, манга бу лаҳза ёр ўл,  
Кел, хизматим узра устувор ўл.  
Ихлос ила эшигим супургил,  
Таъзим ила бандавор турғил.  
Хужрамға етур сафоу тазийин,  
Ондоқки нигорхонаи Чин.  
Ганжинаи сидқ эшигини оч,  
Иzzат гуҳарин бошим уза соч.  
Ҳар комни айласам тақозо,  
Они назаримда айла пайдо.  
Олий қилибон манга маҳални,  
Таъзимима паст қил Зуҳални,  
Мадҳим била Муштариға оч тил,  
Минбар анга оstonим этгил.  
Миррихни қил қопумда дарбон,  
Тўксун хусамоға тиф ила қон.  
Манзил қуёшинг ёнимда тутсун,  
Нури била масканим ёрутсун.  
Зуҳранг қилибон қошимға оҳанг,  
Вақтини хуш айласун чолиб чанг.  
Ёнимда Аторудинг ҳамиша,  
Қилсун қаламим йўнарни пеша.  
Оллимда ой айлабон белин руст  
Хизматға ўзини айласун чуст.  
Тутсун манга этибон илтифотим,  
Таъзим ила коғазу давотим.  
То мен олиб илкима қаламни,  
Шаҳнома сори сурай рақамни.  
Хома учин айлабон фусунсоз,  
Достонини шаҳнинг айлай оғоз.  
Шоҳеки келибдур онго зот,

Шахлар аро мүжиби мубоҳот.  
Аждоди келиб жаҳон аро хон,  
Обоси мамолик ичра султон.  
Афзал наасаб ичра шоҳлардин,  
Султони жаҳонпаноҳлардин.  
Арзандаи афсари хилофат  
Зебандай кишвари саодат.  
Иқболи буюк, мақоми оли(й),  
Келмай бу жаҳон аро мисоли.  
Давлат анга бир камина банда,  
Иқбол – ғуломи сарафканда.  
Эҳсониға мунтазир салотин,  
Фармониға муфтахир хавоқин.  
Савлатда Скандари замон ул,  
Садматда ғазанфари дамон ул.  
Келмиш илиги сахоға манбаъ,  
Бўлмиш эшиги дуоға маржая.  
Очуқ юзи мазҳариadolat,  
Оруқ сўзи масдари ҳаловат.  
Бўлмиш дурри шаръ зеби тожи,  
Тун-кун иши расми дин ривожи.  
Лашкар анга келди беҳадду мар,  
Беҳадду мар анга келди лашкар.  
Минг лак эса гар адув сипоҳи,  
Мумкин эмас ўлса садроҳи.  
Кўргузса масоф аро шиҷоат,  
Рустамни сув этгуси хижолат.  
Гар олса қилич, бўлуб газабнок,  
Бахромға заҳра бўлғуси чок.  
Вар тоғға қўйса кийн ила юз,  
Тоғ ўлғуси ҳайбати била туз.  
Йўқ, чархки, бир нафас қарори,  
Мехридин анинг бу изтиорори.  
Ерким, иши доимо сукундур,  
Биймидин анинг сукун намундур.  
Илм ичра дағи фариди даврон  
Айлабдур они жаҳонда Яздон.  
Дикқатда бўлуб хаёли беғаш,  
Ҳикматда эмас мисоли ахфаш.

Ахфаш киби гар ўну ва гар юз,  
Оллида келиб бағияйи буз.  
Масруф этибон ҳунарга авқот,  
Ҳосил қилибон бари камолот.  
Шахлардин ўлуб ҳасабда фойик,  
Оlam эли шаҳлиғига лойик.  
Даврон эли узра зилли Субҳон,  
Султони жаҳон Раҳимқулихон.  
То минди сарири салтанатға,  
Майл айлади яхшироқ сифатға  
Тахт ўлди қудумидин сарафроз,  
Бахт ўлди жулуси бирла мумтоз.  
Дарбонлиғига юз урди давлат,  
Гардунға бошин етурди давлат.  
Адл ила қилиб жаҳонни бўстон,  
Оlamға етурди файзу эҳсон.  
Даргоҳига майл этиб афозил.  
Андин ҳама касб этиб фазойил.  
Дикқат аро чун уруб иликни,  
Равшан қилибон бари пиликни.  
Базм ичра тили бўлуб гуҳарпош,  
Юз онча эли бўлуб гуҳарпош.  
Разм ичра синони оқизиб қон,  
Юз онча хаданги олибон жон.  
Алтофи била диёри Хивак,  
Зийнат топиб уйлаким Хаварнақ.  
Андин кўрубон басе атойо,  
Осуда дил ўлдилар бароё.  
Васфини анинг тамом қилмоқ,  
Гардунға чиқарни ком қилмоқ. (389<sup>a</sup>)  
Бас, ансаб эрур тил ўлса хомуш,  
Саҳбойи дуосини қилиб нўш.  
Ё рабки, ўшул шаҳи муazzам,  
Султони музafferу мукаррам.  
Ҳар комки сандин этса хоҳиш,  
Они карамингдин айла бахшиш.  
Мақсуди на эрса, қил мұяссар,  
Хайлиға жаҳонни эт мусаххар.  
Иқболи ливосини рафеъ эт,

Хукмиға жаҳон элин мутеъ эт.  
Аъдосини қаҳридин йўқ айла,  
Аҳбобини лутфидин тўқ айла.  
Ишрат майи бирла шодмон эт,  
Андуҳи замонадин амон эт.  
Айшини муқассар этма бир дам,  
Кўнглини мукаддар этма бир дам.  
Еткур қуёш узра поясини,  
Эл бошидин олма соясини.  
Мулкини ҳамиша айла обод,  
Мулк аҳлини давлатидин эт шод.

Бу нусхаи хумоюни майманатнамунни мутолаа қилғувчи фатонат аҳлиниң замойири хуршидназойирига равшан ва мубарҳан бўлсунким, ул ҳазратнинг валодати лозиму-ш-шарофати жадди бузургвori султони фирдавсмакон Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг айёми хўжастафаржомида санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўқкузда, мувофиқи ит йили, афзали авқотда, камоли соотда вуқуъ топиб, инояти субҳоний раҳбарлиги била адам масканидин вужуд гулшаниға қадамовар бўлди ва қадами юмнидин жаҳон мамолики анвори саодатда навоъи масаррат била тўлди ва фи-л-ҳақиқат ул ҳазратнинг зоти фархундаёти бир гавҳари тансика эрдиким, фалак саррофи жаҳон корхонаси муҳиммоти учун никомиш қилиб, адам дуржида пинҳон сақлаб эрди, ҳукми илоҳий тақдими била коинот бозорида намоён қилди. Ва вужуди саодатнамуни бир ғунчай ношукуфта эрдиким, давлат боғбони олам гулистони зийнати учун парвариш қилиб, иқбол гулбунида асраб эрди, инояти номутаноҳий насими била жаҳон гулзорида очилди.

### **Маснавий:**

Вақт масъуду замон маҳмуд эди,  
Асьади соот ҳам мавжуд эди.  
Ростлиғға ойланиб даври сипехр,  
Кўргузуб эрди жаҳон аҳлиға меҳр.  
Даҳридин офот ўлуб мафқуд ҳам,  
Фарруҳ эрди, соати мавлуд ҳам.  
Саъд кавкаблар бўлубон жилвагар,  
Ахтари наҳс ўлмиш эрди бесар.  
Ҳам саодат юз қўйуб Ноҳидға,  
Ҳам қамар нозир эди хуршидға.

Ходисот ўлуб жаҳондин бартараф,  
Амну роҳат зоҳир эрди ҳар тараф.  
Хайли оғат кетмиш эрди даҳрдин,  
Юқлабон маҳмил қуроу шаҳрдин.  
Чунки бу янглиғ замони хўб аро,  
Соати фарҳундаи маҳбуб аро,  
Туғди давлат торамидин бир қуёш,  
Чехрасидин юз қуёшча нурфош.  
Нуридин тўлди бари олам юзи,  
Равшан ўлди ҳам бани Одам кўзи.  
Етти оғоқ ахли ичра шодлиғ,  
Таҳниятгўйу муборакбодлиғ.  
Шойиъ ўлди олам ичра расми сур,  
Ҳадду ғоятдин фузун айшу суур.  
Бахти давлатға суюнчилай бориб,  
Бошини анинг фалакдин ўткориб,  
Давлат айлаб шавқ бирла доялиғ,  
Бўлди даҳр ичра улуғ сармоялиғ.  
Ҳаддин афзун айлаб изҳори нишот,  
Хуллаи жондин анга қилди қимот.  
Маҳди иқбол ичра айлаб парвариш,  
Оби ҳайвон шаҳдидин берди хўриш.  
Токи ул сармояи жоҳу жалол,  
Топди поя кам-кам андоқким ҳилол.

Ва ул ҳазратнинг валодати пурсаодати баракотидин ва вужуди зижуди шарофатидин Хоразм мамоликида фитнау фасод русуми мундафеъ ва амну амон ливоси муртафеъ бўлуб, бобоси Муҳаммад Раҳимхон жаннатмаконнинг давлату сарвати кун-кундин фарид ва музоаф бўлди ва сипоҳу ҳашмати йил-йилдин шукуҳ топди. Ва жамеъ дашти Қипчоқ (389<sup>б</sup>) ва Хурросон мамоликин мусаххар қилиб, таҳти фармонига киргузди. Адлу шариат қавоидин камойанбағий тузуб, куфру бидъат маросимин бунёди била бузди. Ва халойик аҳволига андоқ фароғат ва рафоҳийят юз бердиким, азминаи собиқада анинг мислидин нишон бермайдурлар ва арбоби солифа анинг хирманидин хўша термайдурлар. Афозилдин то арозил амният бўстонида ишрат бодасидин маст, аъолийдин то асоғил давлат айвонида роҳат шоҳиди васлиға пайваст бўлуб, кўнгуллари хоҳишича тараб базмин курдилар ва муродлари қўлин мақсуд доманига еткурдилар.

### **Қитъа:**

Бўлди элга валодати шарифи,  
Сабаби издийоди амну амон.  
Ер юзи бўлди файзи мақдамидин,  
Ғайрати гулистони боғи жинон.  
Тарабу айш гуллари очилиб,  
Даҳр боғида неча минг алвон.  
Инбисоти тамом бирла улус,  
Базми ишратни туздилар ҳар ён.  
Майи мақсаду нашот жоми била,  
Ичибон бўлдилар ҳама шодон.

Чун ул ҳазрат туфулийят айёми шабистонидин хурож қилиб, шабоб ҳангоми гулистонига уруж этди, илму камол иртикоби, фазлу афзол иктисобиға саъи тамом била иштиғол кўргузуб, оз муддатда улуми шаръия вақтида мушорун илайҳ ва масоили диния муҳофазатида мультамадун алайҳ бўлди.

### **Назм:**

Ҳар масоил ичра бўлса маҳлукот,  
Олида арз этса они кимса ёт.  
Фикри бир дам ичра айлаб они ҳал  
Кимсаға қолмас яна жойи жадал.

Хусусан, таворих ва қасоид ва маснавийот ва ғазалийот ва жамеъ шеър улумининг қавоидига маҳорати тамом ҳосил қилиб, дақиқфаҳмлик ва назокатшунослиғ ва латифагўйлик фунунида ул микдор авжи эътиборға чиқтиким, жаҳон фозиллари ва замон комиллари ўз ажзиға қойил бўлуб, ул ҳазрат сұхбатида гўёлиғ тилин хомушлиғ тамоқиға тиқтилар.

### **Маснавий:**

Хунар, касбиға то узатди илик,  
Бўлуб табъиға кашф борча билик.  
Тасаввуф инон этса диққат аро,  
Солур дониш аҳлинин ҳайрат аро.  
Олиб юз куёш нури бир заррадин,  
Топиб минг тенгиз мавжи бир қатрадин.  
Қаю сўздаким, эл муаттал бўлур,  
Ҳамул сўз анинг фикридин ҳал бўлур.  
Келиб ҳикмат ичра Искандар киби,  
Ёрук табъи хуршиди анвор киби.  
Фатонатда яктои оғоқ ўлуб,

Фасоҳатда даврон аро ток ўлуб.  
Таворих сори бир этгач назар,  
Бўлуб даҳр ҳоли анга жилвагар.  
Қасоид аро зоҳир этса нукот,  
Фидо дониш аҳли қилурлар ҳаёт.  
Агар маснавийотдин сўрса сўз,  
Тикарлар маоний эли ерга кўз.  
Тафаккур муаммода қилғоч аён,  
Чиқориб от, элга берур тоза жон.  
Агар қилса изхор фанни туюқ,  
Жанобида шеър аҳли айлар топук.  
Маалқисса, дониш аро бегумон,  
Назири анинг бўлмагуси аён.

Ва аксар авқот уламоу фузало ва шуароу зурафо била ҳамсухбат бўлуб, ул жамоани бағоят азизу аржуманд тутар эрди ва хони эҳсонидин маҳзуз ва баҳраманд этар эрди. Ва агар шуарои замондин ҳар ким бир қасида ва ё бир ғазал ва ё бир рубоий ўз кудратиға лойик назм силкига чекиб, анинг назари анвари пешгоҳиға еткурса эрди, илтифот юзидин таҳсину офарин била башошати тамом ва масаррати молокалом маросимин зухурға еткуур эрди. Ва анинг силасига хазонаи эҳсонидин нуқуди фаровон инъом қилиб, ҳар неким коми эрса берур эрди. Ул жамоадин фақирким, аксар авқот ул ҳазратнинг мажлиси шарифи (390<sup>a</sup>) мулозаматиға етиб, табъим натойижидин ҳар турлук қасида ва ғазал ва рубоий шоҳидлари манассаи зухурда жилвагар бўлса эрди, рақам зевари била ораста қилиб, назари саодатасар мутолаасиға еткуур эрдиким ва ўзгалардин ортукроқ илтифоту инъомот била сарафroz бўлуб, фузало ва шуаро орасида мумтозлиқ топар эрдим. Хусусан, ул авони саодатнишонда ул ҳазрат мидҳатида бир ғазал ва бир рубоийнинг ранго-ранг гулларин хаёл сарпанжаси била маоний гулшанидин териб, мажлиси хумоюни беҳиштнамуниға тухфа чекиб, авотифи маҳсусадин баҳраманд бўлуб, тахта-тахта чой, шабра-шабра қандолот инъоми била ширинкомлиғ топиб эрдим. Ул ғазал будурким, бу мавридда таҳрир топар.

### Ғазал:

Ул сарвари замонки, буюкур маком анга,  
Гардун қади хам ўлди қилиб эҳтиром анга.  
Олийдур уйла рутбасиким манзалат аро,

Таъна урар фалакка, камина ғулом анга.  
Чекса масоф аро, яна кирмас нийомиға,  
Аъдо сипоҳи қонини тўкмай хусом, анга.  
Илёсу Хизр раҳбари иқболу бахтдек  
Давлат била қаю тараф ўлса хиром анга.  
Фикри дақиқ илаки, борча улум аро,  
Қолмас очилмай оллида муғлақ қалом анга.  
Эҳсону лутфи бирла топиб баҳра аҳли фазл,  
Қилмоқ дуо оларнинг ишидур мудом анга.  
Давлат нигини узра ёзиб хомаи азал  
Шаҳзодаи Раҳимқули тўра ном анга.  
Ё раб, инояту карам айлаб насиб қил  
Умри давом, мартабаи мустадом анга.  
Қил Огаҳий дуосини мақбулу мустажоб  
Ким, иш дуои давлат эрур субҳу шом анга.

Ва ул рубоий будурким, мастур бўлур:

**Рубоий:**

Эй хоки даринг токи эрур жой манга,  
Фарқи шараф ўлди чархфарсой манга.  
Мадҳингни демакда бўламен шириңком,  
Лутфу карам айла қанд ила чой манга.

Ва ул ҳазрат гоҳо шабоб авонининг муқтазоси ва йигитлик замонининг тақозоси била кўнгул малолатининг дафъи учун сахро тафарружи ва шикор тамошосиға отланиб, ҳар кун бир манзили дилкаш ва ҳар кеча бир маскани хушсафоға нузул қилиб, маснуот ажойиби ва махлукот ғаройибининг мушоҳадасидин сонеъи бечун ва қодири бенамуннинг ҳақиқати зотиға йўл топиб, фуюзоти илоҳий ва футухоти номутаноҳий кайфиятидин замири байзо тахмирин масрур ва шодком қилур эрди.

**Рубоий:**

Эй, хотиринга сукун аро етса малол,  
Бўл сайр қилиб гоҳ-гаҳи айшисигол,  
Бир ерда сукун этса бўлур ганда зилол,  
Сайр ичра қуёшға ортадур ҳусну жамол.

Ва ҳар манзилда сахронишин фуқаро ва ажаза ва мазлумларнинг доду тазаллумиға етиб, аҳли зулмнинг дasti тааддийсиға муқосарат еткуур эрди. Атрофу жавонибдағи назоратпарвар ва беҳиштасар бешаларга давлат тавсанин суруб,

куш солмоқ била шикор аҳлиға қирон солиб, сайдандозлиғ тамошоси била хотири хатирин овлар эрди.

### Ғазал:

То ирода қилди султони карампарвар шикор,  
Дашту сахро ваҳшу тайри бўлди сарто-сар шикор.  
Қушлари паррандалар хайлин ҳавода сайд этиб,  
Итлари чаррандаларни ер уза яксар шикор.  
Шодлиғ ифратидин учмоқ тилар, йўқ биймдин,  
Сайд этар чоғда буким ургуси болу пар шикор.  
Еткуси бешак анга мақсад фитрокиға бош –  
Ки, шикор асносида мақтули бўлса ҳар шикор.  
Жонпарвардин дема балким тиф шавқи жазбидур,  
Забҳ чоғи буки оллида бўлур музтар шикор.  
Сайдгахға сурса от, илкиға олиб қорчиғай,  
Рағбати бирла шикор ўлмай қолур камтар шикор.  
Қилди шоҳини шикор ул навъ сахро сайдини –  
Ким, қуёш чарғи саҳар бўлғон киби ахтар шикор.  
Мурғи дил доим қилур шаҳбози оллида ҳаво, (390<sup>6</sup>)  
Токи бўлғай ногаҳон толеъ бўлуб ёвар шикор.  
Чиқса күш солмоқға танҳо сайди бўлмас ваҳшу тайр,  
Одам аҳли-ю, малак хайли бўлур яксар шикор.  
Гар шикор айлар бу янглиғ овни, лекин ёвни ҳам,  
Ҳаргиз андоқ қилмағой Жамшиду Искандар шикор.  
Огаҳий кўнглини, ё раб, сайд қилғоймуки ул,  
Ҳам шикастаболу ҳам афсурда, ҳам лоғар шикор.

Ва ул ҳазрат, гоҳо отаси султони мағфур ғазот ва жиҳод иродаси била ҳар тарафга азимат кўргузса эрди, амри олий мумжиби била наёбат саририға тамаккун ва ҳукумат умуриға мутасадди бўлуб фуқаро аҳволотининг интизоми ва мамлакат муҳиммотининг саранжомиға иқдом кўргузуб, жаҳон маҳофилида акдоҳи адолатин даврға киргузур эрди. Токим синни шарифи йигирма секизга етганда, санаи ҳижрия минг икки юз эллик еттида, сиғир йили, рабеъу-с-соний ойининг йигирма секизида, чаҳоршанба куни аҳсани авқот ва асьади соотда ҳазрат соҳибқирон беҳиштишоннинг авотифи бекарона ва мароҳими хусравонасидин Ҳазорасп аёлатининг мансаби олийсиға мансуб бўлуб, аморат нигинин исми ҳумоюни шарафи била зийнататфозӣ ва ҳукумат саририн қадами маймуни вусули била фалакфарсой қилди.

### Маснавий:

Аморат маснадига қўйди то пой,  
Фахоматдин сарир ўлди фалаксой.  
Фуюзоти қудумидин Ҳазорасб,  
Шарофат айлади имконича касб.  
Бўлуб даҳр ичра афзун эътибори,  
Етиб гардунға фарқи ифтихори.  
Агарчи эрди бир нотавон ул,  
Етишгач мақдами, бўлди жавон ул,  
Қилиб сурма сипоҳининг ғуборин,  
Мунаввар қилди чашми интизорин.  
Топиб адлидин андоқ зеб ила фар –  
Ки, шаҳри Чинға бўлди таънагустар.

Ваadolat шористонидин ул мамлакат бўстонига аондоқ серобу районлиғ еткурдиким, ҳеч вақти аз авқотда ул янглиғ маъмур ва ободонлиғ топмайдур эрди.

#### **Маснавий:**

Анингдек топти тазийну тароват –  
Ки, пайдо ер юзида бўлди жаннат.  
Ғалат қилдимки, бу сўз қилдим изҳор –  
Ки, жаннат демак они бор анга ор.

Ва ул диёри зийнатосорнинг фуқаро ва раоёси фориғбулу мураффаҳмажоллиқ била айшу тараб сахбосидин ҳушҳол бўлуб, субҳу шом, балки аладдавом дуои давлатига иштиғол кўргузуб, бу рубоий мазмунин дурди забон ва ратбуллисон қилдиларким, **рубоий:**

Шаҳзодаға умр боқий ўлсун, ё раб,  
Мақсади Хизр мулокий ўлсун, ё раб.  
Қиздурғоли элга айшу ишрат базмин,  
Алтофию адли соқий ўлсун, ё раб.

Ва ул замони саодатнишонда факир Ҳазорасп кишварининг таърифи ва ул ҳазратнинг тавсифига муштамил бир қасидаи ғарро тартиб бериб, инояти маҳсуса била мумтоз ва мустасно бўлуб эрдим. Ва ул қасидани бу мавзеъда таҳрир силкига чекмак муносиб кўрунди.

#### **Қасида:**

Хивақки, зеббахши билоди жаҳон эрур,  
Лутфу сафода рашки риёзи жинон эрур.  
Ҳар хоксор, бекас агар анда тутса жой,  
Гўё бир Одам ул, анга жаннат макон эрур.

Қилмоқда васфи нузҳат, таърифи сафватин  
Ожиз балоғат аҳлию қосир баён эур.  
Гар йўқ жаҳонда мисли онинг, лек файз аро,  
Ул бир латиф жисм, Ҳазорасб жон эур.  
Гар жон десам йиғиб Ҳазорасб мулкатин,  
Шахси сафо тириклиги андин аён эур.  
Обу ҳавоси уйла гуворову жонфизо –  
Ким, рашки салсабил ила руҳи равон эур.  
Қўрғони тортибон фалаки атлас узра бош,  
Давлат қушиға кунгирида ошён эур.  
Гардун юзини уйла харош этти зирваси –  
Ким, кўк аро нишони аниг каҳкашон эур.  
Лек ул тариқа ҳафр топиб умқи хандаки,  
Моҳийу.gov қаърида аниг (391<sup>a</sup>) давон эур.  
Дарвозаси беҳишт эшигидек тарабфизо,  
Иқболу баҳт анда ики посбон эур.  
Ҳар кўчаси сафода, хиёбон-хулддек,  
Ҳар бирори қусури жинондин нишон эур.  
Ҳар сори анда ҳур киби жилва қилғучи,  
Хўблар гурӯҳига не ҳисобу не сон эур.  
Ҳар кенти ичраким, бўлубон боғлар бино,  
Бошдин оёғи равза киби гулистон эур.  
Таснимдек салосат ила сувлар оқибон,  
Кавсар мисол ҳовузлар ичра равон эур.  
Ҳар кимки анда манзил этибдур мудом ул,  
Мақсад шароби нашъасидин комрон эур.  
Шукр Худога, эмди ўшул мулк ҳокими,  
Бир беки чархрутбаву хотамнишон эур.  
Қай бекким, маротибу жоҳу жалол аро,  
Ҳукми мутеъи даври этти осмон эур.  
Вақти жулусин аниг аморат саририға  
Тутғил қулок, дейин санга гар худ гумон эур.  
Минг икки юз ҳам эллик етти бўлуб сана,  
Моҳи рабеъу-с-сонийу фаррух замон эур.  
Рўзи чаҳоршанба ҳамул моҳ охири  
Соатиға саодат ила иқтирон эур.  
Ҳоки қудумидин бўлубон мулк муфтахир,  
Мулк аҳли базлу лутфи била шодмон эур.  
Юз урди чарх даргаҳига таҳийят учун,

Илкида давлат абадий армуғон эур.  
Ондок ривож бердиadolat умуриға –  
Ким, мунфаил қошида Ануширвон эур.  
Хони саховат уйла ёйиб хосу оммаға –  
Ким, Хотам анда муфлису зилласитон эур.  
Хунрездур сиёсатининг тифи уйлаким,  
Бахром бағри бийму ҳарос ичра қон эур.  
Афви ҳам ул мушобеҳдадурким, карам чоғи,  
Кўҳи гуноҳ оллида барги самон эур.  
Исми шариғи хотами баҳти баланд уза,  
Шаҳзодаи Раҳимқули тўра хон эур.  
Ҳар ён рикобида югуруб давлат ила баҳт,  
Илёс, Хизр туну кун анга ҳамъинон эур.  
Пиру жавон, тонг эрмас, анга қуллук этсалар,  
Тадбир арову баҳт аро пиру жавон эур.  
Ҳикмат аро ёнида бузи Сомирий киби,  
Сукротким, жаҳон иши анга аён эур.  
Ҳашмат аро Скандар эди гар жаҳонда фард,  
Лекин шукуҳи қошида бир нотавон эур.  
Эҳсон қилур чоғи кафи дарёнаволидин,  
Базл айламак фанида хижил баҳру кон эур,  
Тонг йўқ сипоҳи арсаи оламға сиғмаса,  
Анжум мисол беададу бекарон эур.  
Тузса масоф хасмини бешак қилур забун –  
Ким, ёвари анинг малики мустаъон эур.  
Қаҳрини хасм аҳлиға оғат демаклигим,  
Демакки, шуъла караму, тунук парниён эур.  
Ул навъдур маротибиким, остоница  
Жоҳ аҳли барча сойил, бехонумон эур.  
Андокдур фазойиликим, ҳар улум аро,  
Фаҳми дақиқ, зеҳни дағи хурдадон эур.  
Ҳар ерда дониш аҳлию фазл аҳли бор эса,  
Лутф айлабон оларға басе меҳрибон эур.  
Хосса карам қилурда анинг кафи баҳшиши,  
Назм аҳли бошиға дурру гуҳарфишон эур.  
Тасниф этиб китоблар отиға аҳли шеър,  
Иньоми баҳраманди анинг жовидон эур.  
Васфини жидду жаҳд била айламак тамом,  
Гардунға чиқғоли ясамоқ нардбон эур.

Эмди дуоси сори рақам сургил, Огаҳий,  
Ожиз мадҳидин қалами дузабон эрур.  
Умрию давлатини Худо айласун фузун,  
То бор олам ичра еру осмон эрур.  
Ҳукми нуфуз айласун аҳли жаҳон аро,  
Токим жаҳонда аҳли жаҳонға макон эрур.  
Ичсун мурод жомини базми тараб аро,  
То жоми меҳр даври улусға аён эрур.  
Матлуб шоҳиди қучоғин маскан айласун,  
То даҳр шўхи жилва била дилситон эрур.  
Бўлсун муборак ишрати анинг бу базм аро,  
То базми олам ичра улус комрон эрур.

Ва ул ҳазратнинг авони беклигига бозуиши шиҷоати ва нируйи муборазати асаротидин кўб воқеоти ажиба ва футухоти ғариба воқеъ ва содир бўлдиким, жаҳон мажолиси ва замон мажомеъида (391<sup>б</sup>) Рустами пилтан ва Исфандиёри сафшиканнинг достони ва афсонаи муборазатига хатти насх урулуб, тоқи нисёнда қўюлди. Агар ул замондағи вукуъ топғон воқеотнинг борчасин бир-бир такрир қилиб, китоб қайдига чексам, бу нусхайи мухтасарға гунжойиш қилмас ва юз йилда мингидин бири айтилмас. Ложарам, ул жумладин икки воқеъаниким, хони марҳумнинг тазкирасида зийнат учун ижмолан ишорат қилилиб эрди, тамсилан, таҳрир силки ва такрир симтиға кийургумдур, иншаоллоҳу таоло.

## **Аввалғи воқея.**

**Ҳазрат зиллуллохийнинг шиҷоат зоти муқтазосидин “ва жоҳиду фи-сабилилаҳ”<sup>8</sup> фаҳвоси била ғазот савобин ирода қилиб, эрон сори азимат этмаги ва сипоҳи қиёматдастгоҳ ҳамроҳлиғи била Марв диёриға етмаги ва таъйидоти илоҳий била жамшидия тавойифин мусаххар қилиб, дasti тасарруфиға киргузмаги ва ул жамоани хурросон мамолики сарҳадотидин хоразм диёри музофотиға кўчуруб, мурожаат кўргузмаги**

## **Назм:**

Маоний оламининг комрони,  
Сухан иқлимининг кишварситони.  
Алам чеккан варақ майдони узра,  
Қадам қўйғон нутқ айвони узра –  
Ки, яъни хомай афсонатаҳрир,  
Рақам мулкин қилур бу навъ тасхир.

Чун бу сафари нусратасар азимати вуқуъиға сабаб ул эрдиким, ҳазрати зиллуллохий ҳамияти жибиллий ва шиҷоати фитрий муқтазосидинким, зоти саодаттахмирида нахр янглиғ мухаммар ва миръотзамир мунирида жавҳармисслик музмардур. Сипоҳигарлик асбобиға саранжом ва сипоҳ аҳволиға интизом бериб, ҳиммати олий наҳматининг шаҳбози баландпарвози кишваркушойлиғ тақозоси ва ғазот савоби таманносида болафшони ҳавои шавқ бўлуб, ҳамишату-л-авқот отаси сultonи мағбурнинг ҳузури шарофатвуғурида бу таманно изҳорин такрор қилурға мутараддид ва жиҳод азми рухсатиға мутарассид эрди.

## **Маснавий:**

Зиҳи шаҳаншоҳи фархунда хислат,  
Хумоюн эътиқоду, пок нийят.  
Муроди – куфр расмин урса барҳам,  
Мароми – дин асосин қилса маҳкам.  
Тақозоси келиб кишварситонлиғ,  
Таманноси адувға хунфишонлиғ.  
Ҳамиша коми – мулк обод қилмок,  
Адолатдин улусни шод қилмоқ.

Чун ҳазрат хони мағбурнинг дағи одати марзия ва хислати олияси ул эрдиким, “ва жоҳиду фий сабилилаҳ” каримасининг мазмуниға амал қилиб, ҳар йил ўз нафси нафиси била куффор жиҳодига отланур эрди. Ва қайси йилким, ўзи отланмаса, газва

савоби таҳсили учун ўз тарафидин умаройи изомдин бирони солори лашкар қилиб, сипоҳи зафарилтизом била ғазот амриға маъмур этиб, анинг хотири давлат маосирин бу хизмат шарафидин муфарриҳ ва масрур қилур эрди.

Чун ҳамул дастур била бу йил, яъни сиғир йили, тарихи ҳижрийнинг минг икки юз эллик еттида ҳазрати зилуллоҳийнинг жабҳай аҳвол ва носияи таважжуҳида мамлакаткушолиғ рағбатининг асаротин кўпрак мушоҳада қилиб, ўз жонибидин нойиб ва сипоҳсолар этиб, Эрон куффори жиҳодининг рухсати била сарафрозлиғ еткурди. Ва ўзининг рикоби ҳумоюни мулозаматидағи умаройи изом, сархайли киромдин саёдатпаноҳи нажобат иктиноҳи рафेъмақом Авазхожа шайхулислом ва қўнгрот аозимидин олийнажод, фараҳниҳод вазири равшанзамир Отамурод қушбеги ва қиёт акобиридин шиҷоатшиор, аморатдисор Худоёрбий ва Сайидназарбий, мангит машҳиридин жалодатнишон муборазат тавъамон Бекмонбий ва мұттамидулхавос ва мулозаматихтисос саркардалардин ихлоспаноҳ, эътиқоддастгоҳ Абдуллоҳ ясовулбоши ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Яхшимурод юзбоши ва Мұҳаммадмурод маҳрам ва Қорли юзбоши ва шамхолчилар саромадидин садоқатойини сароматкамин Мұҳаммадамин юзбоши (392<sup>a</sup>) ва Абдураҳмон юзбоши ва сипоҳдорлар маорифидин хизматпарвар, таҳаввургустар Мұҳаммаджонхожа ва Давлатназарбий ва Шоҳмурод юзбоши ва Тўра юзбоши ва ғайриҳумни ўзлариға мутааллиқ навкарлари била ва тарокима асноғидин ямут ва човдур ва кўқлон ва қародошли ва атовшайх черикин ва алиэлининг баъзи шужаосини ул ҳазратнинг рикоби давлат интисоби мулозаматиға буюрди. Ва йўл яроғи учун умаройи мазбура ва сипоҳи мазкурага маболиги мавфура инъоми била хурсанд ва барумандлиғлар еткурди. Чун оз фурсатда асбоби сафар ва саранжоми лашкар баважҳи дилҳоҳ омода ва мұхайё бўлди. Санай мазкурада шавволи муazzамнинг олтиси ва акрабнинг йигирма еттисида жумъа куни намози адосидин сўнгким, соатлар масъуди ва вақтлар маҳмуди эрди, ҳазрати зилуллоҳий қиблагоҳи жаннатжойгоҳининг фотиҳаи ижобатпаноҳи шарафиндин баҳраёб бўлуб, инояти илоҳий ва саодати номутаноҳий имдоди била давлат самандиға рукуб қилиб, умаройи зу-л-эҳтишом ва лашкари маҳшарнизом ҳамроҳлиғи била аъломи нусратнишон маҳчасин моҳи тобондек жилваға киргузуб, шаҳри Хивақ “шайядадаҳаллоҳу би-л-хойри ва-н-насақ”<sup>9</sup> дин хуруж қилиб, мақсад тариқиға азимат

якронин сурди. Ва сумми сутур ғуборидин фалаки давворнинг дийдаи интизориға сурмасойлиғ еткурди.

### **Маснавий:**

Тузубон расми ойин хусравона,  
Чиқиб мақсад сори бўлди равона  
Ёрутди олам акторин очиб чехр,  
Анингдекким, фалак айвонини меҳр.  
Миниб отиға бир Рахши сабуксайр –  
Ки, етмай тезликда анга тайр.  
Басе, раҳвору гарду хўбманзар –  
Ки, дерлар кўрган эл руҳи мусаввар.  
Паридек хўбшаклу чу заҳр дум  
Сабодек ҳушхирому оҳанин сум.  
Келиб ҳайъатда олийроқ фалакдин,  
Вале суратда дилкашроқ малакдин.  
Анга гар соя солса тозиёна,  
Анингдек тунд ўлуб бўлғай равона –  
Ки, бир гом ичра чиқғай бу жаҳондин,  
Демайким бу жаҳондин, ломакондин.  
Мисоси мақдамидин мафохир ер,  
Ғуборидин фаҳомат кўкда зоҳир.  
Миниб устиға султони фалакшон,  
Нечукким, чарх уза хуршиди тобон,  
Бўлуб сонсиз тажаммул бирла озим,  
Рикобида шаҳаншахлар мулозим.  
Ливолар кўргузиб ўтруда жилва(ҳ),  
Фузун айлаб маҳобат, Оллоҳ-Оллоҳ.  
Бўлубон маҳчаси ондоқ дурахшон –  
Ки, олиб нур андин моҳитобон.  
Сочи боғи зафарға сунбули тар,  
Машоми даҳр андин атрпарвар.  
Мулавван шиққасиким жилвагардур,  
Шаҳомат арсасиға зебу фардур,  
Сутуни тортибон тузликда қомат,  
Сиҳи қадларға еткурди хижолат.  
Юруб ҳам ўтруда юз беки моҳир,  
Адувсиз зебу фар ҳар бирда зоҳир,  
Бариси сарвқадду моҳрухсор,  
Бариси гулжабину меҳрдийдор,

Юрарда юз усул айлаб намоён,  
Тамошо аҳлин айлаб зору ҳайрон.  
Оларни кинича айлаб шоҳ воло,  
Саманду хушхиромин роҳпаймо.  
Юруб атрофида аркони давлат,  
Мулозим аҳлию аъёни ҳазрат.  
Яминида юруб хоқону хонлар,  
Ясорида дағи кишварситонлар,  
Эранча от суруб анвоъи лашкар,  
Улусға кўргузуб ғавғойи маҳшар,  
Ададда резай қумдин зиёда,  
Демай қум, хайли анжумдин зиёда.  
Вале зўр ичра ҳар бир нарра деви,  
Чиқиб гардуни гардонға ғиреви.  
Миниб ҳар бириси бир Рахши саркаш,  
Баланду тезравликда фалакваш.  
Барининг илгига зебо синонлар,  
Синон эрмаски, одамкаш йилонлар.  
Мусаллаҳ ҳам уруш асбоби бирла,  
Мукаммал ҳам юруш асбоби бирла.  
Бариси тебрабон шаҳ кейнидин бот,  
Бўлуб саф-саф, суруб мақсад сари от.  
Ғубори кун нурини тийра айлаб,  
Юзи олам кўзини хира айлаб. (392<sup>6</sup>)  
Чиқиб авжи фалак узра алоло,  
Қолиб ҳайрат аро аҳли тамошо.

Чун бу янглиғ дабдабаи дўстнавоз ва кавкабаи душмангудоз била изҳори азимат ва қатъи масофат қилиб, Янгиориқ қарясидағи работи лозиму-н-нашотеким, ул ҳазратнинг мамлукай мавруссаси эрди, ташрифи ҳузури комилу-с-суури анинг зирваи мубоҳотин буружи самовотдин ўткарди.

#### Маснавий:

Ҳамул ҳавли чу бўлди шаҳға манзил,  
Шарофат ҳаддин афзун қилди ҳосил.  
Топиб зийнат нечукким боғи ризвон,  
Демай ризвон, нечукким гулшани жон.  
Ўтурди чархдин буржи фахомат,  
Етурди равзаға таъни тароват.

Ва ул макони беҳиштишонда бир кечада аврангнишин ва ишратгузин бўлди ва тонгласи, шанба сабоҳиким, офтоби жаҳонтобнинг шаҳсувори тезрафтори машриқ марҳаласидин чиқиб, фалак майдонининг қатъиға жавлон кўргузди. Ул ҳазрат дағи мазкур манзилдин кўчуб, хуршидвор саманди сипехрмадорға рукуб қилиб, сипоҳи анжумшумор била сайр қилурда шаҳоб мисллик суръат расмин иртикоғиб қилиб, Ос ҳавлиға нузул этиб, анинг сари ифтихорин гардунмумос қилди ва анда бир оз фурсат истироҳат қилиб, яна андин ливоафрози наҳзат бўлуб, якшанба кечаси шавкати каёний ва савлати Сулаймоний била Ҳазорасб қалъасиға ворид бўлуб, ул кишвар аҳлиниңг чашми интизориға Рахши саборафтор ғубори тўтиёсидин равшанлиғ еткурди.

### **Маснавий:**

Ҳазорасни хусрави динпаноҳ,  
Чу давлат била қилди оромгоҳ.  
Вусулидин ўлди беҳишти барин,  
Ҳузури била ғайрати шаҳри Чин.

Ва ул қалъаи равзатазийинда уч кун оромгузин бўлуб, баъзи асбоб ва адавот саранжомиға қиём кўргузубдур ва сешанба куни ҳамул қалъанинг уламойи изом ва кубаройи зу-л-эҳтиром, балки жамеъ хосу авомға подшоҳона зиёфатлар қилиб, гуногун атъима ва ранго-ранг ашрибанинг адойи акли ва инқизои шурбидин сўнг ашҳаби девбоди париниҳодға рукуб қилиб, садмати тамом ва сатвати молокалом била аламфарози азимат бўлди. Ва қуёш шоҳи анжум сипоҳи била фалак арсасин қатъ қилғонидек, лашкари ситорашавкат била қатъи масофат қилиб, Яккачиқир мавзеъига офтоби ҳузури била партавафкан бўлди.

### **Маснавий:**

Қурулмиш эрди анда боргоҳе,  
Келиб вусъатда гардун иштибоҳи.  
Ажаб, кўрким, жаҳон ичра жаҳон ул,  
Жаҳон демайки, олий осмон ул.  
Таноби ҳайъатидин каҳкашоне,  
Дурахшон михлар анжум нишони.  
Келиб ҳар ёнида заррин қубоби,  
Анинг тобинда моҳу офтоби.  
Оёқдин бошға тегру ранги зангор,  
Хавошийси қизил келди шафақвор,  
Ичига нақш этилган юз минг алвон.

Эрур ондоқки гул фасли гулистон.  
Түшалган остиға қолини рангин,  
Берилган ҳаддин афзун зебу тазийин.  
Назора қылғоч они лол ўлуб ақл,  
Қолиб ҳайрат аро беҳол ўлуб ақл.  
Анга мулсақ бўлуб хиргоҳи олий,  
Келиб ҳайъат аро гардун мисоли  
Саропарда бўлуб даврида барпо,  
Тўлун ой теграсида ҳолаосо.  
Ичи қасри беҳиштосо безалган,  
Бисот ажноси Чинийдин тўшалган.  
Солинғон неча маснад тў бар тў,  
Музайян ҳар бириси мўй бар мў.  
Барисидур жавоҳирдин мурассаъ,  
Явоқиту лаъолийдин муламмаъ.  
Муҳайё анда ҳам асбоби ишрат.  
Тамошоси қилиб ғарқоби ишрат,  
Кирибдур анда ким, ғамдин салим ул –  
Ки, гўё эрди жаннату-н-наъим ул.  
Анинг атрофида эл хайма ҳадсиз  
Қурубдур, дағи шамёна ададсиз.  
Кўрунуб хаймаю шамёна ҳар ён,  
Назар аҳлиға сонсиз қасру айвон.  
Қилиб ҳар бириси бир ранг изҳор, (393<sup>a</sup>)  
Қизил, ёшил, сориғ, норанжу зангор.  
Бу ҳайъат қилди шахри Чин биноси,  
Вале шаҳ боргоҳи арк асоси.  
Шаҳи хуршидшону чарх маскан,  
Қилиб ул боргаҳи садрин нишиман.  
Тазарруъ бирла айлаб Тенгри ёдин,  
Савол этди талаб ичра муродин.  
Бўлуб Ҳақ лутфидин саршори мақсад,  
Кириб оғушиға дилдори мақсад.  
Бўлуб мабрур ғоятдин фузунроқ,  
Фараҳ топди ниҳоятдин узунроқ.

Ва ҳамул манзили ишратнозилда бир кеча маснадоройи тавакқуф ва қадаҳпаймойи тамаккун бўлди. Чун чаҳоршанба субҳиким, подшоҳи зарринкулоҳи офтоб кавокиб ўрдусин фалакнинг вусъатмаоб арсасидин хафо манзилгоҳига кўчурди.

Ҳазрат султони гитиситон дағи түбхонаи зафарнишона ва ўрдуйи кайҳонпўйни мазкур манзилдин кўчуруб, Шайхориқи отлиғ мавзеъи саодатмаол тарафиға ирсол қилди. Ва ўзи дағи оз муддатдин сўнг отланиб, сипоҳи анжумшавкат била ливои азиматни ҳаракатга киргузуб, Фитнакнинг жанубий тарафида ҳақиқат аҳлиниң дуррату-т-тожи Сориҳожи отлиғ бузургворнинг қадамгоҳи файзосориға етганда вазоратпаноҳ, аморатдастгоҳ, ихлосниҳод Отамурод қушбеги рафевуллоҳу даражатаҳуни баъзи саркардаларнинг йўлдошлиғи била асокири мансураға бош қилиб, аъломи зафарилтизом била муаскари ҳумоюнға йиборди. Ва ул ҳазратнинг ўзи рикоби саодатмаобға маҳсус мулозимларнинг ҳамъинонлиғи била қир устига бодпойи барқжавлонин суруб, оҳанинчанг итолгуларни сарсароҳанг кийиклар сайди учун парвозга киргузуб, шикорандозлиғ тамошосиға иштиғол кўргузди.

### Маснавий:

Суруб якронини шоҳи ягона,  
Чу бўлди сайдгоҳ сори равона.  
Кийиб сиймин қўлиға баҳлаи зар,  
Мурассаъ лаълу гуҳардин саросар.  
Олиб қуш илкига зебоу марғуб,  
Бўлуб жон суратидек кўзга маҳбуб.  
Қўйулғон бошиға заррин тумоға,  
Пари кийган киби олтун ўтоға.  
Вале келмиш анга чанголу минқор,  
Ажал тифи киби буррону хунхор.  
Агар тез айлабон минқор очиб чанг,  
Қачонким сайд олурға қилса оҳанг.  
Ҳавода ҳар паранда эрса сойир,  
Барин сайд айлагай то насли тойир.  
Ити ҳам ул сифат раънову пурзеб –  
Ки, бор тозий нажоду шер таркиб.  
Солингон бўйнига зардор қорғу,  
Қилинғон таъбия ёқуту инжу.  
Ва лекин бор анингдек чусти чолок –  
Ки, ҳар дамда тай айлар арсаи хок.  
Қачонким, ов тилаб бўлса шитобон,  
Олур сачраб ғазолу меҳри тобон.  
Бу янглиғ қушлару итлар била бот,  
Чу шах гарми шикор ўлди суруб от.

Гаҳи лочин, гаҳи солиб итолгу,  
Олиб ғоятдин афзун қозу оху.  
Ҳаво узра бари паррандаларни,  
Ер узра ҳар сифат чаррандаларни.  
Саросар сайд этиб бисёр-бисёр,  
Үкуб майдон аро харвор-харвор.  
Бу янглиғ сайд этиб сахро шикорин,  
Шикор амрида рафъ айлаб хуморин.  
Тамошодин бўлуб асру фараҳёб,  
Муаскар жониби бўлди инонтоб.  
Илоҳо, қил они жовиду хуррам,  
Етурма хотириға заррача ғам.  
Раво қилғил анга не эрса мақсад,  
Шикорийвор аъдосини нобуд.  
Бари хайлини масти жоми айла,  
Жаҳон аҳлини сайди доми айла.

Чун ул ҳазрат фараҳи тамом ва инбисоти локалом била сайдгоҳдин ражъат қилиб, Шайхориқидаким, ўрдуйи аълову боргоҳи муалло мутамаккин бўлмиш эрди, нузули шарофатшумули баҳоридин сероб ва саршорлиғлар еткурди. Ва ҳамул кеча ул макони фирмавнишонда маснаднишини истироҳат бўлуб, тонглasi панжшанба сабоҳиким, хуршиди анварнинг чобукқадам сипоҳи сипеҳр арсасининг сайру гаштига мутаважжих бўлди, ул ҳазрат дағи мазкур бўлғон манзилдин кўчуб, яна аввалғи дастурда қушбеги мушорун илайҳни қуш ва қаро черик ва туғлар била (393<sup>6</sup>) тўгри йўлдин Учтўпа отлиғ марҳалаға йибориб, ўзи хулосаи сипоҳ била қир устиға чиқиб, шикоргоҳ сори таважжух маркабин сурди. Ва жайрон шикори маросимин ўз маромича иқдомға еткурди. Ва шикорандозлиғ русумидин сўнг тоғу сахро ажойиботи тамошосиға басират кўзин очиб, ҳар зарраи бесабот намудидин қодири бечун ва сонеъи бенамуннинг офтоби вужудин истидлол қилиб, хулуси нийят мисқали била хотири хатири миръотин равшан қилди. Ва жилваи жамоли илоҳий била ҳамул кўзгуни фирмавси бариндек гулшан этди.

### Қитъа:

Эйки, айни сидқ ила очсанг басират дийдасин,  
Жилвагар ҳар заррада бир меҳри анвардур санга.  
Гар тамошо айласанг дарёу баҳр амвожини  
Жунбуши ҳар қатра бир исботи гавҳардур санга.

Вар таманно айласанг матлаб жамоли аксини,  
Хар қаро тош бир сафопарварда мазҳардур санга.  
Боғласанг ҳар гаҳки азм қурби Ҳақ эхромини,  
Борча ашё манзили мақсадға раҳбардур санга.

Ва чун ул ҳазрат сайдандозлиғ тамошоси ва сахро тафарружи интиҳосидин сўнг инони азиматин Учтўпа жонибиға маътуф этиб, шарафи нузул ва давлати қабули била ул тўпанинг фарқи ифтихорин фалаки даввор ақабасиға ҳамсар қилди. Ва ул мавзеъда икки кеча маснадорой таваққуф бўлуб, шанба куни андин савлати подшоҳона ва шавкати бекарона била отланиб, мазкур бўлғон дастур била яна қир устига сайдандозлиғ иродаси била чиқиб, қуш солмоқ ва ов олмоқ тамошоси била кўнглин овлаб, Бешийғоч отлиғ мавзеъни ўрдуйи аълоға мустақар ва асокири мансурага муаскар қилиб нузул этди. Ва якшанба куни ҳам мазкур манзилда истироҳат қилиб, тамаккун кўргузди. Ва ҳамул кун намози шом чоғидаким, анжум шоҳи мағриб манзилгоҳида мақом тутмиш эрди, ҳазрат соҳибқирони фирдавсмакон сипоҳи бекарон ва кавкабай фаровон била камоли муҳаббат ва ғояти шафқатдин ўз куррату-л-айни, яъни ҳазрати зиллуллоҳийнинг мушойаати азиматин ўз нафси нафиси била илтизом қилиб, мазкур манзилдаким, аввалроқ ўрдуйи аъло ва боргоҳи муаллоси келиб, муҳайё ва барпо қилилиб эрди, нузул этди. Ва ул ҳазратларнинг лашкари нусратасарлариким, ғояти касрат ва ниҳояти ғайратда бири дарёйи жўшон ва бири баҳри хурушон эрди, бир-бирига ихтилот ва иртибот кўргузуб, “маражса-л-баҳрайни йалтақиён”<sup>10</sup> мазмунин олами зухурда жилваға киргузубдурлар.

### Маснавий:

Ул ики лашкари нусратнишона –  
Ки, не ҳад эрди пайдо, не карона.  
Бири шўришда келмиш баҳри заҳхор,  
Бири жўшиш аро дарёйи хунхор.  
Бириси мавжур андоқки Жайҳун,  
Талотумхез бири мисли Сайҳун.  
Бири эрди каронсиз баҳри Қулзум,  
Фурот эрди бири қилғон талотум.  
Бўлуб маҳлут ул икки баҳри зохир,  
Жаҳонда шўри Маҳшар қилди зохир.

Чун ҳазрати зиллуллоҳий хуршиди дураҳшон била моҳи тобон бир бурждин жилвагар бўлғондек ва ё лаъли рангин била гуҳари

самин бир дуржни мақар қилғондек қиблагоҳи ғуфронпаноҳийнинг сұхбати лозиму-ш-шарофатиға дохил бўлуб, навозиши подшоҳона ва мароҳими мушфиқонасидин баҳраёби бодаи шафқат ва сероби қадаҳи отифат бўлди.

### Маснавий:

Гўйиё бир бурждин икки қуёш,  
Чиқтию, оламға бўлди нурпош.  
Йўқ эса бир дурждин икки гуҳар,  
Юз назокат бирла бўлди жилвагар.  
Ё муҳаббат шевалиғдин икки ёр,  
Бўлди бир хилватда бир-бирга дучор.  
Васл базмини муродича тузуб,  
Бир-бирисиға навозиш кўргузуб.

Чун мазкур бўлғон манзили саодатшомилда бир оқшом маснадоройи нишот ва қадаҳпаймойи инбисот бўлуб, душанба субҳиким, қуёшнинг зарринбол (394<sup>a</sup>) ва рангин чангол итолгуси чархи мину арсасидин ситора оҳуларин шикор этиб, хафо сарпанжасиға гирифтор қилди, ҳазрати халофатмартабатлар шавкати бениҳоят била ҳамул манзилдин кўчуб, сипоҳи зафардастгоҳ била шикоргоҳ тарафиға таважжух маркабин сурдилар. Ва ажалчангол итолгуларни сарсармисол оҳуларға солиб, сайдандозлиғ тамошоси била кўнгулларин овлаб, беҳжати тамом била сайдгоҳдин муовадат қилиб, Садвар отлиғ мавзеъни асокири нусратмаосирға муаскар қилдилар. Ул манзилда бир неча фараҳи бисёр била тамаккун ва истиқор қилиб, сешанба куни андин аламфарози наҳзат ва қадампардози риҳлат бўлуб, шикорандозлиғ тариқаси била бориб, Судук бешасин мазриби боргоҳи сипехриштибоҳ қилиб, нузули ижлол файзидин беҳиштмисол қилдилар. Ва ул манзилда бир кеча таваққуф кўргузуб, чаҳоршанба куни андин алвияи зафартъбияни ҳаракатға киргузуб, яна сахро сайри ва шикор тамошосидин сўнг Даҳани Шер бешасиға ворид бўлуб, сипоҳи шермадор ва лашкари душманшикорға муаскар ва қароргоҳ қилдилар. Ва ул манзилда Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг изҳори ихлос қилиб йиборган элчиси келиб, муҳаббатномасин подшоҳона пешкашлар ва хусравона тухфалар била хони жаннатмаконнинг назари анвари пешгоҳиға еткуруб, иззи қабул била сарафролиғ топди. Ва панжшанба куни ҳазрати салтанатмаоб халофатинтисоблар мазкур манзилдин наҳзат якронига рукуб қилиб, издиҳоми тамом ва кавкабай қиёматнизом

била Сафоли марҳаласида боргоҳи олий ва сародикоти мутаъолийни барпой қилдуруб, баҳори нузул ва файзи вусуллари била фирмавси барин ва шахри Чинмисллик таровати тоза ва назорати беандоза еткурдилар. Ва жумъа куни андин кўчуб, Шишли қароайғир тўғойин маскан қилиб, шанба куни Оқработ бешасин нишиман этдилар. Якшанба куни ул манзилдин издиҳоми маҳшарнизом била масофат қатъига иқдом кўргузуб, Отхўр мавзеъида кирёси баландасос ва боргоҳи сипеҳрмумос манжуқин фарқи айуқдин ўткариб, хузури саодатвуурлари шарафиндин мафхари манозил ва ашрафи мароҳил қилдилар. Ва ул манзилда лашкар ижтимоъи учун секиз кун таваққуф воқеъ бўлди. Айёми таваққуфда ҳазрати зиллуллоҳий аснофи лашкар ва анвоъи сипоҳни гуруҳ-гуруҳ ва фавж-фавж сон кўруб, секизлончи куниким, якшанба эрди, умаройи зу-л-эҳтиром ва акобири сипоҳи нусратилтизомни боргоҳи сипеҳрэҳтишомга унданб, зиёфат тартиб бердиким, таърифдин ғани ва тавсиф мустағний эрди. Андоқким,

### **Маснавий:**

Мураттиб бўлуб уйла жашни азим –  
Ки, рашқ айлаб андин риёзи наъим.  
Халойик қилиб боргахға хужум,  
Нечукким фалак арсасида анжум.  
Тутуб ҳар ким ўз манзилида мақом,  
Ики саф нишаст айлабон хосу ом.  
Юруб чуст фаррошлар ҳар тараф,  
Басе хони заррин ёйиб саф-басаф.  
Мукаррар чекиб атъима ҳар сори,  
Вале эрди ғайри мукаррар бари.  
Кумуш зарфлар бирла олтун қадаҳ,  
Олардин етиб элга завқу фарах.  
Тўла нўшлар оби ҳайвон киби,  
Ғалат айладим, шираи жон киби.  
Мусаффо қамари қурсийдек нонлари,  
Бўлуб лаззатафзой бирёнлари.  
Ришолаву фақлома ҳаддин фузун,  
Мураббои ширин ададдин фузун.  
Бари туъма ул навъ лаззатфазо –  
Ки, кўзғаб малоикка ҳам иштаҳо.  
Орадин кўтарилмай аввалғи хон,  
Яна ўзга хон келтуурлар равон.

Яна юз туман мевалар ранг-ранг,  
Улус оллида тортилиб бедиранг.  
Яна тортилиб нүклю қанду набот,  
Бериб ком аро элга таъми ҳаёт.  
Ётиб ўртада сахни мажлис тўлуб,  
Мисоли кесак хору бекадр ўлуб.  
Бари эл топиб инбисот ўзгача, (394<sup>6</sup>)

Кўнгулларга ортиб нашот ўзгача  
Сипоҳ ахли бу жашндин шод ўлуб,  
Ҳама хон ниъамидин обод ўлуб.  
Илоҳо, жаҳон мулки то бордур,  
Карам расми шаҳларға атвوردур.  
Тутуб ер юзин давлату шавкатинг,  
Замон аҳлиға ортибон шафқатинг.  
Етушсин халойиқға ишрат куни,  
Бўлуб ҳар куни бир зиёфат куни.

Чун зиёфат лавозимининг интиҳоси ва аклу шурб маросими-нинг инқизосидин сўнг ҳазрати хони мағфур ва ҳазрати зиллуллоҳий савлати тамом ва умаройи соҳибэҳтиром била отланиб, отчопар тамошосига чиқдилар ва қир устида девнажод ва сарсарниҳод отларни ёриштуруб, рустамқувват ва филҳайбат паҳлавонларни кураш тутдуруб, оти утган сайисларни ва ҳарифин йиқитғон паҳлавонларни байроқ ва жалду учун хазинаи эҳсондин нуқуди фаровон инъом қилиб, дунёдин мустағний этдилар. Ва отчопар ва кураш тамошосидин замири саодаттакмирлариға инбисоти тамом ва нашоти молокалом етушгандин сўнг тамошогоҳдин муовадат қилиб, мазкур бўлғон манзилда боргоҳи иқбол ва сародиқи ижлолға нузул этдилар. Ва ҳамул кун факир дуо тариқаси била бир ғазал ва ҳамул сафар учун бир таърих назм силкига чекиб, ҳазрати зиллуллоҳийнинг сұхбати кимёҳосиятиға дохил бўлуб, арзға еткурдим ва иноёти подшоҳонаға маҳсус ва инъомоти бекаронадин маҳзуз бўлдум. Ва ул ғазал будурким, мастур бўлур:

### Ғазал:

Илоҳо, то жаҳону анда то аҳли жаҳон ўлғай,  
Жаҳон фармондехи шаҳзодаи олиймакон ўлғай.  
Рукуб этса рикобида бўлуб давлат жилавдори,  
Ҳумоюн бошиға мақсад ҳумоси соябон ўлғай.  
Нузул этса муборак макдамининг файзидин манзил,

Сафову равнақ ичра ғайрати боғи жинон ўлғай.  
Ватан ҳар манзил ичра айласа, иқбол ўлуб ёвар,  
Сафар қай сори қилса, фатху нусрат ҳамъинон ўлғай.  
Буким, куфр аҳлиниң тадмири азмин илтизом этмиш,  
Бу азм ичра аниңг ёру мададкори Ўғон ўлғай.  
Бориб мустаъсал айлаб хайли аъдони муродича,  
Келиб солим, мақоми тахти давлат жовидон ўлғай.  
Жаҳон ичра қаю кишвар эликим, қилса саркашлик,  
Анга бормоқ ҳамон ўлғай, они олмоқ ҳамон ўлғай.  
Скандардек мусаххар айлабон олам бару баҳрин,  
Салотини жаҳонға даргахи дору-л-амон ўлғай.  
Фалак ихлос ила бел хизматиға боғлабон маҳкам,  
Муалло осто нида туну кун посбон ўлғай.  
Қазо ҳукми киби ҳукми нуфуз айлаб жаҳон ичра,  
Ҳамиша комёбу комкору комрон ўлғай.  
Мадиҳи шаҳди бирла Оғаҳийниң тўтийи табъи  
Фасоҳатгустару ширинзабону хушбаён ўлғай.

Ва ул таърих будурким, тастир топар.

#### Таърих:

Он фариидунфари ситорасипоҳ,  
Ва он фалакжойгоҳу меҳралам –  
Ки, салотини жумла оламро,  
Хидматаш, лозим аст, бал алзам.  
Чархи саркаш ба ажҳои қавий,  
Гашта бар эҳтироми ў қад ҳам.  
Партав андоҳт меҳри маъдалаташ,  
Дар жаҳон ҳам чу найири аъзам.  
Аз баён кардани мадойиҳи ў,  
Шоиронро забон шуда абкам.  
Шаҳзодаи Раҳимқули султон  
Номи маймуни ўст дар хотам.  
Хост чун хотираш зи баҳри Худо,  
Биниҳад дар раҳи ғазот қадам.  
Ба Ҳурросон, ки буд куфробод,  
Шуд азиматнамо ба хайлу ҳашам.  
Кард дар қатъи роҳ истеъжол,  
То занад расми куфро барҳам.  
Ё раб, ин мақсадаш раво гардад,  
Ба ҳусули мурод кун хуррам.

Соли таърихи ин азиматро,  
З-Огаҳий жўст он хужасташиям.  
Вай чу бигзашта аз сари ихмол,  
Азми нусратнишон намуд рақам.<sup>11</sup>

Чун бу таърих ададда бир зиёда эрди. Таъмия илми била исқот қилилди. “Бигзашта аз сари ихмол” (395<sup>a</sup>) иборати анга муфиддур. Чун душанба куни мазкур бўлғон манзилда ҳазрати зиллуллоҳий қиблагоҳи мағфираткулоҳиға падруд кўргузуб ва муборак фотиҳасин олиб, сипоҳи зафарфаржом ва дабдабаи қиёматнизом била мақсад тарафиға озим ва азимат ишига жозим бўлди. Ва ҳазрат хони фирдавснишон дағи мазкур манзилдин шикорандозлиғ тариқаси била шаҳар сори мурожаат қилди. Ва ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул кун қатъи масофат қилиб, Кўкаржинли бешасиға ворид бўлуб, бир кеча ҳамул бешани сипоҳи шершукуҳ ва лашкари қоплонпажуҳға мақом ва оромгоҳ қилди. Ва сешанба куни ҳамул манзилдин роятафрози наҳзат бўлуб, Доя хотун работининг ҳаволисин мустақари аъломи нусратфаржом ва мазриби сародиқоти сипеҳрэҳтишом қилди. Чаҳоршанба куни андин якрони азиматға рукуб қилиб, шикорандозлиғ тамошосининг мисқали била хотири хатири миръотиға меҳри мунир кўзгусидек жило еткуруб, кечрак Қабоқли тўғойида боргоҳи сипеҳртимсол ва хиёми шавкатиштимолни барпой қилдуруб, файзи нузул ва шарафи вусулидин ҳамул тўғойни жаннат бўстонидек назоратнамо ва тароватафзо қилди. Ва бир тун ул марҳалада сарироройи тамаккун бўлуб, тонглasi панжшанба куни рикоби ҳумоюн мулозаматидағи олиймартабат уламо ва соҳибманзалат умароға боргоҳи фалакнамун фазосида гуногун зиёфатлар қилиб, борчани комёби моидан сахо ва сероби бодаи ато қилди.

### Қитъа:

Ёйиб эл оллиға хони карамни,  
Наволи лутфидин шодоб қилди.  
Қилиб ҳаддин фузун эъзозу икром,  
Шаробу хулқ ила сероб қилди.

Ва ҳамул кун зиёфат инқизосидин сўнг чўл тадорики учун абршукуҳ бухтиларға сув юклатиб, ҳамул манзилдин издиҳоми тамом била кўчуб, Ҳафтргеги Хоразм қатъиға озим бўлди. Ва кечрак Гулҳовуз отлиғ мавзеъға яқин қум ақабаларидин бир баланд ақаба устига нузул қилиб, қудуми саодатлузум шарафидин аниңг фарқи фахоматин фарқадайн авжидин ўткарди. Ва ул манзилда ярим тунга

тегру истироҳат қилиб, нисфу-л-лайлдин сўнг шабгир этиб, жумъа куни чошт вақти Сулаймон янглиғ Тахт отлиғ мавзеъни макон қилди. Ва маълум бўлсунким, Тахтрег Хоразм ичида беш-олти баланд қизил пушта қумнинг отидурким, ҳамул регзор аросида анга монанд бир мавзеъ йўқдур. Бир пуштаси баландликда авжи самовотға лофи мусовот урғувчи ва ҳар ақабаси буртоқликда хаёл бегин таҳтуссароға чўмургувчи.

### Маснавий:

Чу ҳар тил ул сифат рифъат қилиб фош –  
Ки, кўхсори фалакдин ўткариб бош.  
Эрур ул навъ ноҳамвору буртоқ,  
Киши бормоқ ҳамон ул ёну ботмоқ.

Бовужуд бу янглиғ баландлик ва буртоқлик ҳар пуштанинг тубидин бир газ ё икки газ микдори қозилса, хушгувор сув чиқиб, туман минг черикни сероб ва саршор қилур. Ва баъзи дерларким, анда бир йўли ҳазрат Сулаймоннинг йўли тушуб, тахт қуруб, нузул этиб ўтмишдур. Ғолибо, бу жиҳатдин ул мавзеъ Тахт исмиға мавсум бўлуб, мундоқ ҳайратрафзо хосият андин зухурға етар. Чун ҳазрати зиллуллоҳий ул манзили шарофатнишонни бир кеча маскан ва макон қилиб, тонглasi шанба куни андин кавкабаи воло била озим бўлуб, кечрак бир манзили олийға нузул этди. Ва ҳамул тун яrim кечадин сўнг шабгир қилиб, якшанба куни чоштгоҳ қум пушталаридин (395<sup>б</sup>) бир баланд пушта устига тушуб, истироҳат кўргузди. Ҳамул кун ва пешин намози адосидин сўнг яна ливоафрози азимат бўлиб, аср ҳангомида Сиртлонли қудуки ҳаволисидин ўтуб бир қум ақабасин манзилу мақом қилди. Ва ҳамул кеча дағи шабгир этиб, душанба куни чошт вақти яна бир регзор устига нузул этиб, оромгузин бўлди ва андин яна пешин чоғи шавкати тамом била кўчуб, саманди хушхиромға маҳмиз бериб, аъломи офтобишроқни аср вақти Ёнтоқли манзилида жилвагар қилиб, ул мавзеъни асокири зафармаосирға мустақар этди. Ва ҳамул кеча хуфтон намози адосидин сўнг умаройи олиймақом ва сархайли зу-л-эҳтишомға хилаъи қийматбаҳо инъом қилиб, сари ифтихорларин гардунсо, балки, аршфарсо қилди. Ва тонглasi, сешанба куни фажр намози адосидин сўнг Марв вилоятининг ҳокиму ҳукмрони садоқатнамой Ниёзмуҳаммадбой сорук жамоасининг акобир ва аъолийси била келиб, рикоббўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, келтургон шоҳона тансуқот ва билокотларин назари саодатоёт пешгоҳидин ўткардилар. Ва ул

ҳазрат ҳамул кун дабдабай хусравона ва кавкабай жамшидона била қадамандози азимат бўлуб Тархон қудуғи сарҳадотидин ўтуб, бир мавзеъи шарофатмаолға нузули ижлол фуюзотидин боғи Эрамдек назорат ва хуррамлик еткурди. Ва ул манзили саодатшомилда Йўлўтан қўрғонининг волийи маслаҳатдони сидқойин ва ихлоскамин Муҳаммадаминбек солур халқининг машоҳир ва маорифи била истиқболға чиқиб, остоны фалакнишон туроббўслиғи давлатиға истисъод топиб, ўз ҳоллариға лойик тухфа ва пешкаш ўткардилар. Ва ҳамул манзилда Калот хисорининг ҳокими Муҳаммадалихоннинг изҳори ихлос ва инқиёд қилиб йиборган аризадоштин Муҳаммадқулибек келтуруб, жаноби фалакинтисоб мулозимларининг воситаси била мавқифи арзға еткурди ва илтифоти хусравонадин либоси шоҳона била мумтозлиғ ва ижозати давлати била сарафролиғ топди. Ва ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул кун таваққуф бўлуб, кеча шабгир била масофат қатъига наҳзат ашҳабин суруб, чаҳоршанба куни чошт чоғи Кашмон отлиғ маконни баҳори нузули била рашки фирдавси ризвон қилди. Ва андин пешин чоғи кавокиб шоҳидек ашҳаби фалаксуръатға рокиб бўлуб, издиҳоми тамом била Ковбур отлиғ сарманзилға тушуб ором қилди. Ва ҳамул кеча мазкур манзилда аврангнишини иқомат ва ишраткамини истироҳат бўлуб, тонгласи панжшанба куни дабдабай султоний ва кавкабай каёний била кўчуб, роятафзойи азимат бўлди. Ва йўл асносида гузари саодатасари Марви шоҳжоннинг кўхна қальасиким, Байрамалихоннинг мустаҳдасотидиндур, анинг устидин воқеъ бўлуб, “*ман зора-л-мақобири фанааннама зора-л-анбийо*<sup>12</sup>” ҳадисининг муқтазоси била ул ҳаволида осудалиғ топғон авлиё ва бузургворларким, бири маърифат оламининг хуршиди дурахшони Хожа Юсуф Ҳамадоний ва бири ҳақиқат хонақоҳининг муртози Султон Санжар Мозий ва бири риёзат тавсаниға қамчи Пахлавон Аҳмад Замжий ва бири сиёdat аҳлиға фойиқ Имом Жаъфари Содикдур, “*наввараллоҳу марқадаҳум ва бардун мазжсаъаҳум*<sup>13</sup>” нинг мароқиди саодатосор ва мақобири қозийу-ланворларининг зиёрати шарафиға истисъод топиб, остоны саодатнишонлари туфроқиға жабҳасойу ниёз бўлуб, арвоҳи лозиму-л-фалоҳларидин истимдод ҳиммат қилди. Ва фуюзоти илоҳий насими ихтизозға кириб, замири мунири гулшанида футухот гуллари очилди.

### Қитъа:

Эйки мақсад йўлиға гом урмоқ этсанг орзу,

Аввал эт ихлос бирла жустужыйи авлиё.  
Шоҳиди матлаб юзин (396<sup>a</sup>) наззора қилмоқ истасанг,  
Чек кўзунгға сурма янглиғ хоки кўйи авлиё.  
Аҳли Ҳақ таъзимиға қаддингни чавгондек хам эт,  
Эътиқодинг бирла қил бошингни кўйи авлиё.  
То бу хислат юмнидин кошонаи аҳволинга,  
Меҳрдек солсун зиё анвори рўйи авлиё.

Чун ул ҳазрат аҳкоми зиёрат адосидин сўнг осто ни олиялардағи ўлтурғон мужовир ва жорубкашларни нузуроти фаровон ва садоқати бекарон била хурсанд ва баруманд қилиб, яна масофат қатъиға якрони барқсуръат суруб, савлати тамом ва садмати локалом била Марв дарёсининг канориға етиб, Гулфар мавзеъин мухаййами хиёми иқбол ва мазриби сародиқоти ижлол қилиб, нузул этди. Ва ул манзили саодатинтисобда бир кеча комёби истироҳат ва сероби жоми ишрат бўлуб, тонгласи, жумъа сабоҳиким, қуёш шаҳвори сипехри барин ҳисориға нур ва ҳабо лашкарининг ҳамроҳлиғи била юз кўйди. Ҳазрат зиллуллоҳий мазкур манзилдин кўчмак эъломи ва наҳзат этмак ишорати учун тўби раъдошуб садосин гардункўб ва карнайи даҳшатафзой овозасин қиёматошуб қилиб, ер арконига тазалзул ва фалак айвонига тағалғул солиб, давлатхоҳи қадимий ва жонсипори самимий, ихлоснамойу эътиқодафзой Ниёзмуҳаммадбойнинг солдурғон қальясига шавкати тамом била аламфарози азимат бўлди. Ва ул ҳазратнинг майманаи маймун ва майсараи майсурида умаройи зишавкат ва уманойи шерҳайбат ўзларига мутааллик сипоҳи жаррор ва лашкари бешумор била суфуфи саодатвуқуфни ораста ва пироста қилиб, икки тарафдин зобиту ясоқчи ва робиту жарчилар черик тасвиясиға иштиғол ва ижтиҳод кўргуздилар. Ва буронғор ва жувонғор сафлари ҳайъатин ростлиғда каҳкашонвор туздилар. Ва ҳазрат зиллуллоҳий қиблигоҳи нусратпаноҳда анжум шоҳи кавокиб сипоҳи ўртасида фалак арсаси қатъиға юз кўйғондек, якрони давлатни майдони азиматда гарми жавлон қилди. Ва аҳли тамошо кўзларин бу янглиғ дабдабай таажжубнамо наззорасидин ҳайрон этди.

### Маснавий:

Кўргузубон азм шаҳи комрон,  
Ғайри мукаррар ясоқ айлаб аён.  
Хайлиға ҳар ён иш ўлуб тасфия.  
Сафлар аро зоҳир этиб тасвия.

Аҳли сипаҳ жумла жаҳонни тутуб,  
Ғулғуласи кавну маконни тутуб.  
Ерга бедовлар түёки зарб уруб,  
Байроқин афлок сори учуруб.  
Бирига олти адад этди аён,  
Яна бирисига секиз қилди сон.  
Тебранибон жумла гуруҳо гурух,  
Зоҳир этиб ҳадду каронсиз шукух.  
Ҳайбати даҳр аҳлини лол айлабон,  
Лол дема, шифтаи ҳол айлабон.

Чун ул ҳазрат бу янглиғ маҳобати дўстнавоз ва салобати душмангудоз била озим бўлуб, мазкур бўлғон қалъанинг яrim фарсаҳлик ёвуқига етгач, Ниёзмуҳаммадбойи мазбур подшоҳона икром ва эъзоз кўргузуб, ул ҳазратнинг қадами саодаттавъами остига амтии чиний ва ақмишаи хитойийдин ул қадар поёндоз тўшадиким, ул ҳаволини рашки дўкони баззоз қилди. Ва фарқи ҳумоюниға жавоҳири самин ва лаъолийи рангиндин ул мушобиҳда сочиғлар сочтиким, ул мавзеъи саодаттиroz баҳру конға таънаандоз бўлди.

### Маснавий:

Тўшалди эла поёндози рангин –  
Ки, топди равзадек ер юзи тазийин.  
Сочилди ул сифат ийсору сочик –  
Ки, қолмай бир дирам чоғлиғ ер очик.  
Неча шаҳ илгари қўйса оёғин,  
Дураг бошига ёғиб мисли ёғин.  
Ҳамул майдондаким ҳар нақшподур,  
Табақдурким, жавоҳирдин тўлодур  
Териб ердин кўтарганча олиб эл,  
Кўтармакдин валие асрү толиб эл. (396<sup>6</sup>)

Нечаким, халқ ердин кўпрак олиб,  
Ҳам андин кўб яна ер узра қолиб.  
Шаҳи Жамжоҳу Скандарнишона,  
Бу шавкатлар била бўлуб равона.  
Ҳисори чархфарсо ичра етти,  
Мақоми дилкушода манзил этди.  
Ҳисор атрофиға тушти черик ҳам,  
Тараб жомиға сундилар илик ҳам.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий кавкабай подшоҳий била мазкур бўлғон қалъа ичига ташрифи ҳузур элтиб, мақоми маҳсусада сарироройи истироҳат ва қадаҳпаймойи саҳбойи ишрат бўлди. Ва Ниёзмуҳаммадбойнинг фарқи ифтихори бу давлат шарафидин фалакфарсой бўлуб, писандида хизматлар тақдимиға иқдом кўргузуб, зиёфате тартиб бердиким, сипехри кўҳан сертаажжуб юзидин анга юз минг кўз била нозир ва забони балоғатнишон анинг таърифин тақрир қилмоқдин қосир эрди. Ва ул зиёфати пурсаодатда ул ҳазратнинг мажлиси фирдавснузҳатиға зулфдор ва хуршидруҳсор ғуломбаччалар тухфа ва пешкаш чектиким, лутфу соҳибда беназир, ҳусну малоҳати дилпазир эрдилар.

### Қитъа:

Турфа қулларким, риёзи ҳусн аро,  
Комати сарви равон, рухсор гул.  
Гар қуёш бўлса атову ой ано,  
Туғмоғой ҳаргиз бирисидек ўғул.  
Юсуфи Мисрий алар адносиға  
Ҳусн бозори аро бўлғуси қул.  
Ҳар бирининг зулфининг ҳар ториға,  
Мубталодур юз туман жону кўнгул.

Ва яна назари анвар пешгоҳидин пешкаш йўсунида парисурат ва сабосуръат отлар ўткардиким, хушандомлиғда аъжубай замон ва хушхиромлиғда нодираи даврон эрдилар.

### Назм:

Бари хушманзару зебову дилкаш,  
Келиб суратда ҳар бири париваш.  
Мужассам пайқари боди сабодин,  
Ўтуб бир гом ила авжи самодин.

Ва ҳазрат зиллуллоҳий ойини подшоҳий била мазкур бўлғон қалъа ичра бир неча муддат маснадоройи таваққуф бўлуб, ўз муродича айшу ишрат додин берди ва инбисот гулшанидин нашот гулларин терди. Таваққуф айёмида зуҳурға етган воқеот зикри маълум бўлсунким, таваққуф муддатининг бешлончи куниким, сешанба эрди, ул ҳазрат рикоби ҳумоюн мулозимларидин садоқатнамой, жалодатинтимой ямутия сарвари Назарбойни сихат ва саломатлик била Марв вилоятиға ворид бўлғонининг эъломи учун аризадошт бериб, волиди бузургвори ҳазрати соҳибқирони мағбурнинг хизматиға Хоразми фирдавсбазм тарафиға йиборди. Ва ҳамул кун қадимий хизматкорлардин ихлоснишон Мирзоҳон

халифани Ҳирот вилоятининг волийи волошони шоҳ Комронғаким, бу хонадони иззатмаконнинг қадимий ихлоскишларидин эри, элчилик йўсунида муҳаббатнома топшуруб, ирсол қилди. Ва таваққуф айёмининг еттилончи куниким, панжшанба эри, осто ни олийшоннинг маҳсус мулозимларидин хусусияттавъом Қутуш маҳрамни, навозишнома била Маймана ҳокими Музробхонга йиборди. Ва ҳамул кун қальяи Навда ҳазора тоифасининг сардори Каримдодхонга Бердимуҳаммадхонни роҳий қилди. Ва Тошқўрғон ҳокими Валимуҳаммадхон ва Сарипул нигаҳбони Маҳмудхон ва Андхў ҳукмрони шоҳ Валихон ва Шибирғон волийси Рустамхон ва Шоҳимардон ҳокими Шужоиддинхонга иноят ва истимолатномалар била ямутия гуруҳининг сидқандиши хизматкорларидин Берди баҳодирни ирсол қилди. Ва Кўшкда жамшидия тавойифининг хони хукуматнишони Мираҳмадхонга ямутия саромадидин хизматшиор Дурди Қилич сардорни навозишнома била ирсол этди. Бу таваққуф муддатининг ўн бирлончи куниким, сешанба куни эри, Панҷдаҳа (397<sup>a</sup>) отлиғ мавзеъда мутамаккин ва мутаваттин бўлуб ўлтурғон эрсори ва чоршанги улусининг акобир ва аҳолиси қози Муҳаммадниёз ва Одинаниёз иноқ бошлиғ тансуқот ва туҳафоти била келиб, дарбори фалакмиқдор атабабўслиқи шарафиға фойиз бўлуб, инояти подшоҳона саҳбосидин саршор ва баҳрабардорлиғ топдилар.

Ва тонгласи, чаҳоршанба куни Тошқўрғон ҳокими Валимуҳаммадхоннинг мўътабар ва хусусиятасар кишиси Алимардон юзбоши мазкур бўлғон хоннинг сидқу ихлос мазмuni била битган аризадоштин даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг арзиға еткурди. Андху волийси Шоҳ Валихоннинг аризадошти эътиқоднишонин мультамад ва маҳсус кишиларидин Ҳазратқули юзбоши ва Муҳаммадберди юзбоши жаноб рифъатмаоб ходимлариға еткуруб, изҳори ихлос қилдилар. Чун ҳазрати зиллуллоҳий ўн уч кун Ниёзмуҳаммадбойнинг қальясида инбисоти тамом била оромгузин ва маснаднишин бўлуб, ўн тўртлончи куниким, панжшанба эри, тавсани фалакрафторға рукуб қилиб, офтобвор ул ҳисори сипеҳрмадордин чиқиб, дабдабай ҳайратагзо ва кавкабай ғаробатнамо била масофат қатъиға ҳаракат кўргузуб, қудвату-с-соликин, умдату-л-орифин, санаду-л-авлиё Талахтон бобо алайҳи-т-тахийяти ва-с-санонинг жавори фоизу-л-анвориға ёвук етиб, нузули баҳоридин ул ҳаволини Хўтн гулзори, балки, хулди барин намудори қилди. Ва тонгласи, жумъа сабоҳи атроф ва

акноф хонларидин келган элчиларга шохона саруполар инъом қилиб, ижозат шарафи била шод ва масур этди. Ва ҳамул манзилдин роятафрози наҳзат бўлуб, Қизил масит отлиғ марҳалаға етиб, нузули ижлол шарафидин ул марҳалани саодатпайваст қилди. Ва шанба куни андин издиҳоми зафарфаржом била ҳаракат қилиб, Чопики Хожа Ковий отлиғ мавзеъни сипоҳи нусратдастгоҳга мақом ва оромгоҳ қилди. Ва ул манзилда икки кеча бистароройи истироҳат бўлуб, душанба куни азимат якронин суруб, Хожа Ковий деган маконни мавкиби ҳумоюнға мақар ва хиёми шарофатнамунға мустақар қилди. Ва ул мавзеъдин сешанба куни савлати шохона ва ҳашмати бекарона била кўчуб, Чўблитўпа отлиғ марҳалани асокири нусратмаосирға муаскар қилиб, нузул этди. Ва андин чаҳоршанба куни ливои азиматни жилвагар қилиб, давлат сармади ва саодати абадий раҳбарлиги била ҳақиқатпаноҳ, маърифатдастгоҳ, риёзатталош ҳазрати имом Бектош равваҳаллоҳу руҳаҳунинг мақбараи мутабарракаси ҳаволисидин илгарироқ ўтуб, бир ерга вуруди саодатнамуди шарафидин сарафрозлиғ бағишлади. Ва панҷшанба куни андин наҳзат кўргузуб, Қушлиқиё отлиғ мавзеъни сипоҳи зафаринтиҳоға маскан ва маъво қилди. Ва тонгласи жумъя куни манзили мазкурдин сипоҳи мавфур ва асокири ғайри маҳсур била сабо ва дабур масаллик суръат ва ҳаракат кўргузуб, Ўруштушган отлиғ марҳалада кирёси гардунасос манжуқин зиёбахши дийдаи аййуқ қилиб, нузули ижлол ва вусули шарофатмаол давлатидин ул марҳалани мафҳари манозил ва ашрафи мароҳил қилди. Ва ул манзилда ҳазрат зиллуллоҳийнинг роҳи савобнамои куффор истисоли ҳаракатин ва Эрон мамлакати азиматин муаттал ва матрук тутуб, Хурросон сарҳадотидин жамшидия тавойифин кўчурмакка мойил ва муқтазий бўлди. Бу ижмол тафсили улким, жамшидия тавойифининг мавотин ва масокини Хурросон вилоятидин Бодғис музофотида Кўшк ва Қаротўпа отлиғ мавозеъда эрди. Ва Ҳирот волийси Шоҳ Комрон аксар авқот ул жамоаға таҳаккумот ва тасаллутот (397<sup>6</sup>) кўргузуб, зулми сариҳ ва тухмати қабиҳ била амвол ва мавоший, асбоб ва ҳавошийсиға яғмо ва торож еткуур эрди. Балки аксар аёл ва атфолларин қизилбош атаб, атроф ва жавонибдағи вилоятларға сотар эрди.

### Қитъа:

Ажаб шоҳи “одил” дурким, қилур,  
Тасаллут била ахли иймонға зулм.

Олиб молинию сотиб атфолини,  
Қилур ҳар нафас юз мусулмонға зулм.  
Муни биладиким фалак оқибат,  
Ер остиға солғай қилиб онға зулм.

Ва ул жамоа бу янглиғ зулму таадди нишининг захм ва тиши ийзосиға чидай олмай, ҳазрат зиллуллоҳийнинг даргоҳи олампаноҳи мулозимлариға тазаллум кўргузуб, бу мазмун била аризадоштлар йиборур эрдиларким,

### Маснавий:

Аё, сарвари маъдалатдастгоҳ,  
Эрур зотинг эл узра зилли илоҳ.  
Жаҳон аҳли соянгда осудадур,  
Бирор зулм ила йўқки, фарсададур.  
Магарким бу ғамгину бечоралар,  
Ситамдийдаву зору овворалар.  
Карам соясин бошимизға етур,  
Бу ердин баримизни билкулли кўчур.  
Берид барчамизга паноҳингда жой,  
Омон айла ғамдин баҳақки Худой.  
Бу алтоғ ила кўнглумуз шод қил,  
Қилиб банда, қайғудин озод қил.  
Тараҳҳум қилиб додимизни эшит,  
Назар ҳолимизга солиб, чора эт.  
Йўқ эрса Худо оллида ҳашр аро,  
Қилурмиз аён борча бу можаро.  
Чу биз арзимиз эмди қилдуқ тамом,  
Санга қолди иш, бил ўзунг, вассалом.

Ул тоифанинг мундок тазаллум ва истиғосаси аввалдин худ бор эди. Хусусан, ул ҳазрат кавкабай воло била ул ҳаволиға азиматнамо бўлғондин сўнг аввалғидин кўпрак муболага ва илҳоҳлари самъи ҳумоюнға етти, балки, ҳадди эътидолдин ўтди. Охируламр ул тавойифи мазлумнинг дasti тазаллumi ул ҳазратнинг ҳиммати олийнаҳматиға домангир бўлди. Ложарам, фасхи азимати Эрон қилиб, ул жамоаи бесару сомоннинг илтижо ва илтимосин мабзул тутуб, мазкур бўлғон манзил, яъни Ўруштушган отлиғ мавзеъда шанба кечаси ул тоифани кўчурмак учун умаройи изом ва сархайли киромдин шиҷоатпаноҳ, манзалатдастгоҳ Худоёрбий била ва Ниёзмуҳаммадбой ва Муҳаммадаминбек ва Худойберган юзбоши ва Ниёзмуҳаммад юзбошини ўзларига

тааллук топғон навкарлари била, кўқлон ва сорук ва солур ва така тавойифидин ўтамиш ва тўқтамиш тоифаси эрди, ва яна неча тавойиф, черики била жамшидия халқининг масокин ва автонифа ирсол қилди. Ва мазкур бўлғон кеча мазбур бўлғон манзилда маснадорий таваққуф бўлуб, тонглasi, шанба куни ямутия гурухининг аозимидин хизматшиор, жалодатосор Хоник сардор Хивақдин келиб, ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон ва шахзодаи олийшонларнинг сиҳат ва саломати ва мамлакат аҳлининг фароғ ва рафоҳийяти хабарин атабай осмонмартаба мулозимларнинг воситаси била мавқифи арзға еткурди. Ва ул ҳазрат ҳамул кундағи мазкур манзилда бўлуб, тонглasi, якшанба куни, намози бомдод адосидин сўнг жамшидия элатин кўчуурурға маъмур бўлғон саркардаларга имдод ва кўмак учун рикоби ҳумоюн мулозаматидағи сипаҳдорлардин сиёдатнишон, садоқаттавъамон Авазхожа шайхулислом ва Абдуллоҳ ясовулбошини ўз навкарлари била мазкур саркардалар ақабидин йиборди. Ва ҳамул кун ул ҳазратнинг ўзи дағи оларнинг изидин кавкабай воло била ҳаракатнамо бўлуб, Йулғунли отлиғ марҳалага ворид бўлуб, асокири нусратмаосирға муаскар қилди. Ва ҳамул манзилда икки кун таваққуф воқеъ бўлди. Ва аснои таваққуфда сешанба куни қалъаи Нав ҳокими Каримдодхоннинг иниси Абдулазизхон оқосининг йиборган туҳафо ва ҳадоёсин келтуруб, остонаи давлатнишон туфроқиға убудийят бошин қўйди ва мазкур бўлғон кун хуфтон намози адосидин сўнг жамшидия тавойифининг устига маъмур бўлғон (398<sup>a</sup>) умаройи нусраттавъом ва сипоҳи зафарҳамдамнинг мазкур бўлғон тавойифга истийло топиб, фатҳ ва мусаххар қилғон хабари атабай аъло мулозимларининг самъи ҳумоюниға етушти ва бу хабари беҳжатасарнинг изнича, тавойифи мазбуранинг умаройи олийшон ва кубаройи рафеъмаконидин Абдулжабборхон ва ўғли Икромхон ва Аҳмад Султон ва Иноятуллоҳбек ва Муҳаммад Солиҳхўжа ва қози Исмоил ва Исҳоқ халифа бошлиғ аксар машоҳир ва маорифи келиб, дарбори фалакмадор туробиға инкисори тамом била жабҳасойи итоат бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг ул жамоаға карами жабиллий муқтазоси била эҳсон ва истиноъ кўргузуб, хилоъи хуршидшую инъоми била зарпӯш ва мақсад дар оғуш қилди.

### Қитъа:

Эй тутуб сити жалолинг ер юзин,  
Келди шаҳлар остоning бандаси.

Пойбўсингни таманно айлабон,  
Бўлдилар ҳар ён йўлинг афкандаси.  
Давлату иқболу иззу жоҳ ила,  
Келди зотинг шоҳлиғ арзандаси.  
Дасти дарё бахшишингнинг базл аро,  
Хотами Тойий келиб шармандаси.

Ва чаҳоршанба куни ул ҳазрат мазкур манзилдин кавкабай зафармаол била наҳзат ва иртиҳол кўргузуб, Оқчақиё отлиғ манзилни маскани ўрдуйи аъло ва мақари сипоҳи нусратинтиҳо қилиб, нузули ижлол шарафи била беҳиштмисол этди. Ва ул манзилда бир неча кун жамшидия кўчи келиб жамъ бўлғунча таваққуф қилилди. Айёми таваққуфнинг иккилончи куниким, панжшанба эрди, ҳазрат зиллуллоҳий даргоҳи олампаноҳийнинг мұттамаддун алайҳ давлатхоҳларидин шиҷоат аҳлиниңг қўлдоши Раҳматуллоҳ ясовулбошини ямутия черикининг муборизлари била маъмур бўлғон сарҳайли сипоҳ имдоди учун йибордиким, тезрак тавойифи мазбурни кўчургайлар. Ва мундин тўрт кун ўтгандин сўнг, бешлончи куниким, душанба куни эрди, Қаротўпа ва Қўшосиё ва Сарчашма ва Шахри Ҳалил ва Чордара отлиғ мавзеъда мутаваттин бўлуб ўлтурғон жамшидия тавойифининг Абдулжаббор бошлиғ жамеъ улуғ ва кичигин амвол ва аҳшом, обол ва ағноми била кўчуруб келтуруб, лашкаргоҳи қиёматдастгоҳнинг ғарби жонибиға ўткариб, бир мавзеъга тушурдилар. Ва мундин икки кун сўнгким, чаҳоршанба куни эрди, жамшидийнинг кўчуб келган тоифасин Марв жонибиға кўчуруб, Мухаммадаминбек била солур сипоҳин кўч ҳаросатиға таъйин қилди ва рикоби нусратинисоб мулозимларидин хизматнишон Мирзоҳон халифани ўз навкарлари била кўчининг изидин юруб, нигаҳбонлиғ қилурға номзад қилди ва кўчининг ямин ва ясорида юруб хабардорлиғ қилурға дағи садоқатшиор ва соҳибэътибор кишилар ирсол қилди. Ва мундин уч кун ўтуб, шанба куни Кўшк қалъасининг атроф ва акнофида ўлтурғон жамшидия улусининг ҳокими ҳукмрон ва волийи волошони аморатпаноҳ, шавкатдастгоҳ Абдуллоҳбек келиб, даргоҳи сипеҳриштибоҳ останбўслиқи шарафиға мушарраф бўлди. Тонглasi, якшанба куни навозишоти хусравона ва инояти бекарона била аниңг аҳволи саодатмаолиға шомил бўлуб, мулозим ва чокарлари от ва сарупои шоҳона бахшишидин мумтозлиғ ва сарафрозлиғлар топиб, тавойифи мазкураға бекларбегилик ярлиғи хумоюни вусулидин фарқи мубоҳоти фарқадон авжидин ўтди. Ва

бу воқеъадин бир кун сўнг, сешанба куни Кўшк ҳисори ҳаволисида ўлтурғон жамшидия тавойифининг кўчи келиб, муаскари давлатасарнинг ғарбия тарафиға ўтуб тушдилар. Ва маъмур бўлғон умаро ва аҳли сипоҳ дағи буйрунғон хизматни баважҳи дилҳоҳ буткариб, нусрати тамом ва шавкати молокалом била келиб, суддаи сипехрэҳтишом мулозамати давлатига фойиз бўлдилар. Ва тонглasi, чаҳоршанба куни Абдуллоҳбекнинг икки инисиким, ҳамул кўч била ҳамроҳ келиб эрдилар, ул ҳазратнинг жомаҳонаи эҳсонидин хилоъи зарнигор била мулаббас бўлдилар.

(398<sup>6</sup>) Ҳамул кун ул ҳазрат Охал музофотидин келган така улусидин ўтамиш ва тўқтамиш тавойифи черикининг акобир ва асоғириға навозишлар кўргузуб, подшоҳона зиёфатлар ва хусравона хильъатлар бериб, “ва йанқолибу ила аҳлиҳи масруро”<sup>14</sup> каримасининг фаҳвосича мавотин ва масокинлариға муовадат қилмок рухсати била масрур қилиб, сарафрозлиғ бағишлади. Ва жумъа куни ихлосшиор Мирдод сардор самандук тоифасидин юз уйлукни кўчуруб, Лолаҳон бошлиғ жамеъ кадхудоларин атабай аъло хокбўслиқи даражасиға еткурди ва борчаси аътофи сultonийдин албисай тиллобоғ била мулаббас бўлди. Ва ҳамул кун ҳазрат зиллуллоҳий дабдабай подшоҳий била мазкур манзилдин кўчуб, Мўри дарёси ҳамул ердаги маъбаридин ўрдуйи ҳумоюн ва мавкиби маҳшарнамун била убур қилиб, Маржоқ жонибиға азиматнамо бўлуб, Панҷдаҳа мавзеъин асокири мансур ва афвожи ғайри маҳсурға муаскар ва оромгоҳ қилди. Ва шанба куни андин наҳзат аламин жилвагар қилиб, Банди Нодирни мавкиби саодатасарга маскан ва мустақар этди. Ва тонглasi, якшанба куни жамшидия тавойифидин ўн беш минг уйлукдин зиёдароқ элатни кўчуруб, фатху фирузмандлик, шоду хурсандлиғ давлатига восил бўлуб, маромича муроди дил ҳосил қилғон муждасин аризадошт йўсунида таҳрир силкига чекдуруб, волиди бузургвори ҳазрат соҳибқирони мағфури марҳумнинг жаноби мустатобиға доруссалтанаи Хоразм сори ирсол қилди. Ва сешанба куни фазилатмаоб, балоғатинтисоб, маонийжалис домла Эшмурод раиским, ул ҳазратнинг рикоби ҳумоюнида давлат янглиғ мулозим эрди, жалодатшиор, садоқатосор, эътиқодтавъом Қорли маҳрам била Панҷдаҳа атрофида тамаккун кўргузган чоршангি жамоасининг ҳадди нисобға етган ва закот лозим бўлғон амволи мавошийси закотин мувофиқи шаръ ахз қилмок учун номзад қилди. Ва ҳамул манзилда яна уч кеча оромгузин ва фарогатнишин бўлуб,

жумъа куни умаройи некандиш ва уманоий садоқаткешнинг маслаҳат ва илтимоси била инони инсирофни мурожаат тариқиға мунсариф қилиб, Мўри дарёсининг кўпрукидин ўтуб, бир мавзеъи олийға издиҳоми тамом ва асокири маҳшарнизом била нузул этди. Ва шанба куни андин кўчуб, Ўруштушган отлиғ манзилни мақари ўрдуйи аъло ва мазриби боргоҳи воло қилиб, файзи нузулидин назоҳатасар ва чамангустар қилди. Ва ҳамул манзилда муқарраби жаноби султоний, маҳрами асрори хоқоний, ихлос ва эътиқодтавъом Вайс маҳрам қуббату-л-ислом Хоразм ҳафизаҳуллоҳу анил-офоти ва-л-лазм<sup>15</sup>дин келиб, ҳазрат шаҳаншоҳи мағфиратпаноҳнинг йиборган муҳаббатмазмун ва муладатнамун ёрлиғин келтуруб, назари саодатасар мутолаасиға еткурди. Ва тонглasi, якшанба куни мазкур бўлғон манзилда карами зоти муқтазоси била жамеъ уламои соҳибфазилат ва умарои зи-шавкатни, балки борча сархайл ва сипаҳдорларни боргоҳи сипеҳриштибоҳ фазосиға унданб, сури азим ва жашни фахим мураттаб ва муҳайё қилдурубдурким, хомаи дузабон аниг таърифида лол ва лисони фасоҳатбаён аниг тавсифида гунги мақолдур.

### Маснавий:

Мураттаб бўлди ондок сури олий –  
Ки, келмай даҳр аро аниг мисоли.  
Муҳайё ҳар тараф алвони неъмат,  
Қадаҳлар лаб-балаб анвоъи шарбат.  
Ўкулуб қанду шаккар бениҳоят,  
Наботу нуқлға худ не ниҳоят.  
Олиб комин халойиқ атъимадин,  
Егулик, ичгулик бари нимадин.  
Кўрубон шоҳнинг инъомини эл,  
Тараб жомидин олди комини эл.

Чун аклу шурб русуми инқизосидин сўнг мажлис аҳлининг (399<sup>a</sup>) борчасиға хайотхонаи карами султонийдин хилаъи зардор ва албисай гавҳарнигор кийдурулуб, сарафрозлиғлар еткурулди. Ва бу такаллуфоти шарофатоётдин фил-жумла фароғ топғондин сўнг ҳазрати зиллуллоҳий ўз нафси нафиси била отчопар тамошосиға чиқиб, барқосор отларни чоптуруб, ва филнамудор паҳлавонларни кураш тутдуруб, байроқ ва жалду учун маҳзан-маҳзан зар ва домандоман гавҳар сочди. Ва мундоқ тамошо ва бу янглиғ атоёдин хотири хатириҳ хуш ва хуррам қилиб қўш тарафиға мурожаат

қадамин кўйуб, боргоҳи давлатпеноҳга нузул этди. Ва тонгласи, душанба куни ул мавзеъдин кўчуб, афвожи баҳрамвож била сел масаллик майли ҳаракат қилиб, издиҳоми тамом ва ғавғои молокалом била Сандуқ қочғон отлиғ манзилға ворид бўлуб, муаскари асокири нусратмаосир ва мазриби сародикоти давлатмазоҳир қилди. Ва сешанба куни андин кўчуб, Чонгли гузар отлиғ жойни ўрдуйи шарофатафзойға мустақар қилиб нузул этди. Чаҳоршанба куни андин ливоафрози наҳзат ва қадамандози азимат бўлуб, Чигирдакли совма отлиғ жойға тушуб, анинг ифтихорин фарқадфарсой қилди. Ва панжшанба кун андин сипоҳи бешумор ва кавкабай саодатосор била тебраб, Марв дарёсининг канори била абраши фалаквашни суруб, сайдандозлиғ тамошосидин хотири хатириға инбисоти тамом еткурди.

Ва йўл асносида Банди сultonни тамошо қилиб, Сайёд қалъаси оллидин ўтуб, Йўлўтан мавзеъида кирёси баландасос бошин шарафи вусулидин гардунмумос қилди. Ва тонгласи, жумъа куни андин эҳтишоми тамом ва издиҳоми шарофатфаржом била отланиб, аснои азиматда ҳазрати қутбу-л-авлиё, раису-л-атқиё Талахтон бобо алайҳирраҳманинг марқади шарифларин зиёрат қилиб, мужовирлариға нузуроти воғир бериб, дуои хайларин олди. Ва яна ашҳаби барқхезға жавлон ва маҳмиз бериб, Марв вилоятида Ниёзмуҳаммадбойнинг қалъасиға ворид бўлуб, ул қалъа аҳлининг дийдаи интизориға тавсани саборафткор ғуборидин тўтиё ва дийдори беҳжатосор анворидин нур ва зиё еткурди. Ва мундин икки кун ўтгандин сўнг, якшанба куни фатҳ ва фирузмандлик била муовадат қилиб, Марв вилоятиға келгонининг ахбор ва эъломи учун Вайс маҳрамни аризадошт била ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон мулозаматиға ирсол қилди. Ва сешанба куни Паҳлавон кокилли хони мағфиратнишон хизматидин келиб, ул ҳазратнинг муборак ёрлиғи била саломатлиги хабарин мавқифи арзға еткурди. Ва чаҳоршанба куни Калот кўрғонининг ҳокими эътиқоднишон Муҳаммадалихон ихлос ва убудийят изҳори учун таҳойифи воғир ва ҳадоёи мутакосир била келиб, оstonи давлатнишон тақбили шарафиға истисъод топди. Ва мундин тўрт кун сўнг, якшанба куни борча уламо ва умаро ва солур ва сорук ва ямут ва човдур ва жамеъ тарокима аснофиға гуногун зиёфатлар бериб, от чоптуруб, ва кураш тутдуруб, ҳар тоифаға бир баҳона била хазинаи карамидин хурсанд ва баҳрамандлиғлар еткурди.

**Назм:**

Зихи шоҳаншаҳи Ҳотамнишона,  
Этаклаб сочғуси зар бебаҳона.  
Баҳона топса гуҳаррезликка,  
Сочар бир лаҳзада юз минг ҳазона.  
Тонг эрмас бу жиҳатдин сити базли,  
Агар қолса жаҳонда жовидона.

Ва бу зиёфатдин олти кун сўнг, шанба куни ямутия чобукравларидин Назарбой ҳазрат подшоҳи раҳматжойгоҳ мулозаматидин келиб, ул ҳазратнинг йиборган ярлиғ ва ўзга асрорин мавқифи арзға еткурди. Ва якшанба куни ҳазрат зиллуллоҳий сиҳат ва саломатлиги хабарин ямутия (399<sup>б</sup>) шужаосидин Байрам Ёғли била хони мағфурнинг хизматига йиборди. Ва икки кун сўнг, сешанба куни эътиқодҳамдам Вайс маҳрам хони мағфурнинг хизматидин келиб, ярлиғи жаҳонмутоъин ҳазрати зиллуллоҳийнинг назари ақдаси пешгоҳига еткурди.

Ва бу воқеъанинг тўртлончи куниким, жумъа эрди, Машҳади муқаддас ҳокими Оллоёрхоннингким, Осафуддавлаға мулаққабдур, Мухаммад Ҳакимхон ва Мухаммад Ҳасанбек Табризий отлиғ икки элчиси келиб, мазкур хоннинг ихлос ва якжиҳатлик мазмуни била йиборган аризадоштин атабай сипехрмарта ба ҳодимларининг васотати била назари кимёасар мутолаасиға мушарраф қилдилар. Ва сафар ойининг иккилончи куниким, душанба эрди, ғуломи чобукқадам Обидин маҳрам ҳазрат соҳибқирони фирдавсмаконнинг муҳаббатномаи олийсин ул ҳазратнинг мажлиси мутаъолийсиға еткурди. Ва моҳи мазкурнинг тўртлончи куниким, чаҳорshanба эрди, Осафуддавла элчиларининг не мазмун била келгонин рақам қилдуруб, яmut Назарбой била хони беҳиштнишон мулозаматига ирсол қилди ва ҳамул кун умаройи изомдин Шоҳмурод иноқ ва Одинабой оталиқ ва яна неча сипаҳдорлар ўз навкарлари билаким, хони мағфур ҳазрати зиллуллоҳийнинг рикоби ҳумоюн мулозаматига номзад қилиб эрди, келиб, остоңбўслиғ шарафин топиб, борёби ҳузур бўлдилар ва тонгласи панҷшанба куни мазкур бўлғон элчиларни ихлосвазиға Бегиш халифаға ҳамроҳ қилиб, қиблагоҳи ғуфропаноҳийнинг даргоҳи олийси хизматига роҳий қилди. Ва мундин олти кун ўтуб, еттилончи куниким, чаҳорshanба эрди, жамеъ уламо ва умароу акобири сипоҳға шоҳона зиёфатлар қилиб, солур ва сорук тавойифининг ҳокимлари бошлиғ жамеъ кадхудолариға сарупойи гаронбаҳо кийдуруб, алтофи шоҳонадин баҳраманд қилди. Ва Шоҳмурод иноқ ва Одинабой оталиқ бошлиғ

борча издин келгон черикни баъзи масолих учун Марвда қолмоға муқаррар этди. Ва панжшанба куни Марв вилоятидин солим ва шодкомлиғ била Хоразм тарафиға қайтиб, мутаважжих бўлғон хабарин марқум этиб, ҳазрат сиҳибқирони жаннатмаконнинг осто ни олийсиға Вайс маҳрам била ирсол қилди. Ва ҳамул кун ўрдуйи аъло ва мавкиби қиёматнамони Ниёзмуҳаммадбойнинг қалъасидин Хоразм савбиға кўчуруб, ўзи дағи салобати тамом ва маҳобати молокалом била ашҳаби хушхиромға рукуб қилиб, наҳзат аламин жилваға киргуди. Ва йўл асносида Байрамалихоннинг қалъасин тамошо қилиб, Султон қалъаси муқобаласидин ўтуб, Кўйун қалъаси отлик мавзеъдаким, мазкур қалъанинг жанубий тарафида воқеъдур, боргоҳи иқболни барпой қилдуруб, нузули ижмол кўргуди. Ва тонглasi, жумъа куни Хоразм жониби муовадат қилғон хабарин эълом қилиб, иноятномалар била Тошқўргон ҳокими Валихон ва Сарипул волийси Маҳмудхон ва Шоҳимардон хони Шужоъиддинхон ва Балх ҳукмрони эшон Ўроғ ва Андху нигаҳбони Шоҳ Валихонға рикоби ҳумоюн мулозими жонсипорларидин суръатнишон, хизматтавъамон Бобо ямутни ирсол қилди. Ва ҳамул кун дабдабай султоний ва кавкабай хоқоний била ҳаракат қилиб, сипоҳи нусратиштимол била Мужовир кўли отлиғ ерга ворид бўлуб, мухаййами хиёмиқбол қилди. Ва шанба куни андин рукуб қилиб, бодияпаймойи азимат бўлуб, Кашмон отлиғ майдонни лашкари бекаронға муаскар қилди. Ҳамул кеча яrim тундин сўнг, шабгир қилиб, якшанба куни чоштгоҳ Тархон қудуқидин ўтуб, бир мавзеъға нузул этди. Ва андин пешин чоғи отланиб, аср ҳангомида Ёнтоқли сарҳадин мақом қилди. Ва анда бир кечада (400<sup>a</sup>) оромгузин бўлуб, душанба куни кўчуб, Ёнтоқли била Сиртлонли қудуқининг оралиғида бир манзилга нузул қилиб, сарафrozлиғ еткурди ва андин нисфу-л-лайлдин сўнг шабгир этиб, сешанба куни чоштгоҳ Сиртлонли ҳаволисидин ўтуб, бир мавзеъи нузҳатнишонни манзили макон қилди. Ва пешиндан сўнг мазкур бўлғон макондин кўчуб, Уchorli отлиғ марҳалага етиб, лашкари зафарпаноҳға мақар ва оромгоҳ этди. Ва ул манзилда фармони вожибу-л-изъон бу навъ иззу нафоз топдиким, лашкар аҳли бир баланд қум устига ўтун ўкуб, йўл аломати учун баланд кўтарсунлар, токим, баъзи раҳгузарийлар ул нишона била йўлдин чиқиб адашмоғойлар.

Филҳол сипоҳ аҳли фармони лозиму-л-имтисол мужиби била ул микдор ўтун йигноб ўқдиларким, ҳайъати кўхнамудор ва

рифъати фалакосор бўлди ва султон уйуқиға иштиҳор топди. Ва ҳамул манзилдин саҳар шабгир қилиб, чаҳоршанба куни чошт вақти бир мавзеъға тушуб, истироҳат кўргузди. Ва пешиндан сўнг андин кўчуб, якрони суръатни қатъи масофатға суруб, иқболу баҳт имдоди Тахтға етиб, мақом ва оромгоҳ қилди. Ва Тахтдин ярим кечадин сўнг кўчуб, шабгир била панжшанба куни зухо ҳангомида Ҳавзхон отлиғ ерга етиб, нузул этди. Ва ҳамул марҳалада муқарраби жаноби султоний, роздори асрори хоқоний, низому-давла Бекноз девонбекиким, хони мағфурнинг ҳукми ҳумоюни мужиби била жамшидия кўчи аҳволининг хабардорлиғи учун Қабоқли тўғойға келиб, Жайхун канорида мутамаккин эрди, истиқболға келиб, атабабўслиғ шарафиға мушарраф бўлди. Ва ул ҳазрат пешин намози адосидин сўнг ул манзилдин давлат самандига рукуб қилиб, кавкабай ҳайраттафзо била суръатнамо бўлуб, аср вақтидин аввалроқ Жайхун қироғиға чиқиб, Қабоқли бешасин маҳалли фароғ қилиб, нузул этди. Ва ул манзилда бир кеча таваққуф бўлуб, истироҳат кўргузди. Тонгласиким, жумъа эрди, вазоратмаоб, садоратинтисоб, Осафниҳод Отамурод қушбегини ўрдуйи аъло ва лашкари жалодаторо ва аъломи саодатинтимо била қир устидин йибориб, ул ҳазратнинг ўзи маҳсус мулозимлар била ҳилолҳайъат ва барқсуръат заврақларға миниб, дарё ажойиботин тамошо қила азимат кўргузди.

### Назм:

Шахриёримму миниб заврак аро Жайхундадур,  
Йўқса саъди ахтар янги ой устида гардундадур.  
Ё мужалло нуқтаму топқон рақам шингарф ила  
Кўк варак устида зарҳалдин ёзилғон “нун”дадур.  
Ё куёш чиқмиш фалакка қавс буржидин тугуб,  
Аксидин партав саросар баҳр ила ҳомундадур.

Чун ул ҳазрат дарё сайридин ва моҳий сайдидин фараҳи бисёр ва беҳжати бешумор ҳосил қилиб, кечрак Доя хотун работининг атрофидин чиқиб, боргоҳи олийғаким, барпо қилилиб, ташрифи хузур еткурди. Ва тонгласи, шанба куни аввалғи дастур била яна сипоҳи нусратилтизом ва ройоти саодатанжомни қир йўли била йибориб, ўзи ҳилолтимсол заврақға миниб, хуршиди анвар сипехраҳзарни қатъ қилғондек дарё ичидин озим бўлуб, Отхўр бешасиға етиб, бир кеча ул бешада истироҳат қилди. Якшанба куни яна ҳамул дастур ила кемага миниб, суръати тамом била қатъи манозил қилиб, Шишли қароайғир тўғойин файзи қадами била боғи

Эрам қилди. Ва душанба куни ҳам тариқаи собиқ била дарё сатҳидин саборафтор заврақларни суруб, Судук бешасиға нузухи тароватшумул файзидин назоҳати беандоза еткурди. Ул манзилда ул ҳазратнинг биродари аржуманд ва ахавийи дилбанди (400<sup>6</sup>) шижаатшиор ва жалолатосор, муҳаббатойин жамолу-д-давлати ваддин Муҳаммадамин тўра ал-муштахир бил-Бобожон тўра “таввалolloҳу таоло айюма давлатаху ва рафаъа аълама иззаҳу ва шавкатаху”<sup>16</sup>ким, алъон иноқлик мансаби аниг вужуди зийжуди нисбати била баландпоядур, муҳаббати зоти ва муваддати азизи муқтазоси истиқболға чиқиб, ул ҳазратнинг мулоқоти шарифиға восил бўлуб, ҳарҳарининг муъонақа ва мусофаҳаси давлатидин коми дил ҳосил қилдилар. Тонглasi, сешанба куни борча уламойи дироятнишон ва умаройи олиймакон зиёфати шоҳона бериб, яна дарё юзидин кема била озим бўлуб, Тевабўйунға келиб, боргоҳи сипехриштибоҳни оромгоҳ қилди.

Чаҳоршанба куни яна кема била дарёға кириб, Яккачакирдин чиқди ва андин бодпойи хушхиромға рукуб қилиб, ойини хусравона ва кавкабай бекарона била наҳзат кўргузуб, Ҳазорасб ҳисорининг оғуши интизорин шоҳиди духули била лабрез қилди. Ва панжшанба куни андин отланиб, шаҳар сори савлати тамом била ҳаракат кўргузди. Ва Сиёд мавзеъиға қарийб етганда шаҳардин уламо ва умаро ва акобир ва асоғир истиқболға чиқиб, мулоқоти масарратойот шарафидин баҳраманд ва хурсандлиғ топди. Ва ул ҳазрат давлат ва иқбол била шаҳарга кириб, волиди бузургвори мағфиратосорининг дийдаи интизориға шаъшаи офтоб висолидин нур ва сийнаи ойинакирдориға партави меҳри жамолидин сафо ва сурур еткурди. Ва бул сафари саодатасар муддати беш ойға имтиидод топди. Ва мундин икки ой сўнг Шоҳмурод иноқ ва Одинабой оталиқ бошлиғ Марвда қолғон черик амри олий мужиби била келиб, даргоҳи олампаноҳ мулозаматиға етдилар. Фақирким, бу хуруф роқими ва бу паришон нусха нозимиман, ҳамул мавридда жамшидия улусининг фатҳи учун бир таърих ва ул ҳазрат мадҳида бир қасида назм силкига чекиб, назари кимёасар мутолаасиға еткуруб, алтофи хусравона била барумандлиғ топиб эрдим, ул таърих будурким, таҳрир топар.

### Таърих:

Шаҳзодаи кишваркушо к-аз бийми тиғи ҳайбаташ,  
Ҳар жо ки бошад саркаше бисмил шуду дар хун тапид,  
Гашта зи таъииди Худо бозуи иқболаш қавий,

Бигрифт бе тасдиъ агар лашкар ба ҳар жониб кашид.  
З-он жумла жамшидияро бар сар фиристода сипах,  
Бежанг фатҳаш карда аз иқбол бар комаш расид.  
Ин муждаи беҳжатасар чун Огаҳий кард истимоъ,  
Таърих карда жустужӯ фикраш ба ҳар жониб давид.  
Ин фатҳро мафтӯҳ шуд жамшидийон таърих ёфт,  
Ёбад муродаш дар ҳисоб он к-у рухи идрок дид<sup>17</sup>.

Бу таърих адади бир кам эрди, амали муаммойи била анга бир “алиф” идхол қилилди. Андоқким, “рухи идрок дид” иборати анга ишоратдур. Ва ул қасида будур, марқум бўлур.

### Қасида:

Бўл шод, кўнгул, баҳор келди,  
Айёми тарабшиор келди.  
Фирдавси барин жаҳон юзидин  
Нузҳат аро шармсор келди.  
Найсон булути улус бошиға,  
Ҳар лаҳза гуҳарнисор келди.  
Ушшоқ эли доғлиғ танидек,  
Сахро юзи лолазор келди.  
Сувлар лабида бутуб райоҳин,  
Хусн ичра чу хатти ёр келди.  
Гуллар очилиб чаманлар ичра,  
Булбул иши оҳу зор келди.  
Бўстон аро сарвлар чекиб қад,  
Кумри анга бекарор келди.  
Ҳар сори равон бўлуб оқар сув,  
Эл комиға хушгувор келди.  
Ҳар дастаи сунбули гулистон,  
Бир гисуи мушкбор келди.  
Ер юзи сафо-у зийнат ичра,  
Ойинаи беғубор келди.  
Файз ичра тамом шаҳару сахро,  
Гулзори беҳиштвон келди.  
Олмоқда нашоту айшдин ком,  
Оlam элига маккор келди.  
Асбоби тараб бўлуб муҳайё, (401<sup>a</sup>)  
Эл ишрати бешумор келди.  
Рағбат кўзи бирла шоҳиди файз,  
Базм аҳлига интизор келди.

Алқисса, жаҳонда айшу ишрат,  
Беҳад, дағи беканор келди.  
Мундоққи нашоту шодлиғлар,  
Ҳар ён топиб интишор келди.  
Маншаъ бу эди ҳар ғазотдин,  
Шахзодаи номдор келди.  
Юмни қадамидин эрди анинг,  
Эл мунча фараҳшиор келди.  
Аждоди жаҳон мамоликида,  
Фармондеху шаҳриёр келди.  
Обоси сарири салтанатда,  
Шоҳаншаҳи тождор келди.  
Даргоҳида камтарин икки қул,  
Жамшиду Сфандиёр келди.  
Ўрдуси аро бир-икки хайма,  
Бу торами bemадор келди.  
Давлат қўйубон жанобиға юз,  
Бир бандай жонсипор келди.  
Айвон маротиби аро меҳр,  
Бир шамсаи зарнигор келди.  
Хайли сафи ичра Рустаму Зол  
Бир гўдаки найсавор келди.  
Шамшири шижоати қошида,  
Аъдо иши изтиор келди.  
Разм ичра шукуху садматидин,  
Душман тани раъшавор келди.  
Шаҳларға жанобининг сужуди,  
Сармояи ифтихор келди.  
Ҳар шаҳки юз урди даргаҳиға  
Муставжиби эътибор келди.  
Заррин камариға ханжари фатҳ  
Юз зеб ила устувор келди.  
Давлат бўлубон анга мулозим,  
Ҳақ лутфи нигоҳдор келди.  
Ҳар кимки инод сори борди,  
Охир эшигига зор келди.  
Ким қуллуғин этди топди иззат,  
Ҳар неча залилу хор келди.  
Иньоми жаҳонға еткуруб файз,

Бир нашъау бехумор келди.  
Осори русуми подشاҳлиғ,  
Таври аро ошкор келди.  
Лутфи била кўкка етди боши,  
Ҳар ким анга хоксор келди.  
Аҳбобиға тождор ўлуб сар,  
Хасми боши тождор келди.  
Шаҳзода Раҳимқули тўрахон  
Фарруҳ оти ошкор келди.  
Тортиб чу сипоҳ Марв сори,  
Куз борди, vale баҳор келди.  
Борғоч, солиб аҳли куфр аро шўр,  
Тортиб баридин дамор келди.  
Аҳшомиға еткуруб чаповул,  
Айлаб они тору мор келди.  
Хайлиға ғанимат ила тушти  
Ким, беҳадду бешумор келди.  
Ул навъ йиғилди тева-у кўй,  
*Панжяки сад ҳазор*<sup>18</sup> келди.  
Борча усарову ўзга ашё<sup>19</sup>  
Таъдоди қаламға ор келди.  
Жамшидия ҳам бу жумладинdur –  
Ким, кўплиги зарравор келди.  
Хоразм сориға кўргузуб йўл,  
Иқболи оларға ёр келди.  
Чун буйла зафарға топибон даст,  
Ул сарвари номдор келди.  
Хурсанд ўлубон бари халойик,  
Ҳаққиға дуогузор келди.  
Оғаҳий дағи тилаб широлға  
Оллиға уммидвор келди.  
Нечунки, анинг хўжаста зоти,  
Эҳсону карамдисор келди.  
Қил умрини пойдор, ё раб,  
То даҳр уйи пойдор келди.  
Иқболи риёзин эт музайян,  
То мавсуми гулбаҳор келди.

Чун бу нусхаи муҳтасарни ўқуғувчи арбоби фазлу хунарга маълум ва мағҳум бўлсунким, жамшидия тавойифин Хоразм

диёриға келтурулғондин сўнг Қилич Ниёзбой нахрининг бир шўйбаси канорида Куба дөғининг жануби остида ул тавойифга маскан ва мазореъ таъйин қилилди. Ҳоло улуғ эл ва ободон юрт бўлуб, ўлтурубдурлар. Ва ул жамоадин икки минг навкар рикоби ҳумоюн мулозаматин қилиб, ғайрат ва шиҷоатда ўзга лашкариядин мумтоз ва мустаснодурлар.

### **Иккilonчи воқеъа.**

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг таъйидоти илоҳий ва сипоҳи номутаноҳий била бориб, Ҷаҳоржўй қалъасин муҳосара қилиб, атроф-жавонибиға тохту тоз еткургони ва чолтут ҳисорин ғазаб ўтиға ўртаб, мутаҳассин бўлғон муонидларнинг хирмани эъморин тиги қаҳр бавориқидин куйдургони**

Воқеъа майдонининг диловару далири ва руқъия жаҳонининг Искандари мулкгири, аъни қалами воқеъаиншо мундок саҳифаоролиғ кўргузурким, чун Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳким, Баҳодирхонға машҳурдур, шароратзот ва разолатсифот муқтазосидин бир неча (401<sup>б</sup>) муддат ҳазрати соҳибқирони мағфур ва хоқони мабур, шаҳаншоҳи жаннатмакон Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон сақаоллоҳу сирраҳунинг адовати камарин ҳиммати белига боғлаб, фасод тариқасиға инод қадамин қўйуб, афъоли қабоих ва аъмоли фазоих зуҳуриға жаҳди тамом била иқдом кўргуздиким, боиси хусумат ва сабаби низъ бўлди. Андоқким, бу воқеъа хони мағфурнинг тазкирасида тафсилан зикр топиб эрди. Ложарам, хони мағфур ҳамийяти зоти муқтазосидин танбех ва гўшмолин зиммаи ҳимматиға илтизом қилиб, санаи ҳижрияning минг икки юз эллик секизида, борс йили, шаъbon ойининг тўққузида, сунбуланинг йигирма бирида, панжшанба куни Бухоро музофотидин Ҷаҳоржўй устига озим бўлди. Ва ҳазрати зиллуллоҳий дағи ул сафарда ўзига тааллук топғон мулозим ва лашкарияси била отаси мулозаматида азимат кўргузди. Чун шаъbonу-л-изомнинг салхида чаҳоршанба куни сипоҳи бекарон била Тошохур отлиғ манзилга етиб нузул этдилар. Ул манзилда ҳазрати зиллуллоҳий камоли ғайрат ва ниҳояти шиҷоатдин хони мағфурдин ижозат тиладиким, ўзининг мулозаматидағи худдом ва сипоҳ била тўғри йўлдин илғор қилиб, тезрак Ҷаҳоржўй қалъасининг устига етиб, рустахез солғой. Ва хони мағфур “иҷобан ли-л-мутамасса” ул ҳазратнинг илтимосин

мабзул тутуб, ўзининг остони олийси мулозаматидағи умаройи зул-иқтидор ва сархайли шижаотшиордин вазоратмаоб, аморатинтисоб, низому-л-мулки ва ва-д-дунйа Отамурод күшбеги ва шужоъу-л-мулки ва-д-давла Худоёрбий ва Сайидназарбий ва Абдуллоҳ ясовулбоши ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва яна бир неча сипаҳдорни ямут ва човдур ва кўклон ва тоза қўнгрот черики ва ўзбакия аснофининг талабгор ва муборазатшиор йигитлари била ул ҳазратнинг рикоби қамаринтисоби мулозаматиға муқаррар қилди.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий хони ғуфронпанохийдин ижозат олиб, фотиҳаи ижобатояти шарафиға мушарраф бўлди. Мазкур бўлғон, яъни, чаҳоршанба куни Тошохур мавзеъидин умаройи мазкур ва сипоҳи номаҳсурнинг ҳамроҳлиғи ва ҳамъинонлиғи била роятафрози наҳзат бўлуб, суръат якронин масофат қатъида гарми жавлон қилди.

### **Маснавий:**

Шижаот фартидин шоҳи диловар,  
Масофат қатъиға сурди таковар.  
Юарда кўргузуб ойини суръат,  
Бўлуб раҳбар анга иқболу давлат.  
Юруб хайлу ҳашам даврида сонсиз,  
Демай сонсиз, эрур ҳадду гаронсиз.  
Тутуб касрат аро ҳомунни яксар,  
Нужум ул навъким гардунни яксар.  
Бедовлар туёғидин чоқилиб ўт,  
Жаҳон айвони ичра ёқилиб ўт.  
Тутун янглиғ чиқиб ҳар ён губори,  
Қилиб оламға зоҳир шом тори.  
“Ҳаё-ху”си чиқиб авжи фалакка,  
Қилиб сикли асар пушти самакка.  
Макон тайида гўё рехи осиф,  
Жаҳон қатъида мисли барқи хотиф.  
Тенгиз янглиғ саросар кўргузуб мавж,  
Ҳазиз остида анинг қолди ҳам авж...  
Ясолиб соғ ила сўлда ясовлар,  
Ливолар жилва айлаб, ҳам яловлар.  
Қилиб изҳори суръат шоҳ ила хайл,  
Нечукким, дашт сори тоғдин сел.  
Даме, бир манзил ичра тутмай ором,  
Манозил қилдилар тай гом бар гом.

Чун ҳазрат зиллуллохий сипохи бешумор ва лашкари жалодатшиорнинг суфуфи давлат вуқуфин эҳтимоми тамом била безаб, истеъжоли молокалом била бир кун ва бир кечадар қилиб, жумъа куни чоштгоҳ Чакас қалъасиға етти. Ва ул мавзеъда лашкар аснофин фавж-фавж ва даста-даста қилиб, атроф ва жавониб элатининг ғорат ва торожига рухсат берди.

### **Маснавий:**

Шаҳи Рустамшукуҳ, Жамсалобат,  
Чу берди ғорату, яғмоға рухсат. (402<sup>a</sup>)  
Сипаҳ аҳли бериб отларға маҳмиз,  
Бўлуб суръат қилурда барқдин тез.  
Вале озим бўлуб ҳар фавж бир ён,  
Қилиб хуршидни гард ичра пинҳон.  
Сипаҳ эрмас, балои ногаҳоний,  
Бало эрмас, қазои осмоний.

Ва ул ҳазратнинг ўзи дағи ливои азиматни жилвагар қилиб, мавокиби кайҳонпўй била Чаҳоржўй қалъасиға етиб, сипохи баҳросор била атрофу акнофин муҳитвор ва ҳалқагаҳдор ихота қилиб, жаҳди тамом била муҳосара амиға иқдом кўргузди. Ва ҳамул кун пешин чоғи чаповулға кетган сипохи нусратпаноҳ атрофу жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ усаройи бепоён ва ғанойими фаровонға мутасарриф бўлуб келиб, рикоби ҳумоюн мулозаматига мушарраф бўлдилар. Ва келтургон асиirlар ўз аъмоли натижасидин амри олий мужиби била сиёсатгоҳда қатлға етди. Ва ҳазрати зиллуллохий қалъа мутаҳассинлариға муҳосара мазикин танг қилғоли жаҳди тамом била оҳанг қилиб, саркардалардин Раҳматуллоҳ ясовулбошини ямутия черики била қалъанинг орқа тарафдағи дарвозаси ҳаросатига таъйин этди. Ва Абдуллоҳ ясовулбошини човдур сипохи била кунчиқар дарвоза муҳофазатига номзад қилди. Ва Худоёрбий била Сайидназарбийни кўклон ва тоза қўнгрот лашкарияси била кунботар дарвоза нигаҳбонлиғига буюрди.

Ва ул ҳазратнинг ўзи рикоби давлатинтисоб мулозимлари била аъломи нусратфаржом кўлогасида “ва-л-жибалу автадан”<sup>19</sup> муаддоси била тоғдек тамкин ва виқор кўргузуб, шужаойи номдор ва асокири кинағузорға атроф-жавонибдин сурон солдуруб, аъдои давлатға саросималиғ еткурди. Ва тўби раъдошуб ва шамхоли балотимсолларни оташбоз тўпчилар ва қодирандоз шамхолчиларға отдуруб, гулулаи оташиннинг мутавотири шуъларезлиги ва

мутақиби шарорангезлигидин ҳисор мутаҳассинлариға рустахез солиб, “ва жсаалноҳо ружуман ли-ишишайотин”<sup>20</sup> каримаси мазмунин ошкор этди. Ва лашкари маҳшарасар алолосидин муонидларға қиёмат кунининг ошуби ғавғосин изҳор қилди.

### **Маснавий:**

Сипаҳ аҳли қилиб ҳар ён таку пў,  
Аён айлаб алолову “хаё-ху”.

Таҳассун аҳли ақлин қилдилар данг,  
Учурдилар бошидин хушу фарҳанг.

Яна ҳам ҳар тарафдин отилиб тўб,  
Садосидин тушуб гардунға ошуб  
Чиқиб ҳар соридин аъдо фифони,  
Фифонига эришиб чиқти жони.

Не қолиб бош, чиқарғудек мадори,  
Не топиб роҳ, бўлмоққа фирори(й).

Чун ул ҳазрат аъдойи давлат ва арбоби зиллатни бу янглиғ қоттиғ мухосара ва шадид мухотараға тутуб, ҳар кун ўз нафси нафиси била отланиб, атроф-жавонибдин тўб отдуруб, саъии шакур ва кўшиши номақдур била мухосара амиға иштиғол кўргузур эрди. Чун бу аҳволи залолийда лашкариядин баъзи чаповулға кетганлар бу янглиғ хабар келтурдиларким, Чаҳоржўй қалъаси шарқи жонибидаги Чолтут отлиғ қалъаким, таҳминан бир манзиллик йўлдур, анда аҳли фасод ва арбоби иноддин кўб киши қаболиб, камоли жаҳолатдин мудофаа ва мухораба амиға иқдом кўргузуб, тўғандандозлиғ русуми била сипоҳ аҳлидин икки-уч кишини қатлаға еткурдилар. Чун бу хабари ваҳшатасар доманзанлигидин ул ҳазратнинг нойираи ғазаби илтиҳоб топиб, Чаҳоржўй қалъасининг мухосараси учун дарвозалар мухофазатига таъйин топғон саркардаларниким, собиқан мазкур бўлуб эрди, ўзлариға мутааллик навкар ва лашкарияси била қалъа мухосарасиға муқаррар қилиб, мухосара айёмининг тўртлончи куниким, сешанба эрди, тўбу тўпхона ва асокири зафарнишона била ливои наҳзатни ҳаракатга киргузуб, сипоҳи маҳшаршукуҳ ва шужаойи зафарпажуҳ била масофат қатъида истеъжол русумин кўргузди (402<sup>6</sup>).

### **Маснавий:**

Миниб шоҳу сипаҳ якрони ҳиммат,  
Қилиб суръат била қатъи масофат.  
Юз урди аҳли адвон мулки сори,  
Ажал ул навъким, жон мулки сори.

Черик сони бўлуб ахтардин афзун,  
Шукухи савлати маҳшардин афзун.  
Ер ажзосида сиқлидин тазалзул,  
Фалак аҳлиға ваҳмидин тағалғул.  
Чиқиб ҳар ён марокиб наълидин барқ,  
Жаҳонни шуъла ичра айлабон гарқ.  
Баҳодирлар бўлуб ҳар дам шитобон,  
Шитоб ичра бўлуб қатъи биёбон.  
Чекиб мадлар шиҳобосо синонлар –  
Ки, тез этгай бадри аъдоға қонлар.  
Очиб шамхоллар кўзларни ҳар ён –  
Ки, қай сори экандур аҳли хизлон.  
Қиличлар ҳар тараф айлаб дамин тез –  
Ки, тез ўлғай инод аҳлиға хунрез.  
Очиб ҳар ён оғиз тўби адад кўб –  
Ки, аъдоға унидин солғай ошуб.  
Маъа-л-қисса эрур борча шитобон –  
Ки, бўлғайлар адувға қосиди жон.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий бу янглиғ кавкабай сулаймоний била қазои осмонийдек Чолтут қалъаси устига ворид бўлуб, сипоҳи бешумор била ул қалъаи марказосорни паргорвор иҳота қилдилар. Ва аҳли адсоват дағи камоли жаҳолат ва ғояти накбатдин, балки қаҳри илоҳий ва ғазаби номутаноҳий оларнинг ҳодиии ақлиға домангир бўлуб, ул ҳазратнинг итоат ва убудийятиға бош эгмай, қалъанинг маҳориж ва мадохилин мадрус ва матмус қилиб, тўғандозлиғ маросими била мудофаа амира иштиғол кўргуздилар. Ложарам, сахати яздоний мирваҳи жумбонлиғидин ҳазрати зиллуллоҳийнинг нийрони ғазаби иштиғол топиб, тўпандозлиғ фунунининг моҳирлариға фармони вожибу-л-изъон иззу судур топдиким, тўп отмоқ русумида дақиқае номаръий қўймай, мутаҳассинлар бошиға оташфишонлиғ кўргузсунлар. Ҳасбу-л-фармон қодирандоз тўпчилар жаҳди тамом била тўпандозлиғ умуриға иқдом кўргузуб, “*фаатбааҳу шиҳобун соқиб*”<sup>21</sup> муаддоси била ўтлуғ гулулаларни мутавотир ва мутақиб шиҳоби маддайдек қалъа аҳли бошиға ёғдурдилар. Ва амри олий мүжиби била таҳаввурпаст ва жалодатпайваст баҳодирлардин Тўра Кутук бошлиғ икки-уч йигитким, жалд ва чобукдастликда сарсадин тез ва барқдин сабукхез эрдилар, қалъа дарвозасиға бир харвор ўтун элтиб, ўт бериб, фирорий бўлди. Ва бир лаҳзадин сўнг

ўт илтиҳоб кўргузуб, дарвоза табақаларин ёқиб, қалъа ичидаги борча иморотни мутаҳассинлар била ўртади. Ва ўт шуъласи ондок илтиҳобнамо ва чархфарсо бўлдиким, ул қалъа ичин жаҳаннам оташгоҳидин намудор қилди. Ва дуди қийрандуд сипехри кабуд жонибиға ондок сууд қилдиким, “йавма таъти-с-самау бидухонин мубин”<sup>22</sup> фаҳвосин ошкор этди.

### **Маснавий:**

Забона уруб уйла оташ баланд –  
Ки, афлокка етти беҳад газанд.  
Бўлуб тобидин жисми асру низор,  
Кеча-кундуз андин эрур бекарор.  
Шафақким, бўлуб анда ҳар кун аён,  
Эрур жисмиға тушган ўтдин нишон.  
Эмас кундуз, ул ўт зиёсидур,  
Кеча йўқки, дуди қаросидур.  
Гумон қилма ҳар тун фалакда нужум,  
Шаарлар чиқиб қилмиш анда хужум.  
Ул оташгаҳи дўзахосо аро,  
Ҳамул шуълаи чархфарсо аро  
Қолиб қалъаю қалъа аҳли тамом,  
Неча пухтаю, нечаси ним хом.  
Саросар бўлуб ул ўт ичра кабоб,  
Тамуғ ичра ондоқки, аҳли азоб.  
Бале, шаҳға қилмоғон инқиёд,  
Бу янглиғ бўлур хосиру номурод  
Ул эл бўлса эрди итоатнамо,  
Кўрарму эди бу сифат ибтило.  
Неким кўрди ўз феъли таъсиридин,  
Демай феъликим, Тангри тақдиридин.

Ва аксар муонидким, ўт шуъласи ҳароратидин қочиб, ўзларин қалъадин ташқори ташлаб эрдилар, оларни дағи тутуб, фармони қазожараён мужиби била “ибратан ли-н-нозарин”<sup>23</sup> абдони мазаллатнишонларидин ўт ҳарорати ва ташналиқ шиддатининг дафъи учун тиги тез ва шамшири хунрез сувин ичурдилар ва адам ҳисни ҳасини тангносиға (403<sup>a</sup>) еткурдилар.

Ва жамеъ аёлу атфолин асорат қайдиға чектилар. Ва ҳазрат зиллуллоҳий фатҳу фирузмандлик била солим ва ғоним Чолтут мавзеъидин муовадат жодасиға инонтоб бўлуб, сипоҳи мавфур ва асокири мансур била келиб, яна Чаҳоржўй қалъасининг

муҳосарасиға машғул бўлди. Токим, ул ҳазратнинг волиди бузургвори ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон сипоҳи фаровон ва лашкари бекарон била бориб, муҳосара амрида ҳазрати зиллуллоҳийга кўмак ва имдод еткурди, аммо яқин эрдиким, ул ҳазратнинг муованати била мафтуҳ ва мусаххар бўлғай. Бу ҳол асносида ногоҳ ҳазрат соҳибқирони мағбурнинг мизожи шарифига касали сақил ориз бўлуб, қалъа муҳосарасин тарқ тутуб, ҳазрати зиллуллоҳийнинг ҳамроҳлиғи била мурожаат тариқиға атфи инон қилиб, манозили мутакассира қатъидин сўнг доруссалтанаи Хивақға келиб, сарири хилофатда оромгузин бўлди. Ва бу воқеъя ул ҳазратнинг тазкираи воқеотида тафсилан машруҳ бўлуб эрди. Бу жиҳатдин мунча сўз била ихтисор қилилди ва биллаҳи-т-тавфик.

## **ИККИЛОНЧИ МАҚОЛА.**

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг ибтидиои салтанатидин бу нусхай  
саодатанжом итмомиғача ҳар на воқеот ва ҳодисот ва  
футухотким, воқеъ бўлубдур ва воқеъ бўлғусидур, тафсилан  
шарҳ қилилур, инишаоллоҳу таоло. ул жумладин, жаҳонбоилиғ  
афсари ул ҳазратнинг фарқи ҳумоюни шарофатидин  
муфохират кўргузуб, қуёшнинг заррин иклили шукуҳин  
синдурмоғи ва соҳибқиронлик тахти ул ҳазратнинг қадами  
маймуни саодатидин муфоҳамат расмин тузуб, фалакнинг  
мурассасъ сариридин манзалат поясин ошурмоғи ва баъзи  
воқеотким, ул ҳолға мукорин зухурға етти,  
мазкур бўлур**

### **Маснавий:**

Кел эй соқий, манга тут жоми беҳжат –  
Ки, бу мавруд эрур ҳангоми беҳжат.  
Димоғим нашъа бирла тоза айла,  
Нашотим беҳадду андоза айла –  
Ки, ман мастона сўз таҳсин қилиб жой,  
Бўлай маъни элига мажлисорой.  
Топай ғоятдин афзун шодмонлиғ,  
Рақам мулкида айлай ҳукмронлиғ –  
Ки, яъни ўзга сўз фикрини ташлай,  
Сухани мақсади асли сори бошлай.  
Шаҳи олам жулусидин сўрай сўз,  
Мақосид сарҳаддига еткурай сўз.

Арбоби донишнинг замири мунирлариғаким, маоний сultonининг маконидур ва асҳоби бинишнинг хотири хатири хутурлариғаким, мазомини подшоҳийнинг жилвагоҳидур, маъруф ва макшуф бўлсунким, мазкур бўлғон йил, яъни, тарихи ҳижрийнинг минг икки юз эллик секизида барс йили хуршиди оламтоб хаданги қавс гўшасининг чилланишини эрди, зулқаъда ойининг учиди сешанба кечаси сахарга қарийб ҳазрат хони мағфур ва шаҳаншоҳи мабур, гитиситон абулғозий Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон “*тагаммадоллоҳу би-р-раҳмати ва-л-ғуфрон*”<sup>24</sup>нинг мизожи шарифиға марази мавт аломати истийло топиб, “*валлоҳу ядъу ило дори-с-салом*”<sup>25</sup> салобати била жаннат базмгоҳиға озим бўлуб, “*куллу нафсин зоиқату-л-мавт*”<sup>26</sup> шарбатин ложуръа ичи. Ул авонда ҳазрати зиллуллоҳий Ҳазорасб ҳукумати маснадин адлу

додига машғул эрди. Ва ул ҳазрат биродари аржуманд ва ахавийи дилписанди, иззатмакон, жалолатнишон захиру-д-давлати ва-д-дин Мұхаммадамин тўра ал-мулаққаби би-л-Бобожон тўра “таввалolloҳу таоло умраҳу ва иқболаҳу”<sup>27</sup> ким, альон иноқлиқ, яъни амирулумаролик мансаби била сарафrozдур, дорулхилофа – Хивакда ҳозир эрди. Камоли покийтийнат ва ғояти мардоналиғдин ақосиға атоси вафотининг ахбори ва тез келмагининг асрори учун қосиди сарсармисолни Ҳазорасб сори ирсол қилди. Ва ўзи таъзия умурининг тажҳиз ва саранжомиға иштиғол кўргузди. Чун ҳазрат зиллуллоҳий бу хабари ваҳшатасарни истимоъ қилғоч, атрофжавонибидағи ходим ва мулозимлари била бодпойи бодияпаймоға маҳмиз бериб, ҳамул кунким, сешанба эрди, пешиндин сўнгроқ доруссалтанаи Хивак “зайданаҳоллоҳу би-л-адли ва-и-насақ”<sup>28</sup>га (403<sup>6</sup>) келиб нузул этди. Ва шахзодаи олийшон ва Мұхаммадамин тўра ва амири рафеъмакон ва Раҳмонбердибий бошлиғ борча аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва мамолики маҳрусанинг жамеъ уламо ва умароси ижтимоъ кўргузуб, иттифоқ била ҳазрат зиллуллоҳийнинг мажлиси шариғифа ҳозир бўлуб, таъзия русумин бажо келтиргандин сўнг илтимос ва илтижо кўргуздиларким, ул ҳазратнинг қадами мубораки шарофатидин хонлиғ тахтин баландпоя ва фарқи ҳумоюн нисбатидин хоқонлиғ тожин саодатпироя қилғойлар. Ул ҳазрат камоли ҳимматдин оларнинг илтижо ва илтимосидин ибо ва имтиноъ кўргузуб, бу абёт мазмуни била такаллум туздиким.

### Маснавий:

Жаҳон шаҳлигин арз қилманг манга –  
Ки, ҳиммат, басе, паст билманг манга.  
Жаҳон мулки оллимдадур, бас, ҳақир,  
Эмасдур аниң шаҳлиғи дилпазир.  
Манга ҳиммат ул навъ эрмас баланд –  
Ки, тушгай жаҳон шаҳлиғи дилбанд.  
Мұҳакқар, басе, келди мулки жаҳон,  
Вафодин дағи анда йўқтур нишон.  
Ўзи не аниң, не бўлур хонлиғи,  
Бирор лаҳзалик жоҳи сultonлиғи.  
Вале, шаҳлиғида заардур, басе,  
Заар не, ки ҳадсиз хатардур, басе.  
Агар нўши бирдур, эрур ниши минг,  
Келиб роҳати биру, ташвиши минг.

Они ақл мулки эътибор айламас,  
Анинг шаҳлиғин ихтиёр айламас.  
Ман икроҳ ила тутмай андин канор,  
Нечук шаҳлиғ амрин қилай ихтиёр.  
Чу шаҳлиғда бордур неча иш зарур,  
Табойиъ барисидин ўлмиш нуфур.  
Сиёsat неча навъ қилмоқ керак,  
Жигарлар халойикға тилмак керак.  
Бирор бўлғуси лутф ила аржуманд,  
Бирор бўлғуси қаҳр ила мустаманд.  
Неча иш ҳақу неча ноҳақ бўлур,  
Бари ҳазрати Ҳақға мулҳақ бўлур.  
Барисини шаҳдин қилилгой савол,  
Ҳамулдан не бўлғай экан шахға ҳол.  
Агар подшоҳға будур можаро,  
Гадо подшоҳдурки, оти гадо.  
Мунингдек ул навъ ишни аҳли уқул,  
Не янглиғ малул ўлмай эттгай қабул.  
Билинг, эй гурухи садоқатмаоб,  
Жаҳон шаҳлиғин қилмоғум иртикоғ,  
Қилинг эмди сиз илтижоингизни бас,  
Туганмас узун можаронгизни бас.

Чун мажлис аҳли ул ҳазратдин бу янглиғ кудуратангиз ва вахшатомиз сўзни эшилдилар, барча бирдин афғон кўтариб, сидқу ихлос юзидин мукарраран муболағалар қилиб, бу маснавий мазмунига такаллум тузуб, тараннум кўргуздиларким,

### **Маснавий:**

Аё, подшоҳи малойиксифот,  
Сифот ичра сен зубдаи коинот.  
Фалак авжи бўлсун маконинг санинг,  
Куёш бандай осто ning санинг.  
Бўлуб даҳр адлинг била бўстон,  
Жаҳон бўлмасун сенсизин бир замон.  
Сен ар солмасанг сояи салтанат,  
Даме ободон бўлмасун мамлакат.  
Бу не сўз эдиким, баён айладинг,  
Недин зулм бизга аён айладинг.  
Бу сўз дегуча тўқ бизинг қонимиз –  
Ки, оллингда бўлсун фидо жонимиз.

На танҳо бу кун бизга қилдинг жафо,  
Жаҳон аҳлиға зулм кўрдинграво.  
Билурмиз, чу шаҳликға йўқ рағбатинг –  
Ки, шаҳликдин олийдур ҳимматинг.  
Эмас ҳимматинг лойиқи бегумон,  
Агар мулкингга кирса юз минг жаҳон.  
Вале, шаҳ бўлуб айла адлу карам,  
Зам эт мулкинга мулки уқбони ҳам –  
Ки, ҳар шаҳки адл этса, лутфи илоҳ  
Они қилғуси ики оламда шоҳ.  
Топар рутба зухд ахли тоат била,  
Ўтар шоҳ андин адолат била.  
Далил ушбукурким, расули араб,  
Сўз асносида бу сифат очти лаб –  
Ки, адлики, воқеъ бўлур соати,  
Анга етмагай бас жон тоати.  
Карам айлабон арзимиз бовар эт,  
Бўлуб шоҳ, мазлум додига ет.  
Куёшдин ўтур салтанат поясин,  
Жаҳонға етур давлатинг соясин.  
Адолат била даҳр элин шод қил,  
Жаҳонни жинон янглиғ обод қил.  
Йўқ эрса, Худо оллида ҳашр аро,  
Тазаллум қилиб тузгамиз можаро.

Чун аркони давлат ва умаройи (404<sup>a</sup>) зи-шавкатнинг илҳоҳ ва муболагаси ҳадду ғоятдин ўтди, ложарам ҳазрат зиллуллоҳий камоли карамдин ул жамоанинг ройин синдурмай ва сийнаи илтимослариға дasti рад урмай, салтанат амри хатирин қабул этиб, ҳамул кечаким, чаҳоршанба туни эрди, намози шом ҳангоми инқизо топгандин сўнгким, асьади соот ва ашрафи авқот эрди, салтанат аврангиға қадами муборакин еткуруб, хилофат тожин гўшаи кулоҳиға урди ва хоразмшоҳлиғ нигинин ангушти иқтидориға солиб, жаҳонбонлиғ зимомин қабзаи ихтиёриға олди.

Чун бу янглиғ давлати узамо ва саодати кубаронинг хабари ишратасар ва муждаи жонпарварин истимоъ қилғоч, жамеъ аъолий ва асофил борча мажолис ва маҳофилда биров-бировига таҳниятгўйликлар еткуруб, муборакбодлиғлар алолосин сипехри барин авжидин ошурдилар. Ва бу воқеъаи беҳжатнишонға фузалои жаҳон ва булагои даврон ва зурафои фасихбаён ва шуаройи

ширинзабон тамаддуҳ юзидин тавориҳи дилкушо ва қасоиди ғарро  
ва ғазалиёти санъатнамо ва маснавиёти фасоҳатинтимо назм  
силкига ва таҳрир симтиға чекиб, ҳазрати зиллуллоҳийнинг  
даргоҳи сипеҳриштибоҳи мулозимларининг назари анвари  
пешгоҳиға еткуруб, силаи кироманд била хурсанд ва баруманд  
бўлдилар. Ул жумладин факирким, бу хуруфи саодатвуқуф роқими  
ва бу дурари шарофатасар нозимиман, соҳибқирони  
мағфиратпаноҳийнинг вафоти далолати ва ҳазрати  
зиллуллоҳийнинг жулуси ишоратиға мушъир бир таърих топиб,  
илтифоти подшоҳонадин кимҳо либос ва қимматбаҳо дакалай  
инъоми била акфо ва ажносим аросида мумтоз бўлуб, сарафролиғ  
топиб эрдим. Ул таърих будурким, таҳрир симтиға киорулур.

### Таърих:

Аллоҳқулихони маъдалаткеш,  
То шоҳи фалакжаноб омад.  
Аз неъмати илтифоти олияш,  
Оlam ҳама баҳри мот омад.  
Сарҳои шоҳонаи ҳафт иқлим,  
Дар раҳгузараш туроб омад.  
Жисми удвон з-хавфи қаҳраш,  
Пуррашаву изтироб омад.  
Ногоҳ сипеҳри bemadоро,  
Бар гардиши инқилоб омад.  
Аз ҳукми қазо ба бистари марг,  
Он шоҳи жаҳон ба хоб омад.  
Аз шўру фигони аҳли олам,  
Айвони фалак хароб омад.  
Дар мотамаш оҳи оташолуд,  
Дилсўз ба шайху шоб омад.  
Дилҳои ҳама мулозимонаш,  
Бар оташи ғам кабоб омад.  
Лекин писарашиб Раҳимқулихон  
К-ў шоҳи қамаррикоб омад.  
Бар таҳти падар жулус карда,  
Фармондехи комёб омад.  
Дар ҳазрати ў дуои омма,  
Сад шукрки, мустажоб омад.  
Аз давлати ў ба золи дунё,  
Пири рафта, шабоб омад.

Рафта ғами жонгудози мотам,  
Хурсандии беҳисоб омад.  
Маҳбуби тараб ба аҳли олам,  
Бепардаву бениқоб омад.  
Зоташ ба кулоҳи салтанатро,  
Шойиста дурри хушоб омад.  
Шоҳони жаҳон ба хокбӯсаш,  
Бо суръату бо шитоб омад.  
Огоҳий ба фикр будам имшаб,  
Аз хотифам ин хитоб омад  
Таърих бар ин ду воқеъа гӯ,  
Фикри ту басе савоб омад.  
Гуфтам з-сари адаб гузашта  
Маҳ рафтау, офтоб омад.<sup>29</sup>

Чун бу таърих адади бир зиёда эрди, таъмия илми била исқот қилилди. Андоқким, “зи сари адаб гузашта” иборатидин маълум бўлур. Ва ул маврудда дағи давлат таърифи ва ул ҳазрат тавсифига муштамил бир қасидаи ғарро ракам силкига киргизуб, хазонаи инъоми подшоҳийдин нукуди фаровонға мутасарриф бўлуб, шуаройи замондин имтиёз топиб эрдим. Ул қасида будурким, анқариб марқум бўлур.

### Қасида:

Давлати ул дилбари суманпайкар –  
Ки, бошидин оёғи жонпарвар.  
Юзи беҳжат сипехриға хуршид,  
Кўзи ишрат риёзиға абҳар.  
Холи чашми кўнгул аро мардум,  
Хати жонлар машомига анбар.  
Қомати сарви бўстони мурод,  
Жабҳаси мақсад авжиға ахтар.  
Шеваси бирла жонда юз ошуб,  
Ғамзасидин жаҳонда шўру шар.  
Роғиби ишқи жумла шоҳу гадо,  
Толиби ҳусни асғару акбар.  
Оlam аҳли бўлур гирифтори,  
Жустужўсида борча шому сахар.  
Васлиға кимки учраса бўлғай,  
Аҳли олам орасида сарвар (404<sup>6</sup>).  
Лек ҳажриға кимки бўлса дучор,

Бўлғай ул поймоли аҳли башар.  
Жон бериб бордур харидори,  
Жумла олам халойиқи яксар.  
Бўлғуси масти жоҳ аҳли гадо,  
Базми васлида ичса бир соғар.  
Илтифоти мұяссар ўлса даме,  
Шоҳлар чархға отар афсар.  
Шукри лиллаҳки, бу сифатлиғ ёр,  
Шоҳи оламғадур камин чокар.  
Қайси шаҳким, жаҳон салотини,  
Қуллуқиға эрур ҳужумовар.  
Хусрав ким, хўжаста зоти келиб,  
Салтанат тожиға самин гавҳар.  
Подшоҳеки, зилли маъдалатий,  
Аҳли оламғадур фараҳгустар.  
Шахриёреки, жоҳи шавкат аро,  
Бир гадойи ҳақири Искандар.  
Ҳукмронеки, майлу рағбат аро,  
Тобеъи ҳукмидур етти кишвар.  
Комкореки, борча коми била,  
Ойланур етти гунбази ахзар.  
Одилеким,adolatidin эрур,  
Дашт аро қўй била қўзи ёвар.  
Бозилеким, атову базлидин  
Факру фока жаҳондин этди сафар.  
Ходимикур жанобида хоқон,  
Бандасидур рикобида Қайсар.  
Рус шоҳи гуломи даргоҳи,  
Боғлаб ихлос ила белига камар.  
Ҳар не ҳукм этса бандавор туруб,  
Шоҳи Техрон мутеъу фармонбар.  
Арабу ҳам Ажам халойиқиға,  
Зоти фархундаси эрур мафхар.  
Садматидин замин эрур сокин,  
Ҳайбатидин фалак эрур музтар.  
Боши устида салтанат тожи,  
Гуҳари баҳт анга бўлуб зевар,  
Юзи субҳи саодати азалий,  
Дурри афсар келиб анга ахтар.

Қадри афлокдин баландлиғи,  
Даҳр аро офтобдин азҳар.  
Бўлди рахши туёғининг тузи,  
Шоҳлар дийдасига каҳли басар.  
Табъи маскан бари маонийға,  
Уйлаким, баҳр эрур макони дурар.  
Кўнгли файзу сафонадур маншаш,  
Уйлаким, нурға қуёш масдар.  
Борча хулқи карим шоҳидиға,  
Пок зоти келибдур мазҳар.  
Кимки экти муҳаббати шажарин,  
Топди ул лаҳза они коми самар.  
Кимки бош чекти қуллуғи хатидин,  
Кўрди ўзни қалам киби бесар.  
Қаҳридин эмин ўлмағай аъдо  
Остонин паноҳ қилса магар.  
Иззу ижлоли бўстонида  
Чархи ахзар ҳақир нилуфар.  
Фарруҳ исми Раҳимқули султон,  
Жумлаи олам ичрадур ашҳар.  
Топди давлат нигини отидин,  
Рутбаву эътибор, зебу фар.  
Хутабои замона ҳар ёндин,  
Тил очиб мидҳатиға сартосар.  
Хутбалар ичра келди алқоби,  
Зеббахшу масожиду минбар.  
Моҳий расми бидъату исён,  
Ҳомийи дини шаръи Пайғамбар.  
Сидқ бобида, уйлаким Бу Бакр,  
Адл расмида ул сифатки – Умар.  
Ҳилм ародур мушобиҳи Усмон,  
Шердилликда уйлаким Ҳайдар.  
Базм аро дўстларға гуҳарпош,  
Разм аро душман аҳлиға сафдар.  
Ҳар тарафга рукуб қилса бўлур,  
Ёвару ҳамъинони фатҳу зафар.  
Қайси кишварга қилса лашкари кин,  
Қилмайин қўймас они зеру забар.  
Сийти ижлолиу шижоати ҳам,

Бохтардин етушти то ховар.  
Ғойибона мадиҳини қилмоқ,  
Дурлиқлар лозими дур яксар.  
Эмди тортай қалам хитоби сори,  
То онго қурбатимни билсунлар.  
Ёна бир матлаъ айлайн иншо  
Бўлсун ул лойиқи шаҳи акбар.  
Эй жанобинг қуёш била ҳамсар,  
Вей рикобингға ҳалқа чашми қамар.  
Остонингда баҳт ўлуб човуш,  
Келди давлат камин бандай дар.  
Шоҳлар хизматинг умиди била  
Эшигинг туфроқини қилди мақар.  
Чарх дарбонлиғингни пос тутуб,  
Янги ойдин белидадур ханжар.  
Қилди Ҳотам саховатин базлинг,  
Бухлу ҳиссат ҳисобига мунжар.  
Келди Рустам шиҷоатинг қошида,  
Ғажар ила мўри хастадин камтар.  
Боги жаннат мисоли базминг аро,  
Зуҳрадур бир камина хунёгар.  
Мидҳатинг дарсидур мадорис аро,  
Фузалои замон аро азбар.  
Караминг зикри ҳар маҳофил аро,  
Чучутуб эл тилин, нечукки шакар.  
Қайси бир тилки демас авсофинг,  
Бордур ондоқки тифи бежавҳар.  
Васфинг итмомига етушмак йўқ,  
Огаҳий сабт қилса минг дафтар.  
Эмди сўзни қилай дуо била хатм – (405<sup>a</sup>)  
Ки, дуодур сўз охирида хунар.  
Токи афлок сайдар этар изҳор,  
Токи ер жисмидур сукунгустар.  
Топсун умринг биноси истеҳком,  
Бўлсун иқбол ҳамдаму ёвар.  
Тахти давлат уза мақом айлаб,  
Максадинг шоҳидини қил дарбар.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий салтанат девони ва ҳукумат айвонида тамаккун ва истиқор кўргузди, мамлакатдорлиғ масолиҳи учун

ўзининг биродари некусияр ва ахавийи хўжаста манзари Муҳаммадамин тўра ал-муштаҳир бил-Бобожон тўраким, асолат осмонининг ахтари тобони ва жалолат уммонининг гуҳари дурахшонидур. Анга камоли карам ва ғояти шафқатдин иноқият мансаби олийсин арзоний тутуб, Ҳазорасб мамлакати ҳукуматин аниг ройи оламоройи уқдакушойиға тафвиз этди. Ва ўзга умаро ва ҳукком ва аммол ва наввобниким, хони мағфурнинг инояту илтифотидин ҳар ким бир мансабға мансуб эрди, ҳамул дастур била ўз мансаблариға мансуб қилди. Балки ҳар қайсиға алоҳида марҳамат ва шафқат кўргузуб, иртиқои маротиб ва издиёди вазойиф била даражай аъло ва мартабай ақсоға тараққий бағишилаб, баҳрамандлиғ ва хурсандлиғлар еткурди.

### **Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг мусолаҳа ваъдасин қилиб, ул ваъдадин эъроз қилғони**

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳазрат соҳибқирони мағфиратпаноҳ ҳазрат зиллуллоҳийнинг ҳамроҳлиғи била Бухоро вилоятиға лашкар чекиб, жамеъ Лабоб халқин кўчуруб, Қатном ва Парвардгача чаповул ва татовул тундбодин еткуруб, қайтғондин сўнг Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ зуҳурға еткургон ношойиста афъол ва нобойиста аъмолидин нодим ва пушаймон бўлуб, мұтамадун алайҳ мулозимларидин Яҳёхожаға маъзиратнома топшуруб, сулҳ талаби била йибориб эрди. Хони мағфур аниг илтимосин мақбул тутуб, дўстлиғ эъломи учун элчисиға домла Муҳаммадрасулни қўшуб ирсол қилиб эрди. Ва амир Насруллоҳ яна мукарраран мувофақат иртикоби ва мухолафат ижтинобиға мушъир мактубот топшуруб, саййид Ҳомидхўжа отлиғ бир мўътабар кишисин домла Муҳаммадрасулға ҳамроҳ қилиб қайтариб эрди. Алар ҳазрати зиллуллоҳийнинг жулуси майманат маънусидин тўрт кун сўнг, шанба куни дарбори фалакмиқдор атабабўслиқиға фойиз бўлуб, келтирган мактубни жаноби мустатоб мулозимлари воситаси била мавқифи арзға еткурдилар. Мундин ўн уч кун сўнг зулқаъда ойининг ўн еттисида, сешанба куни ҳазрат зиллуллоҳий Бухоро элчисиға аълами уламойи олам, афзали фузалойи бани Одам, фасоҳатнишон Муҳаммадмусо эшони аълам ва домла Муҳаммадрасули мазкурни масҳуб қилиб, бирин хони мағфурнинг жанозаси ахбори ва бирин ўзининг жулуси саодат маънуси изҳори учун, хусусан, мусолаҳа биносининг истеҳкоми ва ахду паймон

вафосининг эҳтимоми учун ирсол этди. Чун мазкур бўлғон элчилар амри олий мужиби била манозили мутакассирани қатъ этиб, амир Насруллоҳнинг кўрунушиға этиб, ҳазрат зиллуллоҳийнинг йиборган сулҳнома ва топширгон сўзларин арз қилдилар.

Амир камоли шамотат ва ғояти номардликдин мусолаҳа бобида қилғон ваъдаларидин яна эъроз кўргузуб, элчиларга адоватангиз ва мухолафатомиз сўзлар айтиб, хони мағfur вафотининг фотиҳаҳонлиғи учун бир киши ва ҳазрат зиллуллоҳий жулусининг муборакбодлиғи учун бир киши ҳамроҳ қилиб йиборди.

### **Маснавий:**

Бўлмағил номардларга ошно,  
Ҳам вафо йўқдур оларда ҳам ҳаё.  
Аҳдида ким турмаса хотун эрур,  
Балки юз минг ҳисса андин дун эрур.  
Кимки мустаҳкам эмас паймон анга,  
Бегумон бил, йўқдур иймон анга.

Чун элчилар зулхижжа ойининг йигирма иккисида сешанба куни (405<sup>6</sup>) даргоҳи давлатпаноҳ мулозамати шарафиға мушарраф бўлуб, амирнинг мусолаҳа амрида қилғон ваъдаларининг беътиборлиғин ва анинг била қилғон муомала ва мунозараларин масомеъи аълоға еткурдилар. Ва ҳазрати зиллуллоҳий дағи “Ат-такаббуру маъа-т-такаббури садақатун”<sup>30</sup> мазмуниға амал қилиб, амирнинг элчиларига адоватнамо ва ваҳшатафзо сўзлар айтиб, даргоҳи фалакишибоҳ мулозимларидин донишиншо Шукрулло оғани қўшуб, мазкур ойининг салхида сешанба куни Бухоро савбиға ирсол қилди.

Яна маълум бўлсунким, ўрус вилоятининг подшоҳидин Данилевский отлиғ бир элчи ошнолиғ ва яқжиҳатлиғ биносининг истеҳкоми учун келиб, хони мағfurнинг мулозамати шарафин топиб эрди. Ҳазрат зиллуллоҳий анга навозишлар кўргузуб, жаноби гардунитисобнинг мультамадун алайҳ ходимларидин хусусиятойин Муҳаммадамин юзбошини қўшуб, зулхижжа ойининг ўн бирида панжшанба куни мамлакатига йиборди.

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг жулуси давлат маънусининг иккilonчи йилининг воқеъот ва ҳодисотининг зикри. Ул жумладин, ул ҳазратнинг кўнгли шаҳбози шикорандозлиғ тамошосиға болафшони ҳавои шавқ бўлуб, сайдгоҳ тарафиға**

## **таважжух якронин сургони ва сайдандозлиғ тамошоси била кўнглин овлаб, инони давлатнишонин мурожаат жонибиға эвургони**

Шитоб айлаб қалам шаҳбози ҳар ён,  
Бўлуб сўз сайдгоҳида нурафшон.  
Очиб шавқ ила чанги иқтидорин.  
Бу янглиғ сайд этар маъни шикорин.

Чун ҳазрат подшоҳи зиллуллоҳ ва шаҳаншоҳи фалакдастгоҳ  
қидваи хавоқини мукаррам ва умдай салотини муazzам, воситаи  
тулуғи анвору амну амон, василаи вуфуросору-л-адли ва-л-эҳсон.

### **Маснавий:**

Шаҳи баҳру бару хусрав хофиқайн,  
Мамоликка адли бериб зебу зайн.  
Насабда салотиндин афзал келиб.  
Ҳасабда хавоқиндин акмал келиб.  
Карам буржининг меҳри тобони ул,  
Шийам дуржининг лаъли рахшони ул.  
Шаҳаншоҳлар фарқининг афсари,  
Келиб зоти мулки жаҳон зевари.  
Ўтуб чархдин авжи иқбол анга,  
Муяссар бўлуб барча омол анга.  
Бўлуб пешаси лутф ила маъдалат,  
Мусаллам келиб зотига салтанат.

Мушайиду аркону-л-азамати ва-л-жалол, муассису бунёну-с-  
саодати ва-л-иқбол, ал-мутанассиру бинусрати-л-мулки-л-маннон,  
ал-мутахалиқу биахлоқиллаҳи-л-муъини ва-л-мустваён, халифату-  
р-раҳмон, зиллу-с-субҳон абулмузаффар ва-л-фатҳ абулғозий  
Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон “халладаллоҳу таъоло мулқаҳу  
ва салтанаҳу ва афоза ала-л-оламин барроҳу ва эҳсонаҳу”<sup>31</sup>,  
салтанат маҳомининг инзиботи ва мамлакат саранжомининг  
ташвишотидин замири мунири саодаттахмириғаким, мухити асрори  
ғайбий ва миръоти осори лорайбийдур, бир навъ кудурат етиб, ул  
кўзгуға сахро тафарружи ва шикор тамошоси мисқали била сафо ва  
жило еткурғали шикоргоҳ азиматин жазм қилди.

### **Маснавий:**

Эй, санга-ҳар коҳ миръоти замир,  
Бўлса ташвиши жаҳондин рангир.  
Бир маконда доимо тутма мақар,

Ихтиёр этки гаҳи сайру сафар –  
Ким, сафар айлар кўнгулни мунжали,  
Гўё улдур бу кўзгу мисқали.  
Мазраъи жон сайдин гулшан бўлур,  
Хужраи торики дил равшан бўлур,  
Хосса ул сайрики қилғоч ихтиёр,  
Тузсанг анда расми ойини шикор.  
Бўлубон кўнглунг мусаффо ўзгача,  
Кўргасен айшу тамошо ўзгача.  
Ҳадду ғоятдин фузун топғунг фараҳ.  
Ул сифатким, ичса эл гулгун қадаҳ.

Бу жиҳатдин ул ҳазрати рикоби ҳумоюн ва жаноби саодатнамун мулозаматидағи умаройи фалакиқтидор ва сипоҳи анжумшуморға сафар яроғи ва ишрат асбоби таҳияси учун хазонаи омирадин нуқуди вофира инъом қилиб, борчаға хурсандлиғ ва шодкомлиғ еткурди. Санай ҳижрия минг икки юз (406<sup>a</sup>) эллик тўққузда, барс йилининг авохирида, муҳарраму-л-ҳаромнинг учлончи куниким, жумъа эрди, намози жумъа адосидин сўнг жамшидона савлатлар ва хуршидона шавкатлар била муборак оёқин давлат рикобига қўюб, саодат якронига рукуб қилди.

### Маснавий:

Оти суръатда барқи хотифосо,  
Ва лекин жуссада гардуни воло.  
Ўзи ул от уза хуршиди тобон,  
Нечук хуршидким, бўлғай шитобон.  
Мурассаъ афсарида дуру гавҳар,  
Жаҳонни ёрутуб ондоқки ахтар.  
Муҳайё оллида юз беки моҳир,  
Бўлуб идрок олар васфида қосир.  
Рукуб айлаб дағи хоқону хонлар,  
Неча тож аҳлию кишварситонлар  
Бўлурға шоҳи олам ҳамрикоби,  
Вале ўзга улуснинг не ҳисоби.  
Неча мири шикор, устоди якто,  
Шикор илмида Афлотуни доно.  
Ҳунарда ўзларин қилғоч фусунсоз,  
Гумониз олдурлар саъваға боз.  
Оларнинг баъзида шаҳбози чолок –  
Ки, чангидин қутулмай сайди афлок.

Күнуб баъзи қўлиға оқ туйғун.  
Солиб сайд аҳлиға ваҳми қаро тун.  
Эрур баъзиси илкида итолгу,  
Олиб кун сайдини ондоқки оху.  
Эрур баъзида шунқори сабуксайр,  
Бўлубон сайди аниңг ҳар сифат тайр.  
Эрур баъзисининг илкида лочин,  
Бўлуб сарсарға чобукликда тоин.  
Барининг кейнида тозийнажод ит,  
Ов олмоқ фани ичра устод ит.  
Келибдур борча ондок чусту чолок –  
Ки, бир дамда тай айлаб арсаи хок.  
Яна ўзга шикор асбоби сонсиз,  
Тараб олоти ҳам ҳадду каронсиз.  
Муҳайё ҳар тараф имкондин ортуқ,  
Неким имкондин ортуқ, андин ортуқ.  
Сипаҳ ҳам қўзғолиб беҳадду ғоят,  
Туруб оламда ошуби қиёмат.  
Бари душманшикору, шерпайкар,  
Бари мардафкану зўру диловар.

Чун ул ҳазрат мундоғ кавкабай воло ва дабдабай гаробатнамо била доруссалтанаи Хивак “адомаллоҳу би-н-низоми ва-н-насақ”<sup>32</sup>дин наҳзат кўргузди. Ва сумми сутур ғуборидин кавокиб кўзиға нур еткуруб, сипоҳи мавфур қадами мисосидин ер аъзосиға ҳузур бағишлиди. Ва хуфтон ҷоғиким, ой машъали сипехр шабистонин равshan ва нужум гуллари фалак айвонин гулшан қилмиш эрди, Янгиориқ қарйасидағи ҳавлиға нузул қилиб, базмгоҳи маҳсус садриға ташрифи ҳузур еткурди. Ул мақоми саодатилтизомда бир кеча аркони давлат ва аъёни ҳазрат била саргарми бодаи ишрат ва нашъаандузи соғари беҳжат бўлуб, тонглasi шанба сабоҳиким, қуёш ҳоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдонига нур якронин сурди, мазкур ҳавлидин шукуҳи тамом била отланиб, масофат қатъиға хиром кўргузди ва пешин чоги Ос мавзеъиға ворид бўлуб, кирёси баландасос қуббасин шарафи вусули била гардунмумос қилди.

Анда дағи бир кеча комёби бодаи ишрат бўлиб, эртаси якшанба куни хуршиди жаҳонтоб самту-р-раъсга етгонда ашҳаби фалаквашға рукуб қилиб, қуёш янглиғ гармрўлик била Ҳазорасб жонибиға озим бўлди ва Пичоқчи ҳудудига етканда, азду-д-давлати

ва-д-дин, ҳомий-у ахли-л-Ҳаққи ва-л-яқин, моҳийу-з-зулми ва-н-нифок, амири равшанзамир Мұхаммадамин инок, “маддаллоҳу таъоло зилола давлатихи ала-л-ақтори ва-л-оғоқ”<sup>33</sup>, Ҳазорасб қүргонидин чиқиб, истиқбол шарафиға фойиз бўлди. Ҳазрат зиллуллоҳий ул жанобнинг ҳамроҳлиғи била пешин чоғи Ҳазорасб қалъасиға нузул қилиб, файзи қудуми била аниг буружи шарафин сипеҳр қўргони зирвасиға ҳамсар қилди.

### **Маснавий:**

Кудуми юмнидин ул шахри олий,  
Фалак қўргонининг келди мисоли,  
Ҳузури файзи бирла топти зийнат, (406<sup>6</sup>)  
Тажаллидин нечукким боғи жаннат.  
Саросар шаҳр аро боғланди ойин,  
Топиб зийнат нечукким кишвари Чин.

Ва анда бир кеча аврангнишини истиқомат ва нашъагузини сахбойи беҳжат бўлуб, душанба куни чоштгоҳ Ҳазорасбдин шавкати тамом ва савлати молокалом била ҳаракат кўргузуб, Чотли бешасиким, Ҳазорасб қалъасининг шимолий жонибида, дарё била ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қаддаса сирраҳунинг арнаси мобайнида воқеъдур ва зиёда қолин марғзор ва ағлабан нахлистондур. Ва анда ҳар навъ жонвар ва аснофи шикор фаровондур.

### **Назм:**

Ажаб беша эрурким, анда ҳар ён,  
Шикор аснофиға йўқ ҳадду поён.  
Барининг васфиға бўлсам қаламтоб,  
Бўлур воқеъ бағоят сўзга итноб.

Чун ул ҳазрат йўл асносида ул бешага саманди сарсархиромни рағбати тамом била суруб, сайдандозлиғ маросимиға иқдом кўргузди ва намози аср ҳангомиғача шикор тамошосиға иштиғол кўргузуб, ўрдуйи аъло ва боргоҳи чархфарсоким, дарё соҳилида барпо қилилиб эрди, ташрифи ҳузур элтиб, ҳамул кеча подшоҳона базму сухбат тузуб, улчаким мумкин эрди, айшу ишрат додин берди. Тонглasi якшанба куниким, меҳри анвар Искандари баҳри ахзар сайриға нур ва баҳо кемасин сурди, ҳазрат зиллуллоҳий дағи Искандарвор сипоҳи бешумор била ул дарёйи заҳхор сатҳининг қатъиға азимат кўргузди.

### **Маснавий:**

Ажаб дарёки кўргузгач талотум,  
Қолур қаърида аниг чархи анжум.

Эур мағрибға машриқдин равона,  
Хирад топмай каноридин нишона.  
Эур дахр ичра машхур, оти Жайхун.  
Қолиб саргашта гирдобида гардун.  
Хуруш айлаб агар күргузса кулок,  
Қолур остида анинг арсаи хок.  
Демаким, тўлғонур гирдobi анинг,  
Ютарға кўкни печу тоби анинг.  
Тарокум ҳар гаҳи қилса намоён,  
Қилур кўк ҳутини қаърида пинҳон.  
Келиб бир тоғ анга ҳар латмаи мавж,  
Тушуб гаҳ паст, гаҳи кўргузуб авж.  
Тамошоси қилиб кўзларни ҳайрон,  
Хаёлидин кўнгуллардур ҳаросон.  
Хирад умқини фаҳм этмай камоҳий,  
Суйи ичра шиновар.govу моҳий.  
Эур оқмоқлик ичра ул сифат тез –  
Ки, ондоқ тез эмас барки сабукхез.  
Ва лекин бор анга ондоқ узубат –  
Ки, эрмас ул сифат тасними жаннат.  
Юзида сайр этиб юз минг сафойин,  
Яна юз минг сафойин анда сокин.  
Келиб юз мингдин афзун дағи заврак,  
Юрарда айлабон сув мавжини шақ.  
Барин шаҳ амри бирла йиғдилар бот,  
Ҳамул ергаки, шаҳ сурмиш эди от.  
Тутуб касрат аро Жайхун юзини,  
Ҳилол ул навъким гардун юзини.  
Тутуб бир заврак ичра шоҳ ором,  
Қилиб сув сатҳини қать айламак ком.  
Бўлуб заврак аро Жайхунда сойир,  
Ҳилолу меҳрдек гардунда сойир.  
Неча заврак яна аркони давлат  
Миниб, шаҳ кейнича айлаб азимат.  
Сипаҳ аҳли миниб ўзга кемани,  
Солиб қушларни-ю турлук нимани,  
Бўлуб дарёда озим шоҳ ила хайл,  
Барисиға бўлуб соҳил сори майл.  
Тутуб хайлу сипаҳ дарё юзини.

Нечукким, дашт ила сахро юзини.  
Бариға иш бўлуб сув узра суръат –  
Ки, суръат айламак эрди зарурат.  
Суруб сувда кемани нохудолар,  
Ер узра сурмас ондоқ бодполар.

Чун куёш шоҳи шуъой кемаси била фалаки ахзарнинг дарёйи мавжурин қатъ қилиб, уфқ соҳилига чиқиб, мағриб хаймасида ором тутди, ҳазрати зиллуллоҳий жуюши баҳрхуруш била ҳилловор заврақчалар ва фалакнамудор сафиналардин дарёниг шимолия гузориға чиқиб, боргоҳи гардуништибоҳ қуббасин меҳру моҳ қуббасидин ўткорди. Сипоҳи давлатпаноҳ дағи ул боргоҳ атрофида гуногун хаймалар ва файзнамун шамёналар қуруб, хил-хил базму ишрат тузуб, (407<sup>a</sup>) тонг отғунча айшу тараб жомиға майл кўргузди.

### **Маснавий:**

Қурулуб уйла кўб хиргоҳу хайма –  
Ки, тиъдодидин ўлмай ақл оғаҳ.  
Келиб ҳайъатда шахристони Чиндек,  
Вале зийнат аро хулди бариндек.  
Чароғонлик бўлуб ҳар ён муайян,  
Қоронғу тунни қилди рўзи равшан.  
Тузуб базм ул кеча султони олам,  
Тонг отгунча бари хайли сипаҳ ҳам.

Чун тонглasi, чаҳоршанба субҳиким, қуёшнинг зарринбол итолгуси машриқ ошёнидин учуб, ситора оҳулари сайдиға сипехр арсаси сори оҳанг қилди, ул ҳазрат сипоҳи бешумор ва ададсиз миршикор била ўрдўйи ҳумоюндин отланиб, Шўрахон оригининг шарқий жонибидаги қумким, хушрафтор оҳулар била машхун ва мамлу эрди, саманди давлатни ул кум тарафиға суруб, шоҳини барқсуръат била кийик сайдиға рағбат кўргузди ва кечгача шикорандозлиғ тамошоси била кўнгли шаҳбозин овлаб, сайдгоҳдин инони азиматин мурожаат сори тоблаб, боргоҳи давлатпаноҳғаким, дарё қироғида мансуб бўлғон мавзеъдин кўчмамиш эрди, нузули ижлол шарафи била сипехртимсол қилди. Ҳамул кеча дағи ул макони фирмавснузҳатда аврангнишини истироҳат бўлди. Ва панжшанба куни ул манзилдин кўчуб, яна сайдгоҳ сори таважжух маркабин суруб, сарсарсуръат итолгуларни парисурат кийикларга солиб, турлук тамошодин ғоятсиз баҳралар олиб, Шўрахонда, юқори ҳавлидаким, анборхона учун мушрифлар бино қилмиш эрди, нузул қилиб, шарафи вусули била зирваи ифтихорин фалак ҳисори

буружидин ошурди. Ҳамул кеча ул мақоми дилкушода фузало ва зурафо ва умаро ва кубаро зубдаларин сұхбати кимёхосиятиға мушарраф қилиб, мажлиси муҳайё ва базми мураттаб қилдурдиким, фалак Баҳроми ул базмнинг камина човуши ва қүёш Жамшиди ул мажлиснинг муҳаққар дурдинўши эрди.

### Маснавий:

Ажаб базмики, чархи күхнабунёд,  
Анинг мислидин асло бермади ёд.  
Муҳайё беадад асбоби ишрат,  
Очилғон ҳар тараф аввоби ишрат.  
Тутуб ер анда фазлу ҳикмат ахли,  
Надими шоҳ бўлғон давлат ахли.  
Китоб очиб, адаб бирла равоний,  
Дебон ҳар кимса юз турлук маоний.  
Бирор тафсирдин очиб дақойик,  
Бирор топиб ҳадис ичра ҳақойик.  
Бирорга сўз бўлуб ҳикматга оид,  
Бирор равшан қилиб фахми ақоид.  
Ародага ҳақ қилиб тариххонлиғ,  
Бўлуб ҳосил саросар нуктадонлиғ.  
Гаҳи ашъор аро бўлуб сухансанж,  
Тўкарлар эрди дурру нуктадин ганж.  
Вале ҳар илм аро султони аъдал,  
Қилиб ул мажлис ахли мушкулин ҳал.  
Тили бирла сочиб базм ичра гавҳар,  
Қўли бирла ниҳоятдин фузун зар.  
Чу эл базми маонийдин олиб ком,  
Такаллумдин даме кўргузгач ором.  
Тўшалди мажлис ичра хони заррин,  
Жавоҳирдин қилилғон зебу тазийин.  
Ҳамул хон устига бехадду ғоят,  
Қўюлди неча алвон нозу неъмат.  
Анингдек ҳар бири ширину нозик –  
Ки, кўргач иштаҳо топиб малойик.  
Агар очсам барининг васфиға тил,  
Чучуб ёпушғуси оғиз аро тил.  
Чу мажлис ахли юз алвон неъмат,  
Емакдин топди орому фароғат.  
Кетурди неча соқийи гуландом,

Тўла роҳат майдин лаългун жом.  
Тутуб мажлис элиға дамбадам қўш,  
Тамоми базм элини қилди сархуш.  
Муғанийлар тузуб ҳар ён наволар,  
Бариси моҳпайкар дилраболар.  
Қўшуб сози била жонпарвар овоз,  
Эшигтгач Зухра ташлаб илгидин соз.  
Шаҳаншоҳи фаридунжоҳ ул шом,  
Тарабдин олди ўз мақсадида ком. (407<sup>6</sup>)  
Бериб мажлис эли ҳам айш додин,  
Деганча ҳосил этдилар муродин.  
Илоҳо, ул шаҳи соҳиб карамни,  
Сурайёрутбау, анжумҳашамни.  
Жаҳон борича кулфатдин омон эт,  
Ҳамиша комёбу шодмон эт.

Чун жумъя сабоҳиким, хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сари равона бўлди, ҳазрати зиллуллоҳий шикорандозлиғ иродаси била мазкур бўлғон тарабхонадин отланиб, ул ҳаволийдаги мазореъким, карам аҳли кўнглидек вусъатнамо ва тараб хайли замиридек назоҳатафзо ва гуногун сайдлар била мамлу ва ранго-ранг шикорлар била машҳун эрди.

#### Маснавий:

Ул ноҳия ул сифат эди кенг –  
Ким, эрди фазойи даҳр ила тенг.  
Хуррам эди бошидин оёғи,  
Гўёки эди беҳишт боғи.  
Сайд анда бор эрди бениҳоят,  
Анвойига ҳам йўқ эрди ғоят.  
Ҳар ён кезибон тазарви раъно,  
Бошидин оёғи зебу оро.  
Дуррож этибон назарда “ваҳ-ваҳ”,  
Юз нақшу нигор бирла жилва(ҳ).  
Ҳар сорида кабк ўлуб қадамзан,  
Ҳар дам қилиб ўзга қаҳ-қаҳа фан.  
Ҳар бутанинг остидин товушқон,  
Сичраб турубон бўлур гуризон.  
Парранда ҳисобу ҳаддин афзун,  
Чарранда даги ададдин афзун.

Сурат аро бир-бirisидин хўб,  
Жондек бўлубон улусға матлуб.  
Ул нохия ичра шоҳи олам,  
Ҳар сори суруб хўжаста адҳам.  
Кўргузди шикор ишига рағбат,  
Сайд аҳли аро солиб қиёмат.  
Гоҳи солибон парранда шаҳбоз,  
Шавкат била бўлди сайдандоз.  
Гоҳи учуруб ҳавоға лочин,  
Ҳайратдин этиб улусни сокин.  
Солиб гаҳи чарх тийри чангал,  
Сайд аҳлиға солди съблиғ ҳол.  
Солиб гаҳи чуст болу шунқор,  
Сайд айлабон овни неча харвор.  
Ҳар қушки шаҳи замона солди,  
Гар сайди қуёш эса ҳам, олди.  
Олди бари сайднинг тамомин,  
Сайд амрида олди борча комин.  
Шаҳ давлатидин акобири хайл,  
Куш солмоқ умуриға қилиб майл.  
Ов олди бариси бениҳоят,  
Бўлди ҳама масти жоми беҳжат.  
Черик эли ҳам бўлуб саф оро,  
Ҳар ён юрубон кўруб тамошо.  
Борча фараҳи тамом топди,  
Шаҳ давлати бирла ком топди.

Чун офтоби оламтоб шахриёри сипехри рифъатмаоб марғзоридин инонтоб бўлуб, мағриб боргоҳига юз қўйди, ҳазрат зиллуллоҳий шикоргоҳдин фараҳи тамом била мурожаат кўргузуб, собиқан мазкур бўлғон ҳавлининг ғарбий жонибидағи Чўнкўлни мухайями хиёми давлат ва мазриби сародикоти савлат қилиб, баҳори нузулидин хулди барин янглиғ таровати тоза ва назорати беандоза еткурди. Бир кеча ҳамул манзили ишратшомилда бистароройи истиқомат ва қадаҳпаймойи истироҳат бўлди ва шанба куни андин бодпойи сабохиромға рукуб қилиб, кавкабай тамом била яна шикорандозлиғ маросимиға иқдом кўргузуб, кечрак дарё канорида Сориготов отлиғ мавзеъға ворид бўлуб, нузул этди. Тонгласи якшанба куни андин кўчуб, ҳамул кун дағи ободон қўшлаб, беҳжати фаровон била Кесик арнасининг қирогига этиб,

файзи нузулидин беҳишт боғидек хушнамолиғ ва кавсар қироғидек мусаффолиғ бағишилади.

Кесик бир шўъбаедур, дарёйи Жайхун шўъботидинким, Кўхна Катнинг шарқий жонибидин дарёдин айрилиб, ғарбига ўткандин сўнг яна дарёға қуяр ва андин кўб мазраъалар сув ичадур. Чун ул ҳазрат ул наҳри хушбаҳр лабида, бир тун саршори бодаи тараб бўлуб, тонгласи душанба куни ул манзилдин жамшидона савлатлар ва хуршидона шавкатлар била (408<sup>a</sup>) отланиб, шикорандозлиғ тариқаси била Бодой тўғойи сори таважжух тавсанин сурди.

Бодой бир бешаедуркум, бағоят қалин ва зиёда васеъдур. Ҳазрати қутбу-л-актоб, афзалу-л-асҳоб, зубдату-л-комилин, умдату-л-восилин Увайс ал-Қараний разийаллоҳу анҳу ва ҳазрати ҳақиқатпаноҳ, ҳидоятдастгоҳ Шайх Жалил ота қаддаса сирраҳунинг қадамгоҳлари дағи тоғ била дарё ўртасида воқеъдур ва кун чиқари Уйғур ери ва Андарой Чўнкўлиға ёвуқдур. Ва кун ботар ҳадди Қисноқдур.

Қисноқ андоқ ердурким, ҳазрати Шайх Жалил тоғи била дарё ёндошиб, оралиғида бир тор сўқмоқ қолубдур ва сув түғён қилғон вақтларда андин машаққати тамом ва суъубати молокалом била муур қилурлар. Бу жиҳатдин ул мавзеъни Қисноқ дерлар. Ва ул бешаи вусъатнишон афзалу-л-умаро ва акмалу-л-кубаро, ижмолу-д-давлати вад-дин, амири равшанзамир Раҳмонбердибий валади аршади Элтузар Мұхаммад Баҳодирхон алайҳи-р-раҳма ва-л-ғуфранинг ҳийтаи тасарруфиға доҳхилдур. Анда шикори анвой ва сибоъи аснофий кўб бўлур.

### **Маснавий:**

Ажаб бешаки, йўқ ҳадду карони,  
Сибоъу жонварларнинг макони.  
Шажарлар анда бош чекмиш самоға,  
Бориб ҳам решаси таҳта-с-сароға.  
Қолинлиғдин бўлуб бир-бирга маҳкам,  
Аросидин ўта олмас сабо ҳам.  
Вале баъзи ери майдони авсаъ,  
Ҳамул майдон саросар кишту мазраъ.  
Муайян баъзи ерда марғзори,  
Кўнгулларда ҳавоси хор-хори.  
Шикор аснофи анда бешумора,  
Қолур ҳайрон киши қилғоч назора.

Чун ҳазрат зиллуллохий ҳамул беша ичра намози аср ҳангомигача шикорандозлиғ маросимиға иштиғол кўргузуб, дарё соҳилида Қаротол маъбариға боргоҳи иқбол ва сародики ижлолни барпой қилдуруб, нузул этди. Ва тонгласи сесланба куни ва чаҳоршанба куни саманди давлатға рукуб кўргузуб, сипоҳи бешумор била чарга тузуб, ул бешай бекароннинг бошдин оёғигача сайд қилиб, қуш солмоқ ва ов олмоқ тамошосидин ўз маромича ком олиб, фараҳи тамом ва масаррати локалом била сайдгоҳдин муовадат қилиб, панжшанба куни Қаротол ёқасидин дарёни кечиб, дабдабай ҳайратнамо била Гурлан қалъасининг ичидин давлати бодпойин суруб, Мойли жанглал мавзеъидағи работи фойизу-нишотиға ташрифи қудуми била сарбаландлиғ еткурди. Ва анда бир кеча бистароройи инбисот ва қадаҳпаймойи базми нишот бўлуб, тонгласи жумъа сабоҳиким, мазкур бўлғон ойнинг ўн еттилончи куни, Мойли жанглалдин рукуб қилиб, шавкати тамом ва издиҳоми қиёматинтизом била доруссалтанаи Хивақға келиб, салтанат тахтин нишиман қилди. Ва баҳори вусули била шаҳар суккони кўнгулларин гулшан этди.

### Назм:

Эй, адлинг ила жаҳондур обод,  
Келмаклигинг этди шаҳр элин шод.

**Ҳазрат зиллуллохийнинг фармони вожибу-л-изъони мужиби била амири соҳибтадбир, ягонаи аҳли оғоқ “азду-давлати ва-д-дин”<sup>34</sup> Мұхаммадамин инок “рафеъаллоҳу таоло аълома давлатихи”<sup>35</sup>нинг сипоҳи бекарон била Марв диёриға борғони ва Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг фасод қонуниға оҳанг қилиб, ададсиз лашкар била Хоразм савбиға вақоҳат маркабин суруб, Ҳазорасб қўрғонин мұхосара қилғони. Иноқбекнинг Марв вилоятидин мурожаат этгони ва соруқ ва солур жамоасининг шарорат зоти муқтазосидин фасод тариқиға қадамзан бўлуб, иттифоқ била йўл асносида иноқбекнинг ўрдуйи ҳумоюниға қўйулғони ва ҳеч иш бошқара олмай, бенайли мурод рўйи гардун (408<sup>6</sup>) бўлғони ва издиҳоми тамом ва ҳужуми молокалом била Марв қалъасиға бориб, қазойи осмоний янглиғ Ниёзмуҳаммадбойнинг устиға тўкулуб, атбоъи била қатлиом этгони ва бойи мазкур бошлиғ кўб мусулмонларнинг муфсидлар тиғи била даражай шаҳодатға этгони ва Иноқбекнинг ҳифзи илохий паноҳида сиҳат ва**

**саломат хайлу ҳашами била доруссалтанаи Хивақда ақоси ҳазрати зиллulloҳнинг мулозамати шарафиға восил бўлғони. Ва мамолики маҳрусадин сипоҳи фаровон ва лашкари бекарон мураттаб қилиб, бухоро черики урушиға юруш қилғони. Ва Ҳазорасб музофотидин Ос қарйасининг оёқида талоқи фариқайн воқеъ бўлуб, баҳодирларнинг тифи жалодот ва синони шижоатидин тожикнинг аксар лашкарининг қирилғони. Амир Насруллоҳ бошлиғ қолғони юз навъ машаққат ва минг турлук суъбат била жон ҳавлидин фирорий бўлуб, “*кааннахум ҳумурун мустанфиратун фаррат мин қасваратин*”<sup>36</sup> сангари нахватасарға қаболғони ва камоли руъб ва ҳаросдин сангарда ҳам тура олмай қўшуни била кўчуб, оворалиғ майдонига ҳазимат маркабин сургони ва ҳазимат шиддатидин аксар сипоҳи талаф бўлуб, саҳал киши била афтону хезон ўзин **Бухоро шаҳрига еткургони.** ва баъзи воқеъотким, ул аҳвол хилолида зухурға етти, оларнинг зикри**

Хомаи бадойеънигор бу навъ воқеъагузорлиғ қилурким, чун Марв вилоятининг улусиким, обонанжад бу хонадони иззатнишон ва бу осто ни рафеъбунённинг бойри хизматкор ва қадимий хирожгузори эрди. Ҳазрат зиллulloҳий ул элнинг баъзи аҳволотининг интизоми ва ул вилоятнинг баъзи муҳиммотининг саранжоми учун ўзининг биродари аржуманди саодатманди ямину-л-мулки ва-д-давла, заҳиру-д-дини ва-л-милла, моҳийи қавоиди-л-бидъати ва-н-нифоқ, амири беназир Муҳаммадамин иноқ “*ҳаррақоллоҳу таоло вужуда-л-аъдо ан бавориқи самсомиҳи*”<sup>37</sup>ни жунуди номаъдуд ва жуйуши селхуруш била номзад қилди. Ва осто ни фалакнишон мулозаматидағи умаройи олийшон ва сарнаҳанги раъфимакондин саёдатпаноҳ, нажобатдастгоҳ, олиймақом Авазхожа шайхулислом ва шужоъу-л-мулки ва-д-давла Худоёрбий ва Сайидназарбий ва Однабой оталиқ ва Эрназар иноқ ва Бекмонбий ва Тоғоймироб ва Вайсниёз доруға ва вазоратмаоб, садоқатинтисоб, осафсийар Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва Абдуллоҳ Ясовулбоши ва Муҳаммад Яъқуббой валади Гадойниёз маҳрам ва Муҳаммаджонхожа ва ғайриҳумни мажмуъи навкарлари била ул жанобнинг рикоби ҳумоюни хизматиға буюрди. Ва ул жаноб фармони лозиму-л-имтион судуридин бағоят хуррам ва хушҳол бўлуб, маъмур бўлғон сипоҳ ва саркардалар била мазкур бўлғон йил, яъни санаи ҳижрия минг икки юз эллик тўқкузда, барс

йилининг авохирида, муҳаррам ойининг йигирма еттисида якшанба куни намози аср ҳангомидин аввалроқ дору-л-аммораи Хивақдин издиҳоми тамом ва шукуҳи молокалом била отланиб, аъломи зафарпайкарни жилвагар қилиб, Қарокўл аёқидаким, тўпу тўпхона, хиргоҳ ва шамёна аввалроқ бориб барпо ва муҳайё қилилиб эрди, нузул кўргузди. Ва тонглasi душанба куни Қарокўлдин кўчуб, Хоразм қатъига таважжуҳ тавсанин сурди. Ва етти кун шабгир била қатъи масофат қилиб, Соғжа қудуки устидин ўтуб, сафар ойининг тўртида, якшанба куни Мирзо чаркасиға ворид бўлуб, асокири нусратмаосирға муаскар қилди. Ва ул манзилда уч кеча истироҳат кўргузди ва чаҳорshanба куни андин кўчуб, тўқуз кун шабгир била (409<sup>a</sup>) манозили мутакассира ва мароҳили мутанаввеъани қатъ қилиб, тўқузлончи куниким, панжшанба эрди, Бовард сарҳадига етиб, сипоҳи нусратпаноҳға манзилгоҳ қилди ва анда икки кун оромгузин бўлди. Ва ул манзилда Охал такасининг маориф ва машоҳир навкарлари била атабабўслиғ шарафиға мушарраф бўлдилар. Шанба куни ул манзилдин ливоафрози наҳзат бўлуб, Тажан дарёсининг канорида Қизилжар отлиғ мавзеъни мазриби сародикоти мавфур ва муаскари асокири номаҳсур қилиб, нузул этди. Ва ул мавзеъда ўн бир кун бисоторойи таваққуф бўлди. Ва айёми таваққуфда Ниёзмуҳаммадбой ва Муҳаммадаминбекким, наёбатан Марв ва Йўлўтан мамоликининг ҳокими эрдилар, соруқ ва солур халқининг акобири била келиб, остоңбўслиғ шарафин топдилар. Ва Анав ва Калот кадхудолари ва Сарахс такасидин Хўжамшукур ва Ўроз Ёғли бошлиғ жамеъ акобир ва аъолийси келиб, мулозамат шарафиға фойиз бўлдилар. Ва Андуҳу ҳокимининг дағи пешкаш ва элчиси келиб, дарбори олий туробига жабинсойлиғ кўргузди. Ва Иноқбек саховати жибиллий муқтазосидин таваққуф айёмининг ҳар кунида тўйи азим ва зиёфати фахим муҳайё қилдуруб, от чоптуруб ва кураш тутдуруб, байроқ бермак баҳонаси била аснофи халойикни дунёдин мустағний қилди.

### Назм:

Анингдек қилди ифrot ила инъом –  
Ки, инъомидин олди даҳр эли ком.

Ва таваққуф муддатининг ўн бирлончи куниким, сешанба эрди, ул манзилдин шавкати бекарон ва савлати фаровон била кўчуб, аъломи зафарфаржомни жилваға киргузуб, Марв жонибиға азимат оҳангин тузди ва етти кун қатъи манозил ва тайи мороҳил қилиб, рабеъу-л-аввал ойининг учида, душанба куни Марв

вилоятиға ворид бўлуб, Ниёзмуҳаммадбойнинг қалъасин мавзеъи боргоҳи иқбол ва муҳаййами хиёми ижлол қилиб, қудуми шарофатлузуми файзидин беҳишттайин ва фирдавсойин қилди. Ва ул қалъада ўттуз уч кун таваққуф кўргузуб, ул вилоятнинг низом ва маҳоми саронжомиға машғул бўлди. Ва ул ўттуз учлончи куниким, рабеъу-с-соний ойининг олтиси ва панжшанба куни эрди, Бухородин икки киши қочиб келиб, амир Насруллоҳнинг жунуди номаъдуд била дарёи Амудин ўтуб, Хоразм қасдиға таважжуҳ кўргузгон хабарин Иноқбекнинг мулозаматига етиб, арз қилдилар.

Бу воқеъа тасриҳи улким, чун Бухоро волийси амир Насруллоҳ шарорати зотий ва хусумати жабиллий муктазосидин кўбдин бери Марв вилоятининг кадхудолариға карратан мэррот пинҳоний киши йибориб, бениҳоят зар ва хильъат инъом қилиб, юз турлук ваъда, минг навъ хушомад била ҳазрати зиллуллоҳийнинг муҳолафатига тарғиб ва таҳрис қилур эрди. Ва ул жамоа дағи зар муҳаббати ва зотий шақоватидин аниңг макромиз ва фасодангиз сўзиға илиқиб, муҳолифатда анга муттағиқ бўлуб, пинҳоний мутобаат кўргузмиш эрдилар. Ва амир дағи олар тарафидин дилжамъ эрди. Чун кўрдиким, Хоразм сипоҳининг аксари Иноқбекнинг хизматида Марвға бориб, аксар мамолики Хоразм лашкардин холидур, бу вақтни ғанимат онглаб, арак тамъи мутаҳарриқ бўлуб, жамеъ Бухоро мамоликининг музофоти ва тавобеъотидин сонсиз черик йиғнаб, макру ҳйла юзидин дўстлиғ изҳори ва мусолаҳа ахбори учун ўзидин аввалроқ Хоразм сори бир элчи ирсол қилди. Ва аниңг изидин ўзи Бухородин сипоҳи бекарон била чиқди. Ва Чаҳоржўй гузаридин дарёи Амудин убур қилиб, Хоразми эрамбазм савбиға азимат оҳангин тузди.

Чун бу воқеъа хабари рабеъу-с-соний ойининг олтисида панжшанба куни Марвда Иноқбекка (409<sup>6</sup>) етушуб, тавотур расми била мутаҳаққиқ ва мутайаққин бўлди. Ҳамул куни бу сониха хабарин аризадошт қилиб, қосиди сареъу-с-сайр била доруссалтанаи Хивакда оқоси ҳазрати зиллуллоҳийнинг мулозаматига ирсол қилди. Ва ўзи дағи тонгласи жумъа куниким, мазкур ойининг еттилончи куни эрди, Марв қалъасидин шавкати тамом била отланиб, Хоразм жонибиға мурожаат кўргузуб, Марв дарёсининг канориға нузул қилди. Ва анда Авазхўжа шайхулислом ва Худоёрбий ва Сайидназарбий ва Абдуллоҳ ясовулбоши ва Беги юзбошини навкарлари била илгари йиборди, токим, Тахт йўли била юргайлар. Ва ул манзилда баъзи муҳиммот таҳсили учун икки кеча

макс кўргузди. Ва якшанба куни андин сипоҳи зафарпаноҳ била ҳаракат қилиб, Кашмон мавзеъига тушди. Ва анда тўрт кеча мутаваққиф бўлуб, панжшанба куни ул марҳаладин издиҳоми тамом била наҳзат кўргузди ва Қаротўпа отлиғ мавзеъга нузул этди.

Ҳамул кун Ниёзмуҳаммадбойға Вайсниёз доруға ва Азизқули девонбеги ва Баҳодир юзбоши навкарлари била қўшуб, Марв қальясининг муҳофазати учун қайтарди. Ва анда бир кеча бўлуб, жумъа куни андин кўчуб, Алихонбеги отлиғ мавзъени лашкаргоҳ қилди. Ва шанба куни андин рукуб қилиб, Сувкечон деган маконға тушди ва якшанба куни ул жойдин наҳзат қилиб, Қаробурун отлиғ мавзъега нузул этди. Ҳамул кун саркардалардин Однабой оталиқ ва Эрназар иноқ ва Бекмонбий ва Муҳаммаджон хожа ва Яъқуббойни лашкарияси била Чашма қудуқи жонибиға илгари йиборди. Ва тонгласи чоштгоҳ мазкур бўлғон манзилда жамеъ сорук ва солур жамоаси ва баъзи така улуси иттифоқ била боғий бўлуб ва боғийгарлик оғоз қилиб, ҳайъати ижтимоъ била тифи вақоҳатни ниёми қабоҳатдин тортиб, Иноқбекнинг ўрдуйи ҳумоюниға қуйулдилар ва ҳеч иш бошқара олмай, атрофидин бешолти сонлиғ тевачини ўлтуруб, фирорий бўлдилар. Ва Иноқбек камоли тамкин ва викордин ул боғии бадкирдорларнинг бу навъ густоҳлиқин назари эътиборға илмай, танбех учун ақабидин сипоҳ буормай, мазкур манзилдин кўчуб, Хоразм савбиға озим ва масофат қатъиға жозим бўлди. Мазкур бўлғон боғийлар, яъни сорук ва солур ва баъзи така жамоаси чун ўрдуйи ҳумоюнға келиб, бенайли мурод қайтдилар, мажмуъи улуғ ва кичиги йиғнолиб, издиҳоми тамом ва ғавғойи ом била залолат қиличин жаҳолат қинидин чекиб, Ниёзмуҳаммадбойнинг қальасиға кириб, бехабар устига қуйулдилар. Ва бойи мазкур кўрдиким, муонидлар қальянинг ичига кириб сартосар бўлмишдур ва тадбир риштаси узулуб, иш ўзга навъ бўлмишдур. Ложарам, Тенгри тақдириға ризо бўлуб, атрофифағи сипоҳ ва мулоғимлариға мудофаа ва муҳораба қилмоқдин мумониат кўргузди. Токим, олами фонийдин жаҳони боқийға хунрезлик ваболи била бормоғоймиз, чун мусулмонлардин ҳар бирининг устига муонидлардин ўн беш, йигирма киши ҳужум қилиб, Ниёзмуҳаммадбой бошлиғ икки юз чоғлиғи кишини шаҳодат даражасиға еткурдилар. Ва қизил қондин қаро туфроқни шафакгун, балки, ҳамул қалъа фазосин дарёйи хун қилдилар ва хусрони абадий ва лаънати самадийға гирифтор бўлдилар. Ва ул мазлумлардин баъзи ажали етмаганларни тутуб, Корли юзбоши

билаким, Панждача отлиғ мавзеъда чоршанги улусиға наёбатан ҳоким эрди, ағлоли гарон ва салосили печон била муқайяд қилиб, баъзи кадхудолариға топшуруб, амир Насруллоҳнинг мулозаматиға ирсол қилдилар.

Эмди амири шақоваттахмирнинг (410<sup>a</sup>) Хоразм юзиға келмаги ва Хоразм улусининг аниңг била муомала қилмоқи кайфиятини эшигинг.

Чун амир жунуди номаъдуд ва асосайи ғайри маҳдуд била Чашоржўй муҳозийсидин дарёдин ўтуб, истеъжоли тамом ва шитоби молокалом била мамолики Хоразм “ҳафизаллоҳу таоло ани-л-офати ва-л-лазм” қасдиға юруш қилди.

Ҳазрат зиллуллоҳий бу воқеъадин бехабар ва аниң мусолаҳа талаби била йиборган элчиси сўзиға мафтун бўлуб, лашкар саранжоми ва асбоб эҳтимомидин фароғат эрди. Амир Қабоқли мавзеъиға келганда хабар етушти. Ложарам, ҳазрати зиллуллоҳий қўнгрот ва хўжаэли ва қароқалпок ва ўзга элнинг навкарига баҳромсавлат ва барқсуръат сурдовуллар йибориб, умаройи изомидин амири равшанзамир заҳиру-д-давлати ва-д-дин Раҳмонбердибийни бош қилиб, Тўрамурод оталиқ, Оллоберди оталиқ ва Шоҳмурод иноқ ва яна баъзи сипоҳдорларни номзад қилди. Токим, Бухоро черикининг ўтрусиға чиқиб, мудофаа ва муҳораба кўргузгайлар ва оларнинг ақабидин вазоратпаноҳ Отамурод қушбеги ва аморатдастгоҳ Муҳаммад Солих оталиқни йиборди.

Чун Раҳмонбердибий бошлиғ умаройи мазкур фармони вожибу-л-имтион мумкини била отланиб, қатъи манозил қилиб, Тевабўйунға етиб нузул этдилар. Ҳамул манзилда рабеъу-с-соний ойининг секизида чаҳоршанба куни Дарғондин беш киши кема била қочуб келиб, тоҷик черикининг Дарғон атрофиға келган хабарин еткурди.

Бу воқеъа ондок эрдиким, мамолики маҳрусадин беш киши ўз беҳбуни учун кема била бориб, Дарғон бешасида йиғоч чопар эрдилар, ногоҳ амирнинг олтмиш чоғлиқ отлиси оларнинг устидин дохил бўлуб, қасд қилдиларким, олар асорат сарпанжасиға гирифтор қилғойлар. Олар камоли чобукликдин ўзларин кемага еткурубдурлар. Тоҷик сипоҳи қовуб, издаги иккисига найза ҳавола қилиб, заҳм еткурди. Ва ул ҳолда кемага аввалроқ кирганлар милтуқ била уруб, тоҷикдин икки кишини от устидин ерга сарнигун йиқдилар ва омон-эсон муовадат қилиб, йиғоч

маркабларни сув сатҳиға суруб, мазкур бўлғон кун Тевабўйунға келиб, Раҳмонбердийга кўрган воқеъа кайфиятин тақрир қилдилар. Раҳмонбердиий бу воқеъани эшигтгач, Тўрамурод оталиқни бош қилиб, юз эллик отлиғни қовғунчилик ва хабаргирлик учун ирсол қилди. Олар суръати тамом била озим бўлуб, Даҳани Шер бешасининг юқорисиға етгач, амирнинг лашкариға учраб, **байт**:

Мазан бар сипоҳе зи худ биштар,  
Ки натвон задан мушт бар ништар<sup>38</sup>

мазмуниға амал қилиб, истеъжоли тамом била фирорий бўлуб, мазкур ойнинг ўн иккисида якшанба куни келиб, Бухоро черикининг издиҳоми тамом била ёвуқ келганин бийга маъruz қилдилар.

Чун бийнинг ёниға ҳануз атрофдин лашкар келиб жамъ бўлмабдур эрди ва хизматидағи навкар адади беш юздин зиёда эрмас эрди. Бу ҳол била Бухоро сипоҳиға муқобил бўлмоқни маслаҳат кўрмай, Тевабўйундин муовадат қилиб, Яккачақирға келиб тушти. Ва тонглasi душанба куни амир мўру малаҳдек сипоҳи бекарон била келиб, Фитнакка нузул қилди. Ва ҳамул кун аксар чериги ҳайъати ижтимоъ била Яккачақирға бийнинг устига чаповул еткурдилар. Бий озлик жиҳатдин мухораба амиға қиём кўргузмай, оҳиста-оҳиста мурожаат қилиб, Ҳазорасб қальясига келди. Ва ҳамул кеча Ҳазорасбда мутаваққиф бўлуб, тонглasi сешанба куни (410<sup>6</sup>) талиъаи субҳдин сўнг мулозаматидағи ҳозир сипоҳ била отланиб Фитнак тарафиға юруш қилди. Тожик\* чериги дағи Фитнакдин кўчуб, Ҳазорасб сори озим бўлмиш эрди. Бий ҳануз Ҳазорасб қарйалари саводидин чиқмамиш эрди. Тожик сипоҳи мулоқий бўлуб, икки тарафдин дағи сурон солишиб, мухоработи бисёру муқоталоти бешумор воқеъ бўлди.

Тожик чериги кўблук жиҳатидин ғалаба қилиб, бий озлик сабабидин маъракаи корзорда истиқомат қила олмай, “Ал-фирору мимма ло йутоқу мин сунани-л-мурсалин”<sup>39</sup> фаҳвоси била оҳиста-оҳиста кейин сурилиб, муовадат қилди. Ва шаҳзодаи олийшон Сайид Маҳмуд тўра валади Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ва Паҳлавонбек ибн Ҳасанмуродбек Ҳазорасб қальясининг мухофазат

---

\* Маълумки, амир Насруллоҳ ва Бухоронинг ўша даврдаги амирлари манғитлардан бўлган. Лекин ўша кезлари Бухорода кўпроқ тожик тилида мулоқот қилинган. Шунинг учун Оғаҳий уларни тожик деб атайди.

ва мухорасати учун қолиб, бий атрофидағи умаро ва ахли сипоҳ била Хивақда ҳазрати зиллуллоҳийнинг мулозаматига келди.

Ҳамул кун амир қўшуни била келиб, қалъанинг ёвуқида Мухомон кентининг қибласида сангар қилиб нузул этди. Ва ҳамул кун тожик сипоҳидин гуруҳи анбуҳ Ҳазорасб музофотига чаповул уруб, Эшончиғача келиб муовадат қилди. Бу жихатдан бағоят хавфнок бўлуб, ўз бошлари ва ахли атфолларининг муолажаси учун Сайид Камолхўжа бошлиғ Эшончининг акобири ва баъзи Бешориқ кадхудосиким, Эшончиға йиғнолмиш эрдилар, бориб амирға инқиёд кўргуздилар ва сарупой кийиб қайтди.

Сўнғи кун амир издиҳоми тамом ва ғавғойи молокалом била қалъа устига келиб, пуркорвор атроф-жавонибин ихота қилди ва баъзи шижоатманд ва жалодатпайванд саркардалари ҳайъати ижтимои била ҳар тарафдин от солиб, қалъанинг ёвуқида кабутархонаға, балки дарвоза олдиға келиб байдақин барпо қилдилар. Ва камоли ифлос ва фалокатдин ул мавзеъдағи холи уйлар торожиға машғул бўлдилар. Ул аснода қалъа ичидин таҳаввурпаст баҳодирлар ва чобукдаст йигитлар шижоат тифин ғайрат ниёминдин чекиб, Сайид Маҳмуд тўранинг ижозати била пиёда бўлуб, дарвозадин издиҳоми тамом била чиқиб, фидойивор муфсиди бадкирдорларнинг устига қазои мубрамдек тўкулдилар ва тифи бедарига била аксар муфсидни қатлға еткуриб, бошин кесиб, қолғонин ҳамлоти мутаъоқиб била қалъа ҳаволисидин йироқ суруб мурожаат қилдилар. Ва қалъа устидин қодирандоз ўқчилар дағи тўп ва занбурак ва тўғанг оғзидин оташвишонлиғ ва барқафшонлиғлар кўргузуб, гулулаи оташиннинг зуруби мутаволисидин аксар ахли фасоднинг хирмани аъморин фано барқиға куйдуруб, адам елига совурдилар. Ва бу воқеъани мушоҳада қилғондин сўнг фасод ахли яна журъат қилиб қалъа ёвуқиға кела олмай, узоқдин тўпандозлиғ умуриға икдом кўргузуб, бир неча кун муҳосара қилмок русумиға иштиғол кўргуздилар.

Эмди бу нусхай мухтасарни мутолаа қилғувчи арбоби дироятнинг замири мунир байзо тахмирлариға равшан ва мубарҳан бўлсунким, чун Раҳмонбердибий Бухоро черигининг мухорабасига муқовамат келтура олмай, Ҳазорасбдин муовадат қилғон куниким, сешанба эрди, ҳамул кун ҳазрат зиллуллоҳий дағи доруссалтанаи Хивақдин рукуб қилиб, Сайёд ҳавлиға нузул этмиш эрди. Ва анда бийнинг мурожаат қилғон хабарин мукарраран эшитди. Чун кўрдиким, бий душман муқобаласидин қайтиб, атрофидағи черик

дағи атроф-жавонибға торқошиб мутафарриқ бўлмишdir. Бу жиҳатдин душман устига юрумакни маслаҳат кўрмай, шаҳарга қайтиб, лашкар ихзори учун янгидин атрофи мамолик ва акнофи масоликка сабосуръат сурдовуллар ва миррихсалобат ясовуллар ирсол қилди. Ва тонглasi чаҳоршанба куни умаройи садоқатинтимодин Шоҳмурод инок ва Оллоҳберди оталиқни бош қилиб, қўнгрот ва хўжаэли ва қароқалпоқ бийларинким, (411<sup>a</sup>) Раҳмонбердибий Ҳазорасбдин қайтғонда ўзга черик била мутафарриқ бўлмай, мулозаматға келмиш эрдилар, осто尼 олийшон мулозимларидин беш юз чоғлиғ отлиғ била қоровул йўсунлик Ҳазорасб сори ирсол қилди. Фақир дағи ул жамоаға ҳамроҳ эрдим.

Чун мазкур бўлғон саркардалар фармони давлатнишон мүжиби била отланиб, Қорихожаға бориб нузул қилмиш эрдилар. Аморатпаноҳ, вазоратдастгоҳ, осафниҳод Отамурод қушбеги дағи ҳазрат зиллуллоҳийдин жавоб олиб, кўб черик била бориб, оларға қўшулуб, иттифоқ била Эшончининг устига озим бўлдилар. Токим, ул мавзеъда мутаҳассин бўлғон эл ахли фасодға асири бўлмай, Хивакға кўчуруб келтургайлар. Чун хуфтондин сўнгрок Эшончига ворид бўлуб, тиладиларким, кўчургайлар. Ул жамоа тоҷик черикининг дастбурдидин ҳаросон бўлуб, кўчмадилар. Ва атрофиға, ароба ва ўзга ашёдин қўрғон эгириб ва хандақ қозиб, мустаҳкам қилмиш эрдилар. Мазкур бўлғон саркардалар ул элга дохил ва мазоҳим бўлмай қайтиб, Қорихожа атрофин муаскар қилиб, нузул этдилар.

Сўнғи кеча Бегижонбек ва Қутуш маҳрамким, ҳар бири шиҷоат дарёсининг наҳанги ва жалодат сахросининг паланги эрдилар, Ҳазорасб қальясиға кирмакка мутасадди бўлуб, баъзи қалъадорлиғ ҳавойижин олиб, илғор қилдилар ва ярим тунда қалъа атрофиға бордилар. Бовужудиким, тоҷик черики сарбоз тоифаси била атроф-жавонибин эҳтиёти тамом била ихота қилмиш эрдилар, аросидин барқи хотиф янглиғ ўтуб, қалъаға кирдилар. Ва олиб борғон ашёни Сайид Маҳмуд тўрага топшуруб, яна қайтиб чиқиб, сиҳат ва саломат боргоҳи давлатпаноҳ мулозаматиға етиб, инояти хусравонадин мумтозлиғ ва сарафrozлиғ топдилар.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, тоҷик чериги мамолики маҳрусаға дохил бўлғондин йигирма уч кун бурун рабеъу-л-аввал ойининг йигирма бирида, панжшанба куни ихлоснишон саркардалардин Раҳматуллоҳ ясовулбоши ямут ва жамшидий лашкари била ҳазрат зиллуллоҳийдин ижозат олиб, Бухоро

музофотининг торожиға кетмиш эрди. Вардонзи туманотнинг атроф-жавонибин тохту тоз қилиб, муонидлардин кўб кишини қатлға еткуруб, бениҳоят ўлжаға мутасарриф бўлуб қайтиб, тожик Ҳазорасб қалъасин мухосара қилғондин тўрт кун сўнг рабеъу-соний ойининг ўн олтисида, жумъа куни дарё канориға келиб, Гурлан маъбаридин убур қилди ва ҳамул кун ҳазрат зиллуллоҳий ул далирсафдар, шиҷоатпарвар муборазатгустар Сайидназарбек валади аршади амири равшанзамир Муҳаммадназар инокни сархайл қилиб, Хўжаш маҳрам ва гуруҳи анбуҳ била номзад қилди. Токим, Раҳматуллоҳ ясовулбоши била мазкур бўлғон оломонни ўзлариға ҳамроҳ қилиб, Ҳазорасб ҳаволисиға бориб, тожик сипоҳиға дастбурди азим еткургайлар.

Чун беки мазкур ва Хўжаш маҳрам фармони олий мужиби била бориб, Раҳматуллоҳ Ясовулбоши ва ямут ва жамшидий черикин ўзлари била ҳамроҳ қилиб, асбоби ҳарб ва олоти зарб била сипоҳ аҳлин сартопо безаб, Ҳазорасб жонибиға озим бўлдилар. Хонқо(ҳ) қалъасидин ўтган аснода тожикдин лашкари бекарон Гулмуҳаммад сардор отлиғ номдор саркардаси бошлиғ Хонқо(ҳ) устига қалъакушойлиғ дағдағаси била келур эрди, сипоҳи нусратпаноҳ арбоби залолатдастгоҳни узоқдин мушоҳада қилиб, камоли шиҷоат ва ғояти жалолатдин борча парвани муборазат якронин ғайрат ва саромат майдониға суруб, барқи хотифдек сўзон ва шитобон ўзларин аҳли фасоднинг хирмани жамъийятиға еткурдилар ва ул гуруҳи шамотатпажуҳ (411<sup>6</sup>) сипоҳи зафардастгоҳнинг ҳамлоти сарсарсифотиға тоқати муқовамат келтура олмай, ғояти ажзу изтиордин фирор ихтиёр қилдилар. Шужаои душманшикор таоқиб қилиб, суйуфи обдор ва синони хунхор зуруби била аъдои шароратшиорнинг кўпрагин дорулбаворға йибордилар.

### Маснавий:

Суруб гурдлар борча майдон аро,  
Чиқиб наъраси чархи гардон аро.  
Қилиб ҳар тарафдин аъдоға биғ,  
Етиб кейнидин тиғ уруб бедариг.  
Анингдек оқиздилар аъдоға қон –  
Ки, қон сели дашт узра бўлди равон.  
Ўкулуб неча пушталар лошдин,  
Қолиб лошлар айрилиб бошдин.  
Баҳодирлар андок қилиб қатлу кин –

Ки, гардун дебон юз туман офарин.

Анингдек тушурдилар оту яроғ –

Ки, оту яроғға йўқ учу қироғ.

Чун арбоби фасоднинг кўпрагин тифи тез била мақтул этиб, қолғонин сангариға борғунча қовуб, мурожаат қилдилар ва бу янглиғ зафари беҳжатасарга даст топғонларидин нишона учун аъдойи залолатафзо бошларидин ўттуз-қирқ бошни доруссалтана остонасиға тухфа йибордилар. Ўзлари лашкари маҳшарасар била Оложа қарйаси ҳудудин муаскар қилиб, маскан тутдилар. Мазкур ойнинг йигирмасида, душанба куни умаройи киромдин Авазхўжа шайхулислом, Худоёрбий, Сайидназарбий ва Абдуллоҳ ясовулбоши ва икки юзбоши кўклон, тоза қўнгрот, човдур ва ямролий черики Иноқбекнинг амри олийси мужиби била Марвдин чиқиб, Тахт йўли била озим бўлмиш эрдилар. Андоқким, юқорида мазкур бўлуб эрди. Тахт устидин дарё лабига чиқиб, тожик черикининг изидин келатурғон сурсот ва орғишчисиким, ҳаддин афзун ва қиёсдин берун эрди, борчасин дasti тасарруфлариға киргузуб, кум ичидин озим бўлуб, Корихожа атрофидағи черикка қўшулдилар. Мазкур ойнинг йигирма учида, чаҳоршанба куни ҳазрат зиллуллоҳийнинг хукми ҳумоюни била вазоратпаноҳ Отамурод қушбеги Корихожа жаворидағи лашкарни кўчуруб, Оложада Сайидназарбекнинг атрофидағи йиғинға қўшулди. Ул мавзъеда атроф-жавонибдин черик келиб, ондоқ издиҳом бўлдиким, биёбон қуми ва чарх анжумидин зиёда эрди.

Чун бу аҳвол асносида моҳи мазкурнинг йигирма олтисида, жумъа куни амири саодаттахмир, азду-д-давлати ва-д-дин Мухаммадамин инок “*маддаоллоҳу таоло зилола шижоатиҳи ало рууси аҳли-л-офоқ*”<sup>40</sup> сипоҳи бекарон ва лашкари нусратиқтирон била сиҳат ва саломат Марв диёридин муовадат қилиб, Соғжа қудуки устидин чиқиб, шаҳарга дохил ва ҳазрат зиллуллоҳийнинг мулозамати шарафиға восил бўлди ва партави ҳузуридин доруссалатана сукконининг кўзлариға нур ва кўнгуллариға суур узра суур еткурди. Шанба куни шаҳарда истироҳат қилиб, якшанба куни ҳазрат зиллуллоҳийнинг фармони вожибу-л-изъони мужиби била дору-л-амораи Хивақдин сипоҳи сангин ва лашкари нусратогин била отланиб, Гулбинбоғ қарйасидағи боғи беҳиштсуроғғаким, ул жанобнинг мулки холиси эрди, иқболи раҳнамунлиғи била бориб нузул этди. Душанба куни андин аъломи нусратпайкарни жилвагар қилиб, жунуди номаъмуд ва жуйуши

селхуруш била Янгиорик ҳавлиға ворид бўлуб нузул этди. Сешанба куни андин кўчуб, Қориҳожа алайҳирраҳманинг жавори файзосорин асокири зафармаосирға муаскар ва хиёми саодатанжомға мустақар қилди. Чаҳоршанба куни ҳамул манзилда таваққуф кўргузуб, Оложа қарйасида ижтимоъ топғон черикни хабар йибориб, рикоби ҳумоюни мулозаматига келтурди. Ул мавзъеда ул микдор лашкари фаровон ва асокири бекарон (412<sup>a</sup>) атроф ва акнофдин келиб йиғнолдиким, назорасидин замона аҳли ҳайрат баҳрида қолди ва такопўйдин ер ажзосига зилзила тушди ва ҳайо-хуйдин фалак фазосига ғулғула етушди.

### Маснавий:

Бўлуб жамъ ул сифат ул ерда лашкар –  
Ки, тутди водийу ҳомунни яксар.  
Ясад йўл ҳар тарафдин уйлаким мўр,  
Фалакдин ошуруб ошуб ила шўр.  
Адад ичра афзун сахро қумидин,  
Ҳисоб ичра дағи кўк анжутидин.  
Қуму анжум ҳисобин билмак осон,  
Билурдин ул сипаҳга ҳад ила сон.  
Неча гарм ўлса гар бозори маҳшар,  
Анинг ғавғосига бўлмас баробар.  
Ҳайо-хуси солиб давронға ошуб,  
На даврон, гунбази гардонға ошуб.  
Ёйиб гарди ҳавоға абри мушкин,  
Жаҳон айвонин айлаб зулмат огин.  
Бари Рустамнабарду қаҳрамон, зўр,  
Бари майдони разм ичра салаҳшўр.  
Барига майл ҳарб асбоби тузмак,  
Масофу қатлу зарб асбоби тузмак.  
Бироннинг от бажармак бўлди коми –  
Ки, то суст ўлмағай илғорда коми.  
Бирон айлаб синони нўгини тунд –  
Ки, санчарда адувни бўлмағай кунд.  
Бирон айлаб қилич тигин мисқал –  
Ки, бўлғай қатл амрида маътал.  
Бирон милтуқ ичин айлаб мусаффо –  
Ки, бўлмағай хато андин ҳувайдо.  
Биронга пеша тез этмак табарни –  
Ки, то эзгай даранг этмай жигарни.

Бирор тошға чолиб бурранда ханжар –  
Ки, тез ўлғай кесарда хасмға сар.  
Бирор айлаб гарон фарқи амудин –  
Ки, нобуд айлағай хасм ахли будин.  
Бериб баъзи улус жавшанға зебиш,  
Бериб баъзи дубулғаға намойиш.  
Берибон баъзи эл қуллуқға зийнат,  
Қилиб баъзи улус тезликка рағбат.  
Қўшаб белга баъзи чорқаб ҳам,  
Яроғлар устига анинг қўшаб ҳам.  
Ҳама асбоби ҳарб этди саранжом –  
Ки, то олғай адувнинг қатлидин ком.  
Муҳайё бўлди ўз комича ҳар хайл –  
Ки, то қилғой қачон хасм устига майл.

Чун панжшанба куни, мазкур бўлғон ойнинг салхида ул шижаот маъракасининг сафдори ва ул жалодат арсасининг ғазанфари азду-д-давлати ва-д-дин Муҳаммадамин иноқ “маддаоллоҳу зилола аъломиҳи ала рууси аҳли-л-оғоқ” анингдек лашкари бекарон ва сипоҳи зафарнишон била Найман ҳудуди ва Қорихожа жаворидин кўчуб, мақсад тарафиға азимат оҳангин тузди.

### **Маснавий:**

Бўлуб ул сифат издиҳом ошкор  
Ки, маҳшар ҳужумicha юз ҳисса бор.  
Юарда тутуб кенту сахро юзин,  
Ғубори ёпиб чархи хазро юзин.

Бу янглиғ издиҳоми маҳшарнизом била қатъи масофат ва изҳори суръат қилиб, нисфу-и-наҳорда Ос қарйасининг оёқидағи қумға ворид бўлуб, асокири нусратмаосирға муаскар қилди. Ҳамул кун лашкари зафарасарни фавж-фавж ва даста-даста тартиб бериб, вазири осафниҳод Отамурод қушбеги, Хўжаш маҳрам ва Тўрамурод оталиқ бошлиғ баъзи саркардалар била Эшончига йиғнолғон элнинг устига йиборди. Токим, ул элни кўчуруб, шаҳар сори йибориб, ўzlари тожик чериги устига бориб, қитол ва жидол амиға иштиғол кўргузгайлар. Яна чобукдаст сарҳанглардин Бекмонбий ва Оллоберди оталиқни баъзи таҳаввурпаст йигитлар била номзад қилди. Токим, аввалроқ бориб, аъдо сангарининг бир тарафидин дастбурд еткуриб, ахли фасодни ўzlарига эриштуриб, майдонга чиқоргайлар. Чун маъмур бўлғон баҳодирлар фармони

олий мужиби била барқи хотифдек масофат қатъига озим бўлуб, тожик сангари ning ёвуқига етганда аъдои давлат ва хусамои соҳиби некбатни ning қоровулиға учраб, тифи тез ва синони хунрез зарби била барчасин адам шахроҳига озим қилдилар.

Чун аҳли фасод бу воқея (412<sup>6</sup>) вуқуъидин огоҳлиғ топиб, амири залолаттахмир бошлиғ жамеъи Мовароуннахр черики хужуми тамом ва дағдағай молокалом била отланиб, Сайидмуҳаммад кўлида бийларни ning ақабидин етиб, уруш солдилар. Бийлар дағи бирор лаҳза камоли шиҷоат ва ғояти жалодатдин талош ва саваш амиға қиём кўргуздилар.

Чун кўрдиларким, душман сипоҳи турғон сойи кўполиб атроф-жавонибидин хужумовадурлар. Ложарам, муқобил бўлмоқни маслаҳат кўрмай, озлик жиҳатидин сокин-сокин муовадат қилдилар. Ул аснода Эшончиға буюрулғон оломон дағи анда мутаҳассин бўлғон элни кўчуруб, шаҳар сори йибориб, ўзлари бийларни ning имдодиға борар эрдилар. Чун мушоҳада қилдиларким, тожик черики кент ичига ва қум сатҳига сиғмай, ҳайъати ижтимоъ била бийларни ning изидин мутавважихдурлар. Олар дағи озлик жиҳатидин муҳороба ва мужоҳада амиға иқдом кўргузмай, оҳиста-оҳиста муовадат қилиб, уруша-уруша кеч пешин чоғи Ос ҳудудида муаскари ҳумоюнға етушдилар.

Чун душман сипоҳи сангар аҳлининг ғавғои ом ва хужуми маҳшаринизомини наззора қилдилар. Саросимавор рўйгардон бўлуб, фирор ихтиёр этдилар. Ва жаноҳ суръат била ярим фарсанглик масофат қатъ қилғондин сўнг, яна силки жамъиятиға инъикод бериб, камоли жаҳолат ва ғояти некбатдин ливои хизлонни фазойи майдонда барпо қилиб, суфуфи касофатвуқуфни эҳтимоли тамом била рост тузуб, жангу жидол, ҳарбу қитол кўсин садоға киргуздилар.

### Маснавий:

Тузуб саф гуруҳи шайотин асар,  
Залолат ливосин қилиб жилвагар.  
Суфуфни ning эрмас карони аён,  
Тутуб ер юзини карон то карон.  
Безаб лашкарининг сўлу соғини,  
Далирона кўзлаб уруш чоғини.  
Кўйуб ҳар бири арса ичра акдом,  
Писанд этмайин Геву Гударзни ҳам.  
Аён айлабон барча боди бурут –

Ки, олғуси күхи гарондин субут.  
Қилиб жумла изҳори лофу газоф –  
Ки, Рустам агар келса тузгай масоф.

Чун аъдои шароратантамонинг бу янглиғ шўру ғавғосининг хабари муаскари фирузийасар ичра Иноқбекнинг самъи ҳумоюниға етушти, фи-л-ҳол тавсани сарсармисолға рукуб қилиб, мунодо била лашкаргоҳдин жамеъ черикни отлантуриб, издиҳоми машҳархуруш ва жуйуши дарёжӯш била уруш салоҳидин оҳанпӯшт бўлуб, дўш бар дўш илҳом ва суруш асорати била аъдойи беҳуш устига юруш қилдилар.

### Маснавий:

Анингдек сипаҳ ҳар тараф қўзғолиб –  
Ки, наззораси халқ ҳушин олиб.  
Юруб фавж-фавж, гурухо гурух,  
Қиёматға синдуруди шаъну шукух.  
Алоло фалак авжидин ошуруб,  
Тазалзул ер ажзосига еткуруб.  
Аён ўлубон: “Арзу зилзолаҳо  
Ва ахражати-л-арзу асколаҳо”<sup>41</sup>.  
Бўлуб ул сифат издиҳом вуфур –  
Ки, гўё зуҳур этди “йавму-н-нушур”.  
Қалин гард ондоқ чиқиб юқори,  
Тутуб жўш олам юзин ҳар сори –  
Ки, ер бўлди кўк ўрнида устувор,  
Ер ўрнида афлок тутди қарор.  
Очилғон ливоларда гулгун ялов,  
Дагил гўё шуълазандур олов.  
Ва ёхуд қилур жилва сарви равон,  
Гул очиб анинг устида арғувон.  
Бўлуб касрат ичра синон ҳар тараф,  
Етилғон қалин найситон ҳар тараф.  
Ҳамул найситон ичра арбоби кин,  
Ҳизабри хурушону шери ғарин.  
Бари тўлғониб хайли аждар киби,  
Бари жўш уруб баҳри ахзар киби. (413<sup>a</sup>)

Шитоб айлабон хайли аъдо сори,  
Ҳамул муфсиди шўришафзо сори.

Чун Иноқбек бу янглиғ сипоҳи салобатафзо ва афвожи маҳобатнамо била озим бўлуб, яқин эрдиким, сарсар духули била фасод ахлининг хирмани жамъиятин тафриқа ҳавосиға совурғай. Аммо аъдо суфуфиға етушмасдин аввалроқ ямутия гуруҳининг саромадидин Авазхон бошлиғ баязи умарои садоқатинтимо тазаррӯъ ва тахашшуъ била ул жанобға инонгир бўлуб, бу байт мазмуниға тараннум туздилар.

**Байт:**

Сипаҳ тортмоқ ҳожат эрмас дур,  
Анинг дафъиға бир қулунг бас дур.

Ложарам, умаронинг илтимосин мабзул тутуб, ҳамул манзилда таваққуф аламин барпой қилиб, шужаойи зафарнишон ва қуталойи хунфишон ва сипоҳи жалодат тавъамонни аъдои фасодафзойнинг муҳораба ва муқоталасиға номзад қилди. Олиймакон шаҳзодалар ва гардунтавон озодалардин Сайид Аҳмад тўра халафи рашид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон наввароллоҳу марқадаҳуким, маъракаи шиҷоатда Исфандиёри Рўйинтанни ўзига ҳариф билмас эрди ва арсаи муборазатда Рустами сафшиканни назари эътиборға илмас эрди.

**Назм:**

Биёбони сароматнинг паланги,  
Муҳити истиқоматнинг наҳангиги.  
Муайян ҳайъатидин хунфишонлиғ,  
Мубарҳан ғайратидин жонситонлиғ.

Саманди барқмонандин жавлонға киргизуб, баязи шиҷоатманд беклар била шужаойи кинагузор ва сипоҳи жалодатшиорни аъдои давлат муҳорабасиға тарғиб ва таҳрис қилиб, арсаи корзорға дафъа-дафъа от савош ва талош ҳангомасин қиздурдилар.

**Маснавий:**

Гурдлар рахш суруб майдон аро,  
Чиқиб гардлар чархи гардон аро.  
Замон ўлди ҳайрон ҳайо-ҳуйидин,  
Замин ўлди вайрон таку пўйидин.  
Ики соридин қоқилиб табли жанг,  
Чиқиб ўртаға йиллар этмай даранг.  
Бири қасдиға бири айлаб жадал,

Қилиб найза бир-бирга радду бадал.  
Гаҳи ул муни бу тарафга суруб,  
Гаҳи бу они ул тараф еткуруб.  
Чиқиб авжи афлок уза наъралар,  
Фалак аҳлиға ёрилиб зухралар.  
Тўғанглар садоси жаҳонни тутуб,  
Тутуни етти осмонни тутуб.  
Қиличлар дамидин бўлуб пош барқ,  
Ёрутуб жаҳонни қадам то ба фарқ.  
Бирор заҳм уруб ҳасмиға бешумор,  
Бирор душманидин бўлуб заҳмдор.  
Тузулуб русуми жидолу талош,  
Бу янглиғ замони талош эрди фош.

Чун бу ҳол асносида факир Иноқбекнинг мулозаматида ҳозир эрдим, сипоҳи нусратпаноҳдин бир фавж йигит билаким, ҳар бири масоф қуенинг шиддатин зифоф туенинг лаззатидин таржеҳ қилур эрдилар ва разм майдонининг суъубатин базм айвонининг ишратидин афзал билур эрдилар, номзад қилди. Токим, майдони масофға бориб, баҳодирларға имдод еткургаймиз.

Дарҳол фармони лозиму-л-имтисол мужиби била жалодат майдониға истеъжол маркабин суруб, номдор саркардалардин Раҳматуллоҳ ясовулбошиким, Иноқбек ясови била аъдо суфуфининг аросида ливои зафар ҳавосин жилвагар қилиб, ўзига тааллуқлиғ сипоҳ била ором тутмиш эрди, анга етушдук. Ул дағи бизларнинг вусулимиздин қавийдил ва музтазҳар бўлуб, ҳайъати ижтимоъ ва ливои хуршидшуоъ била далирона от солиб, ўқ отим, балки найза солим ерга бориб эрдук, аъдо сипоҳи аввалдин худ шужаойи душманшикор ва қуталойи кинагузорнинг муҳоработи шерона ва ҳамлоти далиронасиға таҳаммул қила олмай, нангу номус юзидин бир навъ ҳаракат қилур (413<sup>б</sup>) эрди.

Чун кўрдиларким, гуруҳи анбух ғавғои қиёматшукуҳ била балои мубрим ва қазои муҳкам янглиғ оларнинг устига мутаважжихдурлар.

### Байт:

На қочарға раҳи нажот топиб,  
На турага даме сабот топиб.

Ложарам, тариқайи фирорни жумлаи муғтанимотдин санаб, ўз баҳти баргашталаридек арсаи корзордин рўйгардон бўлуб, ҳазимат сахросига юз кўйдилар. Амир Насруллоҳ даги сипоҳи бекарон

била ясов ясаб, кейинда ором тутмиш эрди, шужаойи нусратнишоннинг шери жаён ва бабри дамон янглиғ ҳамлоти сарсарсифотиға тоқати муқовамат келтура олмай, “*кааннаҳум ҳумурин мустанфиратун*”<sup>42</sup> муфоди била эшак гурухи шер шукухидин мутанаффир ва мутаворий бўлғондек изтиори тамом била водийи буворға фирор қадамин уруб, афтону хезон сахрои хизлонға гуризон бўлдилар ва камоли истеъжол ва ғояти саросималиқдин бир-бирининг устига йиқилиб, поймоли марокиб ва манкуби мавокиб бўлуб, улчаким, хомаи тақдир сафҳаи жабҳалариға ёзмиш эрди, кўрдилар.

### Маснавий:

Ондоқ қочиб ул гурухи кинҳоҳ –  
Ким, шердин ул сифатки рубоҳ.  
Жон ваҳми била бўлуб шитобон,  
Ихлос ила қать этиб биёбон.  
Баъзи қочибон канораларға,  
Баъзи кирибон мағораларға.  
Баъзи адув ўлди озими қум,  
Қум ичра вужудин айлади гум.  
Баъзи ўзини кўл ичра солиб,  
Гирдоби фано тубида қолиб  
Гар бири анинг йиқилди ёлғуз.  
Устига анинг яна ўну юз.  
Помол ўлубон бариға абдон,  
Кўк узра ғубори чиқти ҳар ён.  
Ҳар бириси бир тараф қилиб азм,  
Ўлмакни ўзиға айлабон жазм.  
Бир сори фирор этиб амири,  
Бир сориға маҳраму вазири.  
Бошиға тушуб ажаб қаро кун,  
Сичқон тушуги бўлуб минг олтун.  
Изидин етибон сипоҳи жаррор,  
Ойини жалодат айлаб изҳор.  
Баъзи етуруб синони хунрез,  
Аъдони от устидан йиқиб тез.  
Баъзи чекибон адувға шамшир,  
Отдин йиқибон ер узра бир-бир.  
Баъзи суғуруб бурранда ханжар,  
Қать этди ҳадду ҳисобсиз сар.

Баъзиси табар қилиб ҳавола,  
Қондин очибон ер узра лола.  
Баъзи отибон камандини чуст,  
Банд айлади хасм бўйини руст.  
Бир лахза аро кўтарди яллар  
Аъдо тани бирла неча таллар.  
Сонсиз яна ҳар қадамда ётиб,  
Яксар қаро қон ичига ботиб,  
Қон ила оқизди бошларни –  
Ким, сел нечукки ёшларни.  
Найзадин ўлуб нечаси мажрух,  
Рам жисм уйидин айлабон рух.  
Шамшир этибон неча танин чок,  
Ер узра ётиб биайнихи хок.  
Ханжар бўлубон нечаға қотил,  
Ётиб неча ерда нимбисмил.  
Гар зойила бўлуб нечаси вожун,  
Гўё йиқилиб бошиға гардун.  
Ўқ ила бўлуб нечаси афгор,  
Ётиб тани туфрок ила ҳамвор.  
Ҳар бир қадам ичра ҳадду сонсиз,  
Нимжон нечаси, нечаси жонсиз.  
Ул кун ажал айлабон тафаккур,  
Беҳол этибон они таҳайюр –  
Ким, қойсиға ул ургуси чанг,  
Қойси уза сўнгроқ этгай оҳанг.  
Бир дамда этиб бариға навбат,  
Жон бергали борчасига суръат.  
Охир бўлубон, басе, шитобон,  
Чобуклик ила юз урди ҳар ён.  
Жон олмоқ ишида уйла толди –  
Ким, ёлқибон охир ўзни солди.  
Аъдоға етушти шўри маҳшар,  
Аҳбобға етти ийди акбар.  
Нокор ўлубон адув салоҳи,  
Бўлмай бири боиси фалоҳи.  
Жавшанлар ўлуб саросар афгор,  
Туфрок аро ётибон бўлуб хор.  
Қалқонлар ўлуб қамар киби шак,

Ҳар сори ётиб ер узра мулсақ.  
Отлар юрубон босиб лижомин,  
Билмай қўйорин қаёнға комин.  
Душман аҳли қатлиом топди,  
Аҳбоб муроди ком топди.

Чун бу мансубай дўстнавоз ва воқеъаи душмангудоз аср ҳангомида вуқуъ топиб, шужаойи Баҳромкин ва сипоҳи жалодатойин (414<sup>a</sup>) аъдои фасодандеш ва хусамойи залолаткешни аср чоғидин хуфтон ёвуқиғача таоқиб қилиб, қатлу кўшиш, наҳбу ғорат умурида дақиқаи номаръий қўймай, Юнусхожа бошлиғ тўрт мўътабар саркардасин икки юз киши била асорат қайдига чекиб, секиз қаробош туғ, эллик байдак ва бениҳоят оту яроғ ва асбоб ўлжа қилиб муовадат этдилар ва хуфтон вақти Иноқбекнинг хизматиға еттилар. Ул жумладин даргоҳи давлатпаноҳнинг шиҷоат ва муборазатинтибоҳ мулозимларидин Муҳаммадгул ямут, Қилич баҳодирким, жалодат ва чобукликда сарсадин сабқат элтиб, барқдин байроқ олур эрдилар, ҳаммадин илгари икки қаробош туғни Иноқбекнинг хизматиға келтуруб, манзури назари отифат бўлдилар. Ул воқеъада сипоҳи нусратпаноҳдин киши кам эрдиким, ўз ҳолиға кўра иш кўргузуб, бош кесиб, асир тушурмаган бўлғай. Ул жумладин, факир дағи таоқиб асносида Шаршоли ориқининг аёқидин ўтган ҳолда бир мулозим била аъдои давлатдин бирининг изидин етиб, синони жонситон зарби била отдин сарнигун йиқдим. Ул ҳолда ямут шужаосидин икки-уч йигит ҳозир бўлуб, бошин кестилар.

### Назм:

Бошини кесмак эрди мақсудим,  
Хизматим шаҳға бўлса то маълум.  
Ўзгалар зўр ила кесиб они,  
Қочтию, саъим ўлди номаълум.

Иноқбек ул мавзеъдин музafferу мансур, хурраму масур мурожаат қилиб, хуфтон чоғи муаскари саодатасарга ворид бўлуб, хиргоҳи сипехриштибоҳға нузул этди. Эшитилдиким, ҳамул кеча фирор асносида амири шақоваттахмир лашкаридин жудо бўлуб, учтўрт мулозими била кўл ичига кириб, йўл топмай, сув ва полчиғ ичида сахаргача саргардонлиғ тортиб, Бешориқ ҳалқининг баъзи авбош ва ҳаромисининг далолати била тонг вақти қўшуниға борибдур. Тонгласи, жумъа куниким, жумодийу-л-аввал ойининг гурраси эрди, Иноқбек бу янглиғ зафари беҳжатасарға даст

топғонидин нишона учун доруссалтанаи Хивакда оқоси ҳазрати подшоҳи зиллуллоҳийнинг остони давлатпаноҳиға Мұхаммадгүл била ахли фасод бошларидин икки юз бош, туғлар ва байдақларни ирсол қилди. Ҳамул кун хотамлик маснадида ўлтуруб, карам ва саховат панжаси била зарпошлиғ кўргузуб, бош кесган ва асир тушурган ва иш кўргузган баҳодирларни дунёдин мустағний қилди. Шанба ва якшанба куни дағи ҳамул дастурда карам панжасин очиб, ахли сипоҳ бошиға панжа-панжа зарлар сочиб, асбоби муҳораба ва адоватьи муқотала тартиб ва саранжомиға иштиғол кўргузди. Токим, ҳамма асбоб ва яроғни, баважҳи дилҳоҳ муҳайё ва омода қилиб, дилжамълик била душанба куни аъдои давлат устига озим ва муқотала умурина жозим бўлғай.

### Байт:

Безади от ила яроғини эл,  
Кўзлади азми ҳарб чогини эл.

Чун Иноқбекнинг лашкари бекарон ва шужаойи хунафшон била аъдо қасдиға ҳиммат камарин шиҷоат белиға боғлағон хабарин эшитиб, амир Насруллоҳнинг хотири шақоватмаосириға ва “қазафа фий қулубиҳиму-р-руъба<sup>43</sup> муаддоси била руъб ва ҳарос истило топиб, сангари наҳсиятасарида тура олмай, душанба куни талии субҳдин аввалроқ ўғруқ ва яна аҳмол ва асқоли била кўчуб, фирор тариқиға изтиror қадамин уруб, истеъжоли тамом ва инфиоли молокалом била Бухоро жонибиға юз қўйди.

Ҳамул кун офтоб тулуъидин сўнг бу хабар етушуб, Иноқбек ўрдуйи хумоюн ва асокири (414<sup>6</sup>) маҳшарнамун била кўчуб, алвияйи зафартайбияни жилваға киргузуб, суръат қонуни била азимат оҳангин тузди. Токим, аъдои фасодангизни таоқиб қилиб, то юртиға боргунча тифи бедариг дамидин хунрезлик кўргузуб, танбеҳи азим ва гўшмоли балиғ еткургай.

Чун бу ният била озим бўлуб, Фитнак ҳудудида Бухоро черикининг ақабидин етушуб, ёқин эрдиким, афвожи баҳрамвож ҳамлотидин аъдои гуризпойни гирифтори вартаи бало ва мустағраки гирдоби фано қилғой. Ул ҳолда умаройи садоқатинтимо ва кубаройи эътиқодафзо ул жанобнинг оташи ғазаби илтижои тазарруннамо ва таваллои тахашшувор обрезлиги била таскин бериб дедиларким, гурухи шиҷоатпажух ва лашкари қиёматшукуҳингизнинг садмати муҳорабасиға тоқати муқобалат келтура олмай, ҳаросон бўлуб, ажзу инкисор юзидин ҳазимат кўргузгон черикининг изидин қовуб, ишин муҳликаға солмоқ

химмат қавоидидин йирок ва мардлик маросимидин узокдур. Эмди олий ҳазрат ва қавий давлатингизға муносиб улдурким, ул давлат баргашталарнинг ақабидин дахл қилмай, инони азиматни мурожаат жодасига маътуф этиб, фуқаро аҳволининг интизомиға қиём кўргузунгким, беҳбуд андадур. Ул жаноб умарои садоқатмаобнинг илтимосин мабзул тутуб қайтиб, Ҳазорасб ҳудудининг юқорисига сипоҳи қиёматдастгоҳ била нузул этди. Ҳамул манзилда икки кеча мутавакқиф бўлуб, чаҳоршанба куни андин савлати тамом била кўчуб, Ҳазорасб қалъасининг жанубий тарафида Қийронч бобо отлиғ бузургворнинг зиёратиға мушарраф бўлуб, жавори файзосорин мухаййами хиёми давлат ва маскани аъломи шавкат қилиб, оромгузин бўлди.

Панжшанба куни ул мавзеъда Ҳазорасб акобириға хилои хуршидшую бахшиши била сарафролиғ еткуруб, ул манзилдин кўчуб, Янгиорик ҳавлиға тушди. Тонгласи, жумъа куни, мазкур ойнинг еттисида Янгиорикдин ливоафрози наҳзат бўлуб, дабдабай беҳжатафзо ва кавкабай масарратнамо била шахри Хивақ “зайанаҳу Аллоҳу би-н-низоми ван-насақ<sup>44</sup>ға кириб, бу янглиғ фатҳу нусрат шукронаси учун зубдату-л-авлиё, қудвату-л-атқиё, муқарраби боргоҳи мулки вадуд ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қаддаса сирраҳу-л-азизнинг мақбараи мутабарракаси зиёратиға мушарраф бўлуб, эхрози зиёратдин сўнг сарири салтанатда ақоси ҳазрати зиллуллоҳийнинг мулозамати пурсаодатиға истисъод топиб, мулотифати хусравона ва мухотифати подшоҳонадин маҳзуз ва барумандлиғлар топди.

Ҳазрат зиллуллоҳий тавфиқоти субҳоний ва таъйидоти давлати жовидоний била анинг душмани қавийнинг сипоҳи нусратпаноҳдин мағлуб ва манзуб бўлғонининг шукронаси учун караму эҳсон ҳазоинининг эшигин очиб, иш кўргузган шужаоға, балки жамеъ аҳли сипоҳға қуёш янглиғ зарпошлиғлар кўргузуб, киссаи умид ва жайби муддаоларин нуқуди вофира бахшиши била лабрезу ганжхез қилди. Секиз кунғача жамеъ умаро ва кубаро, сархайл ва сипаҳдор, аммол ва наввоб ва аксар лашкарияға хильъатхонаи эҳсони подшоҳонадин хилоғи зардўз ва албисай сиймандўз, кимхо даклай ва гаронбаҳо чакмонлар кийдуруб, борчани офтоби жаҳонтоб янглиғ тиллопўш қилиб, аҳли жаҳон аросида мумтозлиғ ва сарафролиғлар еткурди. Ул жумладин факирға дағи эллик тилло инъом қилиб, бир зардор даклай кийдуруб, навозишоти хусравонидин баҳрамандлиғлар еткурди.

## **Байт:**

Эй, карамингдин етиб борчаға хурсандлиғ,  
Лутфи амийминг била топди барумандлиғ.

### **Ҳазрат зиллуллоҳий салтанатпаноҳийнинг сайр иртикоби била Кўхна Урганж сори рукуб қилғони**

(415<sup>a</sup>) Чун ҳазрат зиллуллоҳий Бухоро чериги мағлуб ва манкуб бўлуб, мунҳазимона ўз юртиға муовадат қилғондин сўнг мамлакат умурининг интизоми ва сахронишин фуқаро аҳволининг насақ ва низоми учун сайру гашт баҳонаси била мазкур бўлғон ой, яъни, жумодийу-л- аввалнинг йигирма учида, шанба куни доруссалтанаи Хивақ “шаййадаллоҳу би-л-хайри ва-н-насақ”дин хulosai сипоҳ била якрони давлатға рукуб қилиб, Шоҳобод ҳавлининг кунгираи мубоҳотин ташрифи саодатойоти била буружи самовотдин ўткарди.

Андин якшанба куни савлати тамом била ҳаракат кўргузуб, нузули шарофатшумули файзидин Тошҳовуз ҳавлини беҳишт боғи ва кавсар қироғидек лабрези файз ва саршори сафо қилди. Тонгласи, душанба куни андин ашҳаби давлатға рукуб қилиб, меҳри жаҳонтобдек масофатнавардлик кўргузуб, Қиличниёзбойдағи работи фоизу-н-нашот, лозиму-л-инбисотға нузул этди. Анда икки кеча сарироройи истироҳат бўлуб, ҳар кун фуқаро ва раоёнинг адлу дод ва аҳвол пўрсишлиқиға қиём кўргузди.

Чаҳоршанба куни Қиличниёзбайдин кўчуб, Гадойниёзбайнинг чорбоғиға, ташрифи ҳузури била беҳишти барин янглиғ таровати тоза ва назоҳати беандоза еткурди.

Панжшанба куни андин сипоҳи давлатдастгоҳ била отланиб, Қаройулғундағи боғи лозиму-л-фароғни мазриби боргоҳи шавкат ва маскани сародиқоти савлат қилиб, нузул этди. Жумъа куни андин наҳзат кўргузуб, Кўхна Урганжга шарафи нузули била кишвари Чинмисллик ойинбандлиғ еткурди.

Анда етти кун иқомат саририда мутамаккин бўлуб, сақар жамоасиким, амир Насруллоҳ Бухоро черики била келиб, Ҳазорасб қўрғонин муҳосара қилғон ҳангомда арак шарорати мутаҳаррик бўлуб, баъзи ношойиста аъмол ва нобойиста афъолға иқдом кўргузуб, ул ҳаволидағи фуқаро ва раоёға зулму таадди еткуруб, амволу асбобига горат ва торож қўлин узатмиш эрдилар, оларнинг

бу янглиғ ҳаракати қабиҳасининг доманзанлигидин нойираи ғазаби подшохий илтиҳоб топиб, баҳромсавлат ва миррихсалобат ясовулларға фармони қазожарайон иззу нафоз топдиким, ул жамоадин ҳамул журмининг журмонаси учун тааддий тамом била ўн минг тилло ёрғу қилиб, маблағи мазкурани таҳсил қилмоқда шарти таъжилни маръий тутғойлар ва маъмур бўлғон ясовулбошилар ҳукми ҳумоюн мужиби била ҳамул тиллони мазкур бўлғон элдин ташаддуди тамом била таҳсил қилиб, маросими хизматни бажой келтурубдурлар.

Ул ҳазрат етти кунгача атрофу акнофдағи қалъажот ва элотнинг муҳиммот ва ҳолотига саранжом ва интизом бериб, панжшанба куни Кўҳна Урганждин мурожаат қилиб, Оқтўпа мавзеъидағи чорбонга тушти. Жумъа куни андин наҳзат қилиб, Ҳилолий мавзеъидағи ҳавлийи рифъатнишонға ташрифи хузур элтиб, анинг зирваи фахоматин гардунсой ва аршфарсой қилди. Анда бир кеча бистароройи истиқомат ва соғаркаши саҳбойи ишрат бўлуб, тонгласи, шанба куни кавкабай воло била раҳнавардлик ва биёбонгардлик қонунин тузуб, ҳазрати қутбу-л-актоб, раъсу-л-асҳоб, саййиду-л-авлиё, саййиду-л-атқиё исми Маҳмуд ота алайҳи-т-таҳийяти ва-с-санонинг жавори файзосоридағи работи дилкушо ва мақоми нурсафосиға нузул этиб, “ман зора-л-мақобира факааннама зора-л-анбийо”<sup>45</sup> ҳадисининг муқтазоси била ул бузургворнинг равзай мутабаррикаси тавфиға мушарраф бўлуб, арвоҳи тайибасидин истимдод ва истионат кўргузди.

Андин маркаби саодат ва ашҳаби давлатға сипоҳи зафарпаноҳ била рукуб қилиб, жумоду-с-соний ойининг тўртида, якшанба куни дору-л-хилофай Хивакға ворид бўлуб, авранги салтанатни нишиман этди ва файзи хузури била шаҳр ичин гайрати гулшан қилди.

### **Байт:**

Эй, хузурингдин гулистон ўлди шаҳр,  
Балки рашки боғи ризвон ўлди шаҳр.

## **Ҳазрат зиллуллоҳийнинг Бухоро чаповулиға афвож буюрмоғи**

Чун ул ҳазрат кўрдиким, амир Насруллоҳнинг риштай адватиға тифи хусуматдин ўзга ҳеч нимарса котеъ эрмас ва мулоямат бирла ҳусули муддао мақсад қўлиға кирмас, ложарам, ҳиммат белиға гайрат камарин маҳкам боғлаб, адват майдонига

журъат қадамин қўйди. Ва изроран ли-л-муфсидин аснофи лашкариядин баъзи шижаотшиор ва талабгор баҳодирларни фавж-фавж қилиб, ҳар фавжни излик-изидин Бухоро музофотининг дастбурдиға буюрди.

Андоқким, аввалги фавжнинг воқеъаси. Чун жумодийу-лаввал ойининг авохира ида човдур тавоийифидин бир гурухи шижаотпажух ҳазрати зиллуллоҳийдин рухсат олиб, Бухоро сори озим бўлдилар ва манозили мутакассира қатъидин сўнг Бухоро тавобеъидин бир кент устига қазойи мубрамдек дохил бўлуб, йигирма кишини асорат қайдига муқайяд қилиб ва тўрт бош кесиб ва бениҳоят амвол ва мавоший дasti тасарруфлариға киргизуб, мурожаат қилдилар. Жумоду-с-соний ойининг авоситида осто ни фалакнишон мулозаматига етиб, инояти хусравонадин хилоъи фохира била мухаллаъ бўлдилар.

Иккилончи фавжнинг сониҳаси. Олардин сўнг ямутия жамоасидин бир фавж гузидаги йигит ул ҳазратдин Бухоро чаповулиға ижозат олиб, азимат кўргузди. Жаноҳи истеъжол била қатъи мароҳил қилиб, Бухоро музофотидин бир қаряға чаповул уруб, усаройи бепоён ва ғанойими фаровонға мутасарриф бўлуб қайтдилар. Мазкур бўлғон ойининг авохира ида мулозамат шарафиға фойиз бўлуб, сарпойи шоҳона инъоми била мумтозлиғ топдилар.

Учлончи фавжнинг тазкираси. Алардин сўнг яна човдур тавоийифидин гурухи анбуҳ ул ҳазратдин мураҳҳас бўлуб, суръат қонуни била азимат оҳангин туздилар ва қатъи баводий ва тайи сахорийдин сўнг Бухоро мамлакатининг қутби шимолий тарафидаги мутаваттин ва мутамаккин бўлуб ўлтурғон қазоқия улусининг аҳшомиға чаповул тундбодин еткуруб, ул жамоанинг хирмани жамъиятини тафриқа ҳавосига совуруб, гоятсиз амволу ниҳоятсиз ашёни ўлжа қилиб, муовадат этдилар ва ражаб ойининг авоситида мулозаматға етиб, машмули мароҳими хусравона бўлдилар.

Тўртлончи фавжнинг таҳкияси. Алардин сўнг яна ямут шужаъосидин бир фавж жалодатосор баҳодир, Кутлуғмурод сардор бошлиғ, ҳазрати зиллуллоҳийнинг рухсати била Бухоро турктозига озим бўлуб, Элжик била Қарокўл орасидин бир оз чўфон ва Бухоро шахриға тева била туз олиб боратурғон кўб арғишичин асири сарпанжай тақдир қилиб қайтиб, мулозамат шарафиға мушарраф, авотифи подшоҳонадин сарафrozлиғ топдилар.

Бешлончи фавжнинг достони. Алардин сўнг яна ямут баҳодирларидин гурухи анбуҳ ул ҳазратнинг ижозати била Бухоро чаповулиға илғор қилиб, мароҳили мутанаввиъ қатъидин сўнг Вардонзи туманининг ҳаволисида тоҷикнинг ўттуз отлиғ қоровулининг устидин дохил бўлуб, камоли жалодатдин барчасин асорат қайдига гирифтор қилиб, яна Вардонзининг атрофу жавонибиға тоҳту тоз еткуруб ва ниҳоясиз қўю тева ва йилқи ғанойимиға мутасариф бўлуб, солим ва ғоним мурожаат қилдилар ва ражаб ойининг салҳида атабаи осмонмартаба хизматиға этиб, албисай зарандул била мулаббас бўлдилар.

Олтилончи фавжнинг баёни. (416<sup>a</sup>) Алардин сўнг осто ни давлатпосбон мулозимларидин Худойберган юзбошиким, Ўрус лақабига мулакқабдур, уйғур Искандар баҳодир била ўн беш гузидагигитга бош бўлуб, ҳазрати зиллуллоҳийдин Бухоро турктозига рухсат олиб, истеъжоли тамом била озим бўлдилар ва барқи хотифдек тайи мароҳил қилиб, балойи ногаҳоний янглиғ Бухоро шаҳрининг мулҳақотидин Чаҳоргўша отлиғ мавзеъга дохил бўлуб, мўътабар кишилардин тўрт асир ва секиз тева ўлжа қилиб қайтиб, шаъбон ойининг ўнида даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға этиб, илтифоти шоҳона ва навозишоти бекарона била баҳрамандлиғ ва хурсандлиғ топибдурлар.

Еттилончи фавжнинг зикри. Алардин сўнг мазкур ойининг ўн еттисида, сесланба куни ямролия тавоийифидин бир гурухи соҳибшукуҳ ҳазрати зиллуллоҳийнинг ижозати била илғор қилиб, сарсаркирдор масофатнавардликдин сўнг Чаҳоржўй атрофида Чакас қалъасининг тубидин тоҷик қоровулидин ўн отлиғни дастгир қилиб, тўртовин тифи тез дамидин ўткариб, адам тангносига йибордилар ва олтитасин от ва яроги била атабаи алайҳ мулозаматиға келтуруб, хильъатхонаи карами сultonийдин хилоъи офтобшую била мухаллаъ бўлуб, ашбоҳ ва акронидин мумтозлиғ топдилар.

Маълум бўлсунким, ҳамул овонда ҳазрат зиллуллоҳий Беги юзбошини саркардалиқдин маъзул этиб, анинг туғин ямролия навкари била олиб, Хожаш маҳрамга топшуруб, сипаҳбудлик мансабиға мансуб қилди.

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг мавкиби кайҳонпўй била Бухоро қасдиға таважжух кўргузгони ва аркони давлатнинг илтимоси била дарёдин убур қилмай, Чаҳоржўй муҳосараси оҳангин тузгони ва Бухоро черики ҳужуми тамом била дарё соҳилиға,**

**ўрдуйи ҳумоюн муқобаласиға келгони. таҳаввурнишон муборизларнинг кема била дарёдин ўтуб, тожик сипоҳи била муҳораба қилғони ва амири беназир Муҳаммадамин иноқнинг қатном ва парвардғача Лабоб мутаваттинларин поймоли марокиб ва дастфарсуди мавокиб қилиб, ақоси мулозаматига етгони. Ва ул ҳазратнинг фатҳу нусрат, иқболу давлат била Хоразми эрамбазм доруссалтанаси савбиға мурожаат этгони**

Сўз иқлимида мулк аро Скандар,  
Варақ майдонида ҳангома густар –  
Ки, яъни хомаи фархунда арқом,  
Кўяр мундоқ маоний мулкига гом.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий салтанатпаноҳий ўз нафси нафиси била амир Насруллоҳнинг қасди учун Бухоро мамоликиға сипоҳи нусратпаноҳ, шиҷоатдастгоҳ чекмакни замири саодаттавъамиға мусаммам ва мужаззам қилиб, жамеъи асокири мансураға ва афвожи қоҳираға асбоби сафар таҳияси учун хазойини омирадин нуқуди вофира инъом қилиб, мунодий била рукуби ҳумоюний миъодин мамолики маҳруса ва билоди маҳфуфа ҳалойиқиға эълом қилди. Хусусан, умаро ва кубаро ва шужао ва худамоға алоҳида панжай эҳсон била зарпошлиғ кўргузуб, тажҳизи сафар ва такмили яроғ учун таъжил ва тарғиб қилди. Чун оламоройи ройи давлатфазоий муқтазоси била сипоҳи нусратпаноҳ асбоби юруш ва яроғи урушни баважҳи дилҳоҳ омода ва муҳайё қилиб, миъод вақтин чоғлаб, оstonи давлатпосбон мулозамати азимотиға бел боғладилар.

Соҳибэҳтишом сultonлар ва гардунмақом қоонлар ва олий манзалат умаролар ва фалакмартабат уманолар ва соҳибалам саркардалар ва анжумҳашам сипоҳдорлар атрофи мамолик ва акнофи масоликдин фавж-фавж ва даста-даста зарринқубба туғлар ва сийминшиққа аламларин жилвагар қилиб, салобати тамом ва маҳобати молокалом била келиб, ҳазрати хилофатмаобнинг ҳамрикоблиғи учун жаноби (416<sup>б</sup>) фалакинтисоб мулозамати шарафиға мушарраф бўлдилар.

**Маснавий:**

Ул сифат издиҳом қилди зухур –  
Ки, магар воқеъ ўлди йавму-н-нушур.  
Шаҳ жаноби икки қироғида,  
Ўлтуруб сўли бирла соғида.  
Ики ёндин тузуб суфуф қатор,  
Тутубон ҳар ким ўз ерида қарор.  
Ер тутуб бир тарафда хоқонлар,  
Ҳар тарафда тузуб сафин хонлар.  
Умаро бир тарафда жойгузин,  
Нуқабо бир тарафда садрнишин.  
Хизмат амрида муфтахир борча,  
Шаҳ рукубиға мунтазир борча.

Чун йавми мавъуд, вақти маъхудким, мазкур бўлғон йил, яъни санаи минг икки юз эллик тўққузда, мезон авоҳири, шаъбону-л-муazzамнинг йигирма еттисида, жумъа куни эрди, намози жумъа адосидин сўнг асъади соат ва аршади авқотдаким,

#### **Маснавий:**

Саодат жаҳон ичра тўлмиш эди,  
Нуҳусат замондин йўқ ўлмиш эди.  
Келиб эрди хизматға иқбол ҳам,  
Муяссар эди борча омол ҳам.

Ҳазрат зиллуллоҳий хилофатпаноҳий ҳиммат камарин ҳумоюн белига боғлаб, давлат афсарин муборак бошиға кийиб, фархунда аёқин саодат рикобиға қўйуб, иқбол якрониға рукуб қилди ва дийдори зилолий лабташналарин шароби ҳузури била сероб, интизор аҳли дийдаларин офтоб зухури била комёб этди. Ул ҳолда салотини зу-л-иқтидор ва хавонини номдор ва умаройи манзалатдисор ажзу инкисор қадин таъзим ва тавозеъ юкидин ҳам қилиб, сидқу ихлос юзин таслиму убудийят туфроқиға қўйуб, ҳазрати муҳаймини корсоз даргоҳиға эътиқод қўлин очиб, бу дуои ижобатинтимо таронасиға мутарраним бўлдиларким,

#### **Рубоий:**

Шоҳо, ҳама дам Тенгри санга ёр ўлсун,  
Ҳам давлату иқбол мададкор ўлсун.  
Ҳар сори азимат айласанг тоби нусрат,  
Алингда адув хайли бари хор ўлсун.

Чун бу дуо адосидин сўнг ул ҳазрат инони зафарнишониға таҳрик бериб, тавсани паризоди девниҳодни мақсад тариқиға суруб, шавкати каёний ва савлати сосоний била доруссалтанаи Хивақ

“ҳафизаҳуллоҳу таоло ани-л-ҳарақи ва-л-ғарақ” дин чиқиб, партави ҳузуридин қуёш янглиғ актори жаҳонға нур ва аҳли жаҳон кўнгуллариға сурур еткурди.

### Маснавий:

Шаҳрдин шаҳ азм этиб хуршидвор,  
Партави дийдорин этди ошкор.  
Уйлаким, машриқ ҳисоридин қуёш,  
Чиқғайу оламға бўлғой нурпош.  
Йўлинни фаррошлар пок айлабон,  
Рафъи гарду, манъи хошок айлабон.  
Ҳар сори саққолар айлаб жустужў,  
Абри найсондек сепиб йўл узра су(в).  
Илгариrok азм айлаб неча фавж,  
Гуркуруб дарё киби кўлак мавж.  
Ҳар тарафга от суруб қилмай даранг,  
Отишиб ғурранда шамхолу тўфанг.  
Қўзғолиб сўнгра яна бир хайл ҳам,  
Ҳар бирининг илкида заррин алам.  
Шаққаси нусрат елидин очилиб,  
Ламъаси хуршид янглиғ сочилиб.  
Тебраниб сўнгра яна жаббор гўй,  
Ошуруб авжи фалакдин ҳойу хуй.  
Сўнгра андин неча беки хушхиром,  
Юз усул ила қўйуб ер узра ком.  
Шаҳ буларнинг изнича тавсан суруб,  
Ер бошин авжи фалакка еткуруб,  
Бир ёнида азм айлаб шоҳлар,  
Бир тараф сultonи гардунжоҳлар.  
От суруб аркони давлат бир тараф,  
Тебраниб аъёни ҳазрат бир тараф.  
Кейнидин азм айлабон неча гурух,  
Ҳар бирига ўзгача шаъну шукух.  
Ҳаддин афзун қўзғолиб хайли сипоҳ,  
Чарх жавфин тутди яксар гарди роҳ.  
Ошкор ўлди анингдек издиҳом –  
Ким, аён ўлди магар йавму-л-қиём.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий хилофатпаноҳий бу янглиғ кавкабай хумоюн ва дабдабай рўзи афзун била қатъи масофат қилиб, хуфтон чоги Янгиорик ҳавлиғаким, (417<sup>а</sup>) боргоҳ, сародик, буна, угрук,

тўпхона ва қўрхона аввалроқ бориб барпо ва муҳайё қилилмиш эрди, ташрифи ҳузури лозиму-с-сурури била муфаххари мавотин ва ашрафи масокин қилди. Тонгласи шанба куниким, хусрави зарринкулоҳ ховари машриқ манзилгоҳидин чиқиб, сипехр арсаси қатлиға таковар сурди, ул ҳазрат дағи мазкур манзилдин офтобвор аҳшаби фалакрафторға рукуб қилиб, сипоҳи анжумшумор била наҳзат кўргузуб, Ос мавзеъида кирёси баландасос қуббасин гардунмумос қилдуруб, нузули майманат вусули шарафидин сарбаландлиғ еткурди. Якшанба куни Осдин наҳзат қилиб, Ҳазорасб қалъасининг зирваи ифтихорин шарафи духул ва давлати вусулидин сипехри волоға баробар, балки арши аълоға ҳамсар қилди. Тонгласи душанба куниким, мазкур ойнинг салхи эрди, азду-д-дини ва-д-давла, йамину-л-мулки ва-л-милла, моҳийу-н-нифок, малозу-л-офок, амири беназир Муҳаммадамин иноқ “*мадда зиллаҳу-л-аъло ало раъси-л-фуқаро би-т-таволийким*”<sup>46</sup>, ул қалъай рафеъу-л-бунённинг волийи ҳукмрони эрди, подшоҳона зиёфатлар тартиб бериб, жамеъ уламойи олийшон ва умаройи рафеъмаконни хони эҳсонидин маҳзуз ва баҳраманд қилди. Ва ақоси ҳазрати зиллуллоҳийнинг хизматиға бир рахши тозийнажод чекиб, бир хилъати гаронбаҳо кийдурдиким, хуршиди тобонмисллик дурахшон ва ламъон эрди. Ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул кун зиёфат маросими инқизосидин сўнг Ҳазорасб қўрғонидин давлат якронига рукуб қилиб, Чотли бешасига инонтоб бўлди. Ул бешани ўрдуйи саодатмаобға маскан ва мавкиби нусратинтисобға нишиман қилди. Иноқбек дағи ул ҳазратнинг рикоби хумоюни мулозамати учун ўзиға мутааллик сипоҳ била бу сафарда ҳамроҳлиғ кўргузди.

Ул ҳазрат ҳамул манзилда икки кун мутаваққиф бўлуб, аввалги куниким, рамазону-л-муборакнинг ғурраси, сешанба куни эрди, қароқалпоқия черикиким, дарёнинг шимолия жонибидин келмиш эрди, фалакмисол жунглар била варойи Амудин муаскари хумоюнға ўткарди. Сўнгғи куниким, чаҳоршанба эрди, юз отлиғ гузида йигитга даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин хусусияттавъам Эрниёз маҳрамни бош қилиб, дарёдин ўткариб, Бухоро тавобеъидин “тил” тутуб келтурмоқ учун ирсол қилди. Панжшанба куни ҳамул манзилдин кўчуб, афзалу-л-авлиё, акмалу-л-атқиё ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд ота “*алайҳи-т-таҳийати ва-сано*”<sup>47</sup>нинг арноси сақосин мухаййами хиёми давлатилтизом, мазриби боргоҳи сипехрэҳтишом қилиб, баҳори нузул ва файзи вусулидин жаннат боғидек тароватмаоб ва кавсар қирогидек сероб

ва назоратинтисоб қилди. Ҳамул куни Сарахс тақасининг акобиридин Ҳўжамшукур сардор ихлос ва эътиқод изҳори учун келиб, атабабўслиғ шарафиға мушарраф бўлди. Жумъа куни ҳамул мавзеъдин мавкиби ҳумоюн била азимат қилиб, Фитнакнинг юқорисида дарё канори ва Тузёқиши отлиғ марҳалаға ворид бўлуб, шарафи қудумидин сарафролиғ еткурди. Шанба куни андин кўчуб, ўрдуйи кайҳонпўйни дарё канори била Учтўпа отлик мавзеъга йибориб, ўзи мулозими рикоб ва хулосаи сипоҳ била қир устиға чиқиб, жайрон шикориға иштиғол кўргузди.

### **Маснавий:**

Солиб қуш шаҳаншоҳи жамшидшон,  
Шикор аҳлиға солди яксар қирон.  
Хусусан, пайопай итолгу солиб,  
Фузун ҳадду ғоятдин оху олиб.  
Тамошодин ўлди басе баҳравар,  
Замириға етти фараҳ сарбасар.

Ул ҳазрат ҳамул кун сахро тафарружи ва сайдандозлиғ тамошоси била хотири хатири шоҳбозин (417<sup>б</sup>) шикорийвор овлаб, аср ҳангомида сайдгоҳдин мурожаат қилиб, Учтўпа мавзеъиғаким, боргоҳи фалакишибиҳ ва сародики давлатпаноҳ анда барпо ва муҳайё қилилиб эрди, нузул этди. Якшанба куни андин кўчуб, яна аввалғи дастурда сайдандозлиғ қилиб, Подаётоғи отлиғ марҳалаға шарафи қудумидин беҳишт боғидек мусаффолиғ еткурди. Душанба куни андин ливойи азиматни жилвагар қилиб, яна дастури собиқ била шикорандозлиғ кўргузуб, Садвар отлиғ манзилға ворид бўлуб, муаскар қилди. Сешанба куни андин наҳзат қилиб, Судук тўғойига тушти.

Ҳамул кун Ҳўқанд вилоятининг ҳокими Шералихондин Қаробош додҳоҳ отлиғ бир муazzаз ва мўътабар кишиси элчи бўлиб келиб, анинг ихлосномасин остони олий мулозимларининг назари анвари мутолаасиға еткурди ва карами сultonий анинг аҳволиға шомил бўлуб, осойиш таҳсили учун Хивақға йиборди. Чаҳоршанба куни Судукдин кўчуб, Даҳани Шер бешасин муаскари асокири мансур ва мустақарри сародиқоти мавфур қилди. Панжшанба куни ул манзилда қир устиға чиқиб, жамеъ лашкарияни гурух-гурух, тойифа-тойифа ва даста-даста назари анвари пешгоҳидин ўткуруб, от ва яроғин кўруб, яна мазкур манзилда боргоҳи олампаноҳға нузул этди. Ҳамул кун Эрниёз маҳрам Бухоро тавобеъидин Хайрработга бориб, икки киши тутуб келтуруб, инояти

хусравонадин сарафrozлиғ топди. Жумъа ва шанба куни дағи ҳамул манзилда тавакқуф воқеъ бўлди. Якшанба кечаси қоровуллар Исбоз мавзеъида тоҷикнинг чаповулчисиға шикаст бериб, бир кишини дастгир қилиб келтурубдурлар.

Бу воқеъа кайфияти андоғ эрдиким, Чаҳоржўй ҳокими йигирма отлиғни шайлаб, ҳар қайсисиға йигирма тилло, байроқ ваъда қилиб, Хивақ тавобеъидин “тил” тутмок учун ирсол қилиб эркан. Ул аснода сипоҳи нусратпаноҳдин дағи ўн нафар жалодатасар йигит хабаргирлик учун қоровул йўсунлук Чаҳоржўй тарафиға озим эрдилар. Исбоз мавзеъиға етганда тоҷикнинг йигирма отлисинким, мазкур бўлди – кўруб, фидойивор ва барқирдор от солдилар. Ул гуруҳи шақоватпажух бовужудиким, ададда баҳодирларга икки чандон эрди, тоқати муқобалат келтура олмай, суръати тамом била ҳазимат майдониға рўйгардон бўлдилар. Баҳодирлар истеъжоли молокалом била таоқиб қилиб, аъдойи давлатнинг бировин асорат қайдиға чекиб, атабаи аъло мулозаматиға етдилар ва авотифи хусравонадин баҳраманд бўлдилар. Якшанба сабоҳи ҳазрат зиллуллоҳий шиҷоатнишон ва муборазоттавъамон саркардалардин Хожаш маҳрам ва Раҳматуллоҳ ясовулбошини ямутия ва ямролия черикидин минг чоғлиқ гузидатлиғи била дарёдин ўткариб, Бухоро чаповулиға ирсол этди. Ҳамул кун мазкур манзилдин ўрдуйи аъло ва мавкиби волони кўчуруб, Бўрили бешасин сипоҳи маҳшардастгоҳға оромгоҳ қилиб, нузули ижмол фуюзотидин беҳиштмисол қилди. Ҳамул кун даргоҳи олампаноҳнинг жонсипор ва хусусиятишор мулозимларининг сарафрози Абдулла ясовулбошиким, човдур черикининг саркардалиги анга муқаррардур, они ул черик била лашкарнинг соқасида юрумакка таъйин этди. Сайид Назарбий била Муҳаммад Муродбойни тоза қўнгрот ва машриқ йиғини била муқаддимаи сипоҳ қилиб илгари буюрди. Душанба куни қирқ отлиқ мунтаҳаб ва баргузида йигитниким, човдур тавойифининг хулосаси эрди, Хожамуҳаммад юзбоши бошлиғ Чахоржўй чаповулиға номзад қилди. Ҳамул кун кавкабаи воло била роятафрози наҳзат бўлуб, тўрт кунгача шарафи ҳузур ва файзи вурудидин (418<sup>a</sup>) мароҳили шабистонин равshan ва манозили хористонин гулшан қилиб, панжшанба куни Оқработ отлиғ мавзеъға шаъшаайи офтоб вусулин партавафкан қилди. Ҳамул кун шаҳарда Ибодуллабек халафи рашиди амир Саъид Кутлукмурод иноқи марҳумийнинг хабари вафоти келиб, аниңг фотиҳаҳонлиғи учун Иброҳимбек валади

амири кабири мағфур Авазбий иноқни номзад қилди. Ва ҳамул кун Марв тавобеъидин Йўлўтан солурининг саромадидин Қароқош сардорниким, оқ уйлик тариқасида келиб, мулозимлар силкига инсилок топиб эрди, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидан Абдураҳмон озодаға ҳамроҳ қилиб, элчи йўсунлиғ истимолатнома бериб, Марв вилоятининг акобириға ирсол қилди. Жумъа куни Оқработдин наҳзат қилиб, шикорандозлиғ тариқаси била Дарғонота зиёратиға мушарраф бўлуб, анинг муқобаласида дарё канориғаки, ўрдуйи ҳумоюн ва боргоҳи рифъатнамун барпо бўлмиш эрди, нузул кўргузди. Шанба куни андин кўчуб, юқорироқда бир мавзеъи назоҳатасарни асокири зафармаосирға муаскар қилди. Ҳамул кун Сайид Маҳмуд тўра валади аршади Муҳаммад Раҳимхони жаннатмаконға қаробош туғ бериб, минг кишининг саркардалигин анга тафвиз этди ва ўз ақрону ажноси орасида куёшдек сарафролиғ еткурди. Ҳамул кун Хожамуҳаммад сардор човдур оломони била Чаҳоржўй атрофиға чаповул уруб, тўрт кишини асир қилиб келтурубдурлар ва алтофи подшоҳийдин баҳраманд бўлдилар. Якшанба куни ҳамул мавзеъда мутамаккин бўлуб, душанба куни Отхўр қирининг устига чиқиб, човдур ва тоза қўнгрот ва алиэли черикин санаб, назари кимиёасар пешгоҳидин ўткарди. Сешанба куни Хожаш маҳрам ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Тўрамурод оталиқ Бухоро чаповулидин келдилар.

Оларнинг воқеъаси ондоқдурким, чун ҳазрати зиллуллоҳийнинг рухсати била Учўчоқ тўшидин кема била дарёни убур қилиб, шимолия соҳилидин озим бўлуб, Кўгурдли мавзеъиким, Бухоро йўлининг дарёдин айрилатурғон еридур, бориб сув кўтариб, қадами истеъжол била қатъи манозил қилиб, Ишмадин бир манзил илгари ўтгандин сўнг тева ва қўш ва аҳмол ва асколларин яна Ишмага қайтардилар ва яланг отлиғ бўлуб, сарсармисллик суръат била манзил-баманзил қатъи масофат қилиб, Бухоро шаҳрининг лавоҳиқидин Хайрработ туманининг бир тарафидин дохил бўлуб, Чангон отлиғ бир қалъани қабоб, югуриб олдилар ва юз бош кесиб, юз кишини асорат қайдиға чекдилар ва амволу ашёсин дasti тасарруфлариға олдилар. Яна атрофу жавонибиға тохту тоз еткуруб, муовадат қилдилар ва манозили мутанаввиҳа қатъидин сўнг Кўгурдлидин дарё канориға чиқиб, ўрдуйи аълоғаким, Кўгурдли муқобаласида эрди, келиб, оstonи рафеъбунён мулозаматиға фойиз бўлуб, сарупойи шоҳона ва навозиши хусравонадин хурсанд ва барумандлиғ топдилар.

Ҳазрат зиллуллоҳий барча усарони Қобулбой Урганжий била Хивақға йиборди. Ҳамул кун мавкиби кайхонпўй била ул мавзеъдин дарёни кечмак ва Бухоро азиматин этмакни иртикоғ қилди ва бу бобда “ва шовирҳум фил-амр”<sup>48</sup> муаддоси била умаройи изомни даргоҳи давлатилтизомға унданб, мажлисоройи машварат бўлди. Ул жамоа Бухоро юрушин маслаҳат кўрмай, илтимос қилдиларким, кавкабаи воло Чаҳоржўй ва Лабоб элоти сори ҳаракатнамо бўлғай. Ул ҳазрат камоли карамдин аларнинг мултамасин қабул этиб, (418<sup>6</sup>) чаҳоршанба куни Отхўрдин ливоий азиматни жилвагар қилиб, шикорандозлиғ маросими била Кўгарчинли марҳаласиға ворид бўлуб нузул этди. Ҳамул кун Раҳматуллоҳ ясовулбошини ямутия черики била муқаддимаи сипоҳ қилиб, бир манзил илгари юрмакка бурорди, нединким, ул халқнинг муқаррар бўлғон қадимий дастуридур. Панжшанба куни ул ҳазрат Кўгарчинлидин кўчуб, тўрт кун қатъи манозил ва тайи мороҳил қилиб, якшанба куни Исбоз бешасиға нузул этди. Душанба куни андин наҳзат аламин жилваға киргизуб, қир устида жамъи лашкария била саф тузуб, ямину ясорни қоз қаноти янглиғ безаб, ўзга тариқа низом била мақсад жонибиға хиром кўргузди.

### Маснавий:

Шаҳ тузуб ойину йосо ўзгача,  
Тавру тарзи ҳайраталафзо ўзгача.  
Озим ўлди икки ён сафлар тузуб,  
Савлати ғайри мукаррар кўргузуб.  
Туз бўлуб, сафлар ясори ўзга навъ,  
Ҳам ямин аҳли қатори ўзга навъ.  
Не ямин аҳлиға пайдодур канор,  
Не ясор аҳлиға ҳаддур ошкор.  
Тасвия топиб ики ёндин ясов,  
Туғларға очилиб гулгун ялов.  
Ҳар амир ўз хайли бирла саф тузуб,  
Жилваға заррин ливосин киргизуб.  
Неча дарьб қур саф тузуб аҳли сипоҳ,  
Етмайин атрофиға пайки нигоҳ.  
Мавж уруб, ондоқки бир ахзар тенгиз,  
Не тенгизким, булғой ул андозасиз.  
Тутди одам водийу ҳомун юзин,  
Гард ўлуб ёпди замин гардун юзин.  
Топмади ердин асар аҳли назар,

Топди кўк сори назар қилса магар.  
Ғулғула чикди фалак айвонига,  
Зилзила тушди замин арконига.  
Издиҳом ўлди анингдек ошкор,  
Ор анга келди демак маҳшарча бор.

Чун ҳазрат зиллулохий бу янглиғ савлати ҳайратадоз ва садмати ғаробатнамо била Усти қальясининг муқобаласига етиб, дарё канорин мухайями хиёми давлат ва мазриби боргоҳи шавкат қилиб нузул этди. Ҳамул кун қоровуллар Чахоржўйдин бир асир ва икки калла олиб келиб, подшоҳидин сарбаландлиғ топдилар. Сешанба куни мазкур манзилдин кўчуб, йўл асносига аъдойи давлатнинг дарёдағи кемаларидин етти кемани олдуруб, Битик муқобаласига етиб, дарё қирогин асокири ферузийасарға муаскар қилди. Ҳамул кун аҳли фасоддин юз уйлук Чахоржўй атрофида бир ҳавлиға мутаҳассин бўлмиш эркан, ямутия сипоҳиким, муқаддимаи лашкар эрдилар, аниг устидин дохил бўлуб, қасд қилдиларким, дасти тасарруфиға киргузгайлар. Ул гуруҳи накбатпажух атрофу жавонибидағи мадохил ва маҳорижни масдуд ва мадрус қилиб, тўғангандозлиғ била мумониат ва муқобалат русумин кўргуздилар. Бу жиҳатдин шужаъойи кинагузорнинг нийрони ғайрати илтиҳоб топиб, атрофу жавонибидин сарсар хайлидек жалодатгустар ва хужумовар бўлуб, ажал хайли бадан мулкиға йўл топгандек ул ҳавлиға ғалабаи тамом била кириб, инод аҳлининг барчасин асорат қайдига чекиб, амволу асбобин ўлжа қилиб, даргоҳи фалакпойгоҳ мулозаматига келтуруб, карами сultonийдин шоду хуррамлиғ топдилар. Ул ҳазрат усарони инсофшиор, диёнатосор Давлатназарбийга топшурди, токим ахволидин хабардор бўлуб, кемага солгай.

Чаҳоршанба куниким, шаввол ойининг ғурраси эрди, мазкур манзилдин кўчуб, дарё канорида Бўриёбоф мавзеъиким, Чахоржўй ҳисорига ёвукдур, муаскари асокири мансур ва мастақари сародикоти мавфур қилди. Панжшанба куни азду-д-дини ва-д-давла Муҳаммадамин иноқ ва ямину-л-мулки ва-л-милла Раҳмонбердигий бошлиғ “ло золат (419<sup>a</sup>) ан рууси-л-аъдо бавориқу асийоғиҳимо<sup>49</sup> иззатмакон ва шиҷоатнишон саркардалардин Авазхожа шайхулислом ва Шоҳмурод иноқ ва Худоёрбий ва Тўрамурод оталиқ ва Сайидназарбий ва Абдулла ясовулбоши ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Муҳаммаджон хожа ва Дўстниёз қалмок ва шамхолчилар сархайлидин Беги юзбоши ва гайрихумни

ўзлариға тааллуқлиғ навкарлари била Лабоб мутаваттинларининг торож ва ғоратиға ирсол қилди. Ва сипоҳи нусратпаноҳдин ҳар кун бир фавжни Ҷаҳоржўй қальасининг муҳосарасиға таъйин этди ва ҳамул кечаким, жумъа оқшоми эрди, ул ҳазрат Айдак юзбошиники, мавкиби ҳумоюн айёрпешаларининг сархайли эрди, эллик жалодатойин йигит била дарёning шимолия жонибиға буюрди, токим ул тарафдаги аҳли инод ва арбоби фасодға дастбурд еткургайлар. Чун маъмур бўлғон оломон фармони қазожараён мудиби била дарёдин ўтуб, Фороб қальасининг атрофин тохту тоз қилиб, ўн беш кишини қайди асирға чекиб ва бир бош олиб, жумъа куни пешин чоғи дарёдин убур этиб, усарони даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматиға еткуруб, инояти подшоҳонадин баҳрамандлиғлар топди.

Шанба кечаси ул ҳазрат яна Айдак юзбоши ва Бекмонбийни хулосайи сипоҳдин юз киши била яна Фороб атрофининг чаповулиға номзад қилди. Алар фармон мудиби била ҳамул кеча дарёдин кечиб, чоштгоҳ Фороб ҳаволийсиға турктоз еткуруб, уч асир ва беш калла олиб, шанба куни пешин чоғи дарёдин ўтуб, мулозаматға етдилар ва мароҳими султонийдин сарафролиғ топдилар. Якшанба кечаси ҳазрат зиллуллоҳий қипчоқ Хожаниёзбий ва Яъқуббек валади Фозилбекни бош қилиб, қипчоқ ва қорақалпоқнинг муборазатшиор йигитларин ва ўзга тавойифдин дағи баъзи талабгор баҳодирни дарёning шимолия жонибидаги элотдин Наризам турктозига буюрди. Мазкур бўлғон оломон ҳукми олийшон мудиби била ҳамул кеча дарёдин ўтуб, офтоб тулуъи чоғи Наризам атрофидағи кентларга чаповул тундбодин еткуруб, рустахез солдилар ва юз кишини дастгир қилиб, юз бош олдилар ва бениҳоят ўлжага мутасарриф бўлуб қайтиб, якшанба куни дарёдин кечиб, намозшом ҳангомида атабай сипеҳрмартаба мулозаматиға фойиз бўлуб, алтоғи подшоҳона ва аътоғи хусравонадин баруманд ва аржумандлиғлар топдилар.

Сешанба кечаси Яъқуббек ва Худойберганбек Котий ва жаноби султонийнинг мамлукаи хосасидин муборазаттавъом Мұхаммадниёз маҳрам икки юз чоғли киши била Фороб чаповули учун ҳазрати зиллуллоҳийдин рухсат олиб, дарёдин ўтдилар ва талиъаи субҳдин сўнг қир устидин Фороб қальасиға қараб озим бўлдилар. Иттифоқо, амир Насруллоҳнинг ўғли оғир қўшун била Бухородин чиқиб, ўзидин илгари кўп лашкарни ҳировул йўсунлиғ ийбормиш эрди. Ҳамул лашкар ҳамул кеча Форобға келиб тушуб

эрди. Баҳодирларнинг дарёдин ўтуб, Фороб устига илғор қилғонидин огоҳлиғ топиб, барча бирдин иттифоқ била отланиб, ҳайъати ижтимоъ била баҳодирларнинг кемаси сори юз қўйдилар. Баҳодирлар озлиғ жиҳатидин урушмоқни маслаҳат кўрмай, мурожаат қилиб, кемага минарга майл кўргуздилар ва ҳануз кемага миниб бўлмамиш эрди, изидин тожик черикидин афвожи касир етушуб, беш-олти кишини олди. Муҳаммадниёз маҳрамким, шиҷоати жибилий муқтазосидин оломоннинг изидин хабардор қилиб, (419<sup>б</sup>) тожик черикига ҳамла еткуруб келур эрди, ўзин дарё канориға еткуруб, ҳануз кемага минмайдур эрди, ахли фасоддин бирор аниг шонасиға найза уруб, найзаси кор қилмай, тутуб, асири сарпанжай тақдир қилди. Ўзга оломон омон ва эсон дарёдин ўтди. Панжшанба куни амир Насруллоҳнинг ўғли тўпхона ва сипоҳи бекарона била келиб, ўрдуйи аъло муқобаласиға дарё соҳилиға тушти. Ҳамул кун чошгоҳдин пешингача икки тарафдин тўп отишиб, дуди кабуд суудидин фалак жавфин тийра ва гулўлайи оташин шаъшаасидин қуёш кўзин хира қилдилар. Фармони ҳумоюн мусиби била қодирандоз тўпчилар андоғ тўпандозлиғ кўргуздиларким, аъдойи шайотинасар ижтимоъин буздилар. Жумъа куни, мазкур ойнинг ўнида ул ҳазрат секиз кемага мерган тўлдуруб йиборди, токи сув юзи била аъдо қўшунининг бир тарафидин боруб отқулаб қайтғайлар. Чун маъмурлар фармон мусиби била кемага миниб, дарёдин ўтуб, тожик лашкаргоҳининг бир жонибидин тўғангандозлиғға иштиғол кўргуздилар. Ул ҳолда аъдо черикидин жамеъ касир кўб мерган била ҳужумовар бўлуб от солдилар ва бу мерганлар дағи камоли шиҷоат ва мардоналиғдин шамхол отмоқға машғул бўлуб, ахли фасоднинг кўпрагин мақтул этиб, мунҳазим қилдилар. Ул гурухи шароратпажух янгидин силк жамъиятин мунъақид қилиб, ҳужуми тамом била ўлган ва йитканига боқмай, фидойивор от солиб, дарё лабида мерган устига келдилар. Мерганлар озлик сабабидин душман ҳамласиға тоби истиқомат келтура олмай, ўзларин кема ичиға олиб, сув сатҳига жорий бўлдилар. Ул чоғда тожик черики ҳужум қилиб, кемаларни сурмакка фурсат бермай, уч кемани тутдилар. Ложарам, кемадаги мерганлар ўзларин сувға солиб, шиноҳ дастёрлиғи била дарё ўртасида бир қойирға чиқдилар. Алардин Одинақул бошлиғ беш киши талаф бўлди ва ўзгаларин бу тарафдин кема бориб, омон ва эсон олиб келди. Ҳамул кун Иноқбек Парвард атрофин наҳбу ғорат қилиб келди.

Ул воқея андокдурким, чун мазкур ойнинг иккисида панжшанба куни Иноқбек амри олий мужиби била озим бўлуб, уч кунда Парвард қалъасиға бориб, яна уч кун мухосара қилиб, атрофу жавонибидағи элотға чаповул селобидин вайрон ва хароблиғ еткурди ва учлончи кун ҳазрати зиллуллоҳийнинг фармони олийси мужиби била мухосара таркин тутуб қайтди; мазкур ойнинг тўққузида, жумъа куни осто ни сипеҳрнишон мулозаматиға етди. Сўнгғи куниким, шанба эрди, ул ҳазрат ўрдуйи аъло била Бўриёбоғдин кўчуб, юқорироқ озим бўлуб, бир мавзеъни кавкабаи волоға оромгоҳ қилди. Якшанба куни дағи ҳамул манзилда тавакқуф воқеъ бўлди. Душанба куни мазкур ойнинг ўн учидаги ҳазрат аркони давлат ва умаройи зи-шавкатнинг савобдид ва маслаҳати била ҳамул мавзеъдин кўчуб, инони азиматни мурожаат тариқиға маътуф этиб, Битик муқобаласиға бориб тушди.

Маълум бўлсунким, ҳамул кун ул ҳазрат мазкур манзилдин рукуб қилур асносида Чахоржўй атрофидағи қоровуллардин хабар келдиким, бугун қалъадин бениҳоят отлиғ чиқиб, бизларга истило топғудекдур ва ўзга тарафдин лашкар келиб қалъаға дохил бўлмишдур.

Бу воқея аンドоқ эрдиким, (420<sup>a</sup>) чун амир Насруллоҳ ҳазрати зиллуллоҳийнинг Лабоб элотин поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ул ҳаволийда мутаваққиф бўлғонин эшитиб, Қарши ўзбакиясидан лашкари бекарон тартиб бериб, Чахоржўй қалъасиға ирсол қилмиш эрди, токим қалъадорлиғ умуриға жаҳди тамом била иқдом кўргузгайлар. Ул черик ҳамул кечакелиб қалъага кириб, талиъаи субҳдин сўнг ҳайъати ижтимоъ била отланиб, коровулларға қасд қилдилар.

Чун бу хабар масомеъи аълоға етушгач, ул ҳазрат Иноқбек ва Раҳмонбердиги бошлиғ баъзи сипаҳдорни номзад қилди, токим аъдойи залолатинтимоға танбехи азим ва гўшмоли балиғ еткургайлар. Маъмурлар фармони лозиму-л-изъон мужиби била ғайрат якронин шижаот майдонига суруб, барқу бодмисллик аҳли фасод устига азиматгустар ва хужумовар бўлдилар. Аъдойи гўризпой ҳазимат топиб, ўзларин қалъа остиға еткуруб, ёфнинг жанубида саф тузуб, рошда мерган ёткуруб, тўғангандозлиғ била мудофаа амириға иштиғол кўргуздилар. Сипоҳи нусратпаноҳ дағи бу тарафдин аъдо муқобаласиға ёвук бориб, ясов ясади ва ул чоғда баъзи диловарларким, маъракаи корзорни васли дилдордин афзал ва хуни ашрорни майи хушгувордин акмал билурлар эрди,

сарсармислик майдон фазосиға от суруб, аъдо суфуфига мутақиб ҳамлалар еткурдилар. Ул чоғда аъдойи шароратангиз ясовидин дағи баъзи қони тўлған диловарлари нангу номус юзидин далирона масоф арсасиға чиқиб, чоштгоҳдин пешингача икки тарафдин ҳамлати мутақиб била от солишиб, ҳангомаи корзор гарм ва баҳодирлар икки тарафдин беозарм бўлдилар.

### **Маснавий:**

Икки черик бўлди харидори ҳарб,  
Гарм бўлуб ўртада бозори ҳарб.  
Икки тарафдин бўлубон кийнафош,  
Қилдилар изҳори русуми саваш.  
Қоқилибон ҳар соридин табли жанг,  
Ҳарб эли отлар сурубон бедаранг.  
Кўкка паёпай чиқибон наъралар,  
Ёрилиб афлок элига зухралар.  
Гард чиқиб кўкка нечукким тутун,  
Бўлди жаҳон ичра аён тийра тун.  
Жилва қилиб ҳар сори тиғу синон,  
Ламъаси бирла яна ёруб жаҳон.  
Ҳар сори ҳайбат била милтиқ уни,  
Қилди аён элга қиёмат куни.  
Бир-бирига қасд этибон икки хайл,  
Қасд неким, қонини тўкмакка майл.  
Бу они гоҳи қовубон зўр ила,  
Ул муни гоҳи сурубон шўр ила.  
Бир-бирига ҳамла қилиб тунду тез,  
Арсаи оламға солиб рустахез.  
Ул мунга, бу анга қилиб қасди жон,  
Еткурубон чархға шўру фифон.

Чун бу урушда аъдои давлат муборизлари саромадидин бир шерҳайъат ва бабрсавлат йигитким, маъракаи корзорда ҳаммадин илгари чиқиб, изҳори жалодат ва муборазат қилур эрди, сипохи нусратпаноҳдин бир шиҷоатманд ва саромадпайванд йигит тавсани сарсармонандиға маҳмиз бериб, қазои мубрам янглиғ анинг сарвақтиға етиб, синони жонситон зарби била отдин сарнигун йиқиб, хужуми тамом била бошин жасади палидидин жудо қилдилар. Аҳли фасод баҳодирларидин яна бировин милтиқ ўқи била ҳалокат сарҳадиға еткурдилар ва беҳисоб кишисин мажруҳ ва заҳмдор қилдилар. Аммо лашкари ферузийасардин амири

садоқаттахмир Раҳмонбердийнинг юзиға аъдо гурухи отғон ўқларидин бир ўқ тегиб, андак захм еткурди ва оммаи сипоҳдин дағи уч кишига (420<sup>б</sup>) енгилрак захм етди. Чун аъдо сипоҳида қудрат ва ёро йўқ эрдиким, майдонға чиқиб, шужаойи нусратфаржом била масоф амриға қиём кўргузгай. Ложарам, ўзин берк ерларга тортиб, арсаи корзордин сабот қадамин чекти. Иноқбек дағи ҳарбгоҳнинг нокулай ва ноҳамворлиги жиҳатидин баҳодирларни муҳораба майдонидин қайтариб, фатҳу зафар била муовадат кўргузуб, пешиндин сўнгрок муаскари ҳумоюнға мулҳақ бўлди.

Тонгласи сесланба куни ҳазрат зиллуллоҳий Битик муқобаласидин лашкари ферузийасар ва сипоҳи зафарпарвар била кўчуб, шикорандозлиғ тариқаси била Усти муҳозийсиға келиб нузул этди ва чаҳоршанба куни андин наҳзат аламин жилвагар қилиб, Элжик тўшиға тушди. Панжшанба куни андин қадамандози азимат бўлуб, Исбоз бешасиға вуруд этди. Ҳамул кун Гургон ямутининг навкари келиб осто ни фалакошиён мулозамати шарафиға мушарраф бўлди. Жумъа куни Исбоздин мавкиби ҳумоюн ва ўрдуйи давлатнамун била кўчуб, Қабоқли тўғойининг юқорисин мазриби сародиқоти фархундафаржом ва мустақари роёти зафарилтизом қилди. Шанба куни андин якрони азиматни гармжавлон қилиб, Қабоқли бешасининг ошоқида Қиз қальасининг муқобаласиға етиб, дарё соҳилин ашрафи мароҳил қилди. Якшанба куни андин ливоафрози наҳзат бўлуб, Доя хотун работидин ўтуб, Кетмончи отлиғ мавзеъға нузули ҳумоюн шарафидин сарбаландлиғ еткурди. Душанба куни андин шавкати подшоҳона била ҳаракат кўргузуб, сипоҳи маҳшардастгоҳ ғулғуласидин Отхўр мавзеъиға қиёмат куни янглиғ ғавғо ва шўр еткурди. Сесланба куни андин кавкабай тамом била ҳаракат қилиб, сипоҳи маҳшарнизом била Оқработ марҳаласиға ворид бўлуб, маҳалли айшу нишот қилди ва чаҳоршанба куни андин ўрдуйи кайҳонпўйни кўчуруб, ул ҳазратнинг ўзи маҳсус муозим ва муқарраб ходимлар била ҳилолҳайъат ва қавссурат завракларға миниб, дарё ажойиботин тамошо қилиб, сув сатҳи била озим бўлди.

### Байт:

Шахриёrimдурму, завракда қилур Жайҳунни сайр  
Ё куёш қавси фараҳ ичра қилур гардунни сайр.

Ҳамул кун кечрок дарёдин соҳилға чиқиб, Жигарбанд бешасин мавзеъи боргоҳи иқбол ва мазриби саропардаи ижлол

қилди. Панжшанба куни Жигарбанддин мавкиби ҳумоюн ва сародиқоти саодатнамунни кўчуруб, дарё соҳили била йибориб, яна кема била дарё сайрин қилиб, Даҳани Шер бешасиға ворид бўлуб, файзи нузулидин беҳишт боғига баробар, балки кавсар қироғидек назоҳатгустар қилди. Ҳамул мавзеъда жашни азим ва тўйи фахим мураттаб қилдуруб, умаройи изом ва уманойи киром ва сархайли аскар ва акобири лашкарни боргоҳи рифъатпаноҳ фазосиға ундан, комёби анвоъи неъмат ва сероби бодаи шафқат қилди. Ва зиёфат инқизоси ва аклу шурб адосидин сўнг якрони давлатға рукуб қилиб, кавкабай ҳайратафзо била қир устига чиқиб, барқпо отларни ёриштуруб ва рустамосо пахлавонларни кураш тутдуруб, отчопар ва кураш тамошосидин фараҳи тамом ва масаррати молокалом ҳосил қилди. Оти ўтган сайислар ва ҳарифин йикғон пахлавонларни хазинаи (421<sup>a</sup>) эҳсонидин маблағи фаровон баҳшиши била ўз акронидин ғаний ва дунёдин мустағний этди.

Ҳамул кун сабосайр завракларға миниб, монанди тайр дарё ичидин озим бўлуб, Учтўпа отлиғ мавзеъға чиқиб, Жайҳун соҳилин мавкиби ҳумоюнға манзил қилди. Шанба куни йиғоч маркабларни сув сатҳиға суруб, Яккачақир мавзеъидин чиқди. Андин саманди давлатға сувор бўлуб, дабдабай шоҳона ва тантанаи хусравона била Ҳазорасб қальясиға ворид бўлуб, файзи нузул ва шарафи вусулидин рашки бўстон, балки ғайрати жинон қилди. Якшанба куни андин аламафрози наҳзат бўлуб, Янгиориқ ҳаволиға шарафи қудумидин сарафролиғ еткурди. Ҳамул кун Мухаммадамин юзбошиким, аввалрок ўрус элчисиға элчи йўсунлик қўшулуб, ўрус вилоятиға кетиб эрди, андоқким, собиқан мазкур бўлди, андин муовадат қилиб, ўрус подшосининг арзи ихлосин даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимлариға еткурди. Душанба куни мазкур ойнинг йигирма еттисида Янгиориқдин кўчиб, кавкабай тамом била шаҳар сори хиром кўргузди ва йўл асносида шаҳардин уламо ва кубаро истиқболға чиқиб, ул ҳазратнинг дийдори саодатосори мушоҳадасидин мақсуди дийдасин ёрутдилар. Ул ҳазрат ул жамоани навозишлаб, мусофаҳа ва маонақаси шарафидин баҳраманд қилиб, аҳволот истифкоридин сўнг аларнинг ҳамъинонлиғи била доруссалтанаи Хивакға духул кўргузуб, сарири салтанатға нузул этди. Бу сафарнинг имтиидоди айёми олтмиш кун эрди.

### Маснавий:

Эй, келиб мулк элинин шод этдинг,

Маъдалат панжасин кушод этдинг.  
Келмакинг бирла бўлди эл шодон,  
Ва ҳар не, адлинг этти ободон.

**Баъзи воқеот зикриким, ҳазрат зиллуллоҳий  
Чаҳоржӯй сафаридин қайтиб, мустақарри хилофатда оромгузин  
бўлғондин сўнг вуқуъға етди. Ул жумладин  
Холмуҳаммадбойнинг Бухоро тавобеъиға чаповул урғони**

Чун ҳазрат зиллуллоҳийнинг самъи хумоюниға бу хабар етиб эрдиким, Бухородин кўб карвон Ўрус вилоятиға бориб байъу шарова жамеъ савдосин буткориб, матоъи фаровон била ганжи равон янглиғ ўрус қаламравидин чиқиб, Ирдор йўлидин яна Бухорога озимдур. Ул ҳазрат мазкур сафардин келиб, маснади салтанатда мутамаккин бўлғондин уч кун сўнгким, зулқаъда ойининг ғурраси ва жумъа кун эрди, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин шиҷоатинтимой Холмуҳаммадбойни бир гуруҳ сипоҳи муборазатпаноҳ била мазкур бўлғон карвон қасди учун Ирдор йўлиға номзад қилди. Маъмурлар фармони давлатнишон мужиби била мақсад йўлиға озим ва манозил қатъиға жозим бўлуб, Ирдор йўлиға еттилар ва ул йўлнинг юқори ва ошоқин эҳтиёти тамом била ниғомиш қилдилар. Карвондин ному нишон топмадилар. Охир Оқтом отлиғ мавзеъдин ўтуб, Бухоро тавобеъидин Маъмурбай деган қазоқнинг элу аҳшомиға чаповул уруб, бениҳоят ўлжа ва асир дасти тасарруфиға киргуздилар. Ул оломоннинг баъзи бул чаповулға қаноат қилмай, илгор қилиб, Бухоро элотидин Вардонзи туманин чопиб, усаройи фаровон ва ғанойими бекарон била солим ва гоним мурожаат қилиб, зулҳижжа ойининг ўн бирида қурбон ийдининг ўрта куни атабай фалакмартаба мулозаматиға мушарраф бўлдилар. Алар келмасдин бурунроқ, зулқаъда ойининг ўн тўртида чаҳоршанба куни ул ҳазрат Хўқанд элчиси Қаробош додхоҳға (421<sup>6</sup>) Бобобекни элчилик йўсуни била қўшуб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятиға ирсол қилди.

**Бекмонбий ва Тағой мироб ва раҳматуллоҳ  
ясовулбошининг Бухоро мамоликидин чаҳоршанба Ромитонға  
чаповул урмоғи ва аҳли фасоднинг хирмани жамъиятин  
паришонлиғ ҳавосиға совурмоғи**

Чун ҳазрат зиллуллохий хилофатпанохий номдор ва шижаатшиор саркардалардин Бекмонбий ва Тағой мироб ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Хожаш маҳрамнинг иниси Яъқуббойни ўзлариға тафвиз топғон навкарлари била Бухоро турткозига буюрди. Мазкур бўлғон сарҳанглар амри олий мужиби била от ва яроғин шайлаб, зулҳижжа ойининг ўн бирида, панжшанба куни ул ҳазратдин фотиҳа олиб, мақсад йўлиға озим бўлдилар ва Ҳазорасб тўшидин дарёдин убур қилиб, шимолия соҳилидин қатъи манозил қилиб, Кўгурдлига ворид бўлдилар. Андин ливоафрози наҳзат бўлуб, орада бир қўнуб, Ишмага нузул этдилар. Анда икки кеча истироҳат қилиб кўчиб, орада бир қўнуб, Шўрбулоқға тушдилар. Ул мавзеъда икки оқшомлик озуқ ва от еми қўюб, теваларин Ишмага қайтардилар ва ўзлари илғор қилиб, Оқработ отлиғ ерга тушдилар. Андин субҳ вақти отланиб, истеъжоли тамом ва суръати молокалом била илғор қилиб, офтоби жаҳонтоб самту-р-раъсиға етканда балойи ногаҳон янглиғ чаҳоршанба Ромитон устидин дохил бўлуб, бозориға қуолдилар ва жалодат панжасин қатлу асир, наҳбу ғорат умуриға очиб, беш кишини мақтул этиб, уч юз кишини қайди асоратиға чекиб, анвоъи ғанойимға мутасариф бўлдилар. Саркардалар ҳамул ерда тавакқуф аламин барпой қилиб, сипоҳи нусратнишон ул ҳаволини Хайрработдин Қоқиштувонғача поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, бениҳоят ўлжа ва асир дастгир этиб, кечроқ саркардалар қошиға жамъ бўлдилар. Намозшом ҳангоми иттифоқ била ул ердин муовадат қилиб, кечаси бирла юруб, субҳ вақти Шўрбулоқға келдилар. Анда қўйғон озуқ ва от емларин олиб, яна қатъи масофат этиб, намоздигар вақтида Ишмага келдилар. Андин шабгир қилиб, Кўгурдлидин дарё лабиға чиқдилар ва андин манзил-баманзил кўчуб, Қулонқорабоғ тўшиға келиб, дарёдин ўтуб, муҳаррам ойининг йигирма олтисида, жумъа куни осто ни рафейул-бунён мулозаматиға еттилар ва навозишоти хусравонаға машмул ва иноёти подшоҳонаға мавсул бўлуб, хилоъи хуршидшиъ бахшиши била сарафroz ва мумтозлиқ топтилар. Алар келмасдин ўн кун бурун, мазкур ойининг ўн олтисида Ҳўқанднинг сўнгги элчисига Яхшимуродбекни элчи қилиб қўшуб йиборди.

### **Ҳазрат зиллуллохийнинг жулуси ҳумоюнининг учлончи йилининг воқеоти. Ул жумладин Худоёрбий ва**

## **Сайидназарбий ва Абдуллоҳ ясовулбошининг Марв диёри ҳаволисиға тохту тоз еткурмагининг мақолоти**

Қалами жалодатпарвоз саҳифа арсасида мундок туркозлиқ қилурким, чун ҳазрати зиллуллоҳий соруқ муфсидларининг қасди учун шижаатшиор ва муборазатосор саркардалардин Худоёрбий ва Сайидназарбий ва Абдуллоҳ ясовулбоши ва Абдураҳмон маҳрамни кўқлон ва тоза қўнгrot ва човдур ва баъзи ямутия черики била Марв музофотининг чаповулиға буюрди. Маъмур бўлғон саркардалар ҳукми олий ва фармони мутаъолий мужиби била амал қилиб, таърихи ҳижрий минг икки юз олтмишда, рабеъу-л-аввал ойининг еттисида, сешанба куни озим бўлуб, Чотли тўғойиға нузул этдилар. Анда бир неча кун навкар ижтимоъи учун тавакқуф қилдилар (422<sup>a</sup>) ва андин кўчуб, Фитнакнинг юқорисида Шайхориқиға тушдилар. Анда дағи бир оз муддат мутаваққиф бўлдилар ва андин жамеъ лашкария йиғнолғондин сўнг кўчуб, дарё каноридин манзил-баманзил азимат кўргузуб, Доя хотун работига етдилар. Андин қумға кириб, Учманзилда тахтға ворид бўлубдурлар. Андин наҳзат қилиб, Учманзилдан Ёриҳожиға бордилар ва андин чиқиб, икки манзиллик йўл юргандин сўнг тева ва қушларин Ёриҳожиға қайтардилар. Ўзлари ул ердин илғор қилиб, бир манзиллик масофат қатъ қилғондин сўнг иттифоқ била маслаҳат қилиб, ато тоифасининг сарвари Шерота била ўн сакиз отлиқни илгари йибордилар, токим, “тил” тутуб, бир хабар келтургайлар.

Ҳамул кун саркардалар бир оз кишини қоровул қилиб, илгари йибориб, ўзлари изидин илғор этиб борур эрдилар, пешин вактида қоровуллар соруқ чорвасининг қумда юрган теваларидин секиз тева олиб келтурдилар. Ҳамул кун аср ҳангомида қоровуллардин уч киши чорвадан бир гала олиб, икки киши асир қилиб келтурдилар. Саркардалар асирларға йўл бошлишиб, ярим кечада Байрамалихоннинг қалъасининг бир ярим манзиллик юқорисидин чаповул уруб, офати самовий янглиғ соруқ чорвасининг устига қуюлдилар ва икки киши дастгир қилиб, бир калла олдилар. Қирқ тева ва йигирма чоғлиғ ёбу ўлжа қилиб, сахар чоғи саркардаларнинг атрофиға жамъ бўлдилар ва иттифоқ била тонг вакти муовадат майдониға суръати тамом била атфи инон қилдилар.

Ҳамул кун чоштгоҳда “тил” тутмоқ учун илгари кетган шужаои зафарпаноҳдин Шерота била тўрт киши айрилиб, арбоби муфсид ҷароғоҳидин юз эллик тева ўлжа қилиб қайтиб, саркардаларга қўшулдилар. Борча иттифоқ била қатъи масофат қилиб, ҳамул кун туш ҷоғи тева ва қушларин қайтарғон манзилға келдилар ва андин истеъжоли тамом била илғор қилиб, намозшом вақти Ёриҳожига келиб, нузул этдилар. Ул манзилда “тил” тутмоқға озим бўлғон оломоннинг ўн тўрти Марвдин Ҷаҳоржўйға ғалла элтатурғон оғишли савдогарнинг устидин қазои жаллодийдек дохил бўлуб, борчасин қатли ом қилиб, эллик уч тева ва ўзга амволу ашёсин дasti тасарруфлариға киргизуб, мурожаат қилиб, йигинға қўшулдилар ва барча сипоҳ солим ва ғоним, музaffer ва мансур Ёриҳожидин кўчуб, Учманзилда тахтға келиб, истироҳат қилдилар ва андин ҳаракат кўргузуб, бир ярим манзилда Қабоқли мавзеъидин дарёйи Амуға чиқдилар. Андин кўчуб, манзил-баманзил қатъи масофат қилиб, рабеъу-с-соний ойининг ўн бирида, панжшанба куни осто ни давлатпосбон мулозамати шарафиға мушарраф бўлдилар.

Ҳазрат хилофатпаноҳий мазкур бўлғон саркардаларга навозишоти хусравонадин барумандлиғ еткуруб, гаронбаҳо хильялар ва мурассаъ пичоқлар ва зардор фўталар инъоми била хурсанд ва шодком қилди. Ва аксар лашкарияга дағи сарупои шоҳона баҳшишидин сарафrozлиғ боғишилади.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, мазкур бўлғон оломон чаповулдин келмасдин бурун рабеъу-л-аввал ойининг ўн бешида, ҷаҳоршанба куни Бухоро элчиси Абдулҳодий хожа сулҳ талаби била Қорли юзбоши ва Абдураҳмон озодани олиб келди. Бу ижмол тафсили улким, чун амир Насруллоҳ кўрдиким, Ҳоразм сипоҳининг селоби чаповул ва тундбоди татовулидин Бухоро музофотининг (422<sup>б</sup>) аксар қильо ва билоди ҳароб ва вайрон бўладур, мудофаа ва мужодала қилиб иш бошқара олмайдур. Ложарам, мувосо ва мадоро қилмоқдин ўзга тадбир топа олмай, мўътабар мулозимларидин Абдулҳодий хожани элчи ёсоб, Қорли юзбошиниким, Марв тавобеъидин Қанди мавзеъида ҳоким эрди, Ниёзмуҳаммадбойнинг воқеъасида сорук муфсидлари тутуб, Бухороға элтиб эрдилар ва Абдураҳмон озодани ҳамким, сўнгроқ элчи бўлуб, солур ҳалқиға истеъмолатнома олиб бормиши эрди ва солур боғийлари муқайяд қилиб, Бухороға элтиб эрдилар, ул иковин мазкур элчиға ёрошмоқ ва боришмоқ умури тақвияси учун

кўшуб ирсол қилиб эрдиким, рабеъу-л-аввал ойининг ўн бешида, чаҳоршанба куни келдилар, андоқким, юқорида мазкур бўлди.

Рабеъу-с-соний ойининг ўн секизида чаҳоршанба куни ҳазрати зиллуллоҳий салтанатпаноҳий мазкур бўлғон элчига домла Раҳмонберди охундни масхуб қилиб, Бухоро усаросидин икки асирни оларға кўшуб ирсол қилди. Даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин садоқатвазифа Бекиш халифаким, Техрон мамоликининг подшоҳи Муҳаммадшоҳдин келган элчига элчи йўсунлик қўшулуб Техронға ирсол қилилиб эрди, бир неча муддат шоҳнинг иззат ва икром меҳмонхонаси садрин нишиман қилиб, аниг қўшғон элчиси Шоҳсуворхон била йиборган тухфаларин келтуруб, жумодийу-л-аввал ойининг учидаги сесанба куни атабаи аъло ходимларининг назари анвар пешгоҳига еткурди. Ямутия шужаосининг соруқ ва солур карвонин ғорат қилғони чун мазкур ой, яъни, жумодийу-л-аввалнинг авоситида ямутия жамоасидин саксон гузидаги йигит иттифоқ била соруқ чаповули учун ҳазрати зиллуллоҳийдин рухсат олиб, Марв сори озим бўлдилар. Манозили бепоён ва баводийи бекарон қатъидин сўнг Рафатак йўлиға ворид бўлдилар.

Иттифоқо, ҳамул йўл била солур ва соруқдин кўб карвон Бухоро вилоятига озим эрдилар, ҳамул карвоннинг устидин дохил бўлуб, бир ҳамлада карвонийларға даст топиб, аксарин қатлға еткурдилар. Тўртовин асир қилиб, жамеъ амтиаву ақмиша ва амволу асбобин ҳийтаи тасарруфлариға чекиб, савдодин суд қилғон тужжор янглиғ амволи бекарон ва ашёи фаровон била хуррам ва шодмон, солим ва ғоним муовадат қилиб, жумодийу-с-соний ойининг авойилида даргоҳи олампаноҳ мулозаматига етиб, навозиши шоҳонадин сарафroz бўлдилар. Мазкур ойининг ўн тўқузида, жумъа куни Хўқандға кетган элчилар, яъни, Бобобек ва Яхшимуродбек мазкур вилоятнинг ҳокиму ҳукмрони Шералихоннинг қўшғон элчиси Қаробош додҳоҳ йиборган пешкашларин келтуруб, даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг назари анвари пешгоҳига еткурдилар. Ражаб ойининг ўн еттисида, панжшанба куни Бухорага кетган элчи Раҳмонберди охундга Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг қўшғон элчиси Фатҳуллоҳ хожай судур келиб, амирнинг йиборган тұхафот ва савғотин мавқифи арзға еткурди.

Шаъбон ойининг салхида, жумъа куни Эрон мамоликининг подшоҳи Муҳаммадшоҳнинг элчиси Шаҳсуворхонга рухсат бериб, вилоятиға қайтарди.

Рамазону-л-муборак ойининг олтисида, чаҳоршанба куни Хўқанд элчиси Қаробош доддоҳға осто尼 олийшон мулозимларидин Юсуфбекни элчи йўсунлик кўшуб, Хўқанд вилоятиға ирсол қилди.

**Ҳазрат зиллуллоҳий салтанатдастгоҳийнинг қонуни шиҷоат била соруқ ва солур муфсидлари қасдиға Марв сори азимат оҳангин тузгони (423<sup>а</sup>) ва сипоҳи сангин била Йўлўтан қальаси устидин дохил бўлуб, муҳосара русумиға қиём кўргузгони. Бөғийларнинг камоли жаҳолатдин лашкари ферузийасарга муқобил бўлуб, шикасти фоҳиш топғони ва арсаи масофдин рўйгардон бўлуб, ҳазимат водийсиға чопғони ва асокири маосирининг селоби чаповул била ул ҳаволини вайрон ва хароб қилғони. Ҳазрати зиллуллоҳийнинг умаро илтимоси била муҳосара таркин тутуб, мурожаат тариқиға иноитоб бўлғони**

Хомаи воқеъапардоз сўз арсасиға мундок қадамандоз бўлурким, чун ҳазрати зиллуллоҳий, хуршиджоҳ, фалакдастгоҳ, анжумсипоҳ, сultonи муazzам, хоқони мукаррам, сарвари салотини олам, афзали жумҳури бани Одам, хуршиди осмон, адолатжамшиди айвон, макраматнаҳангি уммон, истиқоматпаланги майдон, муртакийи мадорижи шариат, кошифи асрори ҳақиқат, шавкат ва савлатпаноҳ, сатват ва басолатиктиноҳ, хидеви ҳашмэҳтишом, хусрави доромақом –

### **Маснавий:**

Шаҳи номжў хусрави мулкгир,  
Хидеви фалакқадру равшанзамир.  
Муиззи масокин, муҳиби умам,  
Маҳалли атойо, муҳити карам.  
Ҳижо арсасида далиру шужоъ,  
Сочиб тифи оламға кундек шуъо.  
Шиҷоат жаҳониға олий сипеҳр,  
Адолат сипеҳриға то банда меҳр.  
Гулистон бўлуб адлидин мулки дин,  
На мулку на дин, балки рўйи замин.  
Бидъу расм роҳин адам қилгучи,

Ситамгарга доим ситам қилғучи –  
ғиёсу-л-мулки ва-д-давла, ҳомийу-д-дини ва-л-милла, носиби ливои  
амну амон ало раъси ахли-л-иймон, ал-мутахаллаку би-ахлақи-с-  
Субҳон, ал-муаййиду табаиди-л-мулки-л-мустаъон, абулмузаффар  
ва-л-mansur, абулғозий Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон  
“васаъаллоҳу таоло айюма давлатиҳи ва рафаъ аълома  
шавкатиҳи”<sup>50</sup> сорук ва солур муфсидларининг гўшмол ва  
истийсолин пешниҳоди замири саодатмаол қилиб, Марв юруши  
азиматин жазм этди. Ва навкар ижтимои учун мамолики маҳруса  
ва билоди маҳфузага мирихсавлат ясовуллар ва баҳромҳайбат  
сурдовуллар ирсол қилди. Фармони лозиму-л-имтисол мужиби  
била оз фурсатда ондоқ кўб лашкар йиғнолдиким, тамошоси  
наззора ахлин ҳайрат баҳрига солди.

### Маснавий:

Сипаҳ ҳар тарафдин келиб хайл-хайл,  
Юз урғой анингдекким дарёға сайл.  
Қўшулди бари тўрт ёндин келиб,  
Демай тўрт ёнким, жаҳондин келиб.  
Саросар тутуб жумла олам юзин,  
Ёпиб гарди бу нили торам юзин,  
Бўлуб ул сифат издиҳому ҳужум –  
Ки, бўлмай анингдек ҳужуми нужум.  
Бўлуб мунтазир борча хайлу сipoҳ –  
Ки, шаҳ қилғуси қойси кун азми роҳ.

Чун фармони олий мужиби била сipoҳи нусратпаноҳ ва  
асокири зафардастгоҳ атроф-жавонибдин келиб, ижтимоъ топти. Мазкур бўлғон йил, яъни, лу йили, тарихи ҳижрий минг икки юз  
олтмишда офтоби жаҳонтоб шаҳсувори сунбула буржида жилвагар  
эрди, рамазону-л-муборак ойининг секизида, жумъа куниким,  
соатлар асьади ва вақтлар аршади эрди, ҳазрати зиллуллоҳий  
хилофатпаноҳий қозију-л-ҳожот, кофийу-л-муҳиммомт даргоҳига  
ажзу инкисор ва ниёзмандлиғ изҳоридин сўнг давлат рикобига  
муборак аёқин қўйуб, саодат ашҳабига рукуб қилиб, сipoҳи  
нусратпаноҳ ва салотини манзилдастгоҳ ва умаройи олийжоҳ ва  
уманои садоқатиктиноҳ ва акобири қарийбогоҳ ва аозими  
хусусияти боҳнинг ҳамъинон ва ҳамроҳлиғи била доруссалтанаи  
Хивак “сонаҳаоллоҳу таоло ан-офати-л-ҳарақи ва-л-гарак”<sup>51</sup> дин  
чиқиб, алвияи давлатбакияни жилвагар қилиб, мақсад тариқи ва  
марсад тарафиға роятафрози наҳзат ва қадамандози азимат бўлди.

### **Маснавий:**

Чу шаҳ савлат била сурди таковар, (423<sup>6</sup>)  
Замона аҳли бўлди ҳайратовар.  
Тузуб ойину ёсо ўзга янглиғ,  
Низоми оламоро ўзга янглиғ.  
Тузубон неча саф кейнида шаҳлар,  
Тузуб шаҳлар изича саф сипаҳлар.  
Чиқиб отлар туёғи тийра гарди,  
Куёш рухсорин этди ложуварди.  
Тутуб касратда оламнинг тамомин,  
Хижил қилди қиёмат издиҳомин.

Чун бу янглиғ издиҳоми тамом ва кавкабай нусратилтизом била хуршиди оламородек масофат қатъига азиматнамо бўлуб, Янгиорик ҳавлиға ташрифи хузур, комилу-с-сурур этиб, кудуми шарофатлузум файзидин беҳишт қасридек мусаффолиғ ва жаннат боғидек дилоролиғ еткурди. Ҳамул кеча фазилатнишон ва фасоҳатлисон, сардафтари қуррои замон Мўминжон қориниким, қоиммақоми имом Осим, ноиби маноби ҳазрати Рофеъ эрди ва тажвид улумининг дикқатида ва хуруф маҳорижининг ҳақиқатида табъ ва балоғатафзо ва замон фасоҳаторосин ондок ишлатур эрдиким, қуррои сабъаға ҳайрат бармоғин тишлатур эрди, хатми Калом қилдурмок учун тарових намозига имом қилиб, Абдуллоҳ қориниким, ул дағи Қуръони мажиднинг тиловат ва муҳофазатида фариди замон ва воҳиди даврон эрди, сомиъ қилди. Ҳамул кеча сулси Каломуллоҳни қироат қилдуруб, ярим тундин сўнг истироҳат кўргузди.

### **Қитъа:**

Шахриёrimким, убдийят қадин ҳам айлабон,  
Ҳар кеча Ҳак тоатиға сидқ ила айлар талош.  
Бу жиҳатдиндурки, изҳор айлабон қуллук анга  
Борча олам аҳли қўймиш ажз ила оллида бош.

Тонгласи, шанба куни Янгиорикдин шавкати шоҳона ва ҳашмати хусравона била наҳзат аламин жилвагар қилиб Ос мавзеъида боргоҳи олампаноҳ қуббаларин гардунмумос қилдуруб, нузули саодатмашмул фуюзотидин гулистони Эрамдек сабзу хуррам қилди. Якшанба куни андин кўчуб, Ҳазорасб қальясининг оғуши интизорин шоҳиди духули била лабрез ва саршор қилди. Ҳамул кечаким, душанба оқшоми эрди, тавфиқи субҳоний била каломи раббоний хатмин итмомга еткуруб, имом ва сомиъ бўлғон

қориларни кимхо хилъатлар ва гаронбаҳо либослар кийдуруб, маболиғи вофир ва нуқуди мутакосир била жайби мурод ва киссайи муддаоларин тўлдуруб, ажнос ва ашбоҳлари аросида мумтоз ва ғаний, сарафroz ва мустағний қилди.

Тонгласи, душанба куни Ҳазорасдин кавкабай тамом ва афвожи маҳшариздиҳом била теброниб, Фитнакнинг жанубия тарафида Сорми ҳожи отлиғ бузургворнинг жавори файзосорин мухаййами хиёми иқбол ва мазриби боргоҳи ижмол қилиб, нузул этди. Сешанба куни андин ўрдуйи ҳумоюн ва мавкиби маймунни Шайхориқиға кўчуруб, ўзи хулосаи сипоҳ ва мулозими қурбатдастгоҳ ва миришкори хусусиятосорлар била қир устиға чиқиб, ажалчангол итолгуларни сарсармисол охуларға солиб, шикорандозлиғ тамошосига иштиғол кўргузди.

### Маснавий:

Шоҳ азм айлабон тамошоға,  
Урди юз кўҳсору сахроға.  
От суруб лаҳза-лаҳза қуш солибон,  
Ҳар на сайд ўлса барини олибон.  
Қолмайин ваҳшу тайр сахрода,  
Бўлди сахро вуҳушдин сода.  
Олибон комини тамошодин,  
Қайтди ўрду сори сахродин.

Ҳамул кун шикоргоҳдин мурожаат қилиб, пешин чоғи Шайхориқиғаким, ўрдуйи аъло ва боргоҳи муалло анда нузул қилмиш эрди, ташрифи ҳузури била беҳишт кусури янглиғ масарратбахш (424<sup>a</sup>) афвожи мавфур қилди. Ҳамул кун балоғатнишон, фасоҳатлисон домло Муҳаммадназар Девонким, остони давлатошиён муншийларининг сархайли ва сардори эрди, бу сафари майманатиттиҳодға “мақтаъи дасти сорук борҳо бод” мисраин таърих топибдур.

Чун ул ҳазрат чаҳоршанба куни мазкур манзилдин мавкиби ҳумоюн ва кавкабай рўзафзун била кўчуб, дарё соҳилидин қатъи манозил ва тайи мароҳил қилиб, етти кунда Шишли қаро ойғир бешасига ворид бўлуб, ўрдуйи давлатпаноҳ, сипоҳи нусратдастгоҳға мақар ва оромгоҳ қилди. Ҳамул манзилда заҳиру-д-давлати ва-д-дин муъину-л-фуқаро ва-л-масокин, амири беназир, равшанзамир Муҳаммадамин инок “дома давлаташу фи-л-оғоқ”<sup>52</sup> мушойаат тариқаси била ул ҳазрат мулозаматида чиқиб эрди, аниңг ройи оламоройига, доруссалтанаи Хивақ наёбати мансабин арzonий

тутуб қайтарди ва чаҳоршанба куни дабдабаи ҳайратафзо била азиматнамо бўлуб, мароҳил ғористонин файзи нузули била гулшан ва манозил шабистонин партави ҳузури била равшан қилиб, олти кунда Қабоқли мавзеъига етиб, асокири зафармаосирға муаскар ва ройоти шарофатоётға мустақар қилиб, истироҳат кўргузубдур. Ва ҳамул манзилда бир кун фароғати тамом била оромгузин бўлуб, чўл тадорики учун сипоҳи қоҳиранинг мешик ва митҳаралариға сув олдуруб, панжшанба куниким, рамазону-л-муборак ойининг йигирма секизи ва истиркоби саодатмаобнинг йигирма бирлончи куни эрди, Қабоқлидин издиҳоми қиёматанжом била кўчуб, Ҳафтргеги Хоразми эрамбазм қатъига саманди сарсархиромни суруб, масофатнавардликка иқдом кўргузди ва йўлда бир қўнуб, шабгир била тонгласи, жумъа куни чошт чоғи иқболи баҳт раҳнамунлиғи била Тахт мавзеъига етиб, нузул этди. Ҳамул кун оломонға сув олдуруб, тонгласи, шанба куни ул мавзеъдин риҳлат куйин чолдуруб, Тахт била Ёриҳожи отлиғ қудуқнинг орасидағи регзори ҳавлосорким, ҳар баланд ўтрусида фалак ақабаси таҳта-саро тубиға баробар ва ҳар чукури қаршусида таҳта-с-саро ҳазизи сипехри ҳазро авжиға ҳамсар эрди –

### Назм:

Ҳар баландига чиқса пайки нигоҳ,  
Тоабад топмағай тушарга роҳ.  
Ҳар нешибиға тушса ногаҳон,  
То қиёмат чиқарға йўқ имкон –

Ҳазрат зиллуллоҳий нусратшиор анингдек ноҳамвор ва ҳамимосор қумға ва “*ман йатаваккалу алаллоҳи фаҳува ҳасбуҳу*”<sup>53</sup> мадлуласи била таваккул тавсанин суруб, “*ва афаввазу амрий илаллоҳ*”<sup>54</sup> муаддоси била инони ихтиёрин Тенгри таолонинг дasti иқтидориға топшурди ва шабгир била уч манзиллик йўл юруб, якшанба куни ҳазрати Ҳақ субҳанаҳу ва таоло карамидин бекудурат ва беикроҳ мазкур бўлғон қум пушталарин тифи суръат била қатъ қилиб, Ёриҳожи қудуқнинг ҳаволисин мазриби боргоҳи давлат ва мақарри сародиқоти савлат қилиб, фуюзоти нузулидин саршор ва шодоблиғ еткурди.

Ҳамул кун ғурраи моҳи шаввол ва ийди рамазон эрди. Анда бир маснади иззатда истироҳат қилди. Токим, сипоҳи зафарпаноҳ сув олиб, фароғат бўлдилар.

Сешанба куни Ёриҳожи қудуқидин кўчуб, уч кеча шабгир қилиб, олти манзиллик йўл юруб, жумъа куниким, шаввол ойининг

олтилончи куни эрди, суфуфи нусратвукуфни ораста ва пироста қилиб, жувонғор ва буронғорнинг тасфия ва тасвиясиға зобит ясоқчилар эҳтимоми тамом била (424<sup>б</sup>) иштиғол кўргузуб, монглай ва соқасин шужаои номдор ва қуталойи кинагузорнинг завоти нусратоёт ва анфуси зафараломати била безаб, ҳазрат зиллуллоҳийнинг ўзи нужуми тобон орасида хуршиди дурахшон янглиғ қиблагоҳи давлатпаноҳда тамкини тамом ва савлати локалом била хиром кўргузди.

### Маснавий:

Хиром айлаб шаҳи гардун салобат,  
Қилиб изҳор ойини маҳобат.  
Суруб ашҳаб, нечукким меҳри анвар,  
Нужумосо изида хайли лашкар.  
Тўлуб хайлу сипаҳдин водийу қум,  
Нечукким, кўк юзини тутти анжум.  
Тузулуб саф ажаб андоза бирла  
Янги тавру низоми тоза бирла.  
Баробар саф ики ёндин саросар,  
Саросар икки ёндин саф баробар.  
Бориб мағриб ямин аҳли қатори,  
Етиб машриқ сори саффи ясори.  
Юруб ерлик ерида жойи бар жой,  
Кўтармай бир-биридин илгари пой.  
Юруб излик изидин неча юз саф,  
Ва лекин ўқ мисллик борча туз саф.  
Бўлуб гарди қуёшға мониъи нур,  
Ёрук кун зоҳир этди шоми дайжур.  
Қилиб жилва суфуф ичра ливолар,  
Анингдекким, сиҳиқад дилраболар.  
Очиб нусрат ели гулгун яловни,  
Нечукким, тез этар сарсар оловни.  
Синонлар зоҳир айлаб эла касрат –  
Ки, гўё найситондур бениҳоят.  
Бедовлар туёғидин сакрабон барқ,  
Жаҳонни шуъла ичра айлабон ғарқ.  
Баҳодирлар қўшаб яксар яроғин,  
Мусаллаҳ айлабон бошдин оёғин.  
Сукуну сайр аро дилкаш низоми,  
Вале маҳшардин афзун издиҳоми.

Ер аъзосиға ларза сақли солиб,  
Вале ваҳми фалак оромин олиб.  
На имконким, деса васфини юз йил,  
Қила олғай баён мингдин бирин тил.

Чун ҳазрат зиллуллохий хилофатпаноҳий мундок дабдабаи дўстнавоз ва кавкабаи душмангудоз била улуг чоштгоҳда Йўлўтан қальасининг бир фарсанглик ошоқидин Марв дарёсининг канорига ворид бўлди ва ул мавзеъда андак таваққуф қилиб, сипоҳи нусратпаноҳ марокиб ва мавошийларни суғориб бўлғондин сўнг суфуфи зафарвуқуфни эҳтимоми тамом била безаб, Йўлўтан қальасидағи солур тавойификим, боғий ва муфсидлик исёнининг бари гаронин бўйунлариға олмишлар эрдилар. Ул жамоаи бояия ва тоифаи тогия устига наҳзат ливосин жилвагар қилиб, муқобаласиға дарёнинг шимолия қироғида ясов ясад, таваққуф аламин барпой қилди. Қалъа аҳли аввал чиқмоқ ваъда қилиб, бирор соатдин сўнг саранжом ва сариштасин тутуб, қальанинг борча махориж ва мадохилин беркитиб, қилғон ваъдасин бузуб, тўфандозлиғ русумиға иштиғол кўргуздилар.

Чун ул жамоаи шақоватомизнинг бу янглиғ ҳаракати шароратангизи сарсаридин нойираи ғазаби сultonий илтиҳоб топиб, мутаваққифи жоҳу жалолдин фармони қазожараён содир бўлдиким, тўпандозлиғ била ул гуруҳи шайотиносорнинг устига “ва жсаалнаҳо ружуман ли-ш-шайотин”<sup>55</sup> каримасининг мазмунича гулулаи оташиннинг зуруби мутаволийсидин баркрезлик ва соиқаангезлик кўргузсунлар. Ҳасбу-л-фармон кодирандоз тўпчилар гардункуб ва раъдошуб тўпларни дарё канорига келтуруб, қалъа жонибиға қаротиб, муфсидлар қасдиға ондок отдиларким, қалъа деворининг аксар мавозеъин ушатдилар ва тўп оғзидин ондок оташафшонлиғ кўргуздиларким, фасод аҳлининг жони палидидин мувосалат умидин уздилар.

### Маснавий:

Бўлуб тўплар ила оташфишон –  
Ки, оташкада бўлди яксар жаҳон.  
Қолин дуди гардун юзини тутуб,  
Садоси ҳам авжи фалакдин ўтуб. (425<sup>a</sup>)  
Бўлуб кар фалак узра хайли малак,  
Ер остида ҳам бориб ўздин самак.  
Ер аъзосиға зилзила солибон,  
Фалак жисми оромини олибон.

Ёғиб оташин галалар беҳисоб,  
Адув хайли узра нечукким шихоб.  
Үтуб қалъани чоку вайрон қилиб,  
Фасод аҳлиға тийри борон қилиб.  
Етиб чарх авжиға афғонлари,  
Жаҳаннам тубига, vale жонлари.

Анингдек шўру ошуб асносида қалъанинг қибла тарафидин боғий ва инод аҳли ҳужуми тамом била чиқиб, ўтун, чўб ва баъзи қолғон асбоби ва ҳавошийсин ғояти чобукликдин олурға иштиғол кўргуздилар. Ул ҳолни кўргач, баъзи таҳаввурпаст ва чобукдаст йигитлар дарёдин ўтуб, муфсидларга ўзларин еткурдилар. Муфсидлар буларни оз кўруб, қалъадин ҳужуми тамом била чиқиб от солдилар. Баҳодирлар озлиқдин рўйгардон бўлуб, фирор кўргузубурлар.

Ул ҳолда муфсидлар баҳодирларнинг изидин таъоқиб қилиб, икки-уч кишини қатлға еткуруб, икки-уч кишини захмдор қилди. Ул жумладин Бекниёз аробачи мақтул бўлуб, Бекназарбек Хўқандий захм кўтарди.

Ул чоғда ҳазрат зиллуллоҳий Бекмонбий бошлиғ баъзи саркардаларни навкарлари била номзад қилди. Токим, қалъадин чиқғон фасод аҳлиға гўшмоли азим еткургайлар. Маъмурлар фармони вожибу-л-изъон мудиби била рехи Осифдек дарёдин убур қилиб, фасод аҳли устига барқи хотиф янглиғ суръати тамом била от солдилар ва ул гуруҳи шақоватпажух баҳодирларнинг ҳамлаи сарсарвашиға тоқати муқовамат келтура олмай, ўз иқболлариdek рўйгардон бўлуб, қалъага кириб, мутаҳассин бўлдилар ва қалъа устидан тўғангандозлиғта машғул бўлуб, мудофаа амиға қиём кўргуздилар. Баҳодирлар тамарруд аҳлидин ҳамул кун кўб кишини асорат қайдиға чекиб, назари анвар пешгоҳиға келтурдилар ва фармони қазожараён мудиби била аксар усаро сиёсатгоҳда қатлға еттилар. Ҳамул кун солур тавойифининг бир тийрасининг сардори Хўжаназар Салим сатвати хоқоний ва савлати сultonийдин мутаваҳҳим бўлуб, муонидат ва ўзга эл била муттағиқ бўлмай, ўз элин кўчуруб, қалъага киргумай, юз минг ажзу изтиор била келиб, ул ҳазрат отининг туйноқиға инкисор бошин қўйуб, изҳори итоат ва убудийят қилди. Ул ҳазрат анга навозишлар кўргузуб, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин садоқат ва хусусиятҳамдам Вайс маҳрамни анинг била ҳамроҳ буоруб, эл ва аҳшомин кўчуруб келтуруб, ўрдуйи аъло ва муаскари муаллоға тушурди.

Ҳамул кун ул ҳазрат пешинғача қалъа ва қалъа ахли сори тўп отдуруб, пешиндан сўнг инонтоб бўлуб, ўрдуйи ҳумоюнғаким, дарёниг шимолия қироғида юқорироқға тушуб, барпо қилилиб, муҳайё бўлмиш эрди, нузул кўргузди.

Ҳамул кеча чобукдаст ва шиҷоатпараст саркардалардин Шоҳмурод инок, Худоёрбий ва Сайидназарбий ва ғайрухумни муаскари давлатасар атрофининг қоровуллиқиға номзад қилиб, сарири салтанатда оромгузин ва маснади истироҳатда паҳлунишин бўлди. Тонглasi, шанба сабоҳи талиъаи субҳдин сўнг қоровуллар жамъ бўлуб, ҳазрат зиллуллоҳийнинг остони фалакнишони хизматиға мутаважжих бўлғоч, солур муфсидларидин кўб отлиғ иттифоқ била қалъадин чиқиб, камоли жаҳолат ва ғояти накбатдин дарёни убур қилиб, ўзларин муаскари ҳумоюнға еткуруб, бир тарафдин мудоҳалат кўргуздилар. Ул аснода бу воқеъа хабари масомеъи жоҳу жалолға (425<sup>б</sup>) етушуб, фармони вожибу-л-имтисол мугиби била қоровуллар остонаи давлатнишона пойгоҳида якрони жалодатға рукуб қилиб, қазойи осмоний янглиғ суръати тамом била ул қони тўлғонлар устига хиром кўргуздилар. Муфсидлар баҳодирларни ўзларининг қасдиға мутаважжих кўруб, истеъжол қонуни била фирор оҳангин туздилар. Қоровуллар сархайлидин Шоҳмурод инок ва Сайидназарбийким, жалодат ва шиҷоатда абнои жинсидин мумтоз, саромат ва муборизотда замон шужаосидин сарафroz эрди, суръати тамом била отлариға маҳмиз бериб, дарё канориға етиб, сувға кирган ҳолда ул ажал етган боғийларнинг ақабидин етиб, синони жонситон ва тифи хунфишон зарби била тўрт нафарни сув ичига отдин сарнигун йиқиб, гарқаи гирдobi адам ва маҳриқаи отashi жаҳаннам қилдилар. Ўзгаси камоли чуст ва чобуқликдин баҳодирларнинг тифи интиқомидин кутулуб, суъубати тамом ва машаққати молокалом била ўзларин қалъаға еткурдилар.

Ул аснода ҳазрат зиллуллоҳий шавкати лоятеноҳий била муаскари муаллодин ўрдуйи аъло ва мавкиби воло била кўчуб, тўпу тўпхона, боргоҳ ва шамёна ва асокири маҳшарнизом ва хужуми қиёматанжом била сарсар ва дабур янглиғ дарёдин убур қилиб, сипоҳи бисёр ва афвожи бешумор била дарёйи оғат ва сели маҳофатдек қалъанинг атроф-жавонибидин муҳиткирдор ихота қилиб, ҳамлоти далирони ва садмоти шерона била ҳар тарафдин сурон солиб, тўбандозлиғ маросими била қалъанинг аксар иморатин харобу вайрон ва мутаҳассинларнинг кўпрагин мажруҳ ва

бежон қилдилар. Чобукдаст ва таҳаввурпаст баҳодирлар қалъадин изҳори шиҷоат қилиб майдонға чиқғон муфсидлардин тиғи тез ва синони хунрез зарби била кўб кишини қатлға еткуруб, бошин кестилар.

Ҳамул кун сипоҳи нусратпаноҳдин ямутия жамоасининг мўътабар таҳаввурпаст шужаосидин Яхшигул ва қуллар зумрасидин Муҳаммад шариф қулға аъдо ўқларидин оғир заҳм этиб, ул заҳм шиддатидин сўнгроқ фавт<sup>25</sup> бўлдилар.

Ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул кун аср ҳангомида қалъа муҳосарасиға шиҷоатпажух ва рустамшукух саркардалардин баъзини ўzlариға тааллуқлиғ сипоҳ била таъйин этиб, ўзи муаскари ҳумоюн ва ўрдуйи саодатнамунғаким, қалъанинг шарқий жонибida, дарёning жанубий қирогида муҳайё бўлмиш эрди, кавкабай воло била инонтоб бўлуб, нузули майманатшумул шарофатидин боргоҳи жаҳонпаноҳ қуббасин меҳру моҳ қиммасидин ўткарди.

Ҳамул кеча аврангнишини истироҳат ва базморойи маҳфили ишрат бўлуб, тонглasi, якшанба сабоҳиким, анжум шоҳи нур ва баҳо сипоҳи била машриқ боргоҳидин чиқиб, сипеҳр кўргони сори азимат якронин сурди, ул ҳазрат дағи салобати сахмгин ва шавкати жамшидойин била саманди даванди давлатға рукуб қилиб, издиҳоми қиёматинтизом ва асокири зафарилтизом била муаскари саодатасардин чиқиб, аъломи майманатфаржомни жилвагар қилиб, кавкабай тамом била қалъа устига бориб, суфуфи саодатвуқуфни ораста ва пиросталиғ била тузуб, муҳосара амиға қиём кўргузди. Ул аснода фасод аҳли қалъанинг кун ботар жонибидин ҳужуми тамом ва ғавғои молокалом била чиқиб, ғояти жаҳолат ва ниҳояти накбатдин муҳораба майдонига мубодарат якронин суруб, ўzlарин сипоҳи зафардастгоҳ муқобаласиға еткурдилар. Ул ҳолда баъзи шужаои номдор ва қуталойи кинагузорким, саҳбои муқоталаға ҳумор бўлуб, саваш ва фарҳош кайфияти интизорин чекар эрдилар. Гайрат шабдизига маҳмиз бериб, шиҷоат ҳусомин (426<sup>a</sup>) саромат наёмидин чекиб, шери жаён ва бабри дамон янглиғ арбоби хизлонға

<sup>25</sup> “фавт” сўзи X. Назирова илмий-танқидий матни асосида киритилди. Фаркларни солиштириш учун: 2009 йилги нашр 161-бет ва Muhammad Riza mirab Agahi. Zubdat al-tavarikh. International institute for Central Asian Studies, Al-Beruni Center for Oriental Manuscripts Tashkent State Institute of Oriental studies. Edited in the original Central Asian Türkī with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. International Institute for Central Asian Studies (IICAS) by the UNESCO Silk Road Programme. – Tashkent–Samarkand, 2016. 172-бет. (А.Ў.)

мутаъқиб ҳамлалар еткурдилар. Хусусан, ул жумладин жамшидия тоифаси Мирмуҳаммадхон ва Абдуллахон бошлиғ шижаат зоти ва ғайрат фатри муқтазоси билаким, ул жамоанинг тийнатида мухаммардур, барқи хотифдек суръат била от солиб, тиги тез шаъшии ва синони хунрез лавомиъининг соиқарез ва оташангезлигидин аксар муфсиднинг хирмани вужудин куйдуруб, адам елига совурдилар. Қолғони баҳодирларнинг ҳамлоти сарсарсифотиға тоқату сабот кўргуза олмай, баҳти баргашталариdek майдон фазосидин рўйгардон бўлуб, фирор ихтиёр этдилар. Жалодатманд муборизлар ашҳаби гардунмонандиға шихобосо тозёналар уруб, фирмий бўлғон муфсидларни қалъаға киргунча таъқиб қилиб, синони хунфишон ишорати била боғийлардин кўб кишини афтону хизон жаҳнам уқубатгоҳида равон ва шитобон қилдилар ва бениҳоят бош кесиб, кўб от ва ўлжаға мутасарриф бўлдилар. Аммо шужаои зафаринтимойдин икки-уч киши муфсидлар милтуқи ўқидин захмдор бўлди.

Ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул кун кечғача қалъанинг атрофжавонибидин сурон солдуруб, тўб отдуруб, аср чоғи баъзи сипоҳни муҳосара амриға таъйин этиб, муаскари ҳумоюнға атфи инон қилиб, боргоҳи риғъатнамунни файзи нузулидин ғайрати жинон этди.

Ҳамул кеча маснади иззат ва сарири давлатда тамаккун ва истироҳат қилиб, тонгласи, душанба ва сешанба куни рукуб қилмай, хотамлик маснадида ором тутуб, корзор ҳангомида изҳори муборазат қилиб, иш кўргузган ва бош кесган ва от тушурган баҳодирларға эҳсон ва истиноъ кўргузуб, хилоъи хуршидшуъ бахшиши била тиллопўш қилди ва нукуди номаъдуд инъоми била киссаи муддаоларин тўлдуруб, мақсад дар оғуш этди.

Ҳамул икки кун муддатида ул ҳазратнинг ижозати била сипоҳи селасар ва асокири жалодатгустар атроф ва акноффа чоповул ва татовул тўфонин еткуруб, солур муфсидларининг борча манозил ва масокинларин харобу вайрон, балки беному нишон қилдилар ва ул янглиғ ғанойими фаровон ва амволи бекаронға мутасарриф бўлдиларким, сипоҳи давлатпаноҳнинг аксарида юз тева ва икки юз тева ва уч юз тева ўлжа бор эрди, ўзга амволни мундин қиёс қилса бўлур. Ўзга асбоб ва ашёни мунинг юзидин билса бўлур.

### **Маснавий:**

Сипоҳ аҳли суруб раҳши чаповул,  
Узотиб ҳар тараф дasti татовул.  
Олиб боғий аҳлининг мол-жиҳотин,  
Хароб айлаб мақому мазраъотин.  
Не автонидин осори ҳувайдо,  
Не мазраъотида парвона пайдо.  
Суруб ҳар сори раҳши ғорату кин,  
Бўлуб моли ғанимат бирла иззин.  
Оғир ўлжа тушуб улнавъким ақл,  
Қолиб ҳайронки, не навъ айлагай нақл.  
Тўлуб ҳар қўшға ўлжа неча харвор,  
Бўлуб ўрду ичи бир гарм бозор.

Чун ҳазрат зиллуллоҳий кўрдиким, солур муфсидлари итоат ва инқиёд қилодасиға мутақаллид бўлмайдур ва убудийят рақабасин мутобаат рибқасиға еткурмайдур. Охиру-л-амр арақи ғазаби сultonий ҳаракатга кириб, муаскари ҳумоюн ичра мунода қилдурдиким, лашкария аҳли бел ва болту ва сепоя ва шоту ва жамеъ қалъаканлик ва ҳисорафканлик асбобу олотин мухайё ва омода қилсунларким, тонгла қалъакушойлик умуриға саъи тамом зухурға еткуруб, сипоҳи шиҷоатфаржом ва шужаои нусратилтизомни қалъаға югуртуurmиз.(426<sup>6</sup>)

Чун аҳли лашкар бундай давлатасарни масмӯъ қилғоч, масаррати тамом ва беҳжати локалом била жалодатосор нажжорларға рифъатмадор зангулар тузотдуруб, қалъакушойлик асбоби таҳийасиға иштиғол кўргуздилар.

Ҳамул кечаким, чаҳоршанба туни эрди, аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва жамеъ санодиди лашкария ва машоҳири аскария борйоби мажлис ҳузур бўлуб, сидқу ихлос юзин убудийят туфроқиға суртуб, иттифоқ била арз қилдиларким, агарчи сипоҳи қоҳира ва афвожи вофира ҳужуми тамом била сел янглиғ майл кўргузса, шак йўқдурким, қалъа аркониға вайронлиғ еткуруб, арбоби богий ва асҳоби инодға даст топғайлар. Аммо, эҳтимоли борким, шужаойи номдор ва сипоҳи жалодатшиорнинг гуҳари вужудлариғаким, шиҷоат ва шарофат бозорининг зебу зийнатидур, халале ва нуқсе етсаким, ул хазаф миқдорининг юз минги тасарруф риштасига чекилса, бирининг нуқсониға арзимас. Ва яна, агар қалъа қаҳран ва қасран мафтуҳ бўлса, кўб хунрезлик ва фитнаангизликлар зухурға етиб, қалъа аҳли сиғоран киборан нобуд ва мафқуд бўлғусидурлар. Бу иш дағи ҳиммати сultonий ва карами

хоқонийдин раво ва лойик эрмас. Нединким, ул жамоайи қадими хизматкор ва бойри намакпарвардадурлар, бу остони давлатпосбондин ўзга малжо ва малозлари йўқдур. Ҳоло, қилғон гуноҳларидин шармисор бўлуб, сатвати хоқоний ва ғазаби султонийдин қўрқиб, қалъадин чиқиб, оstonбўслиғ шарафиға ета олмайдурлар. Иншааллоҳ, “ал-умуру марҳувнатун биавқотиҳо”<sup>56</sup> мазмунича, вақти била яна ўzlари даргоҳи олампаноҳ туфроқиға эътиоди тамом ва инкисори молокалом била келиб, итоат ва убудийят жабинин суртарлар. Эмди бу бандай каминалар ва бу жонсипори дериналарнинг иттифоқ ва илтимослари будурким, қалъа тасхири учун тасдиъ чекмай, муҳосара таркин тутуб, Марв диёридин инони инсирофни Хоразми эрамбазм жониби мунсариф қилсангиз.

Ул ҳазрат камоли карам ва хўбийи шиям муктазосидин умарои изом ва кубаройи зу-л-эҳтиромнинг илтимос ва илтижосин мабзул тутуб, чаҳоршанба куни ўрдуйи ҳумоюн ва мавкиби қиёматнамун била кўчуб, Марв дарёсининг шимолия тарафиға ўтуб, муаскари асокири ферузийасар ва мустакарри боргоҳи саодатгустар қилиб, нузул этди. Ҳамул кун кеч пешин чоғи така тавоийфининг аксар муонид ва мутамарридлари иттифоқ била солур халқининг имдодига келиб, солур халқи дағи оларнинг келмагнидин бағоят қавийдил ва мустазҳар бўлуб, борчаси иттифоқ била отланиб, кўб йиғин бўлуб, ҳайъати ижтимоъ била дарёдин ўтди ва муаскари ҳумоюнға ёвуқ келиб, ясов ясад, коровуллар била уруш солди.

Бу хабари ваҳшатмаол масомеъи жоҳу жалолға масмӯъ бўлғоч, ҳазрат зиллуллоҳий кавкабай шаҳаншоҳий била боргоҳи давлатпаноҳдин отланиб, аъломи нусратфаржомни жилваға киргузуб, аъдои давлат муқобаласиға бориб, савлати тамом била саф тузди. Ул чоғда аҳли фасод ва арбоби инод суфуфидин баъзи қони тўлғонлар мутаҳаввирона чиқиб, камоли накбатдин изҳори жалодат қилиб, сипоҳи зафарпаноҳ суфуфининг майманаи маймуниғаким, қароқалпоқия ва кўклония шужаосиға муқаррар эрди, от солиб, ўқ отим, балки, найза солим ерга келиб, ҳамла еткурдилар. Қароқалпоқия шужаосиким, ҳар бири шижоат бешасининг ғазанфари ва муборазат арсасининг далир сафдари эрдилар, аъдои давлатнинг мундок зиёдасарлик яқосидин жалодат бошин чиқориб ҳамлаовар ва сароматгустар бўлғонидин бағоят мутаажжиб ва мутаассир бўлуб, арақи ҳамиятлари ҳаракатга кириб,

шери жаён ва фили дамон янглиғ наъраи ҳайбатнишон ва ошуби зафартавъоманларин гардунсо ва аршфарсо (427<sup>a</sup>) қилиб, муфсидлар устига барки хотифдек суръати тамом била от солубдурлар. Аҳли фасод арсаи корзордин рўйгардон бўлуб, “кааннаҳум хумурун мустанфиратун фаррот мин қосвара”<sup>57</sup> истеъжоли молокалом била фирорий бўлдилар. Сипоҳи зафарпаноҳ ва шужаои нусратдастгоҳ таоқиб қилиб, шижаат бозусин мубодират остоидин чикориб, ғайрат самсомин интиқом қинидин сугуриб, жалодат синонин муфсидлар жониби ҳавола қилиб, хунфишонлиғ ва жонситонлиғ русумиға жаҳди тамом била иқдом кўргузубдурлар.

Чун бу воқеъани мушоҳада қилғоч, сипоҳи боғия ва афвожи тоғиянинг бинои истиқомати мутазалзил бўлуб, суфуфи касофатвуқуфларин бузуб, “сайуҳзаму-л-жамъу ва йуваллуна-д-дубур”<sup>58</sup> муаддоси била қарор ва сабот сарриштасин қўлларидин бериб, ҳазимат тариқиға фирор қадамин урдилар. “йақулу-л-инсану йавмаизин айна-л-мафарр”<sup>59</sup> муфоди била қайси тарафга қочарин билмай, аксари қиёдин учуб, баъзи дарёға уруб, баъзи қум тарафиға қочиб, “йавма йаффирру-л-маръу мин ахих”<sup>60</sup> мазмунин зухурға еткурдилар.

Сипоҳи нусратшиор ва шужаойи кинагузор суйуфи обдор ва синони зафаросор зуруби била ондоқ хунафшонлиғ ва сарбурронлиғ кўргуздиларким, фазои майдон қон мавжидин дарёйи жўшон бўлди ва кесик бошлар дарё ичидағи ушоқ тошлар ҳайъатин намоён этди.

### **Маснавий:**

Муборизлар қилиб майдонға оҳанг,  
Наҳанг ул навъким, уммонға оҳанг.  
Чикориб борча бозуи шижаат,  
Қилиб изҳор нируйи шижаат.  
Солиб аъдоға тиги хунфишонлар,  
Уруб нўги синони жонситонлар.  
Анингдек бемуҳобо тўқдилар қон –  
Ки, қондин оқди юз минг наҳр ҳар ён.  
Қилиб ҳар наҳр дарё жониби майл,  
Анингдекки, баҳор айёмида сайл.  
Ўкулуб кушта ҳар ён неча харвор,  
Бўлуб ҳар бири гардундин намудор.  
Суруб отлар сумми бошларни ҳар ён,

Нечукким, гүй сургай зарби чавгон.  
Ботиб қонға, бўлуб юз пора жавшан,  
Адувға, уйлаким, юз поралиғ тан.  
Оёқ остида ётиб беҳадду мар,  
Қилиб шаққу-л-қамар зоҳир сарлар.  
Баҳодирлар даме кўргузмай ором,  
Адувни қатл этардин олдилар ком.  
Бўлуб шамширлар тифи қизил қон,  
Аён этди хужуми шохи маржон.  
Сочиб қон найзалар нўги саросар –  
Ки, ўт сочғай дамидин хайли аждар.  
Бўлуб ул кун адувға рўзи офат,  
Дема офат, дегил рўзи қиёмат.  
Фасод ахли бўлуб ул навъ нобуд –  
Ки, гўё аввал эрмас эрди мавжуд.  
Мингидин бир омон гар қолса бари,  
Бўлуб жон ваҳмидин ҳар ён фирори(й).  
Анинг ҳам баъзиси учди қиёдин,  
На келса кўрди олдиға қазодин.  
Ўзин баъзи бориб дарёға урди,  
Вале баъзи отин қум сори сурди.  
Маъла-л-қисса, чекиб овворалиғлар,  
Бўйунға олдилар юзқоралиғлар.

**Нукта.** Бале, ҳар сипоҳийким, ўз подшоҳининг рибқай итоатидин, рақабаи убдийятни тўлғоб, боғий ва инод кўргузса, оввораи водийи хизлон ва саргаштай сахрои фикдон бўлур. Ҳар тоифаким, ўз валинеъматининг неъмати шукргузорлиғидин оқибатбийнлик кўзин юмуб, тамарруд ва фасод русумин тузса, оқибат ўз жонин муҳликага солиб, бехонумон ва хонавайрон бўлур.

### Назм:

Ким инод этса подшоҳиға,  
Молу жонини бергуси барбод.  
Кимки маҳдумидин эвурса юз,  
Давлатига қўпарғуси бунёд.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳамул урушда шужаои жонбоз ва қуталойи сарандоздин аввал кишиким, бош кесиб, иш кўргузуб, изҳори хизмат қилди, қароқалпоқия черикининг акобиридин Фозилбекбий ва кўклония сипоҳининг саромадидин (427<sup>б</sup>) Ҳайдархон эрдилар. Олардин сўнг жамеъи шужаои

бахромкин ва сипохи зирғомойин хужуми тамом ва ғавғои молокалом била аъдои залолатанжом устига от солиб, мағлуб ва манкуб қилиб, қатлу кўшиш, наҳбу ғорат умурида дақиқа номаръий қўймай, аҳли фасодни мафқуд ва нобуд қилдилар. Аҳли сипоҳ ул микдор от ва асбобу яроғ ўлжа қилдиларким, таърифға содик ва теъдодға мувоғиқ келмас эрди.

### **Маснавий:**

Олиб ўлжа лашкар ададдин фузун,  
Яроғу от анвоъи ҳаддин фузун.  
Бўлуб қосир идрок таърифидин,  
Тил ўлди гунгу лол тавсифидин.

Ҳазрат зиллуллоҳий ҳамул мавзеъда бош кесган ва от тушурган ва иш кўргузган баҳодирларнинг жайби муддао ва киссаи таманиноларин нуқуди вофиран инъом ва жавоҳири фохиран эҳсон била мамлу ва машҳун қилиб, инони отифатин муаскари саодатасар жонибиға маътуф этиб, музaffer ва мансур, хурсанд ва масрур боргоҳи сипеҳрпойгоҳ фазосиға нузул этиб, ҳамул кеча маснади давлат ва сарири салтанатда ором ва истироҳат кўргузди.

Тонгласи, панжшанба куниким, шаввол ойининг ўн иккilonчи куни эрди, чошт вақти аркони давлат ва аъёни ҳазрат иттифоқи била ўрдуйи кайхонпўйни кўчуруб, кавкабаи ҳайраттафзо била Хоразм жонибиға ливоафрози наҳзат бўлуб, Ҳафтргеги Хоразм қатъиға қадамандози азимат бўлди. Тўрт кун қатъи масофат қилиб, бешлончи куни душанба эрди, Ёриҳожи қудуқининг ҳаволийсин қудуми шарофатлузум фуюзотидин ғайрати бўстон, балки рашки риёзи жинон қилди. Ҳамул мавзеъда музaffer ва мансур, хуш ва хиром Марв диёридин Хоразми эрамбазм тарафиға мурожаат қилғонининг хабарин даргоҳи давлатпаноҳнинг хизматгузор мулозимларидин Худойберган юзбоши билаким, Ўрус лақаби била машҳурдур, Хоразм савбиға ирсол қилди. Сешанба кечаси Ёриҳожидин кўчуб, шабгир қилиб, тўрт манзилда мазкур ойининг ўн тўқузида, чаҳоршанба куни дарёйи Жайҳун соҳилиға ворид бўлуб, Қабоқли бешасин асокири зафармаосирға муаскар ва ўрдуйи давлатмузоҳирға мустақар қилиб, нузул этди.

Тонгласи, панжшанба куни Қабоқли бешасидин кўчуб, тўрт кунғача манозили мутанаввиъани вусули қудумидин сарбаланд ва мароҳили мутаааддидани шарафи нузулидин аржуманд қилиб, бешлончи куни, сешанба эрди, Тевабўйун мавзеъиға ворид бўлуб, боргоҳи иқбол ва сародиқоти сипеҳртимсолни барпой қилдуруб,

нузули ижлол кўргузди. Ҳамул кеча мазкур манзилда амири садоқатойин азду-д-давлати вад-дин, сарвари умаройи оғоқ Мұхаммадамин инок “*рафаъа Аллоҳу иқболаҳу ва ҳасала аъмолаҳу*”<sup>61</sup> истиқбол тариқаси била келиб, ул ҳазратнинг мажлиси олийсиға мушарраф бўлуб, ҳузури комилу-с-суур қуёшининг юзидин интизор дийдасин равshan қилди, балки кўнгул мазраъасин гулшан. Тонглasi, чаҳоршанба сабоҳи ҳазрат зиллуллоҳий зиёфати шоҳона ва жашни мулукона мураттаб ва муҳайё қилдуруб, жамеъи уламо ва умаро ва акобир ва сипаҳдорларни, балки, борча аҳли сипоҳни атъимаи гуногун ва ашибай лаззатомуннинг аклу шурбидин саршор ва сероб қилди. Зиёфат инқизосидин сўнг боргоҳи сипеҳрпойгоҳдин саманди иқболға рукуб қилиб, сипоҳи қиёматошуб ҳамроҳлиғи била қир устига чиқиб, от ёриштуруб ва кураш тушуруб, оти чиқғон сайисларни (428<sup>a</sup>) ва ҳарифин йиқғон паҳлавонларни ҳамул баҳо била карам хазонасидин бекиёс ва беандоз зар бериб, мумтоз ва сарафroz қилди. Отчопар ва кураш тамошосидин баҳраёб бўлғондин сўнг йўл азиматига инонтоб бўлуб, хуфтон намози адосидин сўнг Ҳазорасб қалъасин файзи вусули била лабрез ва юмни нузули била шарофатхез қилди.

Панжшанба куни Ҳазорасб ҳисоридин ашҳаби баркрафторға сувор бўлуб, масофат қатъига суръат кўргузуб, кечрак Янгиорик ҳавлиға ташрифи ҳузур еткуруб, анинг кунгираи шарофатин фалакасар зирвасидин ошурди. Ва тонглasi, жумъа сабоҳиким, шаввол ойининг йигирма секизлончи куни эрди, баъзи саркардаларнинг хилоъи хуршидшуъ бахшиши била қадр ва манзалатига иртифоъ еткурди ва ҳамул макони ғайратнишондин рукуб қилиб, савлати подшоҳона ва шавкати бекарона била намози жумъа вақтида доруссалтанаи Хивақ “*шаййадаҳоллоҳу би-н-низоми ва-н-насақ*”<sup>62</sup>ға ворид бўлуб, файзи нузул ва шарафи вусулидин рашки риёзи жинон ва ғайрати фирдавси ризвон қилди.

### Қитъа:

Эй, қилибон келмагинг оламни шод,  
Топди халойик фараҳи издиёд.  
Шаҳр элига айшу тараб очди юз,  
Кулфату андуҳ этибон хайрбод.

**Баъзи содирот зикриким, ҳазрат зиллуллоҳий Марв  
сафаридин келиб мустақарри хилофат ва мутамаккин  
бўлғондин судур топди**

Ул жумладин, Бухоро аволийси амир Насруллоҳнинг элчиси Фатҳуллоҳхожа судурким, мазкур сафардин аввалроқ муволифат ва мусодиқат изҳори учун келиб, остоңбўслиғ шарафин топиб эрди, анга навозишоти хусравонадин барумандлиғ еткуруб, даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин садоқаттавъом Юсуф маҳрамни қўшуб, ҳибсдаги жамеъ Бухоро усаросин ҳибсдан чиқориб анга топшуруб, зулқаъда ойининг бешида, панжшанба куни Бухоро азиматига рухсат берди.

### **Бекмонбийнинг Марв диёри музофотига турктоз еткургони**

Чун манқит тавойифининг номдор акобиридин давлат ва иқбол мураббийи Бекмонбийким, шужаойи замон аросида мустасно ва ангуштнамо эрди, чобукдаст баҳодирлардин олтмиш чоғлиқ отлиғ била ҳазрати зиллуллоҳийдин рухсат олиб, зулқаъда ойининг йигирма учида сешанба куни соруқ муфсидлариға дастбурд еткурмакни илтизом қилиб, Соғжа қудуки устидин Марв сори озим бўлдилар ва қатъи манозил қилиб, зулҳижжа ойининг еттисида, сешанба куни Марв музофотидин Қаротўпа мавзеъиға ворид бўлғоч, соруқнинг олти отлиғ қоровулиға учраб, бирин қатлға еткуруб, бирин асорат қайдига чекдилар. Тўртови оғир заҳм кўтариб, қочиб, кўлға кириб қутулдилар. Бекмонбий қошидағи баҳодирлар била иттифоқ қилиб, ҳамул мавзеъдин солим ва ғоним қайтиб, мароҳили мутакассира қатъидин сўнг зулҳижжа ойининг еттисида сешанба куни даргоҳи давлатдастгоҳ мулозамати шарафиға фойиз бўлуб, борча ҳамроҳлари била хилоғи фохира инъомидин сарафролиғ топди.

### **Бухородин чаповулчи келиб Шўрахон музофотига дастбурд еткургони**

Чун Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ бовужудиким, мусолаҳа биносиға аҳди мушайяд ва паймони муаккад била эҳтимом ва истеҳком бериб эрди, солур ҳаромиларининг ҳазрат зиллуллоҳийдин аниг олдиға бориб тазаллуми истиғоса қилғони жиҳатидин мусоҳала ваъдасин тузуб, ул ҳаромиларға Бухоро черикидин кўб йиғин қўшуб, Хоразм тавобеъи турктозиға ирсол қилди.

## **Байт:**

Номард ваъдасиға, кўнгул, қилма эътиқод,  
Хотун сўзиға, мард эсанг, қилма эътимод.

Чун чаповулчилар қадами суръат била (428<sup>6</sup>) қатъи масофат қилиб, зулқаъда ойининг йигирма бешида, панжшанба куни Шўрахондин дохил бўлуб, уйшун Аваз юзбошиким, ул ҳаволида қоровул эрди, анинг устига хабарсиз қуюлуб, асирик қайдига муқайяд қилдилар ва навкарларининг аксарин қатлға еткурдилар. Ул атрофдаги ўтунчи ва кўмурчини қатлу ғорат қилиб ва баъзи уйларни талаб, суръати тамом ва истеъжоли молокалом била жодаи ҳазиматға мурожаат маркабин сурдилар. Амири беназир сойибтадбир Муҳаммадамин “рафаъоллоҳу ливоа давлатиҳи”<sup>63</sup> бу хабарни эшитиб, Ҳазорасбдин кўб отлиғ қовғунчи йиборди. Аммо қовғунчилар жаҳди тамом била аъдойи гуризпойни таоқиб қилиб, ета олмай, икки кишиким, муфсидлар гуруҳидин адашиб қолмиш эрди, тутуб келтурдилар.

## **Абдураҳмон қаронинг Бухоро тавобеъи кўмурчисиға дастбурд еткурмаги**

Чун ҳазрат зиллуллоҳий мазкур бўлғон хабари ваҳшатасарни эшитгандин сўнг, бағоят мутаассир бўлуб, изоран ли-л-муфсид жалодатосор ва шиҷоатшиор хизматкордин фитнакли Абдураҳмон юзбошиниким, анга Қаро мерган ҳам дерлар, ўн уч таҳаввурпаст ва тажаллудпайваст баҳодир била дастбурде еткуруб, тил тутмок учун зулҳижжанинг авоситида Бухоро элоти сари ирсол қилди. Маъмурлар фармони лозиму-л-имтинон мужиби била қатъи баводий ва биёбон қилиб, Усти гузариға етиб, ул гузарда тоҷикдин уч кишини тутуб дастгир қилдилар. Аларнинг далолат ва раҳнамолиғи била тоҷикнинг қирға чиққан кўмурчисининг устига қазойи мубрамдек тўкулуб, тўқуз кишини қатлға еткуруб, калласин олдилар ва ўн беш чоғлиқ тева ва ўзга ашё ўлжа қилиб қайтиб, мазкур ойининг йигирма тўқузида, сесанба куни осто ни олий мулозаматига етиб, инъомоти подшоҳона ва навозишоти хусравонадин сарбаландлиғ ва аржумандлиғ топибдурлар.

## **Ҳайдархон ва Мамишхоннинг Рафанақ йўлиға бориб, тоҷик қоровулларин қатли ом қилғони**

Чун кўклония тавойифининг акобири номдор ва аозими ихлосшиорларидин Ҳайдархон ва Мамишхонким, шижаат умурида мустасно ва муборазат русумида ангуштнамо эрдилар, ҳазрати зиллуллоҳийнинг амри олийси мужиби била кўклония баҳодирларидан эллик отлиғ ва Оқдарбандий қуллар навкарларидин ўттуз отлиғ олиб, яна баъзи ўзбакия тойифасидин талабгор йигитлар қўшулуб, юзча отлиғ бўлуб, зулҳижжа ойининг йигирма олтисида, якшанба куни Марв ва Бухоро карвони ва ўзга мутараддид ва раҳгузарилар қасди учун Рафатак йўлиға озим бўлдилар. Бир неча кун тифи мусориъат била қатъи масофат қилиб, Рафатак йўлиға бордилар ва иттифоқо тожикнинг ўттуз нафар қоровулининг устидин балойи ногаҳон янглиғ дохил бўлдилар. Чун қоровуллар баҳодирларни кўргач, бир чукурға қаболиб, тўфангандозлиғ била мудофаа амриға иқдом кўргуздилар. Баҳодирлар даги иттифоқ била атрофидин ғавғои ом, ҳужуми тамом била от солиб, уруша-уруша, охир зўрдастлик била олиб, тиғ қаҳри била йигирма беш кишисин қатлға еткурдилар ва беш кишисин қайди усрға чекиб, барча оту яроғ ва асбобу улоғларин дasti тасарруфлариға олиб, комёб ва шодкомлиғ била мурожаат қилиб, муҳаррам ойининг ўн олтисида, жумъа куни осто ни олийшон мулозамати шарафиға мушарраф бўлуб, илтифоти подшоҳонадин нукуди фаровон инъоми била шоду хандонлиғ (429<sup>a</sup>) топдилар.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, зулҳижжа ойининг ўнида, жумъа куниким, ийди қурбон эрди, сиёдатпаноҳ, нажобатдастгоҳ афзалу-л-умаро жамолу-л-миллати ва-д-дини ва-д-дунйа, асили нажиб Сайид Юсуфхожа нақиб “куллу нафсин зоиқату-л-мавт”<sup>64</sup> шарбати хушгуворин нўш қилиб, сармасти кайфияти ваҳдат бўлди. Етти кундин сўнг, мазкур ойининг ўн еттисида, жумъа кечаси ҳазрат зиллуллоҳий анинг валади амжади Сайид Абдуллоҳожани отаси ўрниға нақобат мансабиға наслб қилиб, инояти хусравона ва марҳамати подшоҳонадин қуёшдек сарафролиғ ва мумтозлиғ еткурди.

### **Тагой мироб ва Раҳматуллоҳ ясовулбошининг Бухоро музофотидин Зандани отлиғ мавзеъға чаповул урғони**

Чун ҳазрат зиллуллохий номдор ва шиҷоатшиор саркардалардин Тағой мироб ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Хожаш маҳрамнинг иниси Яъқуббойни ақоси ўрниға қародошлу ва ямут ва ямролий черики била мазкур ойнинг ўн тўртида, сешанба куни Бухоро мамоликининг туркозиға номзад қилди. Мазкур бўлғон сарҳанглар амри олий мужиби била жидду жаҳд кўргузуб, оз чоғда навкарларидин жамъ қилиб, Чотли бешаси тўшидин дарёни убур қилиб, Бухоро сори озим бўлдилар.

Бир неча кун масофатнавардлик кўргузуб, Бухоро элотидин Зандани мавзеъиға дохил бўлуб, атроф-жавонибидин поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ул ҳаволидағи қазоқия улусидин ғоятсиз тева ва ниҳоятсиз қўю ўзга ашё ва асбобдин кўтара олғанча олиб, ўлжа қилдилар. Ва ҳисобдин зиёдароқ бош кесиб, мурожаат тариқиға азимат якронин сурдилар ва манозили мутакассира қатъидин сўнг боргоҳи гардуништибоҳ мулозамати шарафиға истисъод топиб, навозишоти бекарона ва инъомоти хусравонадин хурсанд ва баруманд бўлдилар.

**Ҳазрат зиллуллохий хилофатдастгоҳийнинг жулуси  
саодатмаънусининг тўртлончи йилининг воқеоти. Ул  
жумладин амири равшанзамир заҳиру-д-давлати ва-д-дин  
Муҳаммадамин иноқ “маддаллоҳу зилола ройатиҳи фи-л-ақтор  
ва-л-оғоқ”<sup>65</sup>нинг Бухоро савбиға мўру малаҳдек сипоҳ  
чекмагининг баёни ва Қарокўл сарҳадотига хароблиғ еткуруб,  
аксар элотин кўчуруб, муовадат кўргузмагининг достони**

Хомаи жалодатнишон саҳифа арсасида бу янглиғ гармжавлон бўлурким, чун ҳазрат зиллуллохий амир Насруллоҳнинг сустпаймонлиғи ва баъзи афъоли қабиҳаларидин бағоят ранжидахотир бўлуб, камоли ҳамиятдин чаповулчиларнинг қилғон ишлариға қонеъ бўлмай, ўзининг биродари дилбанди, саодатпайванди амири мукаррам, сипоҳсолори муazzам, ягонаи аҳли оғоқ Муҳаммадамин иноқ “рафаъоллоҳу таоло ливоа шиҷоатиҳи”<sup>66</sup>ни мамолики маҳрусанинг аксар лашкарияси била Бухоро қасдиға номзад қилди. Ул жаноб фармони саодатмаоб мужиби била сафар асбоби таҳясидин сўнг тарихи ҳижрий минг икки юз олтмиш бирда, мувофиқи лу йили, муҳаррам ойининг ўн бешида куёш чобуксувори далв буржидин жилвагар эрди,

панжшанба куни асьади соот ва аҳсанни авқотда мақсад тариқи азиматиға майл кўргузди.

Ҳазрат зиллуллоҳий дағи мушойид тариқаси ва сайдиродаси била ул жанобға ҳамроҳ бўлуб, моҳи тобон била хуршиди дурахшон бир бурждин толеъ ва ё гавҳари ламъон била лаъли Бадахшон бир дурждин ломеъ бўлғондек доруссалтанаи Хивақ зайданаҳоллоҳу таоло би-л-хойри ва-н-насақдин кавкабай ҳайратафзо била чиқиб, Янгиорик ҳаволиға қудуми давлатлузумлари вусулидин сарафрозлиғ еткурдилар. Тонглasi, жумъа куни андин наҳзат (429<sup>б</sup>) ливосин жилваға киргизуб, дарё канорида Пахлавонбекнинг ўтовиға нузул кўргуздилар. Шанба куни андин кўчуб, дарёдин муз усти била убур этиб, шимолия соҳилда Тўнгузлийтов отлиғ тўғойни мустакарри боргоҳи иқбол ва муаскари асокири нусратмаол қилиб нузул этдилар. Ул манзилда лашкари зафарасар ижтимои учун секиз кун таваққуф воқеъ бўлди. Айёми таваққуфда аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг аксари ҳазрат зиллуллоҳийдин рухсат олиб, Иноқбек хизматида кетарга муҳайё ва омода бўлдилар ва ҳамул секиз кун муддатида вазири аъзам, дастури мукаррам, низому-л-мулки ва-д-дунйа Отамурод күшбеги фармони олий мушкиби била барча лашкар аҳлин сон кўруб, ярамас отлиғни қўйуб, яхши отлиғларни интихоб қилиб, сафар азиматиға тайёр этди.

### Маснавий:

Бўлди муҳайё сипаҳи бешумор,  
На анга ҳад зоҳир ўлуб, на канор.  
Борча мусаллаҳ уруш асбобидин,  
Борча мукаммал юруш асбобидин.  
Ҳар бири аъдоға қирон солғучи,  
Маъракаи разм аро қон солғучи.  
Ҳар бири разм ичра бўлуб номжўй,  
Душмани қатлидин эрур комжўй.  
Ҳар бири гар қилса аён қаҳру кин,  
Рустаму Бахром дегай офарин.  
Бўлмоқ учун қотили аъдо ҳама,  
Бўлди азиматға муҳайё ҳама.

Чун айёми таваққуфнинг тўқузлончи куниним, жумъа эрди, Иноқбек борча умаро ва саркардалар била ҳазрат зиллуллоҳийдин фотиҳа олиб, мазкур манзилдин издиҳоми маҳшарнизом била кўчуб, Сориқамиш отлиғ марҳалани лашкаргоҳ қилиб нузул этди.

Ҳазрат зиллуллохий дағи ҳамул кун ул мавзеъдин кўчуб, Ҳазорасб келиб, андин кўчуб доруссалтанаи Хивақға келиб сарири хилофатда мутамаккин бўлди.

Иноқбек Сориқамиш тўғойида шанба куни таваққуф қилиб, якшанба куни андин аъломи нусратфаржомни жилваға киргузуб, масофат қатъида суръат кўргузуб, Бозаргон бешасиға нузул этди. Душанба куни андин рукуб қилиб, Мешикли тўғойин сипоҳи нусратпаноҳға муаскар қилди. Сешанба куни андин кўчуб, Учўчоқнинг юқорисида Эшак работи отлиғ мавзеъни мустақарри роёти зафароёт қилди. Чахоршанба куни андин наҳзат қилиб, Туфроққалъа отлиғ манзилга нузул қилди. Панжшанба куни андин қадамфарсойи азимат бўлуб, Қизилработнинг ошоқиға шарифи қудуми била сарафролиғ еткурди. Жумъа куни андин наҳзат якронин гармжавлон қилиб, Кўгурдли марҳаласин сипоҳи зафарпаноҳға оромгоҳ этди.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳамул кун Бухородин Хивақ доруссалтanasида ҳазрат зиллуллоҳийнинг мулозаматига Кўчкор мироҳўр отлиғ бир мўътабар кишиси элчилик йўсунида келиб, амир Насруллоҳнинг қилғон афъоли ношойисталаридин нодим ва пушаймон бўлуб, мусоҳала талаб қилиб эътизори тамом ва инкисори молокалом била йиборган маъзиратномасин наввоби давлатинтисоб воситаси била назари уқдаси аъло мутолаасиға еткурди. Тонглasi шанба куниким, сафар ойининг ғурраси эрди, Иноқбек лашкари ферузийасари била Кўгурдлидин ҳаракат кўргузуб, Эшма кумининг ўртасида бир баланд пушта устига тушуб, оромгузин бўлди. Якшанба куни андин ливоафрози наҳзат бўлуб, Чашма отлиғ манзилга файзи нузулидин саршорлиғ еткурди.

Душанба куни андин азимат тавсанин масофат қатъига суруб, Ўкуз илғаси деган мавзеъға тушуб, ҳамул кеча шабгир этиб, тонглasi сешанба куни чоштоҳ Йўлойриттиға тушуб, андак истироҳат қилиб, яна наҳзат кўргузди ва кечроқ Учбош отлиғ манзилға нузул этди. Андин отланиб, ҳамул тун шабгир қилиб, чаҳоршанба куни чошт чоғи Қарокўл мулҳақотидин Оққалъа устига (430<sup>a</sup>) дохил бўлди. Қалъа аҳли қаболиб, тўфангандозлиғ била мудофаа умуриға иқдом кўргуздилар. Бу жиҳатдин Иноқбекнинг оташи қаҳри илтиҳоб топиб, асокири нусратмаосирға қалъаға югурмак рухсатин берди. Дарҳол сипоҳи селасар атрофу жавонибидин ҳужумовар бўлуб, бовужудиким, милтуқ ўқи ёмғирдек ёғар эрди, анга қорамай, тўшлиқ тўшидин девор устидин

ошиб, қалъа ичига кириб, асбобу ашёсин ғорату торож қилиб, барча аъодийни аёлу атфоли била асирик қайдига чекиб, бир лаҳзада қалъа ичин ҳоли хароблиғда гўристон мисоли қилдилар.

Чун ҳамул қалъани фатҳ қилғондин сўнг Иноқбекнинг ижозати била сипоҳи қоҳира ва асокири мутакосира даста-даста ва фавж-фавж бўлуб, ҳар даста ўз амири ва ҳар фавж ўз саркардаси била атрофу жавонибга от суруб, Олот бозоригача поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ҳар гуруҳ бир қалъани қабоб, зўрдастлик била олиб, қатлу уср, наҳбу ғорат умуриға иштиғол кўргуздилар. Аъдо гуруҳининг мутаҳассин бўлғон қалъаларидин Оққалъа ва Хожа қалъаси ва Янгиқалъа ва Қумқалъа бошлиғ йигирма икки қалъасин ярим кун муддатида мусаххар қилдилар ва барча қалъа аҳлин аёлу атфоли била асорат қайдига чекиб, ул янглиғ ғанойими фаровон ва амволи бекаронға мутасарриф бўлдиларким, таърифга содик ва тавсифга мувофиқ келмас эрди.

### **Маснавий:**

Сипоҳ аҳли ҳар сори айлаб шитоб,  
Аъодий қилоъини қилди хароб.  
Қилиб ул сифат ғорату қатлу кин –  
Ки, ҳайратға қолиб сипехри барин.  
Асири айлабон аҳлу атфолини,  
Толаб жумла асбобу амволини.  
Олиб, қўймай эски палосиғача,  
Палоси демай бўрёсиғача.

Чун яқин эрдиким, икки кун ва ё уч кун ичра жамеъи Қарокўл ва Бухоро билодининг аксари мафтуҳ ва мусаххар бўлуб, дasti тасарруғиға киргай. Аммо ҳамул кун ҳазрат зиллуллоҳийнинг муборак ёрлиғи етушти, бу мазмун билаким: “Биродари аржуманд нусратпайвандимизға ёрлиғи олий кўргач, улким амир Насруллоҳ ношойиста афъол ва нобойиста аъмолидин нодим ва пушаймон бўлуб, инкисори тамом ва эътизори молокалом била маъзиратнома бериб, сулҳ ва ошти талаб қилиб элчи йиборубдур.

Эмди аниғ қаламравиға чаповул тундбодин еткурмак ва татовул селобасин сурмак ҳамият шартидин йироқ ва мамлакатдорлиғ қоидасидин узоқ кўрунур. Ройи жаҳоноройи иқтизоси улким, мавкиби кайҳонпўй сайри қайси мавзеъға етган бўлса, ҳамул мавзеъдин илгари ўтмай, бетаваққуф ва беэҳтимом мурожаат тариқига истеъжол маркабин сурсун”.

Чун Инокбек ёрлиғи жаҳонматоъ мазмуни ҳумоюнидин иттилоъ топғач, атрофу жавонибдағи чаповулчи оломонни қайтариб, ливойи нусратхаво күллагасига келтуруб, ҳамул кеча Оққалъанинг ғарбий жонибин мухаййами хиёми иқбол ва муаскари сипоҳи зафариштимол қилиб, истироҳат кўргузди. Тонгласиким, панжшанба куни эрди, барча асир ва дастгири бўлғон элотни Хоразм музофотиға кўчурди ва ўзи дағи ҳамул манзилдин кўчуб, музaffer ва мансур, солим ва ғоним муовадат қилиб, Учбош отлиғ мавзеъға нузул этди. Андин кеча шабгир этиб, жумъа куни чоштгоҳ Ўкуз илғасига тушди ва бир соатдин сўнг отланиб, Чашма бошиға тушуб, ҳамул оқшом оромгузин бўлди. Тонгласи, шанба куни Ишмага тушуб, жалодатшиор ва садоқатосор мулозимлардин Муҳаммадниёз халифа ва Муҳаммадгул ва ямут Назарвакил ва Бердикбекни солим ва ғоним мурожаат қилғон хабарининг эъломи учун ҳазрати зиллуллоҳийнинг остони олийси мулозаматиға ирсол қилди.

Якшанба куни Кўгурдли марҳаласига ворид бўлди. Душанба куни андин наҳзат (430<sup>6</sup>) кўргузуб, тўрт кун қатъи манозил ва тайи мароҳил қилиб, панжшанба куни Тўнглукли маъбариға нузул этди ва жумъа куни дарёдин убур этиб, Ҳазорасб қалъасига файзи нузулидин шодоблиғ еткурди. Шанба куни андин озим бўлуб, Янгиориқ ҳаволини шарафи қудумидин сарбаланд қилди ва сафар ойининг ўн олтисида якшанба куни Янгиориқдин рукуб қилиб, кавкабай воло била масофат қатъиға юз қўйди ва йўл асносида уламойи изом ва умаройи киром ва олиймакон шахзодалар ва гардунтавон озодалар истиқболга чиқиб, ул жанобнинг мусофаҳа ва муъонақаси шарафиға мушарраф бўлдилар.

Ҳамул кун дорулхилоғаи Хивақ “зайанаҳоллоҳу таоло би-ладли ва-н-насақ”<sup>67</sup>ға ворид бўлуб, ақоси ҳазрат зиллуллоҳийнинг давлати дийдориға мушарраф бўлуб, навозишоти бениҳоя ва мулотифоти билоғояи хусравонадин комёблиғ ва шодкомлиғ топди. Ҳазрат зиллуллоҳий карами зоти муқтазосидин Инокбекка ҳамул сафарда рафоқат ва ҳамроҳлиғ кўргузган борча умаро ва кубаро ва сарҳанглар ва сипаҳдорларға, балки жамеъи маорифи лашкарияға хаййотхонаи эҳсон ва хазинаи инъомидин хилоғи зардор ва ханжари гавҳарнигор, тўпчоқ отлар ва тиллобоғ фўталар ва панжа-панжа зарлар ва этак-этак гавҳарлар бахшиши ва резишидин аҳли оғоқ аросида қуёш янглиғ мумтозлиғ ва сарафрозлиғлар еткуруб, дунёдин мустагний қилди. Фақирким, бу хуруфи саодатвукуф

роқимиман, ул мавридда бу рубоийни назм қилиб, ҳазрат зиллуллоҳийнинг хизматиға элтиб, марҳамати шоҳонадин баҳраманд бўлуб эрдим.

### Рубоий:

Бар ҳарби адув гарчи сипаҳ кўшиданد,  
Бо ғайрату бо муборазат жўшиданд.  
Ман ҳам назадам тифи дуо кам, ажабаст,  
Ман мондау жумла жомаҳо пўшиданд<sup>68</sup>.

Ул ҳазратдин Иноқбекнинг мулозаматида сафар азиматин қилмоқға рухсат тилаб эрдим, ул ҳазрат ижозат бермай, мундоғ меҳрибонлиғ кўргуздиким, фароғат ўлтуруб дуо бирла кўмак бергилким, ул ўзга кўмакдин афзал ва акмалдур. Бу рубоийнинг ул сўзга дахли бордур ва ҳамул мавридда бир қасида ва бир таърих назм силкига чекиб эрдим, бу ерда таҳрир қилмоқ муносиб кўрунди.

### Қасида:

Муждаким, сарвари замон келди,  
Солиб аъдо аро қирон, келди.  
Яъни, эй дил, Иноқбек замон,  
Фатҳу нусратға ҳамъинон келди.  
Борибон ғунчадек, бўлуб дилжамъ,  
Очилиб мисли гулистон келди.  
Комжўлиғ била сурубabraш  
Комёб ўлди, комрон келди.  
Келмаги мулкка бериб зеб,  
Ул сифатким, баданга жон келди.  
Ком олиб қатлу наҳбу ғоратдин,  
Юртға атф этиб инон келди.  
Шахру сахро қудуми файзидин  
Ғайрати равзай жинон келди.  
Давлату баҳт анга мулозим ўлуб,  
Бандаи хоки остон келди.  
Қадри хуршиддин бўлуб олий,  
Чарх анга бир камин макон келди.  
Шарафи зот ила жаҳон ичида,  
Мужиби фахри инсу жон келди.  
Рустаму Сом анинг масофида,  
Ожизу зору хастажон келди.  
Зару гуҳар жаҳонга сочмокда,

Кафи эҳсони баҳру кон келди.  
Илтифот айлабон ниҳоятсиз,  
Сипаҳ аҳлиға меҳрибон келди.  
Тифи қаҳри набард арсасида,  
Хайли аъдоға хунфишон келди.  
Душману дўстға синони учи  
Руҳафзо-у жонситон келди.  
Садмату ҳайбати ҳаросидин,  
Музтариб етти осмон келди.  
Солибон қаҳр ила Бухороға,  
Шўру ошуб қўзғолон келди.  
Ҳазрати шоҳ амри бирла бориб,  
Бўлубон асру шодмон келди.  
Борча ашрор ила инод элга  
Айлабон зўрдаст аён келди.  
“Уқтулу-л-музийот”<sup>69</sup> амрини  
Жорий айлаб зафарнишон келди. (431<sup>a</sup>)  
Лашкари беҳисоб бирла бориб,  
Топибон обрў, амон келди.  
Чиқа олмай амир қалъасидин,  
Ҳарбиға асру нотавон келди.  
Үйлаким, шерни кўруб тулку,  
Инидин чиқмайин ниҳон келди.  
Борча элотиға чаповул уруб,  
Айлабон они имтиҳон, келди.  
Солибон кишварига вайронлиғ,  
Кўймай осор, ободон келди.  
Кўргузуб зўрдаст тожикка,  
Чиқориб жойидин фифон, келди.  
Оломон қаҳридин кўби анинг,  
Тортиб афғону-л-амон келди.  
Айлабон неча шаҳру сахросин,  
Толоб аъдоға хонумон, келди.  
Ўлжа айлаб аёлу атфолин,  
Қилиб асру чифон-биғон келди.  
Сифмайин арсаи биёбонға,  
Ҳаддин афзун қизу жувон келди.  
Водийу дашт аро узилмай изи,  
Кўкда ондоқки, каҳкашон келди.

Гайрат айлаб тамоми лашкар.  
Ботибон ўлжаға равон келди.  
Мулкини сарбасар хароб айлаб,  
Молиға еткуруб толон, келди.  
Зарни айлаб табақ-табақ тақсим.  
Суд топдийу беziён келди.  
Ер юзини тутуб қаро киздек,  
Молу ашёси бекарон келди.  
Васф, ушбу сафарни, қилмоқда  
Лол шеър аҳлиға забон келди.  
Огахий, сен ҳам айла фикринг, бас,  
Табъинг ар неча хурдадон келди.  
Сўзни хатм айлагил дуо бирла –  
Ки, дуо зийнати лисон келди.  
Ё раб, эт шоҳ давлатини баланд,  
Токи даврону осмон келди.  
Кишварини васеъу обод эт,  
Токи обод бу жаҳон келди.  
Хасмини хайлиға забун айла,  
То жаҳон аҳлидин нишон келди.  
Ва ул таърих будурким, мастур бўлур.

#### Таърих:

Муждаки, Иноқбек жамжоҳ,  
Мансуру зафармаоб гардид.  
Озими ба вилояти Бухоро,  
Богайрату бошитоб гардид.  
Гарди сипаҳаш ба руйи хуршид,  
Чун абри сияҳ ҳижоб гардид.  
Зухра ба жамеъи аҳли аъдо  
Аз бийми шукуҳаш об гардид.  
Багирифта тамоми қалъаҳояш,  
Хушдил шуда комёб гардид.  
Банди шуда кони аҳли афсад,  
Бирун зуҳду ҳисоб гардид.  
Мажмуъи мавотини адувҳо,  
Манкуб шуда туроб гардид.  
Огоҳий хаёл кард таърих,  
Фикраш че ажаб савоб гардид.  
Гуфта ба иборати муносиб:

“Мулки адувон хароб гардид”<sup>70</sup>.

Бу таърих бағоят хўб ва муносиб топилди. Аммо, ададда бир зиёдадур. Ва ҳамул мавридда буғина рубоий ҳам манзум бўлуб эрди.

### **Рубоий:**

Эй тожик, ўзинг бил эмди ҳолингни,  
Тавба қилибон туз айла афъолингни.  
Йўқ эрса бориб яна сипоҳи мансур,  
Мундин тебратгусидур ахволингни.

### **Баъзи воқеот зикриким, амири беназир Муҳаммадамин иноқ маддаллоҳу зилола давлатиҳи ало рашси аҳли-л-офок Қарокўл сафаридин келгондин сўнг вуқуъга етти**

Ул жумладин улким, ҳазрат зиллуллоҳий салтанатпаноҳий сафар ойининг йигирма секизида, панжшанба куни Бухоро элчиси Кўчкорбек мироҳўрға осто ни фалакошиён мулозимларидин садоқатинтибоҳ Раҳматуллоҳ Қоракўзни элчилик тариқаси била қўшуб рухсат берди ва бу мазмун била мактуби ҳумоюн топшурдиким: “Амир Насруллоҳнинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб боришмоқ ва келишмак бўлса, бизнинг ҳам хоҳишимиз улдур ва агар ғарази савош ва талош бўлса, муҳораба майдонига чиқсанким, биз ҳам ул амрга муҳайё ва омодадурмиз. Ва бу икки ишнинг қайсини ихтиёр қиласа, ул ишга бел боғласинким, иккиси ҳам бизнинг мақсадимиздур”.

Бу сўз била элчиларни Бухоро вилоятига ирсол қилдиким, яна улким, рабеъу-л-аввал ойининг тўртида, сешанба куни Охал такасининг лусус ва ҳаромиларидин ўн секиз отлиғ иттифоқ била қароқчилай келиб, мамолики маҳрусанинг қумда юрган ўтунчи ва кўмурчиларидин уч кишини ўлтуруб, йигирма икки кишини асир қилиб ва кўб тевани дasti тасарруфлариға олиб, фирорий бўлдилар. Бу воқеъа хабари ҳазрат зиллуллоҳийнинг самъи ҳумоюниға етишгач, жалолатпаноҳ, шиҷоатдастгоҳ баҳодирлардин Бекмонбий ва Муҳаммадамин юзбоши ва Бегимжонибек ва Одинабой оталиқни олтмиш отлиғ таҳаввурнишон йигит била ҳаромилар ақабидин қовмоқға номзад қилди.

Маъмур бўлғон баҳодирлар фармони давлатнишон мужиби била ҳамул кеча, яъни, чаҳоршанба кечаси (431<sup>6</sup>) илғор қилиб, суръати тамом била ўн манзиллик йўл юргандин сўнг, аксар

оломоннинг оти ярамай изда қолиб, ўн беш ва йигирма чоғлиқ отлиғ қароқчиларнинг изидин етиб, субҳи содиқ нишон кўргузган ҳангомда ғавғойи ом била устига қуйулуб, етти кишисин тиғ дамидин ўткардилар. Ва бирорин занжири уқубат била муқайяд қилдилар ва ўзгаси жон ҳавлидин ҳар тарафга қочиб, фирор ва дастёрлиги била оломоннинг тифи интиқомидин кутулдилар, Баҳодирлар қароқчиларнинг секиз от ва ўзга асбобу яроғларин ўлжа қилиб ва асир бўлуб тушган кўмурчиларни барча тевалари била омон-эсон олиб қайтиб, мазкур ойнинг ўн иккисида, сешанба куни атабаи аъло мулозаматига етиб, сарупойи шоҳона ва навозиши хусравонадин сарафролиғ топдилар.

**Ҳазрат зиллуллоҳийнинг сахро тафарружи ва сайр иродаси  
била рукуб қилғони ва тамошо сайқали била замири кўзгусига  
жило еткуруб, мустақарри салтанатга келгони**

Чун ҳазрат зиллуллоҳий мамолики маҳруса фуқаросининг зуафову ажаза ва етиму беваларининг арзи ҳолиға етмак ва шафқати хусравонадин ул жамоанинг хотири ҳазинларин хуш ва хуррам этмак учун сахро тафарружи ва шикор тамошоси баҳонаси била мазкур ойнинг, яъни рабеъу-л-аввалнинг ўн тўртида, панжшанба куни хulosai сипоҳ била доруссалтанаи Хивақ ҳарасаҳаллоҳу таоло ан оғати-л-ҳарақи ва-л-ғаракдин рукуб қилиб, Шоҳобод ҳаволининг зирваи ифтихорин давлати нузулидин фалаки давворға ҳамсар қилди. Жумъа куни Шоҳободдин ашҳаби гардунвашга рукуб қилиб, Тошҳовуз ҳаволигаким, файзу назоҳатда ғайрати қусури жинон эрди, нузули шарофатнишони била таровати тоза ва назорати беандоза еткурди. Шанба куни андин фуқаро ва ажаза арзи аҳволин эшитмакдин фориғ бўлғондин сўнг отланиб, шукухи тамом била Қиличиёзбой мавзеъидаги работи лозиму-л-инбисотға ташрифи хузур, вофири-с-сурур элтиб, муфаххари манозил қилди. Анда айшу ишрат асбобин мухайё қилдуруб, барча муфарриҳот ва музҳикот тамошосидин баҳраёб ва тарабмаоб бўлди.

Тонгласи, якшанба куни андин дабдабай шоҳона била наҳзат қилиб, Пурси мазеъидаким, боргоҳи сипехриштибоҳ барпо бўлуб, қуббаи осмонфарсоси қиммаи меҳру моҳдин ўтмиш эрди, нузули ижмол кўргузуб, аврангнишини маснади иқбол бўлди. Душанба куни андин рукуб қилиб, сайдандозлиғ иродаси била Йилон

қирининг ошоқида дарё каноридағи тұғайға давлат тавсанин суруб, қүш солиб, сайдафканлиғ умурига иштиғол күргузди.

### **Маснавий:**

Күш солиб Хусрави Скандаршон,  
Сайд асноғи ичра солди қирон.  
Хар қуши барқдек ҳавоға учуб,  
Тушуруб сайдини ер узра қучуб.  
Ерда ҳам ногағон күрунса шикор,  
Сайд этиб чустлик қилиб изҳор.  
Күшни солмоқда хат ададдин күб,  
Овни олмоқда баҳра ҳаддин күб.  
Топибон хусрави жаҳоноро,  
Кўнглининг кўзгусига берди жило.

Чун ул ҳазрат ҳамул кун кечгача шикорандозлиғ маросимиға қиём күргузуб, ўрдуйи аъло ва боргоҳи муаллоғоким, ҳамул түғой ичида, дарё қироғида барпо ва муҳайё қилилиб эрди, нузули ижлол күргузуб, иқбол маснадида истироҳат қилди. Ва тонгласи, сешанба куни ҳамул мавзеъда яна сайдандозлиғ умуриға иштиғол күргузуб, пешин чоғи шикоргоҳдин мурожаат қилиб, яна Пурси мавзеъиға (432<sup>a</sup>) келиб нузул этди. Ва андин чаҳоршанба куни савлати тамом била наҳзат күргузуб, дашту сахро ажойиботин тамошо қилиб, Қаройулғун мавзеъидағи боғи беҳиштнишониға нузули саодатшумул файзидин назорати фаровон бағишлиди.

Ва панжшанба куни андин якрони азиматни масофат қатъиға суруб, Кўхна Урганждағи ҳавлиғаким, рифъат ва фалак ҳисори зирвасиға сояфкан ва назоҳатда беҳишт гулзори фазосиға таъназан эрди, қудуми майманатлузум мисосидин сарбаландлиғ ва аржумандлиғ еткурди. Ва ул макони беҳжатнишонда икки кеча аврангпиройи истироҳат ва қадаҳпаймойи базму ишрат бўлуб, шанба куни фуқаро ва раоё ва ажаза ва ажузанинг арзи аҳволи истифсори итмомидин сўнг издиҳоми тамом ва кавкабай давлатилтизом била рукуб қилиб, “ман зора-л-мақобира катабаллоҳу таъоло ликулли қадамин ибодатан санатин”<sup>71</sup> ҳадисининг фаҳвоси била султону-л-комилин, бурҳону-л-восилин, зубдату-л-авлиё, умдату-л-атқиё, ҳазрат шайху-ш-шуйух Нажмиддин ал-Кубро алайҳи-т-тахийяти ва-с-санонинг мақбараи мутабаррикалари зиёрати шарафиға мушарраф бўлуб, руҳи пурфутухларидин истимдоди ҳиммат қилди. Ва остонаи қудсий ошёналарининг мужовир ва жорубкашларин нузуроти фаровон ва

садақоти бекарон била хурсанд ва баруманд қилиб, муовадат кўргузди ва аср ҳангомигача масофат қатъиға суръат маркабин суруб, Оқтўпа мавзеъидағи чорбоғға нузул этиб, файзи кудумидин назоҳатҳамдам, балки рашки гулзори Эрам қилди. Якшанба куни андин ҳаракат қилиб, Ҳилолий мавзеъидағи ҳисори олийға тушуб, шарафи вусулидин анинг буружи мубоҳотин зирваи самовотдин ошурди.

Ва душанба куни андин шавкати хусравона ва савлати мулукона била отланиб, қутби фалаки азamat, маркази доираи ҳақиқат, муқарраби боргоҳи мулки вадуд ҳазрат исми Маҳмуд ота наввараллоҳу марқадаҳунинг жавори файзосоридағи работи олийсиға нузули ижоли юмнидин сарафrozлиғ еткурди. Ва тонглasi ул ҳазратнинг осто尼 малойикпосбони зиёратига истиъод топиб, арвоҳи тоййибаларидин футухи тамом ҳосил қилиб, мурожаат кўргузди. Ва йўл асносида от чоптуруб, оти ўтган сайисларға панжай инъомидин баҳрамандлиғ еткуруб, отчопар тамошосидин маромича ком олғондин сўнг инони азиматин масофат қатъиға маътуф этиб, хуфтон чоғи дорулхилоғаи Хивак “сонаҳоллоҳу таоло ани-л-ҳарақи ва-л-гарақ”ға ворид бўлуб, сарири салтанатға нузул этиб, оромгузин бўлди ва файзи ҳузуридин шаҳар суккониға суур узра суур ва сур узра сур еткурди.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, рабеъу-с-соний ойининг тўққузида, чаҳоршанба куни Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг талаби мусолаҳа қилиб, ул маъни таъкиди учун Раҳматуллоҳ Қарокўзга кўшғон икки элчисиким, Порсохўжа Ўрок ва Кўчқорбек амироҳур эрдилар, уч юз тевалиғ карвон била келиб, амирнинг сулҳ ва мувосо талаби била йиборган ихлосномасин даргоҳи фалакишибоҳ мулозимларининг воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурдилар. Ул ҳазрат дағи амирнинг қилғон илтимосин камоли софийтийнат ва сафойи тавиятдин мабзул тутуб, Хоразми эрамбазм карвониға Бухоро азимати учун рухсат берди ва жумодийу-л-аввал ойининг иккilonчи куниким, панжшанба эрди, амирнинг элчилариға мусолаҳа биноси истехқомининг эҳтимоми ва таъкиди учун рафеъмакон Раҳмонберди охунд била садоқатнишон Раҳматуллоҳ Қарокўзни масхуб қилиб, Бухоро сори ирсол қилди.

### **Ҳазрат зиллуллоҳийнинг қароқалпоқия лашкарин сон олмок учун Чотли бешаси савбиға отланмоқи ва ул жамоа (432<sup>6</sup>)**

## **саналғондин сўнг шоҳ арноси қочусин боғлатиб, дорулхилофа сори ёнмоқи**

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, фармони вожибу-л-изъон м униби била қароқалпоқия черики Чотли тўғойиға келиб ижтимоъ топмиш эрди. Ул тоифани санаб, от ва яргин тамошо қилмок учун ҳазрат зиллуллоҳий салтанатпаноҳий жумодийу-л-аввал ойининг ўн бешида, сешанба куни доруссалтанаи Хивақ зайданаҳоллоҳу таоло би-н-низоми ва-н-насақдин умаройи изом ва сипоҳи маҳшариздиҳом била рукуб қилиб, Янгиорик ҳавлиға нузул этди. Ва тонгласи, чаҳоршанба куни андин наҳзат кўргузуб, Пахлавонбекнинг ўтовиға, дарё канорида боргоҳи сипехриштибоҳ ва сародиқоти вусъатдастгоҳни барпо қилдуруб, шарафи нузули била сарбаландлиғ еткурди.

Ва анда икки кун мутаваққиф бўлуб, жумъа куни андин кўчуб, Чотли тўғойиға нузул этди. Ва анда олти кун бўлиб, қароқалпоқия черикин санаб, назари кимёасар пешгоҳидин ўткарди. Ва еттилончи куниким, панҷшанба эрди, ул мавзеъдин кўчуб, мурожаат қилиб, Шоҳобод арносининг қочусин боғлатмоқ учун Хонқоҳ балдасининг юқорироқ тарафигаким, қочу ҳамул тўшда эрди, боргоҳи сипехрмисолни барпой қилдуруб, нузули ижлол кўргузди. Ва ҳар кун ҳилолсуват завракларға аркони давлат била миниб, қочу бошиға ташрифи ҳузур элтиб, вирдандозлиғ тамошосиға иштиғол кўргуздилар. Ва ул ҳол асносида сорук муфсидларининг авбошларидин бир оз отлиғ иттифоқ била келиб, Ноймон аёқидин чопиб, уч-тўрт кишини ўлтуруб, уч-тўрт бола ва чоғани асир қилиб олиб кетган хабари мавқифи арзға етушди.

Ул ҳазрат дарҳол рикоби давлатиштимол мулозаматидағи аксар сипоҳи нусратмаолни муфсидлар таоқибиға ирсол қилди. Маъмурлар фармони лозиму-л-имтинон м униби била уч кунғача суръат якронин гармжавлон қилиб муфсидлар изидин ета олмай қайтдилар. Ҳазрат зиллуллоҳий тўқуз кун муддатида қочуни боғлатиб, жумоду-с-соний ойининг учидаги сешанба куни мурожаат қилиб, дорулхилофаи Хивақға келиб, маснадхилофат ва оромгузин бўлди. Ҳамул кун амири равшанзамир азду-д-давлати ва-д-дин Мухаммадамин иноқ маддаллоҳу таоло зилола жалолихи ало мафорики аҳли-л-офоқға Тенгри таборак ва таоло бир фарзанди аржуманди саодатманд ато қилди. Ва ул нури ҳадақи камол Арслон Маҳмуд тўрага мавсум бўлди, “анбатаҳуллоҳу наботан

ҳасанан”<sup>72</sup>. Ражаб ойининг ўнида, душанба куни Раҳмонберди охунд била Раҳматуллоҳ Қоракўз, Олимхўжа ва Ҳусайнхонбий деган амир Насруллоҳнинг қўшуб йиборган элчилари келиб, наввоби олийшон воситаси била осто尼 фалакошиён жабҳасоликиға етиб, амирнинг дўстлиғ ва яқжихатлигин изҳор қилдилар.

Мазкур ойининг йигирма учида, якшанба куни ҳазрат хони мағфур ва хону хоқони мабур Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон равваҳаллоҳу руҳаҳу мин риyoҳи-л-жиноннинг халафи аршади Сайид Асад тўра “иржесъий ило роббик розийатан марзийя”<sup>73</sup> нидосин сомеъи изъон била эшишиб, жаннат риёзиға озим бўлди. Ва синни шарифи ўн секизга етиб эрди.

#### Назм:

Дариғоки, даврони ноошно,  
Сурар ҳар нафас элга тифи жафо.  
Чекар teng жафосини пиру жавон,  
Кутулмас гадоу шаҳ андин омон.

Ва шаъбон ойининг ўн тўртида, якшанба куни ҳазрат зиллуллоҳий Бухоро элчилариға Раҳмонберди охундни қўшуб, яқжихатлик биносининг истеҳкоми учун Бухоро (433<sup>a</sup>) савбиға ирсол қилди. Мазкур ойининг йигирма бешида, панжшанба куни амири кабир Фозилбек марҳумийнинг халафи аршад ва валади амҷади Муҳаммад Юсуфбек ажал соқийси илгидин “куллу нафсин зоиқоту-л-мавт”<sup>74</sup> соғарин ложуръа сипқориб, “валлоҳу йадъу ило дори-с-салом”<sup>75</sup> ишратхонасиға озим бўлди.

#### Назм:

Оҳким, даврони чархи бемадор,  
Даҳр элига зулм айлаб ошкор.  
Рутбау жоҳиға боқмай оқибат,  
Солғуси туфроқ тубига хору зор.

### Марв муфсидларининг Хоразм сори чаповулға келгони ва аксарининг жамшидия лашкарининг тиғи интиқомидин кирилғони

Бу мақола табийини улдурким, чун соруқ муфсидларидин уч юз чоғлиғ отлиғ иттифоқ била Хивақ музофотининг чаповули учун Марв диёридин озим бўлуб, шаввол ойининг йигирма олтисида чаҳоршанба кечаси Оқёғ қаряси аёқидин дохил бўлуб, бир

кишини қатлға еткуруб, икки ёш ўғлонни олиб, ўзга ҳеч иш қилолмай, камоли хавфдин истеъжоли тамом била фирорий бўлдилар. Бу воқеъа хабари масомеъи жоху жалолға етушуб, фармони лозиму-л-имтисол муддатини била жамшидия навкариким, муҳайё ва омода бўлуб, бир воқеъа вуқуъиға мунтазир эрдилар, чаҳоршанба куни муфсидлар ақабидин таоқиб қилиб, суръати тамом била беш манзиллик масофат қатъ этиб, Хон қудуқиға етган ҳолда ахли фасоднинг изидин этиб, уруш солдилар ва кўб муддат савош ва талош русумиға қиём ва иқдом кўргузуб, бовужудиким ададда юз йигирма отлиғдин зиёда эрмас эрдилар, анингдек кўб лашкарга муқобил бўлуб, бозуи шиҷоат қуввати била шикаст бериб, кўб кишини қатлға еткуруб, кўб от ва яроғ ўлжа қилдилар. Ва яна таоқиб қилурға отлари кўб чопилғон жиҳатидин ярамай, мундок зафарға даст топғонлариға нишона учун ахли фасоднинг жасади палидидин ўн-ўн беш бош кесиб, мурожаат қилдилар.

Зулқаъда ойининг ғуррасида, шанба куни атабаи аъло мулозаматиға этиб, ахли фасоддин кесган бошларин тушурган отларидин йигирма беш от била даргоҳи давлатпаноҳ саркардаларининг назари анварлариға маъruz қилиб, мароҳими хусравонаға машмул бўлуб, тиллобоғ хильъатлар ва жавоҳирғилоф пичоқлар ва этак-этак сийму зар инъомидин хосу авом аросида қуёш янглиғ сарафrozлиғ топдилар.

### **Хожа Ниёзбий ва Бекмонбийнинг қазоқия саркашларининг устиға чаповул якронин сургони ва шиҷоат тундбодидин хирмани жамъиятларин тафриқа ҳавосиға совурғони**

Қалами жалодатшиор мундок воқеъанигорлиғ қилурким, чун Хожа Ниёзбий хони мағбурнинг фармони лозиму-л-изъони муддатини била кўб йилдин бери Даҳти Қипчоқ худудида Қавонг дарёсининг қибласи ва Мойли ўзак нахрининг орқа канорида қалъа бино қилиб, қазоқия элотиға ҳукумат сурар эрди. Ва бир оз муддатдин бери Тошканд ҳокими Давронбий ва Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ Хўқанд вилоятининг подшоҳиға инод ва саркашлик кўргузуб, Бухоро волийси амир Насруллоҳфа мутобаат ва фармонбардорлиғ қилмиш эрдилар. Ул икови иттифоқ била кўб лашкар йиғноб, Хожа Ниёзбийнинг устиға келиб, қалъасин қабодилар ва бир неча кундин сўнг Хожа Ниёзбий қалъасидин чиқиб қочиб келди. Мундин сўнг ҳазрат зиллуллоҳий анга ва даргоҳи олий мулозимларидин

Мұхаммадаминбекни күб лашкар била (433<sup>6</sup>) Жонкантга олам халқининг устига йиборди. Токим, ул ҳаволида бир қалъа солиб, ул әлга нигаҳбонлиғ қылғойлар. Олар фармони лозиму-л-изъон мүжиби била бориб, Жонкантнинг кунчиқарида Сир дарёсининг канори ва Жилвон нахрининг яқосида бир қалъа бино қилдилар. Ва Хожа Ниёзбий Мұхаммадаминбекни бир оз йиғин била ул қалъа муҳофазоти учун қўйуб, ўзи яхши отлиғлар била ўзининг қалъаси устиға бориб, Давронбийнинг қўйғон кишиларин бир неча кун қобоб, урушти. Бу аҳвол хилолида қазоқия тавойифидин Жонхожа отлиғ бирор ҳазрат зиллуллоҳийнинг риқбай итоатидин рақабай убудийятни ўзига ёр қилиб, Оқуйрак Оқчаторов деган ердин издиҳоми тамом била Мұхаммадаминбекнинг устига келди. Мұхаммадаминбек анга тоқати муқовамат келтура олмай, қалъани ташлаб, Хивақ сори муовадат қилди. Бу хабарни эшитгач, Хожа Ниёзбий дағи қалъа муҳосарасин тарк тутуб, ул ҳаволидағи элотни кўчуруб, Товқаро мавзеъиға келди.

Чун бу хабари ваҳшатасар ҳазрат зиллуллоҳийнинг самъи ҳумоюниға етгач, умаройи шиҷоатшиордин Бекмөнбийни күб йиғин била номзад қилди. Токим, Хожа Ниёзбий била бориб, Жонхожа бошлиғ қазоқия саркашлариға танбехи азим ва гўшмоли балиғ еткургайлар.

Чун Бекмөнбий фармони қазожараён мүжиби била шаъбон ойининг йигирма иккисида, душанба куни мақсад жонибиға озим бўлуб, манозили мутакассира қатъидин сўнг Товқарода Хожа Ниёзбийнинг ёниға борди ва они ўзига ҳамроҳ қилиб, Тўбот йўлидин суръати тамом била азимат кўргузуб, мароҳили мутанаввиҳа қатъидин сўнг Сир дарёсининг канориға етиб нузул этдилар. Ва ҳамул дарёning қибласида бир оз лашкар била ажмол ва аскол ва кўшларин қўйуб, ўзлари яхши отлиғдин тўрт юз нафарни олиб, Сир дарёсининг Учурғи деган маъбаридин убур қилиб, суръати тамом била илғоб, Оқуйрак Оқчаторовга еттилар. Аммо Жонхожа оломоннинг аниңг қасдиға мутаважжих бўлғонин эшитиб, истеъжоли тамом била фирорий бўлмиш эрди. Бийлар ул мавзеъда Жонхожанинг баъзи акрабо ва қариндошларин топиб, тифи қаҳр зарби била қатлға еткуруб, ул ерда тавакқуф ва эҳмол қилмай, Жонхожанинг ақабидин истеъжоли тамом била илғор қилдилар. Ва бир неча кун манозили фаровон ва баводийи бекаронни қатъ қилиб, Бўзбел ва Қаротўпа отлиғ мавзеъға еттилар. Ва ул ерда эшиттиларким, Жонхожа ўрус юриға бориб

кирмишдур, ложарам, ул атроф ва жавонибдағи Жонхожаға мухолафатда муттағиқ бўлғон қазоқия элатининг аҳшомиға чаповул уруб, аҳли иноддин ниҳоятсиз кишини тифи интиқом била ўлтуруб, борча амвол ва мавошийсин, асбоб ва ҳавошийсин ўлжа қилиб, ғоятсиз улусни асирик қайдиға муқайяд қилиб, оғир ўлжа била музaffer ва мансур, хушвақт ва масрур муовадат кўргуздилар. Ва бир неча кун ойини суръат била қатъи масофат қилиб, Сир дарёсининг соҳилиға еттилар. Ва Хонўтгали отлиғ гузардин убур қилиб, Хоразми жаннатбазм сори фараҳи тамом, башотати молокалом била озим бўлдилар. Ва бир неча кун қатъи мароҳил қилиб, зулхижжа ойининг ғуррасида, якшанба куни остони олийшон мулозамати шарафиға мушарраф бўлуб, навозишоти хусравонадин аржумандлиғ ва сарупойи шоҳонадин сарбаландлиғ топдилар.

Маълум бўлсунким, (434<sup>a</sup>) ҳамул сафарда сипоҳи нусратпаноҳға ул микдор амвол ғанимат тушдиким, аксар лашкарияning минг тиллолиғ ва икки минг тиллолиғ ўлжаси бор эрди. Ва юз тилло ва икки юз тиллолиғ мол ўлжа қилмағон киши камдур.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, зулқаъда ойининг ўн учидаги, панжшанба куни амир Насруллоҳнинг Раҳмонберди охундға қўшуб йиборган элчиси Мирзо Хонхожа келиб, даргоҳи фалакишибоҳ мулозимларининг воситаси била борёби ҳузур бўлуб, амирнинг йиборган муҳаббатномасин назари анвар мутолаасиға еткурди.

### **Бегиш халифанинг соруқ муфсидлари қароқчиларин тифи интиқом била қатлиом қилғони**

Бу воқеъа ондоқдурким, чун соруқ ва така тавоийифи боғийларидин йигирма тўрт отлиғ авбош ва ҳаромиси иттифоқ била Марв вилоятидин чиқиб, Хивақ музофоти савбиға азимат маркабин суруб, зулхижжа ойининг секизида якшанба туни Ҳазорасб тавобеъидин Шаршоли аёқидин дохил бўлуб, ҳеч иш қилолмай, бир ёш ўғлонни топиб олиб, суръати тамом била фирорий бўлдилар. Бегиш халифа ва Дўстниёз юзбошиким, Хоразм ултурумли така ва алиэли лашкариясининг саркардаси эрдилар ва ўз навкарлари била Найман аёқида қоровул бўлуб, мундок воқеъа вукуъиға мунтазир эрдилар. Чун бу хабарни эшитдилар, истеъжоли тамом била

қарокчиларнинг изидин қовуб, ўн икки манзиллик йўл юргандин сўнг Однамурод отлиғ қудуқнинг ҳаволисида ярим оқшом чоғи изидин етиб, ётғон ерида балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний янглиғ устига тўкулдилар. Ва йигирма икки кишисин тифи интиқом била қатлға еткуруб, бошин кесдилар. Ва бировин асорат қайдиға чекдилар. Аммо бирови туннинг қоронғулиғидин баҳодирларнинг чанги қаҳридин пиёда қочиб қутулди. Баҳодирлар боғийларнинг йигирма тўрт отин ва борча асбоб ва яроғин олиб, хурсанд ва хуррамлиғ била муовадат килдилар. Мазкур ойнинг ўн тўртида шанба куни атабай алайҳ мулозаматиға етиб, сарупойи фохира ва нуқуди вофира бахшишидин мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топдилар.

Маълум бўлсунким, ҳазрат зиллуллоҳий мазкур бўлғон ойнинг йигирма учидаги, сешанба куни Бухоро элчиси Мирзо Хонхожаға маҳсус мулозимларидин Раҳматуллоҳ халифани элчилик тариқаси била қўшуб, Бухорога ирсол қилди.

### **Отажон юзбошининг Бухороға озим бўлғон сорук муфсидлариға тифи шижаот хуирезлигидин рустахез солғони**

Чун Отажон юзбошиким, муборазатда шухраи оғоқ ва шижаатда зубдай аҳли қипчоқ эрди, саксон бир гузидаги отлиғ била мазкур бўлғон ойнинг авоситидаги ҳазрат зиллуллоҳийдан рухсат олиб, Рафатак йўлидин Бухороға қатнайтурғон сорук муфсидлари қасди учун озим бўлдилар ва дарёйи Аму каноридин қатъи манозил қилиб, Тошохур мавзеъиға етгандин сўнг кумға кириб, бир неча кун илғор этиб, Рафатак йўлиға еттилар. Анда ҳеч кишини тополмай ўтуб, Чоғилли отлиғ йўлиға озим бўлдилар. Ва ул йўлда Бухородин Марвға боратурғон уч отлиғ сорук ва бир отлиғ тоҷикнинг устидин дохил бўлуб, от солиб, учовин тутуб, қатлға еткурди. Аммо бировиким, тоҷик эрди, баҳодирларнинг чанги интиқомидин маркаби чобуклигидин қочиб қутулди ва мундин сўнг ҳамул йўл била Марв жонибиға илғор қилдилар. Токим Марвнинг бир тарафидин дохил бўлуб, дастбурди азим еткуруб қайтгойлар.(434<sup>6</sup>)

Чун бу ният била борур эрдилар, ногоҳ Марвдин Бухороға боратурғон ва амирга от ва пешкаш элтатурғон ўтуз отлиғ сорук баҳодирларнинг муқобаласидин чиқо келгайлар. Баҳодирлар тифи шижаатни ниёми ғайратдин чекиб, якрони жалодатға маҳмиз бериб, салоботи тамом била от солдилар ва муфсидлар даги бир

ерда событқадам бўлуб, муҳораба ва муқотала ҳангомасин қиздурдилар. Охиру-л-амр баҳодирларнинг ҳамлоти сарсарнишониға тоқати муқобалат келтура олмай, водийи ҳазиматға рўйгардон бўлдилар. Баҳодирлар таоқиб қилиб, тифи тез ва синони хунрез зарби била фасод аҳлидин ўн кишини мақтул этдилар. Ва бирорин асири занжири уқубат қилиб, кўб от ва яроғ ва асбоб дасти тасарруфлариға киргузуб, мурожаат қилиб, муҳаррам ойининг ўн бирида, жумъа куни келиб, даргоҳи фалакпойгоҳ мулозамати шарафиға фойиз бўлуб, сарупои шоҳона ва мулотифати хусравонадин сарафролиғ топдилар.

### **Ҳазрат зиллulloҳийнинг жаҳони фоний ғамхонасидин риҳлат кўргузмаги ва олами бокий сайриға азимат оҳангин тузмаги**

Бу мажмуаи ҳасратанлизнинг воқеъанигори ва бу саҳифаи кулфатомизнинг афсонагузори, аъни қалами мотамиқтирон бу янглиғ яқо йиртиб, ашқифишонлиғ кўргузурким, чун ҳазрат зиллulloҳийнинг мизожи шариф ва табъи латифиға кўб муддатдин бери касали сақил ориз бўлуб, бир нима тахфиф топмиш эрди. Ул аснода замири муниридин рафъи малолат ва дафъи кудурат қилмоқ учун сайри сахро ва касби ҳаво иродаси била тарихи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккода, йилон йили, офтоби оламтоб далв буржидин толеъ эрди, муҳарраму-л-ҳаром ойининг ўн бирида, жумъа куни доруссалтанаи Хивакдин рукуб қилиб, дарёйи Амунинг шимолия жониби ўтуб, бир неча кун сайру шикор умуриға иштиғол кўргузди. Аммо ҳамул сафарда шиддат касали кун-кундин мазид ва музоаф бўла бошлади. Чун ниҳоят сайри Қиснок дарбандининг жанубия тарафида Габр қальасига етиб эрди, мараз суъубатининг шиддати ҳаддин афзун бўлуб, жисми саодатнишони заъфу нотавонлиғ бистариға йиқилди ва сафар ойининг иккilonчи кечасиким, жумъа оқшоми эрди, саҳарга қарийб рухи аршпарварди “иржеъий ило робики розийатан марзийа”<sup>76</sup> нидои хушнавосин сомиъян қабул била масмуть этиб, “валлоҳу йадъу ило дори-салом”<sup>77</sup> ишратхонасиға озим бўлди ва “фий мақъади сидқин ъинда маликин муқтадир”<sup>78</sup> маснадида ором тутуб, “куллу нафсин зоиқоту-л-мавт”<sup>79</sup> саҳбосин нўш қилиб, вахдат нашъасидин сархуш ва раҳмат шоҳидиға ҳамоғуш бўлди.

**Рубоий:**

Фарёдки, чархи ситаму зулмшиор,

Бераҳмлик ойинини айлаб изҳор.  
Султони фалакжоҳ вафоти бирла  
Оlamни азолик айлади охири кор.

Ва ул ҳазратнинг муддати умри ўтуз икки йил ва муддати салтанати уч йилу уч ой эрди. Ва ул ҳазратдин бир соҳибсаодат ўғул ёдгор қолдиким, Мұхаммад Исо тўраға мавсумдур, “таввалаллоҳу таоло фий ҳусули-л-мақосиди умриҳи ва иқболиҳи”<sup>80</sup>.

### Маснавий:

Оҳқим, чархи инқилобшиор,  
Доимо кажлик айлабон изҳор.  
Халққа зулм айламак ишидур,  
Ситам этмак ҳамиша варзишидур.  
Кимсани кўрса бир нафас хуррам,  
Қилғуси мубталойи меҳнату ғам.  
Ким муроди била гар ўлса шод,  
Номурод айламакдур анга мурод.  
Кимки сур ичра қилса бир ишрат,  
Еткуур мотам ичра юз ҳасрат.  
Ком ила ким етурса оғзиға жом,  
Жомини синдуруб қилур ноком.  
Турфа жаллод эрур, басе берахм,  
Не анга бор риояу не раҳм. (435<sup>a</sup>)  
Элни ноком айлабон қўймас,  
Кулфатанжом айлабон қўймас.  
Янги ой шакли бирла тортиб тиф,  
Қатл қилмоқға доим айлар биғ.  
Зулм ила борчани қатл айлар,  
Хок аро жисмини залил айлар,  
Чекмаган меҳнатини бир киши йўқ,  
Кўрмаган заҳматини бир киши йўқ.  
Зулмидин дарднок эрур борча,  
Тифи бирла ҳалок эрур борча.  
Ситамдин улусга қон ютмоқ,  
Бир-бири ҳолиға азо тутмоқ.  
На ёмон қолғуси, на яхши омон,  
Барча жаврин чекардадур яксон.  
Гарчи еткургуси гадоға ситам,  
Лек юз онча подшоҳға ситам.

Кўргузуб нуктада таблиғу диққат,  
Бу сўзимга тилар эсанг ҳужжат.  
Кўрки оламда баҳру бар шоҳи,  
Ҳукмронлиғ румузи огоҳи.  
Шоҳлиғ тахтиға қадам қўйғон,  
Тож давлат бошиға ҳам қўйғон.  
Адл ила даҳрни қилиб бўстон,  
Бўлғон аҳли жаҳонға роҳати жон.  
Салтанат боғининг шигуфта гули,  
Шоҳи кишварпаноҳ Раҳимқули –  
Ки, салотини даҳр аро эди ток,  
Адлидин гулистон эди оғоқ.  
Ёрлиғе жорий эрди ҳар ёнға,  
Куллуғи фахр хону хоқонға.  
Савлатидин фалак эди ҳайрон,  
Ҳайбатидин замин эди ларзон.  
Қаҳридин хавфнок ўлуб Баҳром,  
Тифидин моҳи навға ҳам андом.  
Мулки оғоқдин васеъ эрди,  
Ҳукмиға шоҳлар мутеъ эрди.  
Етган овозаси жаҳон ичра,  
На жаҳон, аҳли осмон ичра.  
Чолиниб кўси навбати ҳар ён.  
Етибон файзи давлати ҳар ён.  
Даҳрни тутғон эрди дабдабаси,  
Чархдин ўтган эрди кавкабаси.  
Ҳашматидин хижил эди Жамшид,  
Рифқатидин қавий эди хуршид.  
Эди Афросиёбу Искандар,  
Хизматида камина бандай дар.  
Эрди Фарфинусу Афлотун,  
Донишу ҳикмати қошида забун.  
Беадад эрди мулку моли ҳам,  
Жоҳ аро йўқ эди мисоли ҳам,  
Даҳр сultonларидин олиб бож,  
Бахш этар эрди шоҳларға тож.  
Анга дағи сипехри бебунёд,  
Кўргузуб расми зулм ила бедод.  
Тортибон зулм тигини охир,

Айлади жони биғини охир.  
Ойириб мулку молу рахтидин,  
Тахта узра тушурди тахтидин.  
Ерга хуршиддек қилиб пинҳон,  
Қаро туфроқ тубини қилди макон.  
Ноумид этди хонумонидин ҳам,  
Кўнглинин тинч қилди андин ҳам.  
Мотами ичра айлабон ғамнок,  
Ахли давронни айлади яқочок.  
Оҳидин еткуруб фалакка тутун,  
Солди даҳр ахли бошиға қаро кун.  
Ғаму ҳижрони ичра ахли сипоҳ,  
Чекди кўк авжи узра ўтлуг оҳ.  
Фуқаро фурқатида йиғлаб қон,  
Бузди оламни тортибон ағон.  
Оҳким, ман дағи бу ҳасратдин,  
Бу сифат жонгудоз кулфатдин.  
Ғусса илки била қилиб яқочок,  
Ҳар неча айлаб ўз-ўзимни ҳалок,  
Топмадим ҳеч чора бу ғамға,  
Буйла меҳнатфазой мотамға.  
Эмди айлаб дуосини ойин,  
Кўнглум ўтиға еткурай таскин.  
Бориб ул хусрави хўжастахисол,  
Раҳматингдин қилиб уммиди висол.  
Силкибон доманини дунёға,  
Айлади азм мулки уқбоға.  
Базми васлингдин айламай навмид,  
Комёб айлагил они жовид.  
Сархуши бодаи мурод айла,  
Рухини жаннат ичра шод айла.  
Хуру ғилмонни хайлу чокари қил,  
Жумлаи жаннат ахли сарвари қил.  
Караминг тожидин сарафroz эт,  
Равза ахли ичида мумтоз эт.

Дониш ахлининг хотири хатирлариға маълум бўлсунким, бу нусхай мухтасар таълифи ҳазрат зиллуллоҳий ғуфропаноҳийнинг вафоти маломатсамъотидин ўттуз беш кун сўнг, санаи ҳижрия минг икки юз олтмиш иккода, йилон йили, рабеъу-л-аввал ойининг

тўртида, душанба куни ихтитом топди. Саҳву хато ва нуқсонин айб қилмай, маъзур тутсунлар. Балки, лутфу карам кўргузуб, ислоҳ берсунлар, Илоҳо, Тангри таоло ҳаммани мақосид ҳусулидин комёб қилғой. Омин.

**Тамматул-китоб биъавни-л-малики-л-Ваҳҳоб. 1298 сана.  
Роқими ин китоб Мулло Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Карим  
девон марҳумий, ғафара Аллоҳу зунубаҳумо ва сатара  
уйубаҳумо.**

## **Куръони карим оятлари, ҳадислар, арабча жумлалар ҳамда форсий шеърларнинг таржима ва изоҳи**

1. Агар сен бўлмасанг, фалакларни яратмаган бўлардим. (Ҳадиси қудсий)
2. Кейин икки камон масофасида ёки ундан ҳам яқинроқ жойда тўхтади (53-9)
3. Мен ер юзида ўзимга халифа яратурман. (2-30)
4. Албатта, Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюради. (16-90)
5. Батаҳқиқ, биз сизга равshan ғалаба бердик. (48-1)
6. Ва (Оллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Оллоҳ томонидан бўладиган ғалаба ва яқин(да рўй бергувчи Макка) фатҳидир. (61-13)
7. (Бир ишга) буюрилган (одам ўша ишни бажаришда) узрлидир.
8. Оллоҳ йўлида курашган зотлар – ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. (2-218)
9. Оллоҳ уни яхшилик ва хайр билан улуғласин.
10. У зот икки денгиз – дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб кўйди. (55-19)
11. Таърих:

У улуғворликда ягона подшоҳнинг сипоҳи юлдузлар,  
Унинг макони фалак ва қуёш унинг байроғидир.

Шу туфайли жумла олам султонлари

Унинг хизматида бўлмоқликни лозимдан ҳам лозимроқ санайдилар.

Ҳатто ҳеч нарсани писанд қилмайдиган чархи саркаш ҳам,  
Унинг эҳтиромида нотавонлик билан қаддини ҳам қилиб туради.

Унинг ёруғ адолат офтоби ўз шульаси билан

Дунёдаги нурларнинг энг улуғвори ҳисобланади.

Унинг мадҳини баён қилмоқда

Замон шоирларининг тиллари лолдир.

Шаҳзода Раҳимқули султоннинг

муборак номи (Бисмиллаҳир-раҳмонир-раҳийм) калимасининг хатмида (сўнгида) ёки муҳр (узук)да келади.

Унинг хотирида ғазот истаги уйғонди,

Бу Худо йўлида, Яратганнинг изни билан бўлди.

Шу мақсадда Хуросони куфрободга

Ўзининг хос лашкари билан йўл олди.  
Суръат билан йўл босмоқдан мақсади  
Куфронা расм-русумларга барҳам бермоқдир.  
Ё раб, унинг мақсади раво бўлсин,  
Уни мурод ҳосили билан хуррам қил.  
Бу хайрли сафар таърихини  
Огаҳий айтадики:  
Унинг зафарли юриши таърихи  
“Бигзашта аз сари ихмол” иборасида битилди.

